


И (Всеет)
В-97

ВЬЕТНАМ ҲИКОЯЛАРИ



И(Вьет)
В97

ВЬЕТНАМ ҲИКОЯЛАРИ



02

БИБЛИОТЕКА КГИ

Инв. № 37736

105 г.



ЎзССР ДАВЛАТ БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ - 1960.

СҮЗБОШИ

Хиндистон, Хитой ва Вьетнам халқлари қадим замонлардаёк юксак тараққий этган маданиятга эга эдиilar.

Бошқа Шарқ халқлари сингари Вьетнам халқининг ҳам оғиздан-огизга, авлоддан-авлодга ўтиб келган поэма ва қўшиқ шаклларидағи бой фольклори бўлган.

Король ва феодалларнинг жабр-зулмларига қарши доимий халқ галаёнлари, босқинчиларнинг бебошликлари ва янги ҳужумлар хавфхатари Вьетнам халқининг оғзаки ижодида ўз ифодасини топган. Халқ ижодиётининг қаҳрамони ҳамавақт ёвуз одамларга ва жинларга қарши курашиб келган баҳодир бўлларди. Кўпинча бу баҳодир қаҳрамон камбағал-декон образида тасвирланар ва сотқин-савдогар ёки олчоқ помешчикка қарама-қарши қўйилар эди.

Вьетнамликлар XIII асргача хитой ёзувидан фойдаланиб келдилар.

Бу ёзув то XX асргача расмий қўлланиб келди. XII—XIII асрларда «ном» («оммабоп») деб аталувчи миллий ёзув майдонга келиб, дастлабки миллий адабиёт намуналари шу ёзувда яратилган эди. Қейинчалик вьетнам ёзуни хозирги шаклдаги лотинлаштирилган куок-ниги шрифти қабул қилингунча, доимий равишда ўзгариб турди.

XV асрда Вьетнам мустақил давлат бўлиб олгандан кейин сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан тез ривожланиш даврига кирди. Шу билан бир вақтда маданий юксалиш даври ҳам бошланди. Бу биринчи галда вьетнам адабиёти ва санъатининг уйғониш ва ривожланишида кўринди.

XV асрда «Илҳом милибари» ёки унда қатнашаётган шоирларнинг сонига кўра, «Йигирма саккиз юлдуз академияси» номли биринчи миллний шоирлар академияси майдонга келди. Бу академия янги

безувни оммалаштириш ва миллий адабиётни юксалтиришда кўп ишлар қилди.

Бироқ въетнам адабиёти XVIII асрга келибгина равнақ топа бошлиди. Худди шу вақтда въетнам поэзияси ва прозасининг ажойиб намуналарида миллий адабий тил батамом шаклланди; кўзга кўринган қатор безувчи ва шоирлар майдонга келди, булар орасида, айниҳса уч ном алоҳида ўрин тутади, булар: Доан Тхи Дъем, Нгуен Зу ва Хо Суан Хонглардир.

Доан Тхи Дъем—«Солдат қиз иоласи» дегани каттта лирик поэма-нинг авторидир; у ўз асарида халқнинг азоб-уқубати ва ғазабини зўр куч билан кўрсатиб берган биринчи шоирадир. У ўз поэмасида эрини жангга жўнатган аёлнииг оғир қисматини тасвирлайди. Жонли, равон тил билан ёзишган бу поэма въетнам халқнинг асрлар давомида тинчлик ва адолат учун курашиб келганини акс этдиради.

Въетнамнинг отоқли шоирларидан яна бирни Нгуен Зудир. уни ўз ватанида въетнам Пушкини деб атайдилар. Нгуен Зу въетнам адабиётининг равнақ топишида катта роль ўйнади. Зу ўзигача асос солинган миллий адабий тилни ривожлантириди ва маълум тартибга солди. Унинг 3254 мисрадан иборат «Ким Ван Қьеу» номли поэмаси ҳаққоний равишда XVIII аср охирлари ва XIX асрнинг бошларидаги въетнам ҳаётининг энциклопедияси деб аталади. Нгуен Зу узоқ вақт Хитойда Въетнам дипломатик миссиясини бошқариб турганда, хитой классик адабиётини мукаммал ўрганди, бу адабиётнинг энг яхши намуналари унинг ижодига катта таъсир кўрсатди.

Ниҳоят, въетнам адабиётининг учинчи класиги ажойиб шоира Хо Суан Хонгдир. Хо Суан Хонгнинг поэтик мероси чуқур мазмундорлиги, ўткир оғаризми, услубининг гўзаллиги билан кишини хайратда қолдиради. Тутқунликнинг аччиқ қисматини бошидан кечирган шоира ўз асарларида аёлларни ҳуқуқсиз қилган ва таҳқирилаган феодализмнинг жирканч негизини қоралади. Узоқ вақтгача Хо Суан Хонг поэзиясини адабсизларча ёзишган деб ҳисоблаб келдилар, унинг социал масалаларни майдонга ташлашдаги оригиналлиги ва ўткирлиги тўғрисида сўз юритмадилар. Мана эндиғина, янги Въетнамда, шоиранинг ажойиб ижоди халқнинг тўла, ҳақиқий ҳурматига сазовор бўлди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида французлар томидан Ҳинди-Хитойни забт этилиши иатижасида въетнам адабиётида тушкунлик юз берди. Мамлакатга бостириб кирган колонизаторлар халқ санъатини оёқ ости қилдилар, ўзларининг маънавий жиҳатдан бузуқ маданиятларни ўрнатишга уриниб, въетнам халқ тилини таҳқириладилар. Бу ишда уларни реакцион давлат амалдорлари билан феодаллар қўллаб-қувватладилар. Бироқ илғор въетнам адиллари ҳар қандай қийинчиликларга қарамай миллий адабиётни ҳимоя қилдилар. Улар

колониал зулм шаронтида ҳозирги замон въетнам адабиётининг пойдеворини қурдилар.

ХХ аср бошларида демократик ҳаракат кучайиши билан колонизаторларнинг жабр-зулмига, помешчик ва судхўрларнинг ҳукмронлигига, онла, турмуш ва кишилар оғидаги феодал урф-одатларига қарши қаратилган асарлар пайдо бўлди. Янги оқимдаги ёзувчилар турли хилдаги оппозицион сиёсий группалар («Токио таълими», «Вьетнамни тиклаш жамияти» ва ҳоказолар) фаолияти билан алоқада эдилар. Ёзувчилар орасида эндигина дунёга келган миллий буржуазиянинг ўз ҳуқуқини сақлаб қолиш учун қилаётган ҳаракатларини акс этдирувчи жамоат арбоблари, колонизаторларга қарши ўткир памфлетлари билан чиқкан адабиётшунос, публицистлар ҳам бўлдиларки, Фан Бой Тяу (1867—1940) ва Фан Тю Чинь (1871—1926) шулар жумласидандир.

Кейинги йилларда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва Хитойда бўлиб ўтган буюк революцион воқчалар таъсирида янги миллий адабиётнинг туркураб ўсиш процесси юз берди. Бу нарса йигирманчи йилларга келиб, Фарбда мавжуд бўлган барча асосий адабий жанрларни въетнам адабиётида узил-кесл шакллантирди.

ХХ аср ўтизинчи йилларнинг боши Вьетнам тарихига въетнам халқининг колонизатор ва уларнинг малайлари бўлған феодалларга қарши йирик қўзғолонлар кўтариш йили бўлиб кирди. Биринчи марта, Нге Ан ва Ха Тииъ (Урта Вьетнамниң шимоли) вилоятларида халқ советлари тузилди. Завод ва фабрикаларда, плантация ва денгиз портларида иш ташлашлар кучайди. 1930 йил 6 январда Гонконгда машҳур «Стадиондаги конгрессда» Хинди-Хитой Коммунистик партияси¹ ташкил этилди. Бу партия миллий-озодлик ҳаракатини уюштирища катта роль ўйнади.

Бу воқиалар миллий адабиётнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Албатта, Вьетнам воқелигидаги чуқур социал процесслар турли ёзувчиларга турлича таъсир кўрсатди. Баъзилари миллий озодлик ҳаракатининг қенг қулоч ёйишидан чўчиб, илгариги демократик маслакларидан бош тортдилар-да, тушкунликка юз тутдилар; бошқа бирлари, аксинча, ўз халқининг ҳаққоний курашида янада фаол қатнашдилар. 30 йилларнинг ўрталарида колонизаторлар Вьетнамдаги революцион ҳаракатни бостирганиларидан кейин бу икки гуруҳ яққол ажralиб қолди. Оқ террордан қўрқсан баъзин шоир ва ёзувчилар «санъат санъат учун» деган назарияни тарғиб этиб, ноумидлик билан

¹ Хинди-Хитой Коммунистик партияси 1945 йил ноябрингача, яъни МК пинг ўз-ўзидан тарқалиш ҳақидаги қарори чиққунча яшади. 1951 йилининг мартада Лао-дошг партияси ёки Вьетнам меҳнаткаплар партияси тузилди.

сўлғин ғуллар ва баҳтсиз севгӣ ҳақида куйлай бошладилар. Баъзи ёзувчилар эскирган академик поэзияга қарши кураш ниқоби остида символизмни ёқлаб чиқдилар. «Янги поэзия» деб аталган ҳаракатининг пойдевори қурилган эди. Ҳақиқатан эса, бу оқим ҳам шаклан, ҳам мазмунан XIX ва XX асрлардаги француз тушкунлик поэзияси традициялари билан сугорилган эди. «Янги поэзия» тарафдорлари адабиётда ғоясилизикнинг маддоҳлари бўлиб қолдилар, уларни на ўз халқларининг ҳақиқий ҳаёти, на ватанларининг тақдирни қизиқтирмай қўйди.

Бироқ шу ўттизиничи йилларда въетнам адабиётида бошқа бир гоя — реализм ғоясининг белгилари ҳам пайдо бўлган эди. Бу гоя турли тушкунлик оқимларига қарши курашда ривожланди, шаклланди ва мустаҳкамланди.

Реализм поэзиясига кириб келаётган янги адабий кучларни уюштиришда ўша пайтда ҳали ёш бўлган Ҳинд-Хитой Компартини катта хизмат қилди. Иккинчи жаҳон уруши бошланишидан илгарироқ коммунистларнинг ташабуси билан кенг кўламда адабий мунозара ўтказилди, бунда «санъат санъат учун» деган тезис таниқид қилинди.

Бу мунозара натижасида «санъат турмуш учун» деган тезис тасдиқланниб, барча илгор въетнам ёзувчи ва шоирларини шу тезис асосида ижод этишга чақирилди. Въетнам реалист ёзувчилари ўзларига Максим Горькийни устод қилиб танладилар. М. Горькийнинг «Она» романни худди ана шу вақтда въетнам тилига таржима қилинди. Таржимани амалга оширган бир гуруҳ коммунистлар бу билан въетнам ёзувчилари қўлига пролетар адабиётининг тенгсиз намунасини тутқаздилар. Унга эргашиш ҳар бир замонавий ёзувчи учун шарафли бурч бўлиб қолди.

Въетнам тилига машҳур тарихчи ва ёзувчи Нго Тат То томонидан таржима қилинган яна бир совет адабиёти намунаси Серафимовичнинг «Темир оқим» романидир. Бу роман ҳам шу даврда въетнам адабиётига салмоқли таъсир кўрсатди.

Янги въетнам адабиётининг вужудга келиши Ву Чонг Фунг, Нго Тат То, Нгуен Хонг, Нам Као, Чан Данг, То Хиу, Нгуен Конг Хоан номлари билан чамбарчас боғлиқdir. Кейинчалик булар ёнига ҳозирги замон въетнам адабиётига асос солган кўпгина бошқа ёзувчи ва шоирлар ҳам қўшилдики, улар мустақилликни қўлга киритиш вэ 1945—1954 йиллардаги Қаршилик курашлари даврида майдонга келдилар.

Иккинчи жаҳон уруши Въетнамга янги баҳтсизликлар келтириди: петенистларнинг рағбатлантириши билан мамлакат янги душман-фашистлар Япониясининг қийноғига ташлаб қўйилди. 1940 йилдан бошлаб въетнам халқи фақат француз империалистларига

қаршигина эмас, балки япон империалистларига ҳам қарши қонли кураш олиб боришга мажбур бўлди.

Шу пайтдаи бошлаб мамлакатда миллий-озодлик ҳаракати янги ривожланиш даврига ўтди.

1941 йилнинг бошларида Вьет-Мин деган ягона миллий фронт ташкил этилди, бу фронт Вьетнам жамиятининг барча ватанпарварлик руҳидаги кишиларини — пролетариат, деҳқонлар, шаҳар ва қишлоқ майда буржуазиясини, йирик миллий буржуазия ва помешчикларнинг бир қисмини ўз сафинга бирлаштирди. Бу ягона миллий фронтининг ташкилотчиси ва раҳбари вьетнам пролетариати билан компартия бўлди. Вьет-Мин бошчилигидаги ватанпарварлар лагерига қарши компрадорлар, йирик реакцион буржуазиянинг бир қисми ва йирик феодалларнинг реакцион лагери кураш олиб борди.

Мамлакатдаги синий кучларнинг айрилини вьетнам жамиятининг антагонист сиифлари ўргасидаги ички курашни акс этдириди.

Бу шароитда ёзувчилар ҳам бир четда қола олмадилар. Улар орасидаги ватанпарварлар Вьет-Мин қаторига қўшилдилар. Колонизаторлар ҳокимиятининг қонли террори ва цензуранинг революцион руҳидаги асарларни нашр этишин таъқиқлашига қарамай, ёзувчилар душманга нафрат ва ватанга муҳаббат руҳи билан суғорилган китоблар яратишни тўхтатиб қўймадилар.

Бу адабиёт қўй ёзма шаклида ҳам, оғиздан-оғизга ўтиб ҳам халиқ оммаси орасига кириб борди, уларда ватанпарварлик туйғусини уйғотиб, озодлик ва миллий мустақиллик учун курашга отлантириди. Уша пайтдаги вьетнам адабиётининг кўпгина ажойиб намуналари Август революциясидан¹ кейингина босилиб чиқди. Масалан, машҳур шоир То Хуннинг кўпгина шеърлари, Вьетнаминг кўзга кўриниған ромаҷиларидан бирин Нам Қао асарлари революция натижасида юзага чиқди. Нам Қаонинг «Ҳазон бўлган умр» номли йирик романни революциядан кейинги давргача номаълум эди.

Шу билан бир вақтда колонизаторлар хизматига ўтиб кетган сотқин ёзувчилар газета ва журнallарнинг ҳокими бўлиб қолдилар. Типография ва нашриётлар ўшаларнинг хизматида бўлди. Ҳокимият тепасидагиларнинг қўллаб-қўлтиқлашларидан фойдаланган бу бир тўда сотқин қаламакашлар Япониянинг «Буюк Осиёси» ва Петенинг «Миллий революцияси» ни² зўр бериб тарғиб қилдилар. Шу лагерга мансуб ёзувчилар орасида «Тарихий турмушни ёзиш» деган нарса билан шуғулланувчи ёзувчилар ҳам бор эди. Улар ўз ижодла-

¹ Август революцияси 1945 йилнинг 19 августида рўй берди, бу революция натижасида Вьетнам демократик республикаси эълои қилинди.

² Колониал халқларни алдаш учун тўқилган француз фашистларнинг реакцион ғояси.

рида феодализмни ҳамма бало-қазонинг давоси деб, уни мустаҳкамлашга ҳаракат қилдилар. Бундай чучмал «сторий романларда» въетнам халқининг тарихи бузиб кўрсатилди, реал воқелик уйдирмалар билан аралаштириб юборилди, Вьетнамнинг ҳақиқий душманлари дўст қилиб кўрсатилди, масалан, Хитой въетнамликларнинг азалий ва шафқатсиз душманига айлантирилди. Асарларда умри тугаган қадимий маданиятни кўкларга кўтариш тарғиб этилди. Уларнинг асосий вазифаси — въетнам халқининг келажак ёрқин ҳаётга бўлган ишончнин таг-томири билан қуритиш, унинг озодлик учун бўлган интилишини бўғиб ташлашдан иборат эди.

Бироқ кенг жамоатчилик реакцион асарларни қоралади. Ўша йилларда Компартия ва Вьет-Мин фронти ташкилотчилари томонидан кўп миқдорда босилиб, бутун мамлакат бўйлаб тарқалган яширин газета ва журналлар катта шуҳрат қозонди. Бу адабиётни кенг жамоатчиликка тарқатувчи матонатли революционерлар ҳам топилди.

Яширин адабиёт ватанпарварлик, ватан хоннларига нафрат ғоялари билан сугорилган бўлиб, халқни миллий мустақиллик ва озодлик учун сафарбарликка чақирди. Коммунистлар партияси раҳбарлик қилган бу яширин адабиётнинг ўзи ҳам шу курашда ўсиб чиникди.

1943 йилда Ҳинди-Хитой Коммунистик партияси въетнам маданияти масалаларига доир қарор қабул қилди. Маданиятнинг халқ билан чамбарчас алоқада бўлиши, фан ва санъат кенг халқ оммаси манфаатларига хизмат қилиши зарурлигини ифода этувчи «Миллат — фан — омма» деган тезис эълон қилинди. Шу билан бир вақтда Вьет-Мин фронти доирасида «Маданият ходимларининг ватанини сақлаб қолиш ассоциацияси» ташкил этилди. Бу ассоциация ўз қаторига барча реалист-ёзувчиларни жалб этиб, уларга раҳбарлик қилди, уларнинг ижодларини юксак ғояли халқчил асарлар яратишга йўналтириди.

Бу вақт орасида иккинчи жаҳон уруши тугалланай деб қолди. Гитлерчилар германияси енгилди, бир неча ойдан кейин эса, фашистлар японияси ҳам мағлубиятга учради.

Япониянинг тор-мор этилиши Вьетнам тақдирига жуда катта таъсир кўрсатди: Квантун армиясининг таслим бўлиши Вьетнамда умумий қўзғолон кўтарилишига сабаб бўлди. Голибона қўзғолон натижасида 1945 йил 2 сентябрда Ханойдаги Ба-Динь майдонига тўплланган ярим миллион халқ олдида Хо Ши Мин Вьетнамни Демократик Республика деб эълон қилди. Шундай қилиб «Янги демократия характеристидаги республика тузилди».¹

¹ Труонг Шини — Вьетнамда Август революцияси М. 1954. 26 бет.

Бироқ ВДР эълон қилингандан кейин қўп вақт ўтмай, чет эл давлатлари, биринчи галда Франция, АҚШ ва Англия Вьетнамда буидан буёни халқ-озодлик революциясини авж олдирмасликка зўр бериб ҳаракат қиласилар. Империалистлар шармандаларча бўхтонлар юргизиб, очиқдан-очиқ ҳужумлар уюштирганиларидан сўнг эркесвар халиқа қарши қабиҳ уруш очдилар. Бутун Вьетнам халқи ўз Ватанини ҳимоя қилиш учун агрессорларга қарши курашга отланди. Саккиз йил давом этган умумхалқ Қаршилик кураши бошланиб, бу кураш 1954 йилда вьетнам халқининг ғалабаси билан тугади.

Саккиз йил давом этган Қаршилик кураши фақат миллий баҳтисизлик, душман билан яккана-якка олишув йиллари бўлибгина қолмай балки вьетнам халқи учун катта ижодий меҳнат йиллари ҳам бўлди. Бу йиллар орасида қаҳрамони вьетнам халқи ўз давлатини барпо этиб, уни мустаҳкамлади, қишлоқларда феодализмга қарши муваффақиятли суратда кураш олиб борди, янги демократик маданиятнинг пойдеворини қурди.

Қишлоқда феодал-номешчиклар мулкчилигини тугатиш юзасидан 1954 йилда бошланган тарихий ўзгаришлар бутун Вьетнам давлатининг қиёфасини ўзгаририб юборди. Бу ўзгаришлар ҳали тугагани йўқ. Лекин кўпчилик халқ оммаси аллақачон янги ҳаётни таниди. Агар реформа халқининг ижодий кучларини озод этиб, унинг маданий юксалиши учун имкон яратиб берди. Миллионлаб қишиларнинг билим олиш йўлида интилишлари — шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ҳаётининг яхшиланганилигидан далолат беради.

Илгари деярли ёппасига саводсиз бўлган халқ эндиликда саводсизликни тугатиш йўлига ўтди.

Маданият соҳасида эришилган катта ютуқлардан яна бири Вьетнамнинг кўпчилик майда миллиатлари орасида янги адабиётнинг майдонга келганилигидир. Улар орасидан талантли ёзувчи ва шоирлар этишиб чиқмоқда. Ҳозирги кунда уларнинг асарлари мамлекат бўйича машҳурдир. Шу шоирлардан бири Нонг Куок Тяндир. У тхо халқнинг вакили бўлиб, Шимолий Вьетнамнинг чегара вилоятларида олиб борилган Қаршилик кураши ва революцион воқиалар ҳақида ҳикоя қиласидиган «Вьет Бак босқинчиларга қарши урушда» деган машҳур эпик поэманинг авторидир.

Август революцияси ва урушдан кейинги мамлактдаги тинч ҳаёт шаронитлари маданиятнинг бошқа ходимлари олдига қўйгани сингари вьетнам ёзувчиларининг олдига ҳам чуқур ва ҳар томонлама ёритилиши лозим бўлган қатор мұхим масалаларни қўйди. Адолатсизлик ва жабр-зулмга асосланган эски жамиятнинг нуқсонларини фош этиш темаси аста-секин янги тузумни вужудга келтиришда ва уни мустаҳкамлашда қишиларнинг актив иштироки ва янги қишилар темаси билан алмашиниб бормоқда.

Бироқ ҳамма ёзувчилар ҳам ўз асарларида халқ ҳукуматининг халққа, ватанга келтирган янгиликлариниң чуқур ва ҳаққоний акс этдириш учун ўзларида етарли ижодий ва руҳий күч топа олганлари йўқ. Улардан кўпчилиги, шулар қаторида тажрибали ёзувчилар ҳам янги проблемалар қаршиисида катта қийиничилокларга дуч келмоқдалар. Вьетнам адаблари учун ҳалигача: «Нима ҳақда ёзмоқ керак? Ким учун ёзмоқ керак, қай тарзда ёзмоқ керак?» деган масала ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Вьетнам меҳнаткашлар партияси ёзувчиларга ёрдам бериш мақсадида уларга янги ғояларни давом этдириш билан бир қаторда миллий традицияларининг энг яхши намуналаридан фойдаланишини маслаҳат берди. Вьетнам меҳнаткашлар партиясининг бош секретари Чионг Тини ўзининг бир нутқида бундай деб кўрсатди: «... мамлакатимизнинг эски адабиётида вақт ўтини билан усти бекилиб қолган жуда кўп дурдоналар бор, уларни қидирниб топиш ва бир донасини ҳам қолдирмай тўплаб олиш зарур».

Вьетнам адаблари миллий классикларининг қимматли асарларини ўқиши билан бир қаторда Хитой ва Совет Иттифоқи адабиётларини ҳам қунт билан ўрганимоқдалар. Буларининг ҳаммаси вьетнам ёзувчиларига ўз ижодларида натурализм ва схематизмга чек қўйиб, халқга тушунарти бўлган ҳақиқий бадний адабиётлар яратишда ёрдам бермоқда.

Сўнгги йиллардаги вьетнам адабиётининг анализи, адабиёт олдинга ҳаёт томонидан қўйилган мураккаб ва турли-туман вазифалар шунни кўрсатадики, вьетнам ёзувчилари ўзларининг қийин ва фахрли бурчларини муваффақият билан бажариб келмоқдалар. Чиндан ҳам ҳали уларнинг ижодларида ҳозирги замон воқелиги ўзининг тўла ифодасини топганича йўқ. Кўп ҳолларда бадний адабиётда ҳали схематизм ва қуруқ ватъхонлик кўзга ташланиб туради. Аммо умуман олганда ҳозирги замон вьетнам адабиёти социалистик реализм методини эгаллаш йўлида сабот билан маҳкам турибди.

Нгуен Конг Хоан, Нгуен Динь Тхи, Нгуен Хюн Тионг, Нгуен Ван Бон, То Хоай, Бун Хиен, Ким Лан сингари Вьетнамнинг кўзга кўринган ҳозирги замон ёзувчилари ўз ҳалқлари ҳаётни ҳақида ажойиб асарлар яратиб, дадиллик билан ҳаётга кириб бормоқдалар.

Ушбу тўплам вьетнам прозасини рус ва ўзбек тилларига таржими қилиншдаги биринчи тажрибадир, шунинг учун ўз-ўзидаи маълумки, у ҳозирги замон вьетнам адабиёти ҳақида тўла тасаввур берга олмайди.

Тўпламга Вьетнамнинг машҳур ва маълум ёзувчилари билан бир қаторда адабиёт майдонига эндиғина кириб келган ёшларининг ҳам

ижодлари киритилган. Ҳикояларнинг кўпи Қаршилик кураши ва урушдан кейинги йилларда ёзилган бўлиб, уларда Вьетнам воқелигининг ранг-баранг манзараалари тасвиirlанаади. Буларда биз қишлоқни ҳам, шаҳарни ҳам, армия ҳаётини ҳам кўз олдимиизга келтирамиз. Бироқ тўпламга киритилган асарлардаги асосий, муҳим тема—халқнишиг миллий озодлик учун, янги озод демократик Вьетнам учун курашига бағишланади.

Бу жиҳатдан Нам Каонинг «Фронт йўлида», Нгуен Динь Тхининг «Тунги штурм», До Као Даигнинг «Денгиниң ҳаёти», Нгуен Конг Ханининг «Ўғри» ҳикоялари типик ҳисобланади.

Нам Као вьетнам адабиётининг энг машҳур реалист ёзувчисидир. У урушдан аввалги йилларда ҳам жуда кўн новелла ва эртакларнинг автори сифатида танилган эди. Нам Као ўзининг бу асарларида феодализм зулмиини фош этади. Ёзувчи японларга қарши уруш даврида фашизм ва колониализмининг бутун фожнаси бадиий образларда очиб ташланган «Хазон бўлган умр» номли йирик роман ёзди (роман Август революциясидан кейин нашр этилди). Нам Као Қаршилик уруши вақтида ҳам кўп ва баракали ижод қиlldи. Унинг ҳикояларини газета ва журнал саҳифаларида босилиб турди, алоҳида тўплам холида ҳам нашр этилди. Унинг энг яхши ҳикоялар тўпламидан бири бўлган «Чегара ҳикоялари» 1951 йилда босилиб чиқди. Шу йилнинг ўзида душман томонидан босиб олишган територияда партия ва ҳукумат топшириқларини бажараётган Нам Као колонизаторлар томонидан қўлга туширилниб, отиб ташланди.

Нам Каонинг «Фронт йўлида» номли ҳикояси Қаршилик курашининг дастлабки йилларига тааллуқlidir. Ҳажми унча катта бўлмаган бу ҳикояда у Вьетнам халқ армиясининг жанговар бир кунини жонли эпизодларда тасвиirlаб беради. Ҳикоялар устаси Нам Као икки-уч штрих билан характерни чизиб, бир жумла билан воқиа ривожланадиган шароитни кўрсатиб беради. «Фронт йўлида» номли ҳикояда халқ армияси ўз шоили тарихининг дастлабки йилларида қандай қийинчиликларга дуч келганини ҳаққоний акс этдирилган. Нам Као ўзининг бу ҳикоясида биргина эпизодни тасвиirlайди, лекин бунда халқ армияси дастлабки отрядларининг ғалабага бўлган зўр иродаси, уларнинг жанговарлиги ва қаҳрамонликлари тасвиirlанади.

Ёш, лекин Вьетнамда яхши танилган ёзувчи, шоир ва тапқидчи Нгуен Динь Тхининг «Тунги штурм» номли ҳикояси 1951 йилда ёзилган. Нгуен Динь Тхи адабиёт майдонига қирқинчи йилнинг бошлирида кириб келиб, ўзининг шеър ва қўшиқлари билан тез шуҳрат қозонди. Айниқса унинг «Фашизмга ўлим» номли қўшиғи катта муваффақият қозонди. Нгуен Динь Тхи бутун уруш даврини халқ армияси сафида ўтказди. У пойтахт полкнинг сиёсий комиссари

сифатида жуда кўп ҳарбий операцияларда, шу билан бирга Даен Бъен Фу бўсағасидаги жангда қатнашди. «Тунги штурм» халқ армиясининг қаҳрамонликларини тасвирловчи ҳикоядир. Автор ҳарбий лавҳаларни тасвирилаш билан ўзининг етук ижодкор эканини памойиш қиласди; бунда китобхон воқна қатнашчилари билан бирга нафас олади. «Тунги штурм» ҳикояси Нгуен Диң Тхининг материални аъло даражада билибгина қолмай, бадиний жиҳатдан тасвирилаб бериш қобилиятига ҳам эга эканини кўрсатади.

Въетнам қишлоқларига бағишиланган асарлар орасида То Хоай-нинг «Эр-хотин А Фулар», Ким Ланнинг «Бахтли тўй», Нгуен Конг Хоанинг «Үгри» ҳикоялари алоҳида ажralиб туради.

То Хоай адабиётта революциядан бир оз илгари, эндигина йигирма икки ёшга кирган чоғида кириб келди. Қишлоқ тўқимачиси онласида дунёга келган, меҳнаткаш дехқон ҳастини яхши билган То Хоай ўз ижодини Въетнам қишлоғини тасвирилашга бағишилади. Унинг роман ва повестлари — Въетнам камбагалларининг турмуши ҳақидаги реалистик воқиалар, халққа муҳаббат, уларни эзувчиларга нафрат билан тўлиб тошган лавҳалардир.

Қаршилик уруши вақтларида То Хоай кўп йиллар Шимолий Въетнамнинг шимоли-ғарб районларида хизмат қиласди. У узоқ тоғли қишлоқларда яшовчи миллатларнинг турмушини ўз кўзи билан кўриш учун юзларча километрлаб пиёда йўл босди. То Хоай тўплаган кўп ҳақиқий материаллар унинг 1953 йилда босилиб, китобхонлар томонидан зўр қизиқиш билан қарши олинган «Шимоли-ғарб» номли катта ҳажмидаги ҳикоялар тўпламига асос бўлгани. Китобга ёзишган сўз бошида автор, ундаги ҳеч қайси фактнинг уйдирма эмаслиги, айримларида ҳатто қаҳрамонларининг номлари ҳам ўзгартирилмаганилигини қайд қиласди. «Эр-хотин А Фулар»— шу сериядаги ҳикояларининг энг яхшиларидан ҳисобланади.

Бу ҳикояда колониал тузумда ҳуқуқсизликка маҳкум этилган икки киши — Ми деган аёл билан А Фу исмли эркакининг кишиниң ҳаяжонга соловчи тарихи тасвириланади. Феодал қишлоқнинг ваҳшиёна тартиблари, кўп хотин олиш, бойларнинг хотинлари бошига солинадиган азоб-уқубатлар, хўжайинларнинг ваҳшиёна зўравопликлари — буларнинг ҳаммаси Ми билан А Фу яшаётган ердаги воқе-лиkdir. Уларга, тортаётган азоб-уқубатларининг ниҳояси йўқдек туюлади, уларнинг хўрланишига ҳеч бир ипсон боласи чидай олмайди. Бироқ ҳикоянинг асосий қаҳрамони А Фу бундай файри инсоний кун кециришга қарши қўзғалиш учун ўзида куч топа билади ва ниҳоят ғолиб чиқади. Чексиз азоб чеккан, қишлоқ оқсоқоли ўғлининг хотини Ми, севгилиси А Фу билан жирканч хонадондан қочиб кетади.

Ким Ланнинг «Бахтли тўй» номли ҳикояси эски қишлоқ, унинг аҳолиси ва янги инсоннинг дунёга келишини тараннум этади. Бу

асарнинг бошланиши «Эр-хотин А Фулар» ҳикоясига ўхшаб кетади. Ким Лан ҳикоясининг қаҳрамони — Тхе ҳам А Фу сингари ҳамма хўрлайдигаң, камбағал, ҳуқуқсиз дечқон йигити. Ҳатто ўнга уйланиш ҳам жониз эмас: камбағалга ким тегарди? Революция, шу билан бирга аграр реформа дечқон ҳастини тубдан ўзгартириб юборади. У севгаги қизи Хоага уйланибгина қолмай, тенг ҳуқуқли граждан, қишлоқнинг «Ўз кишиси» бўлиб қолади.

Тўпламдаги қатор ҳикоялар вьетнам меҳнаткашларининг урупдан кейинги кунларига бағишиланган. «Ёргуликни сақлаб қоламиз», «Тикланган район» ва бошқа ҳикоялар шулар жумласидандир.

Нгуен Хонгнинг «Ўқитаман», Нгок Зяонинг «Кўзинг очилиши» сингарни ҳикоялари бошқачароқ характерга эга. Улардан биринчиси Вьетнамнинг кўзга кўринган ёзувчиси «Менинг болалик йилларим» (1938), «Ҳаёт» (1942), «Озодлик кечаси» (1951) сингари роман ва новелларниң авторига тааллуқлидир. Иккинчисининг автори машҳур новеллист Нгок Зядир.

Иккинчи жаҳон урушидан илгари ёзилган «Ўқитаман! ҳикояси камбағал болалари ўқийдиган колониал мактабни тасвирлайди. Биз ундаи оккупантлар ҳукмронлик қилган пайтларда бу мактабларда ҳаёт қандай шаронтда ва қай тарзда ўтганини билиб оламиз.

«Кўзинг очилиши» номли чуқур психологик ҳикояда Қаршилик уруши йилларида қамал қилинган шаҳарда яшаб, умумхалқ курашида қатнашмаган зиёлиниң виждои азоби тасвирланади. Асар қаҳрамони ғалаба куни ўз ватандошларининг шоду хуррам чеҳраларини кўриб уялади, виждои уни қийнайди. Ҳикоя қаҳрамони секин-аста ҳалқ олиб бораётган курашнинг тамомила ҳақ эканлигига тушуниб ета бошлайди, у энди ўзининг ҳалқ олдидаги гуноҳларини ювишга, фаровон ҳаёт қуришда умумхалқ ишига ўз ҳиссасини қўшишга қарор қиласди.

Ниҳоят, Нгуен Конг Хоан ҳикоялари устида тўхтаб ўтамиз. У Вьетнамнинг кекса, тажрибали ёзувчиларидан биридир. У «Янги артистлар», «Эй, Медо, бу ёққа!» каби романлар, «Боши берк кўчада», «Рангли ва рангиз расмлар» сингарни китоблар ва кўпгина асарларнинг авторидир.

Нгуен Конг Хоанинг охириги китоби —«Деҳқонлар ва помешчиклар» номли ҳикоялар тўплами вьетнам китобхонлари томонидан севиб ўқилмоқда.

Бу тўпламга ёзувчининг: «Ўғри», «Мунофиқ» ва «Қувонч» номли учта ҳикояси киритилган. Буларниң ҳаммаси Нгуен Конг Хоанинг ижодида асосий тема ҳисобланган — деҳқонлар темасига бағишиланган. Ҳикоя тилиниң равонлиги, образларининг ҳаққонийлиги китобхонлар диққатини ўзига жалб қиласди. Ёзувчининг қишлоқ амалдори — ҳалқ душмани ва мунофиқ киши тақдирини тасвирлаш

га бағышланған «Мунофиқ» номли асарини күрсатиб ўтиш қизиқар-
лидир. Мунофиқнинг ўлими автор томонидан кучли ва таъсири
иборалар орқали берилади ва бу билан эски ҳукмрон синф ҳало-
тининг символик тасвири күрсатилади.

* * *

Қадимги «Жануб мамлакати» деб юритиладиган ерда тинчлик
ўрнатиш билан въетнам халқи ўз тараққиётида янги даврга кирди.
Халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришдек қаҳрамонона мәҳнат
билан шуғулланиш иатижасида дастлабки салмоқли ютуқларни
қўлга киритди. Давлат қурулиши ва экономикаси билан бир қаторда
маданият соҳасида эришилган мувоффақият дунёдаги барча тинчлик-
севар халқларни шодлантириди ва хайратда қолдирди. Ҳозирги кунда
въетнам халқи янги ва порлоқ ҳаёт қуриш йўлидан дадил қадамлар
билан бормоқда.

Совет халқининг мардонавор въетнам халқига хайриҳоҳлиги
азалдан давом этиб келмоқда. Бу хайриҳоҳлик ҳозирда иккى халқ-
ининг биродарларча самимий дўстлнгига айланган. Совет халқи анча
узоқда бўлган бу мамлакат ҳасти билан яқиндан тапишиш учун бор
имкониятлардан тўла фойдаланмоқда. Ҳозиргача совет халқи қаҳрамон
въетнам халқи ҳақида Въетнамга сафар қилган совет ва чет эл
журналистларининг китобларини ўқиб кўп нарсалар билди. Совет
кинооператорлари томонидан суратга олинган «Въетнам» номли
фильм зўр қувонч билан қарши олиниди. Бироқ мамлакатни ўз кўзлари
билан кўрган кишиларининг маълумотлари қанчалик аҳамиятга эга
бўлмасин, бу нарса Въетнам воқелигининг турли-туман манзараларини
мукаммал равишда кўрсатиб бера олмайди.

Въетнам ҳақидаги билимларимизни бойитадиган маибалаардан
бири въетнам адабиёти ҳисобланади.

Оригинал ва чуқур реалистик мазмун билан суғорилган ҳозирги
замон въетнам адабиёти биздан узоқ, лекин кўнглимизга яқин бўл-
ган мамлакатининг талантли, мәҳнатсевар ва қаҳрамон халқи ҳаётини
яиада яқиндан билинш имкониятини беради.

НГҮЕН ХОНГ

У ҚИТАМАН

Бу мактаблар шаҳар атрофига тарқалган бўлиб, у ерларда уйлар бир-бирига зичлашиб кетган, жазирама ҳаво эса ботқоқ ва ахлатхоналардан чиққан қўланса ҳид билан тўла эди. Улар серқатнов катта кўчаларга яқин, одамлар ва ҳайвонлар ғужғон ўйнаб ётган боши берк, сассиқ, ботқоқ кўчаларда жойлашган эди.

Бу мактабда олти ўн ўшгача бўлган болаларга умри азобда ўтган, яшашдан чарчаган қариялар ёки ҳафсаласи пир бўлиб, ҳаётдан умидини узган ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги ўспириилар дарс берар эдилар.

Мактаблар худди таъқиб остидаги жиноятчилар сингари дам боғ бурчагига жойлашган ҳужраларга, дам иккинчи қаватдаги хилват омборхонага, дам бирор жишининг айвонига кўчиб иш олиб бораради.

Бунга сабаб шуки, қаишоқ ўқувчи· болаларнинг туғилганлиги ҳақида гувоҳномалари йўқ эди. Бундан ташқари, ўқитувчилар оворагарчилик кўп бўлгани сабабли ўқитувчилик қилишга рухсат олишмаган ва қолаверса қаҳатчилик йилларида мактаб учун дурустроқ бино топиб, жиҳозлар сотиб олишга қурблари етмас эди. Ўқувчилар ойига қирқ судан етмиш сугача пул тўлашгани ҳолда, яширин ва бунинг устига доим хавотирликда ўқишар, ўқитувчилар эса доимий ваҳима остида дарс беришиб, бу хизматлари бадалига ўзларининг қаишоқ оиласларини бир амаллаб тебратиш учун олти-етти пиастр¹!

¹ Пиастр — колонијал Въстнамда пул бирлиги. Бир пиастр 10 франк, бир франк 20 суга тенг.

пул олишарди. Ўқувчилар билан ўқитувчиларнинг ҳаёти ана шундай эди.

* * *

Мен уч йилдан ортиқроқ «муаллим ака» бўлиб ишладим, уч йилдан ортиқроқ яширипча дарс бериб, тирикчилигимни ўтказиб юрдим, меҳрибон онамин, эси паст, ишуд ўйгай отамии ва овсар синглимни боқдим.

Мен С. деган маҳаллада турардим. Эгри-буғри, тор, ювинди, мағзава босиб ётган кўчамизга адашиб кириб қолган кишиларнинг усти-бошларини ечиб олишарди. Бу ер чиқинди одамлар яшайдиган маҳалла эди. Бу ерда яшовчилар ҳар қандай ярамас ишни қилишдан тоймас эдилар, чунки бу ерда ярим ишсиз ҳаммоллар, рикшалар, қора ишчилар, нарсаларни кўтариб юриб савдо қилувчилар, европаликларнинг ўйнаш хотимлари, уччига чиққан фоҳишалар яшарди.

Бу маҳалланинг кўчасида доим қон тўклиб ётарди! Бунга ё қарта, ё қимор ўйинида ютқазиб қўйиш, ёки унча чиройли бўлмаса-да, лекин енгилтак бир қизнинг ҳаёсиз-ларча кулгиси сабаб бўларди.

Бироқ, бу одамларнинг ҳаммаси ҳам менга яхши муомала қилишарди. Ўқувчиларимининг ота-оналари қанчалик қўпол ва жоҳил бўлсалар-да, мени ҳурмат қилар эдилар. Ахир, мен муаллим, уларнинг болаларини саводхон қила-диган киши эдим-да!..

— Мана бу — С ҳарфи. У илмоққа ўхшайди. Бу ҳарф — О. У тухумга ўхаш юмалоқ. Янги ҳарф ясаш учун О га соқол қўйишимиз керак. Энди бошига қалпоқча кийгизамиш-да, яна янги ҳарф ясаймиз,— дердим болаларга.

— Ёдлаб олинг, Le dindon — бу курка,— деб ўқитардим уларни. La poule — товуқ. Pere — ота. Mere — она.

Ахлоқ ва гигиена, арифметика ва география дарслари-ни ўқитаман. Уч ой, ойнга қирқ судан, ҳаммаси бўлиб бир юз йигирма су — одатда қиморга ютқазадиган пул! Шу пулга ота-оналари ўз болаларининг ёзишга ўрганиб, саноқни билганларини кўришлари, мен ўргатган дарсни зўр бериб ёдлашларини хурсанд бўлиб эшитишлари мумкин эди:

Вақти келиб ўсар болалар,
Қарийдилар ота-оналар,
Она кўкрагида қолмас қатра сут,
Ота қадди букилиб, бўлади ишуд.

Болалар доимо эсда сақласин,
Ота-оналари хизматин,
Онанинг берган сутин оқласин;
Отага кўрсатсан ўз муҳаббатин...

Тўрт кишидан иборат оиласам уч йилгача муттасил менинг дарс бериб топган пулим ҳисобига яшади. Биз уч йилдан ортиқроқ икки хонали кичик бир кулбада ҳаёт кечирдик: хоналарнинг бирида каравот, курси устида сандиқ, унинг тагида гуруч солинадиган катта чинни идиш, тузланган сабзавот учун миска, бир саватда идиштовоқ ва кастрюль турар эди; деворини тешиб дераза қилинган ва ҳатто, бамбуқдан ишланган кичкина деразали иккинчи хонада бир-бирига яқин қўйилган тўртта узун стол ва табуреткаларни бирлаштириб, ё бўлмаса шунчаки ғиштлар устига тахта қўйиб ясалган тўртта скамейка бор эди. Мен уч йилдан ортиқроқ ана шу скамейкаларда қиси-лишиб ўтирган йигирмата болани ўқитдим, баъзан уларни битта, бир оёғи калта столда ўз ёнимга ўтқазиб қўяр эдим, булар кемада юқ ташувчилар, ҳаммоллар, майда савдогарлар, хизматкор ва ошпазларнинг йигирма нафар жулдур кийимли болалари эди.

Болалар қай пайтдан ўқий бошласа—ойнинг бошидами, ўртасидами, охиридами, ота-оналари ўша кундан бошлаб пул тўлашарди. Пулни доим ўз вақтида тўлашарди, чунки ўқитувчининг камбағаллигини билишарди, бундан ташқари улар мени яхши қўришар ва ҳурмат қилишарди. Мен ҳали ёш, эндигина ўн етига кирган эдим, лекин маҳалламиздаги кишилар менинг кўп ёзиш ва ўқишимни билар эдилар. Мен нималар ёзаётганимни улар билишмасди, албатта, аммо қўуни-қўшнилар даста-даста қофозларнинг бетини қора қилаётганимни кўришарди, бу ҳол ҳар кеча такрорланарди.

Уч йилдан ортиқроқ ҳаётим тинимсиз меҳнат, доимий қашшоқлик, онам ва синглимнинг меҳрибончилиги билан ўтди. Синглимнинг жуда ҳам ишлагиси келарди-ю, иш ўйқ эди.

Уч йилдан ортиқроқ мен худди ўзимга ўхшаган, ҳатто мендан ҳам қашшоқроқ кишиларнинг пешона тери тўкиб топган пуллари ҳисобига кун кечирдим.

Кунларнинг бирида, кўпинча пул тўлолмай юрадиган бир қиздан:

— Холанг ойлик олдими?— деб сўраб қолдим.

Илакка ўхшаган ялтироқ сариқ соchlари орқасига ташланган бу қиз менга тикилди. Унинг чақнаб турган

қўй кўзлари жиқ ёшга тўлди-ю, ўзини аранг йиғидан тўхтатиб:

— Муаллим ака, холамнинг ишдан бўшаганига бир ойдан ошди, — деди. Бошқа бир боладан:

— Ойинг бозорга чиқмаяптими? — деб сўрадим.— Нега у пул тўламайди?

Бола қувноқ кўзларини жовдиратиб, оддийгина жавоб бериб қўя қолди:

— Ойим эгизак туққан, бозорга қандай қилиб боради?

Кўз ёшларимни яшириш учун ҳаяжон билан тескари ўгирилдим. Шу пайт чўчқа боласидек ҳом семиз Аи деган бола мақтаниб, деди:

— Муаллим ака, менинг холам қўлга тушиб қамалиб қолди.

— Қачон?

Ан узоқ гапирди, лекин унинг сўзларини такрорлашни истамайман, чунки умр бўйи қашшоқликда яшаб, қорни нонга тўймаган бу гўдакнинг гаплари қалбимга худди ни- надек санчилди.

— Биласизми, ака, холамни ҳам, унинг молларини ҳам олиб кетишиди...

Ан, Фаунг, Лэтх — менинг жажжи укаларим! Сизларнинг ота-оналарингиз менга уч йил давом этган даҳшатли очарчилик йилларини ўтказишда, уч йилгача маҳаллага француз ёки вьетнам полицияси келганда муттасил хавф-хатарда яшаб, ҳар сафар ширин уйқуларидан кечиб, менга кўмаклашганлар. Бироқ, бу уч йил ичида сизлар қалбимга қувонч бағишилаган дақиқаларингиз ҳам кўп бўлди. Ўқиш бошланганига бир неча ой бўлди деганда сиз ўз она тилларингизда ўқиб-ёзадиган, французвча сўзларни бемалол айта оладиган бўлдингиз. Буни кўриб мен ич-ичимдан севинардим. Бу уч йил ичида сиз менга гарчи яширинча бўлса ҳам, муҳаббат нима эканини билдиридингиз, қичкина қушчаларнинг уларга дон берадиган меҳрибон ва сахий қўлларга қандай ўрганишларини тўла тушуниб олдим...

...Бунга кўп вақт бўлди. Орадан тўрт йилдан ортиқ-роқ вақт ўтди. Ўқитувчилик касбини ташлганимга анча бўлиб қолди. Ҳозир шаҳарма-шаҳар кезиб юрадиган хизматдаман. Шу сабабли таассуротларнинг доимий ўзгариб туриши уч йил жиноятчи кишидек қўрқа-писа тирикчилик ўтказган пайтларимдаги хотираларимни хидалаштириб юборди!

ФРОНТ ИУЛИДА

Байрамларда ҳам одам бунчалик кўп бўлмайди. Жангчилар, халқ ҳаммоллари¹нинг сон-саноғи йўқ. Отряд кетидан отряд боради. Одамлар, отлар, эшаклар дам олиш учун тўхташади, яна юришади. Яна тўхтаб, яна юришади. Одамлар тўпланишиб боришмоқда, бундай қараганда тартибсизга ўхшаб кўрингани билан қатор сағ тортиб боришади. Фақат хаёли паришон кишигина ўз отрядидан ажралиб қолиши мумкин.

Шовқин-сурон, тўпчилар елкаларидағи оғир юклари билан шошиб-лишиб кетишяпти. Йўл-йўлакай қичқириқ товушлари эшитилади:

- Нари тур!
- Йўл бер!
- Ҳей, ўзи нима гап?
- Елкалар зирқираб кетяпти!
- Оёғингга эҳтиёт бўл!

Енгил юклилар уларга йўл бўшатиб беришади. Бирдан колонна бир тебранди-ю, тўхтади. Тоғдан ошиб ўтиш учун йўл излаб кетишди. Теварак-атрофни ўт ва синдирилган дарахтлар босиб ётибди — ўтиб бўлмайди, орқага, пастликдаги йўлга қайтишдан бўлак илож йўқ. Яна тўхташ. Яна одамлар тирбанд. Жуда аста, қадамба-қадам силжишади. Яна тўпчилар бақириб, ғижинишиади.

- Нима гап?!
- Йўл берк! Олдидагилар тўхтаб қолишли! Бизлар қандай қилиб ўтамиш?

¹ Халқ ҳаммоллари — армияга озиқ-овқат ва қуролярғо ташиб турувчи аксари аёллардан иборат кўнгиллилар отряди. Ўруш пайтларида халқ ҳаммоллари ярадорларни мамлакат ичкарисига ташиб турдилар.

— Сиқиб боравер!

— Юр, юр!

— Бир жойда тураверманглар-да!

Ҳамма терлаган. Юзлар, бўйинлар ҳўл, қизариб кетган. Ҳўл кийимлар баданга чип ёпишган. Баъзиларнинг лаблари маҳкам қисилган, баъзиларнинг эса оғизлари катта очилган. Юрганда ҳам, тўхтаганда ҳам оғир нафас олишади...

Халқ ҳаммоллари жангчиларга раҳмлари келиб термулишади. Бир қиз уларга тикиламан деб, қоқилиб йиқилий деди. Қолганлар кулиб юбориши. Жангчилар ҳам кулишди. Қандайдир бир чол ўзига-ўзи гапиргандек ғўлдиради:

— Ўн товоқдан гуруч ейилганда ҳам, бунчалик манзил босиб ўтилгандан кейин қоринда ҳеч вақо қолмайди.

Олдинда кетаётган штурмовик-жангчи орқасига ўгирилиб қаради. Чол катта ноксимон қовоқда сув кўтариб келаётган экан.

Мана катта йўлга чиқиб олишди, солдатлар тинчлашишди. Хушчақчақ гаплар, қаҳ-қаҳ кулгилар эшитилди. Жангчи қадамини секинлатиб, чол билан бараварлашиб олди, йўлда бора туриб, унинг қўлидаги қовоғини силаб қўйди.

— Қовоғинг жуда чиройли экан, отахон!

— Сизларнинг бидонингизчалик эмас.

— Тҳо тилида буни нима дейилади?

— Буни сабзавот бидон дейилади, ўртоқ.

Қизлар яна қайрилиб, жангчига қарашибди-да, яна кублиб юбориши. Жангчи ҳам илжайди. Ҳамма солдатлар ҳам кулишди. Кострюль, қозон, гуруч ва сабзавотлар кўтарган ошпазлар бир текис тебраниб қадам ташлашмоқда. Улардан бири орқада сигир ҳайдаб келяпти.

— Гуруччи қопни сигирга орт, қийналмайсан, — дейди унга бошқа бири.

— Э қўйсанг-чи, дангаса! Қарагин, у шундаям сенга қанча гўшт кўтариб кетяпти!

Тушки дам олиш пайти. Жангчилар взвод-взвод бўлиб, тоғ ёнбағирларига чиқишиди-ю, дарахтлар соясига ўтиришди. Пиширилган гуручга туз сепиб ейиши. Халқ ҳаммоллари отрядининг командири қора кўз, ширмон юз, кичкинагина сумка кўтарган бир қиз, у дугонасининг ёнидан бунисининг ёнига чопиб юрибди. Бири билан ҳазиллашиб, иккинчисига далда бериб кетади. У гоҳ въет-

нам тилида, гоҳо тҳо тилида гапиради. Отряд дам олаётган пайтдан фойдаланиб, у блокнот билан авторучкасини олади-да, дарахтга суюниб, нималарнидир ёзади. Мана музика ҳам янграб кетди, қаердадир қўшиқ айта бошладилар. Халқ армияси томонга ўтган кўк кўз бир немис гоҳ у тӯда, гоҳ бу тӯда ёнига бориб, қошиқ сўраб юрибди. У овқат ейиш учун сўраётгани йўқ, қошиқ билан музикачиларга такт кўрсатиб турмоқчи. Кулги, шов-шув кўтарилиди.

Уларнинг ёнидан бошқа отрядлар ўтади. Кишилар аста, навбат билан сирғанчиқ тоғ ёнбағридан пастга тушадилар. Баъзилар йиқилишади. Қичқириқ, кулги. Кўплар қўшиқ овозини эшитиб, тўхташади, бўйниларини чўзиб, аланглаб қарашади: ашула овози қаёқдан келяпти?

— Қойил-э! Томоша бу ерда экан-ку!..— деб қичқирди бир жангчи музикачиларни кўриб қолиб.

— Томоша эмас, саёқ машшоқлар! — деди бошқаси. Ҳамма кулди. Музикачилар ҳам, Музика тўхтади. Ҳалиги жангчи ҳеч тинчимади.

— Скрипканглар яхши экан, биродарлар. Лекин нусхаси ғалати экан-ку!

Жангчи гапираётиб тийғаниб йиқилди. Бирдан, кружка, мискалар шарақлаб кетди. Яна қаттиқроқ кулги кўтарилиди.

Кишилар тўда-тўда бўлишиб, аста гурунглаша бошладилар, ўзларича кулишдилар. Бир неча аёл ярадорларни ташибидиган замбил ясаш учун бамбуқ кесмоқда. Бир замбил тайёр ҳам бўлди, мана шу ерда турибди. Бир солдат шошмай келиб қизлар билан суҳбатлаша бошлади:

— Замбилингиз мунча катта! Агар мен яралангудек бўлсан, бу замбилингизга сира тушмас эдим!

Аёллардан бири илжайди:

— Катта бўлгани яхши-да, икки киши сиғади...

Жангчи уялиб, қизариб кетди.

Дам олаётганлар ёнидан солдатлар узлуксиз ўтиб туришибди. Уларга назар ташласанг, ғалабага яқин қолгани аён бўлади.

Йўлда таниш кишилар учраб, ҳали бу ердагилар эшитмаган янгиликларни айтишади: Фу Тхога ҳужум қилган душман орқага чекинди, лекин самолётлар у районни тинмай бомбардимон қиласпти. Чамаси, душман тайёрланаетган ҳужумдан бехабарга ўхшайди. Душман эсанкираб қолди. Шимоли-ғарбий фронтда ҳужумга актив тайёрлик

боряпти. Бироқ ҳозирча буларнинг ҳаммаси қаттиқ сир тутилади. Яна бир неча кун қолди...

Фақат кечасилари давон ошилади. Ярим кечагача, тонг саҳаргача юришади. Кўкаламзор, дарё қирғоқларида халқ ҳаммолларининг гулхани милтиллаб қолади. Мажаллий пропаганда отряди улар учун тхо тилида пъеса қўйиб беради. Шуниси яхшики, ижро этувчилар ҳам тхо миллатидан — осон ўйналади. Тўғри, артистлар унчалик тажрибага эга эмас, лекин шундай бўлса-да, улар тортиниб ўтиришмайди, чаққон ҳаракатлар қилиб, дадилдадил сўзлашади. Пъеса томошабинларга жуда ёқади.

«Дам олишга» деган команда берилгач, ҳамма ухлашга ётди. Шундайгина ўтлар устига брезент ёзиб, бошларига сумкаларини қўйишиди. Шинавандароқ кишилар қозиқ қоқиб, чодир тутиб олишди. Кўпчилик бошини одеялга буркаб уйқуга кетди. Яхшики, ёмрир ёғиб қолмади. Э, барибир эмасми; ёмғир ёғса-ёғмаса жангчилар очиқ ҳавода ётиб кетаверадилар-ку.

Ниҳоят, охирги давондан ошиш керак. Гуруч тамом бўлай деб қолди, озиқ-овқатни етказиб беришга улгуриша олмаяпти. Лекин қорин пуч бўлса-да, бу баланд тօрдан ошиб ўтиш керак. Душман позициясига яқин қолди. «Кулги ҳам, гап ҳам секинроқ бўлсин!» деган буйруқ тез-тез такрорланиб турибди. Бош айланиб, қўз тинади. Мўлжалланган ерга ҳам етиб борилди-ю, ҳамон гуручдан дарак йўқ. Бу водийда қимиirlаган жон кўринмайди. Аҳоли душмандан қўрқиб ўнгирларга яширган. Штурманчи отряд командири Чан Ки жангчиларни тўплаб деди:

— Вазифамиз ниҳоятда оғир, аммо фахрли; навбатдаги жангларнинг натижалари биринчи жангга боғлиқ. Биз қандай қийинчиликка дуч келсак-да, қанча талофат берсак-да, халқнинг топширигини бажаришимиз керак. Мабодо барчамиз ҳалок бўлиб, орамиздан бир киши тирик қолгудек бўлса, барибир у ҳам буйруқни бажариш учун қўлидан келган хизматини қилиши лозим. Агар ғалабага эриша олмасак ҳам, орқага чекинмаймиз. Биз фақат ғалаба билан қайтмоғимиз мумкин. Хўш, қани, нима дейсизлар?

Отряд худди бир кишидек смирно туриб, ярим овозда;

— Ура-а! — деб қичқирди.

Бу овоз тоғларда акс садо бериб янгради.

Ёнбошига полевой сумка осиб олган индендант отрядининг командири у отряддан бу отрядга югуради. Фронтга озиқ-овқат етказиб бериш учун мамлакат ичкарисидан фа-

қат ҳаммолларгина эмас, балки барча штаб ходимлари ва ёрдамчи қисм солдатлари ҳам сафарбар қилинган эди...

Штурмовиклар кетиши билан бу ерга югурганча бир солдат келиб қолди. У кимнидир тўхтатди-да, шивирлаб сўради:

- Жангчилар қани, ўртоқ?
- Қанақа жангчилар?
- Етмиш учинчилар.
- Билмадим.

Солдат қовоғини солиб, фуражкасини бошидан олдида, сочи устара билан олинган бошини қашлади. Чехрасида ўкиниш аломати пайдо бўлди.

Кимдир унга қараб ачинди ва астагина:

- Кетиб қолишибди, — деди.
- Қайси йўлдан?
- Нима қиласан?
- Мен штурмовикман. Чан Ки отрядидан...
- Кетишганига анча бўлди.

Жангчи шоша-пиша фуражкасини кийиб олди.

- Нима қилсам экан?
- Алоқанг узилиб қолдими?
- Касал эдим, шу топда санчастан келяпман. Жуда соғайиб кетдим. Бу ерга шу бугун етиб келдим. Биз учниши аллақачон топшириқ олган эдик.
- Балки ўрнингга бошқа киши олишгандир.
- Энди нима қилсам экан-а? Йўқ! Қувиб етаман. Кетишганига кўп бўлдими? Бу жангда қатнашмасам бўлмайди! ..

Унга, қидириб юришинг бефойда, деб полк штабига боришини маслаҳат беришди.

- Нима қилсам экан? Эй, аттанг!
- У қовоғини солиб олди, қаттиқ хафа бўлди. Кейин югурганича бошқалар ёнига борди. Яна ўша гап. Жавоб олган сайин хафалиги ортаверди. Ниҳоят, у бир танишига дуч келиб қолди. Таниши унга Чан Ки отрядига топшириқ билан кетаётган бир связнойни топиб берди. Бечора жангчи эрталабдан бери ҳеч нарса емаган эди! Шунда ошпаз ўзи емоқчи бўлиб қовураётган маниокасини¹ олиб, солдатга берди. Жангчи бир бўлак иссиқ маниокани олиб, катта кўк япроқقا ўради-да, чопганча йўлга тушди...
- Раҳмат, хайр. Ишим ўнгидан келди!
- У хурсанд бўлиб кетди.

¹ Маниока — Вьетнамда кенг тарқалган илдиз мева

ТУНГИ ШТУРМ

Ен томони қаварган пўлат каскалар хирагина ялтираб, гоҳ кўзга ташланган, гоҳ фойиб бўлган ҳолда бир текис тебраниб, тун қўйнига кириб борарди. Ялангликда фир-фир шабада эсиб турарди. Ракета визиллаганча осмонга баланд кўтарилиди-ю, сочилиб кетди. Унинг айрим томчилари пастигача тушиб, уфқда узун тоғ тизмасини ёритди. Қисм қоронфилиқда дадил ва шаҳдам қадамлар билан олға борарди.

Кха, Шаннинг қўлсиз бўш енгидан тортиб, ёруғда тасмага ўхшаб турган томонни кўрсатди:

— Уша ер асфальт кўча.

Қаердандир душман тарафдан бир маромда урилган бўғиқ товуш эшистилди — бу қораси кўринмайдиган соқчи уйқусини қочириш учун гонг ураётган эди. Итлар қаттиқ вовиллай бошлади. Қисм сув бостирилган шолипояларни кечиб ўтиб, душман истеҳкомлари жойлашган тепаликнинг ёнбағрига яқинлашди. Ивиб ётган ер оёқ остида пилчилларди.

Қизифи шуки, гонг товуши Дони мудратиб қўйган эди. У бошини силтаб, қўлидаги тўппончасини маҳкам ушлаган ҳолда чопганча жангчилардан ўзиб кетаверди. Пўлат касканинг соябони қоронғида уларнинг юзларини ажратиб олишга имкон бермас эди. Солдатлар энгашиб олиб, чаққон қадамлар билан олға боришарди.

Сапёрлар бўлинмаси умумий колоннадан ажралиб қияликтан юқори кўтарила бошлади; бошқалар қалин ўтлар ичига таралиб, кўздан фойиб бўлишиди.

Кха тепадаги сим тўсиқнинг ёнигача эмаклаб бориб, буталар орқасига ётди. Ундан бир оз пастроққа қўлидаги телефон қутичаси билан связной ўрнашиб олди. Взвод командири Фу энгашган ҳолда уларнинг ёнига келди.

— Душман истеҳкомини ёриб киришга ажратилган взвод келди.

— Яхши. Жим ётинглар. Окоп қазиб олинглар. Тиқ этган товуш эшитилмасин.

Ой тоҳ шуъласини сочиб теварак-атрофни ёритар, тоҳ булутлар орасига кириб ғойиб бўларди.

Соат тўққиз. Тўққиз ярим. Ун ярим. Юқорида, истеҳкомда худди қабрдагидек жимжитлик. Нега бунчалик чўзилди? Кхе бир оз исиниб олиш учун кўйлагининг ёқасини кўтарди-да, кейин связной бола томонга ўгирилди. Люй ундан бир ҳовуч гуруч олди. У чайнаб туриб деди:

— Босиб олинган қишлоқ тоғнинг нариги томонида. Бу ердан бизга кўринмайди. Полкимизнинг штаби ўша ерда, яхшилаб уқиб ол!

Шан телефон ёнида, кўкрагига зўр куч билан урилаётган йўтални қайтаришга ҳаракат қилиб, оғзини маҳкам ушлаган ҳолда мукка тушиб ётарди. Ниҳоят, у сўнгги марта йўтални қайтарди-да, эмаклаб Кханинг ёнига борди. Икки пўлат каска бир-бирига зич келди.

— Нима гап? — деб сўради Кха.

Артиллерия ҳали тайёр эмас. Доңинг иши жойидами?

— Ҳа. x

Полкнинг хабар беришича, кеча истеҳком райони Бин Льеу ишғол қилинибди, шимоли-шарқда бизникилар катта ғалабага эришибди. Бригада қўмондонлиги ҳаракат қилишни илтимос қилди. Сен шу ерда ёта тур, мен бориб йигитларга хабар берай.

Шан сим тўсиқнинг ёнгинасида ётган портлатувчилар звеноси томонга эмаклаб кетди.

Автомобилнинг гуриллаган овози эшитилди. Тоғнинг нариги томонида тез-тез гонг урила бошлади. Кха муштларини маҳкам қисиб, узоқдан келаётган товушларга қулоқ солди. «Кеч, жуда ҳам кеч!».

Тўсатдан қоп-қоронғи осмон ёришиб кетди. Гумбурланган овоз эшитилди. Иккинчи марта портлади. Жанг бошлаш учун сигнал!

Оғир қоп-қора тутунлар орасини ёриб ўтлар чақнади.

Осмоннинг ҳар томонига қараб визиллаб ўқлар учар ва ялтираган излар қолдиради. Қаердадир яқин ўртада қип-қизил шафақ ловиллаб, уфқقا ёйилди. Тош йўлдаги чироқлар хиралашди.

Кханинг оёқ-қўллари титради. Кўк шуълада у бута ва ўтларни равшан кўрди. Душман истеҳкоми ўртасидан отилган ракета унинг қоқ тепасига келгач, муаллақ туриб қолди. Кха ерга ётиб олди. Ракета кўм-кўк томчиларга бўлиниб, сочилиб кетди. Ярқираган учқунлар кўзни қамаштиреди. Орқа томондати қоронғиликда бирдан отишмалар бошланиб кетди. Асфальт кўча томонда ҳам жанг бошланди. Кха исиб кетди. Кетма-кет отилаётган миљтиқ товушлари, гонг ва тартарак овозлари, итларнинг вовиллаши, одамларнинг қийқириқлари — ҳаммаси бир-бирига қўшилиб, ола-ғовур бўлиб кетди. Душман тарафидан сигнал ракеталар учирилди. Баҳайбат дот оғзидан нафас сайин ўқ оловлари ёғиларди. «Артиллерија нега жим турибди-я? Оббо, бизни билиб қолишди!».

Биринчи отилган тўпнинг овози худди момақалдироқ сингари гулдираб кетди. Кха ирғиб ўрнидан турди-да, портлатувчиларга: «Портлатинглар!» деб қичқирди. Кок запалнинг боғичидан тортган эди, пилик тутай бошлади. Кок ер бағирлаб ётиб олди. Қулоқларни кар қиласидан гумбурлаш эшитилди. Теварак-атроф бир лаҳза ёп-ёруғ бўлиб кетган пайтда у сим тўсиқлар, олов, бамбуқ, парча-парча бўлаклар кўкка кўтарилганини кўрди. Заҳардек тутун кўзни ачитар, оғиз тахир эди.

Солдатлардан бири сим тўсиқлар портлатилган ерга чопиб келди-да, чуқурча бўлиб қолган жойга бамбуқдан ясалган нарвон ташлади. Душман доти шу заҳотиёқ ўқ очиш билан жавоб қайтарди. Юқоридаги ўт отувчи нуқгалар ҳам баббаравар ишга тушди. Бино деворлари қуроллардан отилаётган ўқ алансиси билан ёруғ бўлиб кетди. Пулемётлар тўхтовсиз ўт очиб туради. Атака қилаётганларнинг нақ тепаларидан визиллаб ўқлар учиб ўтарди. Истеҳкомнинг қуий томонида ўт тутунлари тирдоб бўлиб айланар, портлаш овозлари гумбурларди.

Кха гавдасини қўтарди. Унинг пўлат каскаси гоҳ олдинга, гоҳ орқага сурилиб кетарди. У зўр бериб аҳволни билмоқчи бўлар, лекин портлаш зарбидан танаси титраб кетарди. Кха отишмаларга қулоқ солгач, рота командирининг ёрдамчиси До ўз солдатлари билан тўсиқ қўйилган йўлларни очаётганилигини билди.

Дотда кимдир француздасига:

— Ҳув авави ерда! Авави ерда! — деб қичқирди.

Демак улар буларга ҳам эътибор беришибди. Кха Хиннинг взводига ўт очишни кучайтиринглар, деб буйруқ берди. Ман оғир минани қучоқлаганича сим тўсиқ ёнидаги тор йўлчага тушиб олди. Унинг кетидан Тхон борди. У:

— Қўрқма! Мен шу ердаман, нарвон устидан чопавер,— деб бақирди.

Жангчилар уюм-уюм кесаклар, қора тупроқ ва симлар устидан юриш учун кўпrik хизматини ўтаган бамбуқ нарвондан энгашиб югуриб кетишиди. Яқиндаги шинакдан истеҳком деворларига пулемёт ўқларининг ёлқинлари сочила бошлади.

— Пастроқ энгаш,— деб қичқирди Тхон.

Ман юзи билан ерга йиқилди. Тхон ёмғирдек ёғиб турган ўқлар орасидан унинг ёнига эмаклаб келди.

— Нима гап?

Ман жавоб қайтармай, гангиган ҳолда, ҳамма ёққа қоқиб ташланган бамбуқ қозиқлар ва тиканли симларга тикилганича ётарди. Тхон унинг елкасига туртди:

— Тур ўрнингдан!

Манинг юраги қинидан чиқаёзган эди. Сим тўсиқнинг нариги томонидан эса взвод командири Хиннинг товуши эшитилди:

— Қўл гранаталари қаерда? Тур ўрнингдан! Қоқ ўртага ташла!

Иссиқ ҳаво тўлқини Мани орқа томонга улоқтириди, унинг юзига майда ғишт парчалари келиб урилди. Тхон унинг қулоғига қичқирди:

— Бу бизларнинг гранатамиз, қўрқма! Тур!

Девор қон сингари қизил ранг билан равшанлашди — бир неча ёндирувчи гранаталар худди дот ёнидаги сим тўсиқ орқасига келиб тушди.

Тхоннинг буйруғи билан Ман ўрнидан иргиб турди. У тўсиқнинг иккинчи қатори ёнига қандай бориб қолганлигини ўзи ҳам пайқамай қолди. Орқадан Тхоннинг қичқирган овози эшитилди:

— Чакқон қўй!

Ман минани сим тўсиқнинг тагига қўйиб, запални тортди. Пиликнинг уни жизиллади-ю бурқсиб ёна бошлади. Тхон Манинг оғидан тортди.

— Ет!

Бироқ Ман қулоқ солмай чўкка тушиб тураверган эди,

портлаш зарби уни чалқанчасига ағдариб юборди. Пайра-халар, сим тўсиқ парчалари ёмғирдек ёғилди. Ман бўлиб ўтган портлаш таъсиридан ҳамон титрар экан, ўртоғидан сўради:

— Портлаб бўлдими?

Тхон дўстининг елкасига астагина уриб қўйди-да, истеҳком деворини портлатиш учун олға қараб югуриб кетди.

Қха ўзини охирги тўсиқ ёнидаги чуқурчага ташлади. У Тхоннинг нақ деворнинг таггинасидаги чуқурлик устига қўйилган катта нарвондан энгашган ҳолда чопиб кетаётганини кўриб турарди. Связной қўлидаги телефон билан Кханинг орқасидан югуриб кетаётган эди, бирданига қаттиқ қичқирди-ю, худди синган дараҳт сингари олд томонга қулаб, телефон аппаратининг қутичаси устига тушди.

— Тамом бўлди,— деб бақирди Шан.

Шу пайт Тхон девор тагига етиб борган эди. Қхага солдатнинг девор тагида ўрмалаб юргани яққол кўриниб турарди. «Нега бунчалик баланд-а? Етти ёки саккиз метр келади! Ажабо, унинг ички кўриниши қандақа экан-а?»— деб ўйлади у.— Бу аснода Тхон ўрнидан азод турди-да, қатор сим тўсиқлардан сакраб ўтиб, тез орқасига қараб югуриди. Кучли ҳаво тўлқини атака қилаётганларнинг кўкрагига келиб урилди. Девордан катта кесак қулаб тушиб тўзон кўтарилди. Тхон ийқилиб, юмалаб кетди. Тўзон бо силгач, Кханинг қўзи дот деворидан очилиб қолган ёриқقا тушди.

— Биринчи взвод, олға!— деб қичқирди у.

Взвод командири қўл пулемётининг стволи билан қолган-қутган сим тўсиқларни у ёқ-бу ёққа итқитиб, дот томонга ташланди. Девор ёриғидан кетма-кет отилаётган қўл гранаталари ичкарида ёрилар ва душманнинг қий-чувини босиб кетарди. Деворга пўлат касканинг сояси тушди-да, бир зумда кўздан фойиб бўлди. Унинг кетидан яна бир неча каска шу йўсинда ўтиб кетди. Солдатлар сакрашар, йиқилишар, жойдан-жойга чопиб ўтишарди.

— Бинони ишғол қилинглар!— деб қичқирди Қха.

Деворга узун нарвон қўйилди. Жангчилардан бири тез нарвонга тирмашди-да, қўли билан осилиб томга чиқди.

Шан дотдан кўзини узмай, ўлган связной ёнига ётиб олди-да, телефон трубкасига галира бошлади.

— Алло! Биз истеҳкомни ишғол қилмоқдамиз, ротанинг бир қисми ичкари кирди, миналардан муваффақият билан фойдаландик.

Гранаталар бошқа отилмади, фақат иккита пулемётгина дотнинг қора шинакларига қарата бир текисда ўқ узиб турди.

Димиқиб кетган Фу девор ёруғидан юрганича чиқиб Қхани қидириб топди.

— Рухсат этинг, қизиқ аҳвол...

— Нима гап ўзи?

— Ичкари кириб қарасак, ҳеч қаердан чиқадиган жой йўқ, тўрт томон девор, жуда қоронғи!

Тепадаги шинакдан душман яна ўт очди. Икковлари ерга ётиб олишди.

— Эшикни қидиринглар.

— Қидирдиг-у, лекин топа олмадик.

— Яхшироқ қаранглар! Албатта топинглар!

Фу қайтиб кетди. Қха истеҳком тузулишини тасаввур қилишга уриниб чуқур хаёлга чўмди. Қаердадир далада, унинг орқа томонида қаттиқ портлаш юз берди. Пастдан туриб Шан қичқирди:

— Хин, взводни тўсиқ ташқарисига олиб чиқ. Тар-қоқ ҳолда беркиниб ётинглар! Бу — душман артиллериаси!

Бинонинг ичидан ҳам аҳён-аҳёнда гранатларнинг портлаши эшитилиб турарди. Яна бир неча солдат истеҳком ичкарисига қараб отилди. Қха До томонга қайрилиб қарди. У томонда ҳам отишмалар сийраклашиб қолди.

— Люй қаерда?

— Шу ердаман!

— Донинг ёнига югар, билиб кел-чи, аҳвол қандай экан. Тез бўл!

Связной юрганича тоғдан пастга томон тушиб кетди. Шан келиб, рота командири билан ёнма-ён ётди.

— Нималигига ақлим етмай қолди! — деди Қха.

— Нима гап ўзи?

— Тешикдан ичкарига киришган экан, теварак-атрофи девор эмиш!

Фу тешик ичкарисидан чиқиб уларнинг ёнига келди.

— Ҳа, қалай?

— Эшик, ойнаси йўқ бир уйга кириб қолибмиз, люкни топдик холос. Пастга тушган эдик, ер ости йўлига чиқиб қолдик, унда ҳам чиқадиган йўл йўқ. Балки илгари нарвон бўлган бўлса керагу, кейин уни олиб қўйишган.

Душман снарядлари ҳамон шу яқин ўргадаги далада портлаб турарди. Истеҳкомдан узилаётган ўқ товуши гоҳ

тиниб, гоҳ тасир-тусир қилиб қоларди. Қха тешик томонга ўйчан тикилиб қолди. Тўсатдан Шан қичқириб юборди:

— Бўлди! Тушундим! Уй деворга тақаб солинган!

Шу пайт Қха ҳам тушуниб етди.

— Тўғри, улар уйни истеҳком деворига туташтириб қуришган. Ҳар бир уй — алоҳида уя¹ қилиб ясалган. Биз деворнинг бир бўллагини тешиб, худди бир қути ичига тушиб қолгандек бўлдик. Уялар ўзаро ер ости йўллари билан туташган. Борди-ю, яна бир деворни бўзиб, истеҳкомга чиққудек бўлсак, унда улар бизни алоҳида уялардан туриб ҳар икки томондан ўққа тутишади. Нима қилсак экан-а?

Қха тик кўтарилигдан деворга боқди: баландлиги кам деганда саккиз-тўққиз метр келарди, бу уч қаватли бинонинг баландлиги билан баровар деган сўз. Нима бўлса ҳам, хоҳ нарвон биланми, хоҳ бир-биримизнинг елкамизга чиқибми, албатта тепага кўтарилиш, пастдаги душманни томдан туриб ўққа тутиш лозим. Қха ўғирилиб Шангараради.

— Қандай бўлмасин, икки взвод томни ишғол қилиши керак.

Шан, хўп бўлади дегандек бош иргади. Фу келди:

— Сўзлашга рухсат этинг. Нарвон калта.

Бир солдат бинонинг раҳидан туриб қичқириб қолди:

— Улардан бори-йўғи бир неча киши қолибди, холос!

У яккам-дуккам ўқ чиқариб, отишмани давом этдираверди.

Нариги, До атака қилаётган томонда ҳам аҳвол айнан шу хилда эди. Биринчи портлатувдан кейиноқ, взвод Тхонинг бўйруғи билан иккита пулемёт уясини ишғол қилган эди. Бўлинма командири На, пулемёт уясининг томига — сакраб чиқиб, шинакка кетма-кет иккита граната ташлади.

— Тез пастига туш, траншеяга! — деб қичқирди До.

Найзалар бир лаҳза ялтираб кўринди. Бир неча француз қия ерга тирмашиб тепага чиқмоқчи бўлди-ю, лекин шу заҳотиёқ умбалоқ ошиб тушди. Автоматдан отилган ўқлар траншеяни титиб ташлади, унинг устида гумбурлаб гранаталар ёрила бошлади.

Қўшни ўт очиш нуқтасидан ўқлар ёмғирдек ёғилди. Унга қарши атака қилувчилар пулемётларни ишга солдилар. До траншеяда қонга беланиб ётган мурдалар устига сакраб тушди.

¹Ниқоблаш учун қурилган жой.

— Траншэя ичидан, орқамдан марш!
Ўқлар шундайгина бруствер¹ устидан визиллаб учарди.

Взвод командири Тхоннинг:

— Тезроқ бўлинглар! — деган товуши эшитилди.

Ниҳоят бутун взвод тепага чиқди-да, тиконли сим тўсиқни босиб ўтиб, олға югурди. Душман пулемётдан ўқ очди. Солдатлар атрофида қўй гранаталар портлай бошлиди. Қандайдир бир жангчи бамбуқ нарвонни сим тўсиқ устига ташлади-ю, бирданига йиқилиб тил тортмай жон берди. Бўлинма командири На кўпrikдан югуриб ўтиб, душманнинг ўқ очиш нуқтасини кўздан жечирди-да, гранатадан предохраниителини суғуриб олиб, кучининг борича тўғри шинакка қараб ирғитди. Ҳаво ранг олов бир дақиқа дотни ич томондан ёритди. Пулемётнинг овози ўчди. Солдатлардан бири ўзини дот девори панасига олиб, пастда югуриб юрган жангчиларнинг таналарини пийпаслаган ҳолда пулемёт стволи осилиб ётган шинакка жирди. Солдат тишини-тишига босиб, қўли куйишига қарамай, стволни маҳкам ушлаб, бир чеккага тортди. Ствол тезда ичкарига тортиб олинди. Солдатнинг қўллари пуфак-пуфак бўлиб шишиб кетди. У пуфакчалардан биттасини сиқди-да, оғриқа ҳам қарамай, ҳазилнамо кўз қисиб:

— Қўйинг энди, жон амаки! — деб қўйди.

Солдат тишилари билан граната предохраниителини олиб, уни шинакка улоқтириди. Ичкарида қулоқни кар қиласидиган даражада қаттиқ портлаш юз берди.

Баланд дотнинг тик девори тагида Тхон ғоздек бўлиб турарди. Унинг тепасидаги шинаклардан бирин-кетин ўқ отилмоқда эди. Девор жуда баланд, тепага чиқишининг иложи ўйқ... До бошини жўтариб, тишиларини гижирлатди. У ёмғир ўтказмайдиган плашчини ечиб ерга улоқтириди.

— Чиқолмайди деб ўйлайсанми? Ҳазилингни қўй! — У шундай деб, орқасига ўгирилди-да, қичқириб: — Нарвоиларни бу ёқса келтиринглар! Тхон, буйруқ бер, кишилар чуқурликларга яширинишин. Мен юқорига чиқаман. Бордию, бирон ярим шинакдан ўқ узишгундек бўлса, товушини ўчиришга мажбур қилинглар! — деди.

Калта-калта учта нарвонни улаб томгача етадиган узун нарвон ясашди. Нарвонни деворга қўйишиди, рота командирининг ёрдамчиси тезлик билан юқорига чиқа

¹ Б р у с ! в е р — окоп оғзиға уйнб қўйилган тупроқ дўнглик. (тарж).

бошлади. У юқориги тўсинга етиб борган эди, нарвон тебраниб кетди, бироқ До томнинг четини ушлаб қолди ва зўрға томга чиқиб олди. Донинг гавдаси оғирлигидан черепицалар қирсилларди. Шамол куч билан юзга уриларди. До ҳолатни аниқлаб олиш учун атрофга назар ташлади. Бирданига дотдан қарши томонга пулемёт сидирға ўқ очиб қолди. Донинг том қиррасини ушлаб турган қўли шалпайиб тушди. Бошига бир нарса қаттиқ теккандек бўлди ва юзи билан йиқилди. Худди шу пайт иккинчи қўли билаң бир черепицанинг қиррасини маҳкам ушлаб қолди ва пастга сирғаниб тушмади. До ҳамма нарсани унуди, фақат кўкрагининг чап томони қаттиқ оғриганини сезарди, холос. Шунда у: «Қандай қилиб бўлмасин пастга тушиш керак» деб ўйлади. Гавдасини кўтаришга ҳаракат қилди-ю, лекин яна кучсизланиб йиқилди. Томнинг чеккасида пўлат каска пайдо бўлди, ундан кейин бўлинма командири Нанинг юзи кўринди. Нанинг лаблари қимирларди, бироқ До унинг биронта сўзини ҳам англаб ололмади. Нанинг ёнверига ўқлар келиб урилар, черепица кукунларини юзига сачратарди. До бош тебратиб: «Ишим жойида!» деди. На индамай командирни елкасига олди-да, қўли билан нарвоннинг юқориги пиллапоясини пийпаслаб, пастга туша бошлади. До қандайдир ҳолсизланиш билан курашиб, кучи борича Нанинг бўйнига ёпишишга ҳаракат қиларди. Бирдан унинг кўзига гўдагини кўтариб турган хотини кўринди. Хотин унга тикилиб турар, бола бўлса ширин-ширин тамшанарди. «Ширин дўмбогим!»— деб ўйлади До. Лекин шу заҳотиёқ миясига ялт этиб бир фикр келди: «Эсҳушни йўқотиш ярамайди! Кўзни юмиб, қўлни ёсса — вассалом!» До бутун қучини тўплаб ўзига келди. На девор чуқурчаларини ушлаган ҳолда бир неча пиллапоя пастроқ тушиб қолган эди. Донинг кўкрагидан оқаётган қон бўлинма командирининг елкасидан пастга оқиб тушмоқда эди. До кўзини очди. «Қандай бўлса-да, Қхани қидириб топиш керак, — деб ўйлади у. — Бўлмаса ичкаридагилар орқа-ўнгини олиб, бутун ишнинг пачавасини чиқаради» Нанинг оёқлари қаттиқ ерга тегди. Югуришиб қелган солдатлар Доni кўтариб олишди. Взвод командири Тхон ташвишланган ҳолда буйруқ берди:

— Доni бу ердан олиб чиқинглар!

— Мени Қханинг ёнига олиб боринглар,— деб пичирлади До.

Югуриб келган алоқачи Люй кўзини чақчайтирганича данг қотиб қолди. Солдатлар Дони Шаннинг ёнига олиб боришиди. До бор кучини тўплаб комиссарга қаради. Унинг мияси говлаб кетган эди.

— Бу ердан тез кетишинг керак,— деди Шан.

До бир солдатга суюниб ўтирида, оғир нафас олиб, деди:

— Томдан туриб пастдагиларни ўтга тутиш керак.— Кўйлагининг кўкраги жиљқа қон бўлиб кетган эди. У ҳолдан тойиб, қўшиб қўйди:— Томдан ҳужум қилинса, истеҳкомни осонлик билан олинади.

Шан бош силкиди:

— Хўп, ҳамма иш жойида бўлади. Уни олиб бориңглар!

Жуда ҳолдан тойган До кўзини юмди.

Отишма зўрайди. Кучли портлашлардан ер ларзага келарди. Истеҳком деворлари палахса-палахса бўлиб афдариларди. Бир ўт очиш нуқтасидан иккинчисига отилаётган ўқлар осмонда ялтираб, бир-бирини кесиб ўтар ва дайдиб юрарди. Атака қилаётганилар худди чумоли сингари жадал ёпирилиб, деворнинг деярли ҳар бир дўнг ерига тирмашган ҳолда нарвондан юқори кўтарилишарди. Мана, икки взвод бутунлай томни ишғол қилди. Солдатлар лом ва белкураклар билан черепицаларни шарақлатиб синдира бошлади. Нихоят бўлинма командири На томдан катта бир тешик очиб, ичкарига қўл гранатаси ташлади. Пастда дод-фарёд кўтарилиб, ола-ғовур, қочаётган кишиларнинг дўпир-дўпирлари эшитила бошлади. На тешикдан ичкари кирди-да, қўли билан осилиб ерга сакраб тушди. Учта қора гавда бир варакайига унга ташланди. На санчиб оёққа турди ва яқинлашиб келаётган душманга найза санҷди. Нанинг юзига иссиқ қон сачради. Қимнингдир қўли унинг юзига тегиб жетди. Қўлидаги милтиқни силтаб тортган эди, бармоқ суяклари узилиб кетгудек бўлди.

— О-о! О-о!— деб қичқирди кимдир, шундайгинэ ёнида.

На милтиқни ўзига тортди. Орқасига нимадир зарб билан урилди. На ўқ узди ва рўпарасидан оғир солдат ботинкасини дўқиллатиб келаётган гавдага ҳараб бор куичи билан милтиқ найзасини отди. Тепадан яна бир солдат

сакраб тушди. На орқасига тисарилмоқчи бўлган эди, орқасида ётган ўликка қоқилиб ўтириб қолди. Француз солдати унга ташланган эди, милтиқ қўндоғи билан бошига бир уриб, уни осонгина саранжомлаб қўя қолди. На ҳаллослаб оёққа турди. Шипдаги тешик фира-шира оқариб турарди. Ҳалқоб бўлиб ётган қондан оёқлар сирғанарди.

— На, яраландингми?

— Йўқ. Ким бу?

— Бу мен — Тай.

— Юр, пастки қабатга тушамиз!

Темир билан лом ғишт полга урилди. Қўшни хонада кимдир уввос солиб йиғларди. Пастки қаватдан граната-ларнинг портлаган овози эшишилди. Хиннинг взводи уйларнинг бирин-кетин ишғол қилмоқда эди.

Солдатлар катта бинонинг қоронғи хоналарида бир соатдан ортиқроқ баланд бўйли қора гавдалар билан олишдилар. Улар милтиқ наизалари, қўндоқлари ва қўлни ишга солиб, француздар ва негрларни хонадан-хонага, қаватдан-қаватга қувиб юрдилар.

Кха қулаган девор панасиға ўтиб, туйнукдан илма тешик бўлиб кетган бинога назар ташлади. Ёнғин шуъласи ҳовлининг бир бўлагини ёритиб турарди. Душман пулемёти дамба-дам ўт очиб турарди. Ҳар сафар, ҳовли ўртасидан бирор кимса чопиб ўтгудек бўлса қисқа ўт очилярди. Иккинчи қаватдан кимдир қаттиқ бақириб юборди.

— Капитан! Уларнинг капитани шу ерда экан!

Кха ўгирилиб Люйга қаради.

— Югуриб бориб айт: уни тириклай тутиб, бу ёққа олиб келишсин! Ёш связной аланга шуъласидан қизарисиб турган деворга сакраб чиқди-да;

— Алло! Капитанинг қаерда? — деб бақирди.

Ўт очиш нуқтасидан пулемёт сидирға ўқ уза бошлади, кейин ҳовлини кесиб ўтаётган болага қараб якка-якка ўқ чиқарилди. Кха унга:

— Люй, чеккадан айланиб ўт! — деб қичқирди.

Бола унинг гапига эътибор бермай тўхтади, ўқ очиш нуқтасига ҳазилнамо таъзим қилиб, яна чопишда давом этди. Пулемётдан кетма-кет тўхтовсиз ўқ узилди. Кханинг юраги орқасига тортиб кетди. Ҳовлининг теваракатрофида ағнаб ётган деворлар ва ғишт уюмлари орқасида яшириниб ётган солдатлар баралла қичқириб юбошлиди. Пулемёт ўқлари Люйнинг шундайгина олдидаги

Ғишт деворда қатор тешикчалар ҳосил қилди. Бола бир лаҳзагина тұхтади-ю, кейин ўқ әмғири остида яна дадиллик билан олға қараб югурди. Люй деярли ҳовлини айланиб келиб тұхтади: алоқа йўли ёнидан бир француз лейтенантчиқиб, қўлини юқори кўтарди.

— Чиқ, тезроқ! — деб бақирди Люй унга.

Лейтенант қўлини тушурди, унинг орқасидан автомат ўқ чиқарди. Бола ғишт терилган ҳовлига йиқилди; лейтенант билан бир неча француз солдати унинг панасида энг охирги омон қолган дотга қараб чопишиди. Қха бир сакраб ҳовлига тушди. Үқлар унинг шундайгина қулоғи тагида визилларди. У юрганча Люй етган ерга бориб, болани қўлига олди-да, атрофига ўқ ёғилио туришига қарамай орқасига қараб югурди. Пана жойга етиб келгач, ҳали танаси илиқ турган жасадни ерга қўйди. Қха бу чуваккина танага назар ташлар экан, ўзини йигидан тұхтата олмади.

Иккита бўлинма девор ёқалаб ўт ёғдираётган дотпинг ёнгинасига бориб олди. Уларнинг қалблари қаҳру ғазабга тўлиб кетган эди. Кўзларига қон тўлган Зак кўрсатгич бармоғини автоматнинг тепкисидан олмай, тўғри дот шинагига қараб ўқ узаверди. На бурчакдан бощини чиқариб қўл гранатасини ирғитди. Кетма-кет яна бир неча гранаталар улоқтирилди. Уларнинг портлашидан юзага келган кукимтир шуъла ҳовлини ёритиб юборди. Тхон қўлида мина билан дот тагигача эмаклаб борди. Отишув кучайди. Тхон дарров орқасига қайтди. Ҳамма бир-бирига жиплашган ҳолда юзини беркитиб ерга ётиб олди. Дотдан оқ аланга фонтандек отилиб чиқди. Қулоқни кар қиласын дараражадаги гумбирлаш натижасида истеҳком секин-аста бир томонга қийшшая бошлади. Ҳамма ирғиб ўрнидан турди. Дот сув қўйгандек жим бўлиб қолди. Шу пайт Қха ҳовлини ой бир текис ёрнитиб турганини пайқаб колди.

Пулемет уясидан қалтираган қўлларини кўтарган ҳолда бир-бирларининг пинжларига тиқилиб, французлар ва негрлар ҳовли ўртасига тушиб келишиди. Милтиқ наизасининг уни ҳар томондан уларга қаратилди. Кимdir:

— Бу лаънатиларнинг ҳаммасини ҳам бўғизлаб ташлаш керак, — деб қичқирди.

Шан гимнастёркасининг қўлсиз енги билан найзани тўғрилаб қўйди. Командир баланд овозда дона-дона қилиб:

— Уларни бу ердан олиб чиқинглар! — деди.

Кха дарбоза ёнида туриб асир тушганларга қарап экан, тишиларини ғижирлатарди. Фишт парчалари уюминг ёнида кимдир йиғламсираб:

— Мени ечиб юборинглар! — деб ингради.

— Ҳечқиси йўқ,— деди унга На.—Жим ётавер, жин ҳам урмайди.

Бир неча солдат Люйнинг жасади атрофида ўтиришарди. Ой ёруғида боланинг чеҳраси оқариб кўринар, пўлат каска кийган солдатлар унинг тепасида бошлирини қуий солиб ўтирадилар. Солдатлардан бири боланинг соchlарини силади. Уларнинг бу ўтиришлари абадийдек туюларди. Тхон келиб, боланинг жасадини қўлига олди-да, истеҳком дарбозасидан майдонга чиқди. Солдатлар чурқ этмай, унинг кетидан юришди. Кха турган ерида қолаверди. Томоғига келаётган бир нарсани қайтаришга ҳаракат қилиб тамаки чекди. Юзлари қонга беланган, зўрба зўр қадам босаётган асирлар Люйни кўтариб бораётган Тхоннинг кетидан қараб қолишиди. Кха энди бу жингалак соchlар, кирланиб кетган юзлар, ювош ва ҳадиксираб турдиган кўзларга қарашиб учун тоқати қолмай, тоғдан пастга тушиб кетди.

Шан ҳовлининг ўртасида туриб, баланд овоз билан команда берди:

— Ишчилар командаси, бу ёққа!

Шу заҳоти истеҳком дарбозаси тиқилинч бўлиб кетди. Бамбуқ дастаклар шарақ-шуруқлаб, кишилар шовқин солишаарди. Ҳали ҳам онда-сонда черепица ва фишт синиқлари уюминн, ўрилган сим чивиқлар, ёғоч бўлакларини қизғиши ёритиб ўт тутаб ётарди. Ярим хароба ўт очиш нуқталаридан эгилган темир тўсинлар бесўнақай бўлиб чиқиб турарди. Истеҳкомга бир-бирларини итаришиб ҳамон янгидан-янги ишчилар кириб келишмоқда эди.

Дот девори бурчагида кимнингдир пўлат каскаси кўринди:

— Ҳей! Пастдагилар! Биронтаңгиз мана бу йирик калибрли пулемётни олиб чиқишига ёрдамлашиб юборинглар!

— Ўртоқ Фу! — деб қичқирди Шан. — Ҳамма хоналарни бирма-бир қараб чиқишига буйруқ беринг. Яна битта-яримта қолиб кетган бўлмасин!

Тонг ёриша бошлади. Бир тўп солдат қалин майсазордан аста-секин қадам ташлаб бормоқда. Улар уйларига қайтишарди.

— Оҳ, қандай ёқимли шабада-я!

— Яна бир оз юрсак булоқ келади. Юзларимизни бир ювиб олайлик.

— Уни қара, милтиғининг найзаси худди заъфарга ўхшаб сарғайиб кетибди.

Солдатлардан бирининг орқасида милтиғининг қўндоғига боғлаб қўйилган алюмин кострюль шақир-шуқир қилиб бораради.

— Ўйга олиб бораман,— деди у астойдил.—Ошпазимизнинг суюнишини кўрасан!

Бир неча солдат майса устига ўтириб олиб, битта сигаретани галма-гал чекишиди.

— Нега уй-үйингизга кетмай ўтирибсизлар? — деб сўрашди йўловчилар.

— Бир оз дам олиш ҳам керак-да! Сизлар бораверинглар!

— Кўп ўтириб қолманглар!

— Ман бугун роса мина қўйди-да. Ўзиям роса портлади!

— Оҳ! Қани энди худди шу майсанинг устида ағнаб бир соатгина ухлаб олсанг.

— Э, қўйсанг-чи! Ярим соатдан кейин манзилга етамиз.

— Менинг овқат егим келаяпти. Қани энди ҳозир ёпилган батат бўлса!

Йўлда боши сочиқ билан танғиб қўйилган бир неча енгил ярадорлар боришарди, уларнинг яраларидан оққан қон сочиққа сизиб ўтган эди.

— Қара, агар Шан бўлмаганда мана бу асиirlардан биронтаси тирик қолмасди. Энди қўлларини чўзиб тамаки сўрашаяпти.

— Шан нега кўринмайди? Қаёқда қолди?

— У ҳали ҳам ўша ерда.

Кўплар бурқсиб ётган тепаликка кўз ташлашди. Тонг ёришиб кетди. Пўлат каска кийган солдатлар тизмаси тог орасига кириб бормоқда эди.

ЧАНДИҚ

Май құтас етаклаб, аста тепаликка чиқиб борарди. Күккисдан у бута орасида ухлаб ётган одамни күриб қолди. Ётган кишининг юзига похол шляпа ёпиқлиқ бўлса-да, бола унинг Той эканини дарров билди. У құтасни қўйинб юбориб, оҳистагина ошнасининг ёнига борди. Товушини бошқачароқ қилиб чақириш учун бурнини қўли билан қисди-да, ошнасининг қулоғига:

— Алло, Вьет-Мин! — деб қичқирди.

Похол шляпа шу ондаёқ тўнгарилиб тушди. Той ирғиб ўрнидан турди. У уйқули кўзлари билан қўрқиб Майга қаради. Ўзининг бу ҳазилидан мамнун бўлган Май кулиб, бир чеккага қочди. Шунда Той бир тош олди-да, қулочкашлаб Майга отди.

— Э, шайтон, чўчитиб юбординг-ку!

Май яна нари қочди ва узоқдан туриб:

— Бу мени урганларинг учун! — деб қичқирди.

— Ҳали шошмай тур, жиғингни эзаман! — деб дўқурди Той.

Той Майнини қўрқитиб қўйгач, у билан ярашмоқчи бўлди. У энди ўн уч ёшга тўлган ва ўртоғидан атиги икки ёшгина катта бўлишига қарамай, Май унинг елкасидан келар ва Майдан анча кучли эди. Май бўлса ўзича: «Агар Той қасдини оладиган бўлса, менинг құтасимни француزلарнинг ерига ҳайдаб юборади. Ана унда бошим балога қолади!» деб ўйлади-да, ҳайвонни нарироққа ҳайдаб кетди, Той эса унинг кетидан келаверди. Май юргургац эди, Той қичқирди:

— Ҳа майли, кел ярашамиз, дао¹ ўйнаймиз.

Май ҳадиксираб ўртоғига кўз қирини ташлади: оғай-нисининг авзойи бир оз ўзгарган, у энди жаҳлидан тушган эди. Май бўлса Тойнинг кайфи чоғ пайтларда у билан зерикмай вақт ўтказишини биларди. Той Донг қишлоғининг партизанлари ҳақида: уларнинг душманларга қарши қандай курашаётганликлари, партизанлар отрядида хизмат қилаётган акаси ҳақида сўзлаб берарди. Бундай вақтларда Тойнинг чехраси худди катталарникидек тус олар ва Май ўзини худди катта киши олдида тургандек ҳис қиласарди. Эҳ, унинг ҳикояларини тинглаш қандай завқли! Шундай пайтларда у дўстининг гапларига астойдил ишонар ва уни жуда яхши кўриб кетарди.

Той ҳозир қилган дўқларини бутунлай унугиб юборди. У ўзининг ундан катталигини, кичикларни кечириши, ўзини катталардек тутиши кераклигини эслади. Қўлинин чўнтағига тиқиб, Майнинг ҳавасини келтириш учун танга пулларни жиринглатди.

— Дао-ло ўйнайсанми? Мана шунча пулим бор! Хохласанг юр, ҳув анави дараҳтнинг тагига борамиз, Тхео билан Лям ўша ерда, ҳаммамиз — мой² ўйнаймиз.

— Йўқ, қўтаслар шолипояга тушиб кетади, қўшниларимиз уришади,— деб кўнмади Май.

— Ҳам ўйнаб, ҳам уларга қараб турамиз, шу яхши эмасми?

— Йўқ.—деди Май,— керак эмас. Кеча кечқурун дадам уришди. Қўтас яна Химонг Тхемнинг пайкалига кирса, мени ўлдиришади. У бир куни мени тутиб олиб бошимга роса урган. Анча вақтгача бошим қаттиқ оғриб юрди. Яна бақириб: «Иш ёқмас, менга қилган хизматинг шуми, қўтасимни ҳали шундай бокаяпсанми? Озиб кетганидан қовурғалари саналадиган бўлиб қолибди. Ўзингнинг қовурғаларингни санатиб қўярман!» деди.

— Мен бўлганимда унга: «Қани бир кўрайлик-чи!» дердим,— деди Той қизишиб.— Кучини ёш болаларга кўрсатар экан-да, уят-э!

— Айтардинг-а, айтардинг! Дадам ҳам чурқ этолмади-ку. Қаёқда! У билан олишиб бўлармиди!

Болалар майса устига ўтиришди. Уларнинг қўтаслари серсув ўтларни курсиллатиб еярди. Тўсатдан узоқдан

¹ Дао — танга пул билан ўйналадиган ўйин.

² Дао-ло ва у-мой — Вьетнамда болалар ўйинининг турлари.

милтиқ овози эшилди. Құтаслар бошларини күтариб, овозга қулоқ сола бошладилар. Той французлар истеҳкоми томонға қараб хотиржамлик билән деди:

— Эй, мақтанчоқлар, бекордан-бекорга отиб пла қиласизлар? Сизларнинг отганингиз нима-ю, құтасларнинг ел чиқарғани нима!

Май бўлса осмонга тикилиб хаёлга чўмди.

— Қани энди мана шу учеб юрган қушларнинг ҳаммаси бизларнинг самолётларимизга айланиб қолса-ю, уларнинг устига бориб бомба ташласа. Роса иш бўларди-да!

— Гапингни қара-я? Ахир сен билан биз ҳали партизанлар турган жойда бўлмаганимиз, самолётларимиз борми, йўқми — қаёқдан биламиз, — деб маънодор жавоб берди Той ўртоғига.

Май ҳайрон бўлиб бош тебратди:

— Партизанлар турган ерда самолётлар бор-а?

— Билмадим,—деб Той елкасини қисиб қўйди.

— Бўлса, нега учеб бориб душманлар устига бомба ташламайди?

— Мен сенга самолётимиз бор дедимми?

Болалар жим бўлиб қолишли. Сўнг Май яна савол берди:

— Французлар Европада туради дейишарди-ку. Нега улар бу ерга келиб, бизнинг еримизни тортиб олишаяпти?

— Нега деганда, улар босқинчи,—деб жавоб топди Той.

— Менга қара, Тої, улар ўзларининг юртларида ер ҳайдашадими? Ҳа, айтгандай, сен нима деб ўйлайсан, уларнинг болалари ҳам құтас боқишини?

— Европаликлар гуруч ейишмайди, ноң ейишади, шунинг учун ҳам улар ер ҳайдашмайди,— деб жавоб берди Той.

— Ноңни нимадан қилишади? — деб сўради яна Май.

— Ноңними? Ундан-да...

— Унни қаердан олишади? Агар уларнинг болалари құтас боқмаса, уларни ким боқади?

— Улар бойларнинг эрка болалари, бу уларнинг парвойига ҳам келмайди.

— Бой, бой дейсан, ундан бўлса нега бизларни талашади?

— Э, бўлди-да! Бориб, французларнинг ўзларидан сўра,— деб бақириб юборди тоқи тоқ бўлган Той.

Кўп саволларга нима деб жавоб беришини билмагани учун унинг жаҳли чиқиб кетган эди. Бола майса устига чўзилиб ётиб олди-да: «Агар Май яна шундақа қийин саволлар бераверадиган бўлса, ураман» деган хаёлга борди. У ўртоғининг бошидаги катта, силлиқ қизғиш чаидикқа облон тикилди. Кейин кўлинин узатиб уни силай бошлади. Бепарво ўтирган Майнинг бошига тўсатдан шиқ этиб чёртки тушиб қолди. Унинг энди жаҳли чиқиб келаетган эди, икковлари ҳам қўққисдан бир нарсанинг шитирлаганини эшишиб қолишиди. Той ирғиб ўрнидан турди, Май ундан ҳам тезроқ туриб кетди. У каттакон бир чигирткани кўриб қолди-да, уни ушлаб:

— Вой-буй, мана бу чигирткани! — деб қичқириб юборди.

— Кўриб берай,— деб илтимос қилди Той.

— Ҳо, ундан кейин олиб қўйгин-а!

— Нима қиласман уни!— деди Той керилиб ва шу топдаёқ ошнасидан чигирткани тортиб олди. Чигиртка каттакон, оёқлари ҳам узун эди. Ўзи ҳам зўр бўлса керак.

— Тортиб олади деб ўйлама, яна қайтариб бераман!

— Бу менинг чигирткам,— йиғлаворай деб тўнғиллади Май.

— Йўқ, у менинг орқамда юрган эди,— деди Той.

— Мен сендан олдин ушлаб олдим-ку,— деб қичқириди Май, Тойнинг қўлидан маҳкам ушлаб.

У ўртоғининг кафтини очмоқчи бўлган эди, Той бир силтаб қўлинин тортиб олди, шу пайт мушти орасида нимадир қирс этиб кетди. Ниҳоят бола муштумини ёзган эди, чигиртка эзилиб жетибди. Май қаттиқ хафа бўлди. У жаҳли билан Тойнинг қўлига бир урган эди, чигиртка ерга тушиб кетди. Той бир лаҳза иккиланиб турди-да, кейин Майнинг бошидаги чандигига устма-уст мушт кола бошлади.

Май додлаб йиғлади:

— Қароқчисан, қароқчи!

Той хахолаб кулганча югуриб кетди, унинг орқасидан Май:

— Қароқчи! Кучинг кичкиналарга етади, холос. Қараб тур, ойингга айтиб бераман! — деди.

— Айтсанг айтавер, — деди Той парво қилмай.

Бироқ Той ўртоғини урганига ўқинди. «Энди у мен билан ўйнамай қўяди! Хўп, ким унга чигирткани ўлдир-

син дебди? Кейин ўзи француз бўлиб мени қўрқитди-ку» деган хаёлларга борди Той. Яна бир оз ўйлаб тургач, ўзича: «Энди Майни қаттиқ урмайман, чертмайман ҳам, фақат мендан ҳадиксираши учун секин ураман» деган қарорга келди.

Кечқурун Той қўтасни қишлоққа ҳайдаб кетди. У бугун бўлиб ўтган кўнгилсиз ҳодисаларнинг ҳаммасини унудиб, йўл-йўлакай ашула айтиб борди. У бир боғ шох орқалаб олган эди. Уйига келгач, гулхан ёқди-да, шу қишлоқли бир бойникида ишловчи онасини кутиб, кечки овқат ҳозирлашга киришди. Тхао уйга келган пайтда овқат тайёр бўлган эди. Она-бала керосинни тежашиб, чироқ ёқишмай, овқатни уйга кираверишда, ботаётган қуёш ёруғида ейишди. Кутилмаганда душман доти томондан автомат овози эшитилди. Француэлар кўпинча бекордан-бекор ҳам ўти очишаверарди, лекин ҳозирги отишив қандайдир ғалатироқ эшитилди. «Партизанлар дотни қуршаб олишган бўлса, душманлар ўқ билан жавоб қайтараётганмикин? — Бироқ яна жимлик чўкли.— Йўқ, янгишганга ўхшайман»,— деб ўйлади Той. Кечки тамаддиқни қилиб бўлишгач, она-бала ухлагани ётишди.

Уларнинг кўзлари энди уйқуга кетган ҳам эдики, эшик олдида кимнингдир:

— Ойижон! — деган хаяжонли товуши эшитилди.

Бу товушни эшитиб, Тхао чўчиб тушди. Лип этиб хаёлидан катта ўғли ўтди. У ўзини босиб олиб сўради:

— Ким у?

Эшик тагидан аста жавоб эшитилди:

— Ёрдам беринглар! Икки кишимиз. Бизларни француэлар қуввиб юришибди. Тезроқ!

Тхао ўғли эмаслигини билди. У иккиланиб қолди, қишлоқ отрядининг командири ҳушёрлик тўғрисида кўп гапирган эди, чиндан ҳам душман жосуслари ўзларини партизанликка солиб, қишлоқ аҳолисини алдаган ҳоллар кўл бўлган. Тхао ўрнидан турмай, ётган еридан:

— Бошқа ерга беринглар! — деб жавоб қилди.

Шунда бояги овоз яна эшитилди:

— Онажон, тушунсангиз-чи, бизлар армия ходимларимиз. Бошлиқларимиз томонидан берилган ҳужжатларимиз бор.

— Ҳужжат-пужжатинг нимасийди, биз ўқиши ҳам билмаймиз.. Кет дегандан. кейин кетинглар бу ердан.

Эшик орқасида бир дақиқа жимлик чўкди, кейин бири иккинчисига умидсизлик билан деди:

— Одамлар бизни ҳайдашяпти-ку! Кетамиз. Бу ерда қолиб бўлмайди.

Бошқаси жавоб қайтарди:

— Қаёққа борасан? Французларнинг қўлига тушиш учун душман дотига борасанми?

— Бирон ёққа бормасак бўлмайди. Французлар ушлаб олса борми, ғақ...

Эшик орқасидагилар гапларини тугатишмади. Тхoa ҳамон сусткашлик қиласарди. «Эҳтимол, улар чиндан ҳам армия ходимлариридир, французларнинг қўлига тушиб қолиша-я? — деган хаёлга борди аёл.— У сабабчи бўлади-ку. Қаршилик урушига зарар етказган бўлиб чиқади. Борди-ю жосус бўлишса-чи? Унда ғима бўлади? Кел, бўлганча бўлар». Тхoa ўғлиниңг оёқ товушини эшигтан пайтда нима қиласарни билмай турган эди.

— Ойи, рухсат бер, улар киришсин, отряд командири ёнига бошлаб борамиз.

Той жуда секин гапирган бўлса-да, эшик орқасидагилар үнинг гапини эшитишди.

— Рост, киришга рухсат беринг. кейин отряд командириниңг ёнига олиб борасиз.— дейишди қувониб эшикдагилар.

Тхoa туриб чироқ ёқди, кейин эшикни очди.

Икки киши кириб келди. Ўлар кўринишдан жуда чарчашган эди. Бамбуқ скамейкага ҳорғин ўтиришиб уҳ тортишди.

— Отишма овозини эшийтдингларми? — деб сўради нотанишлардан бири.— Душман пости ёнидан ўтиб кетаётган эдик, сезиб қолишида-да, ўқ узишди. Энди ўлдик, деб ўйлаган эдик.

— Улиш осон эмас. Ўқ бизларни ёқтиромайди. Қуршовдан биринчи қочишимиз эмас-ку,— деб қулди иккинчиси.

Жим қолишиди. Шунда Тхoa улардан:

— Ўрмон базасиданмисизлар? — деб сўради.

— Ҳа, ўрмондан чиққанимизга анча бўлди. Илгари Шимолда хизмат қилдик. Бугун Тхуањ дарёсидан сузиб ўтиб, шу ерга келдик. Ўз қишлоғимиз ёнидан ўтиб, туғищганларимизни ҳам кўра олмадик.

Тхoa олти ойдан бери кўрмаган катта ўғлини яна

эсга олди. Келганларнинг бири худди унинг нима ҳақда ўйлаётганини билгандек, сўради:

— Бу дейман, онажон, ўртоқ Нам тўғрисида кўп ўйлайсиз шекилли-а? У келиб кетдими?

— Ўғлимни сизлар ҳам биласизларми? — дея суюниб кетди Тхоа.

— Хаммамиз армия ходимларимиз, бир-биrimизни яхши биламиз. Ўртоқ Нам яхши ходим, у сизни доим эслаб туради, бориб кўриб келаман, деган эди. Лекин билмадим, келдимикан. йўқми?

Она бир оз хафа бўлди:

— У шундай дебмиди? Хеч келмайди-ку. Уни ҳар куни тушларимда кўраман. Ўйғонсам, ёнимда йўқ бўлади... Баъзан уни ўйлай-ўйлай тонг отдираман... Ҳозир шундай фикрдаманки, ҳамон у Қаршилик урушида қатнашаётган экан, ҳалкни озодлик ва мустакилликка олиб чиқиш учун охиригача жанг қилсин. Еримизда битта ҳам душман колмаса, ўша пайтда кўришамиз.

Той скамейка ёнига жойлашиб олиб катталарниг гапига диккат билан қулоқ солиб ўтиарди. Бола худди эркалангандек бошини меҳмонлардан бирининг қўлига қўйиб олган эди.

— Сен Намнинг укасимисан? Испинг нима? — деб унга томон энгашди нотаниш киши.

— Менинг исмим — Той. Сизникичи?

У киши кулиб юборди.

— Бу сир! Хавфли вақт, француздар бизларни қидириб қолиши мумкин, сени ушлаб олиб қийнагудек бўлишса, айтиб қўясан.

— Йўқ, айтмайман.

— Ростми?

— Рост.

— Ундай бўлса айтаман, лекин бошқа ҳеч кимга айтмайсан. Менинг исмим Као¹), уники бўлса,— у бош иргаб шеригини кўрсатди,— Шан.

— Испингиз Као бўлса, бўйингиз ҳам ҳақиқатан баланд экан.

Той кулди-да, сакраб Каонинг бўйнидан маҳкам қулоқлаб олди. Мехмон Тойнинг қўлларини тушираркан, уни итариб юборди-да, бошига секингинча уриб қўйди:

¹ Као — Вьетнам тилида баланд бўйли деган маънони англатади.

— Секинроқ гапир, атрофда одамлар бор, гапимизни эшишиб қолишлари мумкин.

— Бу ердагиларнинг ҳаммаси ўзимизники-ку!

— Гапинг тўғри, аммо уларнинг орасида сотқинлари ҳам бўлиши мумкин.

— Сизларнинг тўппончаларингиз бор-ку, қўрқмасанг-лар ҳам бўлади.

Као кулиб қўйди.

— Зийрак бола экансан! Бизларда тўппонча борлигини қаёқдан билдинг?

— Кўйлакнинг тагида кўриб қолдим. Менга кўрсатинг!

Той кўйлакнинг дўппайиб турган ерига уриб қўйди!

— Хой, Той, ҳар нарсага қизиқаверасан-да! — дея гапга аралашди онаси.

Као тўппончасини қинидан олди.

— Ма, кўра қол, фақат эҳтиёт бўл, ўқланган.

— Роса чиройли экан-да! — деб хўрсинди Той. — Олтита ўқи бор-а?

— Олтита эмас, ўнта,— деди Као.— Агар ўнта французни кўрсанг бирма-бир отиб ташлашинг мумкин.

— Начальникни қидирайлик. Қўл қовуштириб ўтиришимиз бўлмас,— деб безовталанди Шан.

— Тойни юбора қолайлик,—деб гапга аралашди Тхоя.— У ҳамма гапни айтади. Командирнинг турадиган ери узоқ, бугун ўн учинчи кечакоронги.

— Биз ҳар қандай об-ҳавога қарамай боришимиз керак, ишончлироқ жой топишимиз шарт.

— Бу ер ишончли эмасми?— деди Као.— Бир кечакунаш учун онамиздан рухсат сўраймиз. Тунда улар бу ерларга бош суқишимайди. Эшишишмача, французлар бу қишлоқни бир неча марта қуршаб олишга ҳаракат қилишган экан-у, лекин партизанлар ҳайдаб юборибди.

— Сиқилиб қолармикансизлар деб ташвишланяпман, каравотимиз биттагина, холос.

— Э, ташвиш тортманг, биз учун бунинг аҳамияти ўйқ. Биз буталар тагида ҳам, очиқ ҳавода ҳам ётиб юрганимиз. Ўрин солиб бераверинг, онажон. Ўзингиз ҳам ухланг.

— Эртага албатта командирни топиб, аҳволни маслаҳатлашиб олишимиз керак. Тўғрими, Шан?— дея ўртоғига мурожаат қилди Као.— Ҳозир бўлис бошлиғи ким, Бинми?— деди у Тхояга ўгирилиб.

— Бин жўпдан бери касал эди, ҳозир дам оляпти,
унинг ўрнига Тоан тайинланган.

— Тоанин қаердан топамиз?

— Советлар уйи Винъ Тхо қишлоғида бўлса керак.

— У ерга боргач, нима деб сўраймиз?

— Эртага мен сизларни бошлаб бораман,— деб жавоб берди Той.

— Жуда соз бўлади. Лекин биласанми, фақат йўлбарс панжасига тушиб қолмаслик учун маълумотни аниқ билиб олиш керак.

Ҳаммалари ётишди. Бироқ орадан бир минут ўтмаёқ Той иргиб турди; у юзини буриштириб:

— Ойи, оғрияпти! Қорним оғрияпти,— деди.

— Қаттиқ оғрияптими?

— Жуда!

— Бор, эшикка чиқ. Ёввойи мевалардан кўпроқ есанг, бундан ҳам бадтар бўласан. Балки, амакиларингда дори бордир. Бўлса беринглар шунга.

Той ихраганча уйдан югуриб чиқиб кетди.

— Чоп тезроқ, яна чиқиб кетмасин,— деб кулди Као қоронфида.

Кўчага чиққач, Той Майларнинг уйига қараб югурди.

— Май, ухлаяпсанми? — деди у ҳаллослаб астагина.

Уйдан сал шитирлаган товуш эшитилди-ю, яна жим бўлди.

Той қайта чақирди:

— Май, тур ўрнингдан! Бир қизиқ гап айтаман. Сотқинларни қўлга тушуришни хоҳлайсанми?

«Сотқин» сўзини эшитган Май сапчиб турмоқчи бўлди-ю, яна ётиб олди.

— Ёлғон, яна ёлғон гапирияпсан,—деб шивирлади у.

Той қасам ича бошлади:

— Агар ёлғон гапирысан бутун оиласи қирилиб кетсин. Тезроқ чиқ. Сотқинлар келди.

Қасам таъсир қилди. Май овоз чиқармасликка ҳаракат қилиб, аста уйидан чиқди. Той сўзини давом этдириди:

— Ҳозир бизларнинг уйимизда икки киши бор. Улар армия ходимларимиз дейишди, лекин мен шубҳаланяпман. Улардан қандайдир бегона ҳид келяпти. Мен улардан биттасининг бўйнидан қучоқлаган бўлиб, ҳидлаб кўрдим. Худди французларнинг ҳидига ўхшайди. Кейин мени итариб юборди.

— Ҳа, нима бўлти? Сен ҳам мени урасан-ку,— деди Май.

— Армия ходимлари ҳеч қачон болаларни уришмайди,— деди Той.

— Энди нима қиласиз?

— Партизанларнинг командирига хабар берамиз. Сен Винь Тхога борасан-да, ҳамма гапни ўртоқ Тоанига гапириб берасан, у келиб буларнинг ҳужжатларини текшириб кўради,— деди Той дангал.

— Мен... мен Винь Тхога бораманми?— деб қайта сўради Май юраги дов бермай.

— Ҳа, сен. Мен уйга бориб, уларнинг гапини эшишиб ётаман. Улар ойимдан Тоанинг қаерда туриши, Намнинг қачон келиб кетганлигини суриштиришди.

Майнинг юраги орқасига тортиб кетди. У қўрқиб қоронғиликка қараб қўйди. Тун қоп-қоронғи эди. Барглар оҳиста шитирларди.

— Бу ердан Винь Тха жуда узоқ-ку, ундан кейин Олти қиррали тоғда мозорлар кўп!

— Сенга нима бўлди, жинлардан қўрқасанми?— деди Той жаҳл билан.— Ҳозир жинлар бўлмайди.

— Қўрқмасанг ўзинг бора қол.

Тойнинг жаҳли чиқиб кетди:

— Тушунсангчи, мен уйга қайтиб боришим керак. Бўлмаса улар билиб қолиб, қочиб кетишади.

— Ўзинг ҳам жинлардан қўрқасан-ку,— деди Май қовоғини солиб. У ҳақ гапирди-ю, бироқ Той туриб олди:

— Ҳозир сотқинларни ушлаш жинлардан муҳимроқ иш. Агар улар қочиб кетса, бунга сен айбдор бўласан.

Шунда Май бошқачароқ режа таклиф қилди:

— Бўлмаса катталарга айта қолайлик-да. Улар бориша қолсин, қўрқишишмайди. Мен дадамни уйғотаман.

— Катталарсиз ўзимиз бир иш қилолмаймизми?

Орадан бир минутча вақт ўтгач, Май боришга рози бўлди.

— Бўпти, ўзим бораман. Ҳеч нарсадан қўрқмайман. Лекин ҳозир айт: мени яна урасанми?

Той ўртоғининг гапни чўзишидан аччиғланиб: «Ҳа, мана ҳозир ҳам ураман» демоқчи бўлди-ю, лекин ўзини тутиб ҳотиржамлик билан:

— Бундан кейин сира урмайман,— деди.

— Ундай бўлса қасам ич,—деб туриб олди Май.

— Қасам ичаман. Қани, бор энди тезроқ. Мен бориб уларнинг кўзларига кўриниб туришим керак.— Той шундай деб Майдан узоқлашиди.

Май зингиллаганича югуриб кетди. Той ўртоғининг кетидан қараб туриб: «Нега бу йўлдан чопиб кетдийкин? Жинлардан қўрқдимикин?»— деб ўйлади.

Той уйига қайтди. Уйга иштонбогини боғлаётгандек бўлиб кирди. Као каравотдан туриб, Тойга дори берди:

— Ичиб юбор, иним!

Бироқ Тойнинг ичгиси келмади. «Агар у хоин бўлса қанақа дори беришини ким билади?— деб ўйлади бола.— Мени урди-ку, энди бўлса дори беряпти. Ундан ташқари, кўп нарсаларни суриштиряпти. Тўғри, яқинда Тоан келиб у ҳам кўп нарсаларни сўраб кетган эди, лекин булар жуда синчков экан. Уларнинг хоинликлари аниқ... Борди-ю, хоин бўлмаса-чи? Ўртоқ Тоан келиб ҳужжатларини текшириб кўради. Унда мени роса боплашади-да...»

Тойнинг сира уйқуси келмади. У Као ва Шаннинг онаси билан қилаётган сұхбатига қулоқ солиб ётаверди. Аввал меҳмонлар чарчадик дейишигган эди, энди бўлса, дам олишни эсларидан ҳам чиқариб юбориши. Ётган жойларида партизанлар отрядининг қаердалигини, ярдорлар қанчалигини суриштиришяпти.

Майдан ҳамон дарак йўқ эди! Той хавотирлана бошлиди. «Тағин адашиб қолган бўлса-я? Балки, у жинларнинг қўлига тушиб қолгандир ёки қўрқиб, ярим йўлдан уйга қайтиб келгандир?»

Той яна қорни оғриётганлигини баҳона қилиб, Майнинг келган-келмаганини билмоқчи бўлди. «Агар уйида бўлса, эртага роса дўппослайман-да!»

Бирдан эшик тақиллаб қолди. Той ўрнидан дик этиб туриб, эшикни очди. Ўртоқ Тоан билан Қхой деган партизан кирниб келишди.

— Сизларнига уезддан икки киши келган эмиш. Мен улар билан учрашмоқчи эдим,— деди Тоан.

Као ўрнидан туриб, кириб келганларга юзланди.

— Салом, ўртоқлар. Биз сизлар билан эртага учрашамиз деб ўйлаган эдик. Яхшики ўзингиз келибсизлар... Мана менинг ҳужжатларим.

Као ҳужжатларини олишга қийналмасин деб Тоан чироқни юқори кўтариб турди, шу билан бир вақтда унинг юзини синчилаб кўздан кечира бошлади. Той ҳаяжонланарди. У Тоанга қаради. Тоан бўлса нотаниш кишининг ҳужжатидаги ҳар бир сўзни шошмасдан ўқирди. Тоан ҳужжатларни кўздан кечиргач, уларни буклади-ю, лекин эгаларига қайтариб бермади.

— Шу топда обкомдан желишингларми, ўртоқлар? — деб сўради у.

— Биз ўрмон базасидан келдик, унгача анча вақт Шимолда ишладик,райком билан алсқа боғладик-да, тўғри шу ерга келдик.

Тоан яна чироқни кўтариб нотаниш жишиларнинг юзларига тутди, узоқ вақт уларнинг чеҳраларига тикилиб турди. У гўё Каонинг жавобини эшитмагандек эди.

— Чарчаган бўлсантиз керак?

— Уруш пайтида ишлаб ким чарчамайди дейсиз? Албатта чарчадик. Қоронида нақ француздарга тўқнаш келиб қолай дедик.

— Ёнингизда қуролларингиз бўлса керак! — Шундай деб Тоан каравотда ётган тўппончалардан бирини қўлига олди. Иккинчисини Као олиб, кулди:

— Душманга рўпара желганда қуролсиз иш битармиди?

Шу пайт Као чаққонлик билан тўппончасини қинидан чиқарди-да, уни Тоаннинг кўкрагига тираб, қичқирди:

— Овозингни чиқара кўрма! Отаман!

Тоаннинг довдираб қолганидан фойдаланган Шан унинг қўлидан иккинчи тўппончани ҳам тортиб олди. Бу жуда ҳам хавфли дақиқа эди. Бирдан Тойнинг овози эшитилиб қолди:

— Ўртоқ Тоан, қўрқманг: «Тўппончаларнинг ўқи йўқ, мен олиб қўйганман».

Той чўнтағига қўлини соглан эди, металнинг жаранглаган овозини ҳамма эшилди. Қўрққанидан Каонинг юзлари титраб кетди. У бир чеккада турган болага ўгирилиб қаради. Шу он Тоан нотаниш кишининг қўлини маҳкам ушлаган эди, қўлидан тўппонча тушиб кетди. Худди шу пайт тўппончани қинидан суғираётган Шаннинг қўлига партизан Кхой милтиқнинг қўндоғи билан тушуриб қолди. Кейин бир оз орқага тисланиб милтиқ ўқтади-да:

— Хоинлар, жойлариндан қимирламанлар! — деб қичқирди.

Као бу огоҳлантиришни эшилган бўлса-да, ҳамон Тоан билан олишиб ётарди. Шу вақт Той чаққонлик билан ерда ётган тўппончани олиб, Тоанга узатди:

— Тўппончани олинг,— деб қичқирди у,— ичида ўқи бор, мен уларни алдаган эдим.

Тоан бор кучини тўплаб, Каони ғазаб билан каравотга

итариб юборди-да, дарров тўппончани қўлига олди. Ўзини зўрға ўнглаб ўрнидан турган Као Той томонга қараб жаҳл билан тупурди. Той ўзини тез четга олиб қичқирди:

— Хоин, аҳмоқ хоин, алдадим-ку, сени! — Той шундай деб чўнтағидан бир неча чақа пуллар чиқарди-да, уларни Каонинг тумшуғи тагида жиринглатди. — Чўнтағимда мана бунақа ўқлар бор эди!

Шан партизан Кхойнинг бутун диккәти Тоан билан Тойда эканлигидан фойдаланиб, тез дераза пардани кўтарди-ю, уйдан җочиб чиқиб кетди. Шу заҳотиёқ ташқарида оғир гавданинг гумбурлаб йиқилгани ва бир боланинг бақирган овози эшитилди:

— Уртоқлар, ёрдам беринглар, мен унинг оёғидан ушлаб турибман!

Бу Майнинг овози эди. Кхой, ерга муккасидан тушиб, боланинг қўлидан чиқиб жетишга ҳаракат қилиб, оёқларини типирлатаётган Шанни осонгина ушлаб олди.

Май иккита партизанни бошлаб келгач, ўзи эшикда қолиб, уларнинг гапларини эшитиб турган эди. Деразадан ташлаб қочаётган қишини чалиб юборгаи эди, у чалпакдек чўзилиб тушди. Хоин йиқилаётib боланинг бошига бир уриб қолди. Боши оғриганидан боланинг кўзларидаи ёш оқиб кетди-ю, лекин у сир бой бермай куларди.

Бу ишлар давомида Тхоя худди қотиб қолгандек қимир этмай турарди. Ниҳоят, у ўзига келди-да, арқон тошиб, уни Тоанга тутқазди. Йиккала хоин ҳам яхшилаб боғлангандан сўнг, аёл уларнинг юзини кўрмоқчи бўлиб яқин келди-да, уларга лаънатлар ўқиди. Тоан ҳозиргина ўчиб қолган чироқни ёқиб, Каонинг юзига тутди.

— Ҳа, бу постдан келган жосус,— деди у. — Мен тошйўл ёнидаги пистирмада туриб, унинг француз солдатлари билан кетаётганини кўрган эдим. Яна нега иккиланиб ўтирибман-а?

Као билан Шан болаларга еб қўйгудек бўлиб тикилишарди. Улар қўлга тушганлари учун қўрқибгина қолмай, балки болаларга алданишгани учун уялишарди ҳам. Улар Тоаннинг биронта саволига ҳам жавоб беришмади. Бироқ, жавобсиз ҳам равшан эдики, улар партизанларнинг қаердалигини билиб, душманга етқизмоқчи бўлганлар. Босқинчилар кейинги ойларда қишлоқقا бир неча марта бостириб киришга уриниб кўрди-ю, лекин ҳар сафар партизанлар уларни қайтариб туришди. Шунинг учун ҳам босқинчилар бу жосусларга қеракли маълумот-

ларни тўплаб, француз солдатларини қишлоққа олиб киришни топширган эди.

Тоан хоинларни партизанлар базаси районидаги қишлоққа жўнатмоқчи бўлди. Шу билан бирга у барча отряд командирларига зийрак бўлиб туриш тўғрисида буйруқ берди.

Чиндан ҳам Тоан ҳақ эди. Тонг отар пайтида душманлар ҳужум бошладилар. Улар худди ниманидир кутаётгандек, шундайгина қишлоқ остонасида тўхтаб қолиши. Бироқ партизанлар билан қўнгиллилар босқинчиларни бу сафар ҳам орқага чекинишга мажбур қилдилар.

Жангдан сўнг партизанлар отрядининг бошлиғи ва қишлоқ комитети Той билан Майни мукофотлади. Болаларнинг ҳар бири бир дастадан қофоз олиши. Улар бу қофозларни тикиб, дафтар қилишида-да, мактабга қатнай бошлаши. Хоинларни қўлга тушуриш воқиаси уларни илгаригидан ҳам иноқлаштириди.

Бироқ, бир жуни улар уришиб қолиши. Бу воқиа шундай юз берди: болалар партизанлар отиш машқини қандай ўтказаётганликларини томоша қилгани ўрмонга бориши. Уларни самимий қарши олиши. Той Қхойнинг милтиғига янча вақтгача тикилиб турди-ю, ниҳоят тоқати тугаб:

— Мен ҳам бир марта ота қолай! — деб илтимос қилди.

Кхой ўгирилиб ўртоқларига қаради-да:

— Менимча рухсат бериш жерак, қуролга ўргансин! — деб милтиқни оғзи қулоғида бўлган Тойга узатди.

Той ўрнидан турди, ёёқларини кериб, милтиқни зўрға кўтарди, жўзини қисган ҳолда унинг қўндоғини елкасига тиради. У француз истеъкомини узоқ вақт мўлжалга олиб, ниҳоят тепкини босди. Ўқ отилиши билан Той ерга йиқилди. Қўллари билан қулоғини беркитиб дўстининг ёнида унинг ҳаракатларини қузатиб турган Май, Той йиқилиши билан уни масқара қилиб кулиб юборди. Кейин қараса дўстининг ранги оппоқ оқариб кетибди.

Той партизанлар олдида ҳам, ўртоғи олдида ҳам изза бўлиб қолди. Ундан ташқари Майнинг масхаралаб кулганини ҳам сезди.

Катталарнинг юлдида ўртоғидан аламини олиш ноқулагай эди. Шунинг учун у индамай ўрнидан турди-да, чалворини қоқиб, чурқ этмай, ўртоғини эргаштириб жўнаб кетди. Бироқ партизанлар қўздан ғойиб бўлгач, Той ҳеч

гапдан ҳеч гап йўқ, Майнинг бошига, нақ чандигига боплаб тушуриб қолди. Бола Тойнинг қўйини итариб ташлади-да, уининг тумшуги тагига келиб қичқирди:

— Нега урдинг мени? Хоин!

Бу сўзни эшитгач, Той турган ерида қотиб қолди, Май бўлса ўзининг ҳақ эканлигини сезиб, бақираверди.

— Эсингдами, сени ҳам хоин урган эди-ку, энди сен мени уряпсан. Фақат кучинг менга етади! Ўзинг жимсан? Босмачи французмисан ёки вьетнамлик хонимисан?

Той Майнинг чакагини юмиб қўймоқчи бўлди-ю, лекин ўзини тутиб:

— Куч кўрсатишга арзийдиган одам бўлсанг экан!— леб қўя қолди.

— Ие, ҳали арзимайманми? Сендан қаерим кам?!

Бироқ Той ҳали бутунлай жаҳлидан тушмаган эди. У Майнинг бошидаги қизғиши чандиққа тикилиб турарди.

Май бўлса қизишиб давом этаверди:

— Сендан қаерим кам, айт? Сен хоинларни қўлга туширган бўлсанг, мен ҳам туширдим. Сен биттасини алдаган бўлсанг, мен ҳам биттасини чалиб йижитдим,— у нафасини ростлаб олди-да, яна янги далил топиб, гапини тугатди:— мен жинлардан қўрқсан, сен ҳам қўрқасан.

«Хоин» деган гапдан Тойнинг жўз олди ҳали ҳам қоронги аҳволи милтиқ отгандан кейинги ҳолидан бадтарроқ эди. У Майнинг ғазаб қилаётгани тўғри эканини тушуниб турган бўлса ҳам, ундан қаттиқ аччиғланди. «Уни нега хафа қиляпман-а? Рост, мен кимман, французми ёки хоинми?— деган гапларни хаёлидан ўтказди Той,— жони ачигани учун гапириб юборди». Шундан кейин Той:

— Кечир мени,— деди кулиб.— Сени атайлаб урганим йўқ, беҳосдан шундай бўлди.

Той яна, энди мени масқара қилмайсанми? демоқчи эдиию, аммо Май яна тутоқиб жетмаслиги учун индамай қўя қолди:

— Энди сени сира урмайман ҳам, чертмайман ҳам.

— Алдайсан!

— Қасам ичаман, ҳеч тегмайман.

— Яқинда ҳам шундай деб қасам ичган эдинг.

— Қел, қиличми, тўқмоқ!

— Қеракмас!

Майнинг яраштиси келиб турган бўлса-да, у юзини ўгириб нарироққа жетди, бекордан-бекорга еган қалтаги

ва жаҳли чиққани учун унинг юзлари қизариб кетган эди. Той дўстининг орқасидан қараб турар экан, унинг хоинни чалиб йиққитганини, унинг бошига қаттиқ урганда Майнинг җулганини ҳам, йиғлаганини ҳам билиб бўлмаганини эслади. Тойнинг раҳми келиб, дўстига юраги ачиди. У қилмишидан астойдил афсусланди. Бироқ, Май кўринишдан унга ишонмасди. Шунда Той ўртоғининг орқасидан секин-аста қадам ташлади. Фурури яқинроқ боришга йўл бермас — Майнинг кечиришига ишончи комил эмас эди. Шундай бўлса ҳам дўстига мурожаат қилди:

— Май! Эртага бизларникига келгин. Мол боқишига бирга борамиз, чигирткалар кўп жойни топдим. Агар каттасидан, зўридан тутсан, сенга бераман. Бўптими?!

У Ч Р А Ш У В

Мъен жамоатчи қиз. У район хотин-қизлар союзи комитетида ишларди. Бугун у Там Биу қишлоғига бориши керак эди. Кундузи Мъенга район партия комитети секретарининг ўринбосаридан хат келтириб беришди. Ўртоқ Куанг бундай деб ёзган эди: «Ўртоқ Мъен, менга сизни Там Биу қишлоғидасиз деб айтишди. Ишдан кейин менга учрашинг. Мен Винь Лиу қишлоғида бўламан; Таонинг уйини сўранг. Обком партиядан вакил келган. Иш муҳим. Ёдингизда бўлсин».

Мъен шоли тулошда Хоангга ёрдамлаша туриб хаёлга чўмди: «Секретарь мени нега чақирди экан-а? Ишдан кейин келинг дебди-ку, шошилмай бораман-да». Бир оз дам олгач, кичкина сумкасини елкасидан ошириб ташлаб Кау қишлоғи томон йўл олди. У ерда бир неча қиз ва ўз-ўзини мудофаа қилиш отрядининг бошлиғи билан мажлис ўтказиши лозим эди. Мажлис жуда чўэзилиб жетди, чунки хотин-қиз партизанлар отряди ишини яхшилаш масаласи узоқ муҳокама қилинди; ҳамма тарқалган пайтда вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Мъен Винь Лиуга кетмоқчи бўлиб турган эди, кичкина уйнинг ҳовлисида гуруч қайнатаётган Хоангнинг онаси, Фунг кампирни кўриб қолди.

Мъен унинг ёнига борди.

— Ёрдамлашиб юборайми?— деб сўради-да, ўчоқ ёнига чўкка тушиб, тутаётан ўтни пуллади. Кўп вақт ўтмай Хоанг ҳам келиб қолди. У саватчада бир нечта балиқ олиб келди.

— Мәни мәҳмои қилмоқчимисан дейман? — деб ҳазиллашди Мъен.

— Боримиз бош устига,— деди у ҳам ўша оҳангда.

Хоанг ўчоқ ёнига ўтироқчи эди, Мъен қўймади.

— Бориб ювин, менга ёғ келтириб берсанг бас, ўзим қовураман. Бугун ажойиб овқат тайёrlаймиз.

Балиқли саватда бир неча қисқичбақа ғимирлаб ётарди, Хоангнинг ўғили Тъуен уларнинг ҳар томонга ўрмалаб кетаётганини завқ билан томоша қила бошлади. Бола улардан биттасини ушлаб олгиси келдию, аммо қўрқди.

Мъен иккита қисқичбақани олиб, уларнинг панжала-рини сугуриб ташлади-да, чўғ устига қўйди. Бир пасдан кейин қисқичбақа кабобнинг ҳушбўй ҳиди атрофга та-ралди. Мъен:

— Вой, куйиб кетди! — деб қичқирди-да, қўли куйишига ҳарамай, уларни шошиб-пишиб ўчоқдан тортиб олди.

Шўх Тъуен уларни секингина бир чеккага олиб борди-да, совутиш учун икки лунжини шишириб пуфлай бошлади. Унинг жуда маза қилаётгани юзидан билиниб турарди. У қисқичбақаларни еб бўлгач, югуриб Мъеннинг ёнига борди:

— Мъен хола, яна беринг!

— Қисқичбақалар қани? — деб сўради Мъен, у ҳали ҳам туруч билан овора эди.

— Қисқичбақалар қочиб кетишди,— деди Тъуен ку-либ.

Шу топда ошхонага Хоанг кириб келди. У нима гап-лигини дарров тушунди.

— Бундай қилма,— деди у Мъенга қараб.— Уни зин-хор эркалатма, ўрганиб қолади.

Бола онасидан уруш эшитиб лабларини чўччайтирди-да, бошини қуин солиб ўтираверди. Кечки овқатни емади. Фунг бувиси бўлса унга қараб жоврай бошлади:

— Ҳали сен ўжар болани қараб тур, отанг келар-ку, айтиб бир адабингни бердиրмасамми!

Мъен боланинг орқасига оҳистагина уриб, меҳрибонлик билан уришиб қўйди:

— Тъуен ол, е, бўлмаса бувинг уради! Балиқ ейсанми? Мана,— у қўйидаги овқат ейдиган таёқча билан бир бўлак балиқни илиб олди-да, гуручли косага солиб, бола-

нинг ёнига суриб қўйди ва:— Оҳ, жуда ҳам ширин балиқ экан-да, ол тез!— деди.

Фунг кампир кулиб юборди:

— Синглим Мъенхон, бола кўрсангиз жуда ҳам эркалатиб юборар экансиз-да.

— Бола билан ишлаб бўлармиди?— деб эътироz билдирди аёл, ҳамма вақт опичиб юраманими?

— Менга юборсангиз, боқиб ўтираман. Оиламизнинг қашшоқлигидан чўчиманг. Хо амаки билан маҳаллий ҳукумат барака топсин, турмушимиз анча яхшиланиб қолди. Энди уларни тарбиялаб ўстиришга қодирман.

— Кейинги пайтларда Дионгни учратганинг йўқми?— деся гапга аралашди Хоанг.

— Йўқ, эрим ўша район мажлисидан ҳайтиб келгандан бери кўрганим йўқ.

— Бундан чиқди бир неча ойдан бери кўришмабсизлар-да? Эр-хотин икковишгиз ҳақиқий актив экансизлар! Худди эр-хотин Нгау¹ларнинг ўзгинаси бўлибсизлар-а,— деб кулиб қўйди Фунг.— Улар бир-бирларини кўришмаса йиглашаркан.

Тъуен бу гапларга тушуна олмасди, фақат кимнидир йиғлайди, деб ўзлари кулишаётганини кўрарди.

— Буви, ким йиғлайди?— деб сўради бола бувисига ўгирилиб.

— Бир-бирини соғиниб йиғлашарди, жим ўтири!

— Биласизми, иш менга қувонч бағишлийди. Ахир, теварак-атрофдаги ҳар бир қишлоқ, ҳар бир овулдаги кишилар туғишганимдек. Иш билан банд бўлган чоқларимда ҳамма нарсани унутаман. Соғиниб ўксинишга ҳам вақт йўқ,— деди Мъен, лекин ўзича хаёлга чўмди; «Ҳақиқатан ҳам тўрт ойдан кўпроқ вақт ўтди... Қачон эди? Ҳа, май ойида мен Хо Ши Миннинг туғилган куннинг бағишланган митингда қатнашиш учун Тхань Лам Бога борган эдим. Ўша ерда менга, Дионг кечаси озод этилган районга съездга кетганини айтишган эди. Ушандан бери ундан дому-дарак йўқ, соғ-саломатмикин? Аки Кароонг йўлини кесиб ўтиш Ба Чен тогига чиқишдан ўн марта қийин эди... Унга нима бўлдийкин? Ё касал бўлиб қолдмикин?»

— Еб ўтирангиз-чи,— Фунгнинг товуши эшитилди. Мъенниг ширин хаёллари бўлинди.

¹ Эр-хотин Нгау лар — ишқ муҳаббатда бир-бирига содик бўлган қадимги Вьетнам афсонасининг қаҳрамонларин.

— Ўзингиз олсангиз-чи, овқат ейиш ўрнига менга тикилиб ўтирибсиз-ку.

Кампир овқат ейдиган таёқчалари билан столга интилган эди, унинг нуроний кўзларида қувонч акс этиб кетди.

— Мен сизни кўриб хурсанд бўлганимданоқ тўйиб қолдим.— деди меҳрибонлик билан кампир.— Ахир сизга ўшаган кишилар туфайлигина ўз бола-чақаларим билан яшаб ўтирибман, уйимдан ҳамма вақт бир товоқ гуруч топилади...

— Бувижон, сиз бошқа нарсани гапирияпсиз,— деб унинг гапини бўлди Мъен.

Шу пайт гапга Хоанг аралашиди.

— Онам тўғри айтдилар. Сизлар бўлмаганда душманлар оиласизни алақачон яксон қилиб ташлаган бўларди. Вақтининг тез ўтишини қаранг! Икки йил ўтиб кетибди-ю, худди кечагидек ёдимда турибди. Ушанда ўғилчам икки ёшга ҳам тўлмагаш эди. Мен уни қўкрагимга босиб кун бўйи зир югуриб юардим; снарядлардан яшириниш учун эски окопларда ухлардик. Бола бечора қийналиб йигларди. Мен шўрликнинг қийналганларимни айтмайсизми! Боламни қучоқлаб, кечаси билан йиглаб чиқардим...

Хоангнинг сўзлари французлар Хюеда фронтини кесиб ўтган даҳшатли кунларни эслатди. Ўша пайтларда ҳамма қишлоқларда худди кўзга тушган оқдек дотлар қаққайиб туради. Замбаракларнинг гумбурлашидан ҳаво ларзага келарди. Кўчаларда одамлар қонга ботиб ўлиб ётишарди. Ўйлар вайрон қилинган, осмонни ёнғин тутунлари қора булутдек қоплаб олган эди...

Ўша пайтларда киши ҳаёти қил устида туради.

— Оҳ!— деб хўрсинди кампир,—ўша вақтларда кишилар бир кунни эсон-омон ўтказишни ўйлашарди, холос: илгариги турмуш сира қайтиб келмайдигандек туюларди. Эртанги кунни ўйласак, оиласизни ваҳима босар эди.

— Ҳа, ҳаммамиз ҳам фақат мустақиллик ва озодлик тўғрисидаги орзу-умид билангина яшардик,— деб унинг гапини тасдиқлади Хоанг.

Ўша кунларда Фу Ванг қишлоғининг кўчаларида майда-чуйда нарсалар сотиб юрувчи ёшгина бир қиз пайдо бўлган эди. У саватда нон ҳам сотиб юарди. Душман дзотлари ёнидан бемалол ўтиб кетаверарди. Ҳамманинг

бошида ғам бўлишига қарамай, кишилар унинг юз, кўзлари чиройли, қадди-қомати келишган қиз эканини фаҳмладилар. У Тхия Тхиенлик¹ қизларга ўхшарди.

Одатда қиз эгнига узун, почаси қайрилган шим кийиб юрар, ёмғир ёққан чоқларда эса, ранги айниб кетган плашч кийиб оларди. У ҳамма ерда харидорларга ўзининг молини таклиф қилиб қишлоқма-қишлоқ кезиб юргаши-юрган эди. Шунда нон олувчиға партизан отряди командирининг турли хил маълумот ва буйруқларини ҳам етказар эди. Баъзи пайтларда райком секретари ион билан бирга душман истеҳкомидаги солдатлар сони ҳақида янги маълумотлар оларди. Кунларнинг бирида қиз ғойиб бўлиб қолди. Ҳаяжонга тушган райком ходимлари уни қутқазиб қолиш тўғрисида бош қотира бошладилар. Эртаси куни бўлса, унинг ўзи райкомга кириб келди. Унинг шаҳло кўзлари илгаригидек чақнарди.

— Бир соқчи нуқул менга тикилаверди,— деб ҳикоя қилиб берди Мъен.— Ана ўша билан турма орқасига чиқиб, қочиб келдим.

Бироқ энди душманлар бу жувонни жуда яхши билишарди, райком унга хотин-қизлар ўртасида иш олиб боришини топширди.

Турмада ўтирган куни кечаси, Мъен бир ғамгин соқчига назари тушиб, унинг кимлигини суриштириб билгач, солдат билан узоқ вақт сухбатлашди. Орадан бир неча кун ўтгандан кейин, ўша соқчи билан бир неча ўртоқлари халқ армияси томонга ўтишиди.

Партизанлар кучи тобора ортиб борарди. Улар французларни ячиб, қишлоқларни бирин-кестин озод қилишарди. Шу қишлоқларда дарҳол маҳаллий комитет ташкил этилиб, янги ҳаёт бошланарди. Кишилар бу ерларда душманнинг изини йўқотишарди. Аҳоли худди катта байрамлардаги сингари кўчаларга чиқишар гоҳ у ер, гоҳ бу ерларда митинглар ўтказиларди. Хотин-қизлар оқ кўйлак кийиб юрадиган бўлди, иккى йилдан бери эшистилмаган қўшиқлар қайтадан янграй бошлади...

Стол атрофида ўтирган уч аёл бу ҳодисаларни гўё янгидан бошдан кечиргандек бўлишди... Уларнинг хаёларини Тъуен бўлиб юборди. Бола каравотга ёнбошлаб олиб, ҳар икки-уч сўз орасида тўхтаб, хўрсиниб қўшиқ

¹ Тхия Тхиен — Чунг Бодаги вилоят (Урта Вьетнам).

айта бошлади, бувиси бўлса ўнгланиб ўтириб олди-да, чироқнииг пилигини кўтариб, набирасига сукланиб қарай бошлади.

Мъен меҳри товланиб кампирга тикилди. «Худти онамга ўхшайди-я,— деб ўйлади аёл.— Оғзи-бурни, бошлинига зангори рўмол ўраб олгани тайёр онамнинг ўзгинаси. Фақат онам бундақанги хушчақчақ эмас... Нимдан ҳам хурсанд бўлсени, бечора? Душманлар орасида яшаса.— Мъен опаси билан унинг болаларини эслади.— Хозир улар чироқларини ўчириб қўйишган, балки болалар кўрққанларидан оналарининг пинжига яширинаётгандирлар, улар ҳали жуда ҳам ёш...»

Кампир Тъуенга:

— Қани, қўзичофим, Мъен опангга самолётнинг учшини кўрсатиб бергин,— деди.

Бола каравот устида тиқ туриб, иккни қўлинни қанот қилиб ёэди. Турган ерида гир айланди-да, худди моторга ўхшаб гувиллади. Кейин бирдан каравотга ётиб олиб бошини қўллари орасига яширди! Бувиси хушчақчақ кулиб, тушунтира бошлади:

— У ўқ тегмасин деб яшириняпти.

Тъуен бу ўйинининг бувисига ёқаётганини сезиб, жавдирётган кўзларини катта очган ҳолда анча маҳалгача ётди. Мъен болани кўтариб олди. Унинг болаларга бўлган муҳаббати орасида ачиниш нишоналари ҳам бор эди: ахир улар шундай оғир кунларда ўсаётган эдилар-да!

Кутилмаганда уйга ўн уч, ўн тўрт ёшлар чамасидаги бир бола кириб келди, Мъен уни дарҳол таниди. У мазмунни эрталабки хатдагига ўхшаш бир хат тутқазди. Ўртоқ Куанг бундай деб ёзган эди: «Ўртоқ Мъен, бугун ишдан сўнг ларҳол келинг. Жуда зарур».

Меҳмон Тъуенни аста онасининг қўлига бериб, Фунгга ўғирилди:

— Онажон, бугун кетмасам бўлмайди, жуда зарур ишим бор.

Кампир унга боқар экан: «Партия ходимларининг иши шу-да, келишади-ю, кетишади, катта ишларни қилишади-ю, лекин қаерда, қандай туришларини ҳеч ким билмайди» деган гапларни хаёлидан ўтказди. У Мъенning қўлинни қаттиқ қисди.

— Нима ҳам дердим, майли, боринг, ишингиз зарур. Агар иложини топгудек бўлсангиз яна келинг, хўпми?

— Албатта,— деган жавобни берди Мъен.

Тъуен кетишга отланиб турган Мъеннинг ёнига чопиб борди-да, жажжигина қўллари билан унинг барига маҳкам ёпишиб олди. У кўзларини катта очиб, Мъенга тикилиб турарди.

— Келинг, эртага ҳам балиқ билан гуруч еймиз,— деди бола.

Мъен хайрлашиб, хат олиб келган боланинг кетидан ташқари чиқди. «Нима иш экан-а?— деб ўйлади у йўл йўлакай.— Борди-ю, бирон бир муҳим воқна содир бўлганда, партизан аёллар айтишган бўларди. Балки душман бу қишлоққа ҳужум қилмоқчидир? Кейинги пайтларда улар Хюе қишлоғида ўқтин-ўқтин пайдо бўлиб туришган эмиш».

Винь Лиуга етиб боришигач, хат ташувчи бола уни бир уйга олиб кирди-ла, кутиб туришни илтимос қилди. Кўп ўтмай қайтиб келиб яна бир оз кутишини айтди.

— Улар ҳали ҳам мажлисда экан,— деб тушунтириди бола.

Мъеннинг бир оз жаҳли чиқди. «Вақтлари йўқ экан, нега чақиришади,— деб ўйлади у.— Ҳозир Там Биуда бўлганимда, бориб ўртоқ Ти билан кўришган бўлардим, бу аёл яқинда отряд команлири бўлган эди, ҳали ишни тузук ўзлаштириб олгани йўқ, у билан гаплашиш керак эди». Лекин Мъен нима гаплигини билмас, шу сабабни ташвиши ортиб борарди.

Яна бир неча минут вақт ўтди. Ниҳоят Куанг кириб келди. Мъен ўрнидан туриб, уни қарши олди.

— Куанг, нима тап?

— Зарур иш чиқиб қолди,— деб қисқа жавоб қилди у; секретарь ўринбосарининг узунчоқ рангпар юзида билинг-билинмас табассум пайдо бўлди.— Бу ерга мажлисга келган обком секретарининг муовини менга шу бугуноқ сени чақиришини буюрди,— дея қўшиб қўйди у.

Мъен ҳамон ақли бовар қилмай, ҳайрон бўлиб турарли. Бирдан хонага Дионг кириб келди. У ҳазиллашиб Куангнинг елкасига урнб қўйди:

— Оббо шайтон-эй!— Кейин хотини томонга ўгирилди:— Мени узоқ вақт кутиб қолдингми, Мъен? Ҳалигача мажлисда бандман.

Мъеннинг овози титради:

— Йўқ, унчалик эмас. Куанг, нега тўғрисини ёзиб қўя қолмай, мени ташвишланишга мажбур қилдинг?

Куанг уни масхара қилиб:

— Йўқ, унчалик эмас. Мен тўғрисимни ёзгани қўрқдим, бирдан ўзингни йўқотиб қўйиб, ишни ҳам ташлаб унинг ёнига чопиб, келасанми, деб ўйладим-да,— деди.

— Бемаъни гапингни қўй! Иш ўз йўлига!— деб эътиroz билдириди Мъен.

Каунг ташқари чиқди-да, завқланиб осмонга қарай бошлади. Унинг:

— Осмонни булат қопляяпти, ёмғир ёғадиганга ўхшайди,— деган овози эшитилди.

Дионг табассум билан хотинига тикилди.

— Хўш, соғлигинг қалай? Тобинг қочиб қолмадими?— деб сўради у.

Мъен эрининг ҳоргин чеҳрасига тикилар экан, қоронғида унинг ориқ юзлари ич-ичига кириб кетгандек туюлди.

— Комитет мажлисига бораётганингда сени безгак тутган бўлса керак. Менга ўрмонзор ичидан бир ой йўл юриши лозим дейишди.

— Э, шу ҳам иш бўйтими. Йўл қанчалик ёмон бўлса, мен ўзимни шунчалик яхши ҳис этдим. Безгак тутганлиги рост. Лекин тоқقا тикка чиқаётган пайтимиизда роса терладим, шунда безгак йўқолиб кетди.

— Дориларни ўз вақтида ичиб турдингми? Эсингдан чиқиб қолган бўлса керак-а? Соғлигингни фақат ўзинг учун эмас, иш учун ҳам сақлагин... Енгинг ҳам йиртилиб кетибди.

— Сен мени текширгани келганга ўхшайсан!— деб хушчақчақ кесатиб қўйди Дионг.

— Еч, бирпасда тикиб бераман.

— Кўйлакни ечсам, нима кияман? Кун совуқ-ку.

— Кийимларингни олиб келганинг йўқми?

— Яқинда бир иш билан Фу Локка борган эдим. У ерда Қуен билан Таони учратиб қолдим — уларни французлар таъқиб остига олишган экан. Йўлда улар кийимлари солинган халталарини йўқотиб қўйишибди, иккита кўйлагимни уларга бердим.

— Ҳа майли, бирпас менинг рўмолимни ёпиниб турасан!

Дионг ечиниб, елкасига рўмол ташлаб олди. У хотининг кўзи ориқ баданига тушиб қолишидан чўчиб, гапни бошқа томонга бурди.

— Хўш, ўзингнинг ишларинг қалай? Дурустми?
Мъен полевой сумкасидан нина, ип олди-да, нинага ип ўтказаётиб гап қотди:

— Дурустми, дуруст эмаслигини мен қаёқдан биламан.

— Бўлмаса ким билади?— деб сўради эри.— Ўзингдан ўзинг сўраб кўр-чи: ҳамма нарсага тушуниб етасанми? Ўртоқларингнинг танқидини қабул қиласанми? Ўз айбингга иқрор бўласанми?

— Мен қаёқдан билай,— деди Мъен эрига кўз қирини ташлаб.

У табассум қилиб, атайлаб эрига тегажоқлик қилди.
Хозир у кўп марта ўлим хавфига дуч келган партия ходимига ўхшамас эди. Турмадан қочган, бешта душман солдатини асир тушурган, бундан бир неча соат илгари мажлис ўтказиб, маҳаллий хизматчиларга топшириқ берган гўё у эмас эди.

Дионг қаршисида у ўзини қиз боладек ҳис этиб, у билан жуда ўйнашгиси, ҳазиллашгиси келарди.

Чироқнинг хира нури Мъеннинг кулча юзига тушиб турар, бундан унинг юзи дум-думалоқ ва ширмондек қипқизил бўлиб кўринарди. Игна унинг чаққон қўлларида ҳамон йилтилларди. Столда полевой сумка ёнида қайчи ва барг ранг лахтаклар ётарди.

Дион хотинининг кайфиятини англади. «Илгарилари Куанг билан жанжаллашиб, уни қолоқсан деб танқид қилардим... У ҳақ бўлиб чиқди... Хотининг уйда ўтириб, хўжалик ва оила ишлари билан шуғулланиб юргани қандай яхши. Шундай бўлса уйга ҳам қувонч билан борасан»— деган хаёлларга борди у.

Мъен қўлидан ишини қўймай, эрига кўз ташлади.

— Нега куляпсан?

— Мен куляпманми?— деб жавоб берди Дионг.— Жуда боллаб тикдинг, бўлди бер энди, совуқ қотдим.

Мъен кўйлакни узатди.

— «Майл» деган сўзни биласанми?— деб сўради аёл.

— Йўқ, билмайман, бу сўзни қаердан топдинг?

— Кечакан, мен область хотин-қизлар комитетининг директивасини ўқидим, унда «Кишилар ҳақида шахсий майлга қараб фикр ҳосил қиласлик керак» дейилгани экан.

— Ҳа, бундай дегин, демак майл — бу деярли севги деган сўз. Тўғри, хотин қизларда кўпинча шу майл деган нарса масалани ҳал қилиб юборади. Бу яхши эмас.

— Сен илгари ҳам аёлларни назарингга илмасдинг. Биламан, сенда феодал қолдиқлар бор...

Шу пайт эшик ғичирлади. Куанг кириб келди.

— Ҳали сизлар сиёsat ҳақида суҳбатлашяпсизларми? Мен бўлсан эшикда саланглаб юрибман.

— Сиёsatинг нимаси? Мъен бир сўзнинг маъносини сўраб қолди. Аёллар тушунмаган сўзларини тез-тез сўраб туришади.

— Бунинг нимаси ёмон?— деб хитоб қилди Мъен.— Тушунмаганингдан кейин сўраш керак-да. Фақат сўзни эмас, ҳар соҳада ҳам. Агар сиз эркаклар тушунтиришини хоҳламасанглар, унда зўрламаймиз.

— Ана холос: аёллар бир гапга тушмасин,— деб ҳазиллашди Куанг. Тун ҳам оғиб қолди, бориб ётадиган жой ахтарай. Эртага иш кўп. Сизлар ҳам ётинглар, ўртоқлар.

Дионг ўртоғининг елкасига урмоқчи бўлиб қўлини кўтарган эди, Куанг чаққон ўгирилиб, уйдан юргурганча чиқиб кетди.

Дионг нарсаларини сумкага жойлаб. Мъен билан ёнма-ён ётди. Улар устларига енгил одеял ёпиб олишди.

Одатда, август ойларида бу ерда тез-тез ёмғир ёғиб турарди, бироқ, икки кундан бери ёмғир ёққанийўқ. Шундай бўлса ҳам совуқ эди. Мъен эри билан ёнма-ён ётар экан, унинг илиқ нафаси димогига урилаётганини ҳис этарди.

Улар гаплашмай ётишарди. Бир пайт Дионг:

— Ойингни кўролдингми?— деб сўраб қолди.

— Мен у томонга ўтолмадим. Уйнинг ёнида янги дзот пайдо бўлиб қолибди. Яқинда Суанларникига бордим,— деб шивирлади Мъен хўрсиниб.

— Менинг ойимни-чи?

— Ҳа, у ерда бир оз вақт бўлдим. Ойинг Дега айтиб мэнга памплемуз¹ уздириб берди. Жуда ҳам мазали экан, анча-мунча едим. Кейин сенга атаб ҳам уч-тўрт дона бериб юбормоқчи эдилар, мен сени, у, мисоли дарёдаги қум, топиш жуда ҳам мушкул, дедим.

— Ох! Памплемузларни жуда яхши кўраман-да. Болалик чоғимда дараҳтнинг устига чиқиб олиб ўлардек еганларим ҳали ҳам ёдимда.

Мъен жилмайди:

— Ойинг айтган гаплар эснингдами: тинчлик бўлса,

¹ Памплемуз — апельсиннинг бир тури.

ибодатхонанинг орқасидаги боғ билан полизни сизларга бераман, ўзинглар ишлаб бола-чақаларингни боқасизлар. Мен энди қариб қолдим, ишга ярамайман, деган эди.

— Сен билганингни қиласан, лекин мен партия хизматини давом этдираман,— деб кулиб қўйди Дионг.— Яхши, боламиз ҳам йўқ, уни боқиб ҳам ўтирумаймиз.

Мъен ипдамади.

— Боламиз бўлишни истайсанми? — деб сўради Дионг хотинидан бир неча минутдан кейин.

Мъен аввалига иккиланиб, кейин жавоб берди:

— Бугун кечқурун Хоангнинг ўрилчаси ўйнаётганини кўриб, бир оз кўнглим ўксиди. Ўаъзи вақтларда боламиз бўлса дейман. Лекин у ишга ҳалал беради-да. Майли, уруш тугагунча сабр қилайлик.

Дионг унга уйланганини эслади. Қизининг дугоналари у билан турмуш қуришга ундашар, унинг ўзи ҳам хоҳларди-ю, шундай бўлса ҳам сир бой бермай: «Ҳозирча хизматни ўйлаётлик, уруш тамом бўлгандан кейин тўй қила-миз» деб туриб олган эди.

Дионг Мъенга уйлангандан кейин ўртоқлари ундан: «Нима девдинг, дарров унай қолди?»— деб сўрашарди. Дионг бўлса бу иш хамирдан қили суургандек осонлик билан битди, деб мақтанарди. У қизга: «Бизнинг курашимиз узоқ давом этадиган кураш. Наҳотки ўзинг шунга тушунмасанг? Агар охирини кутадиган бўлсак қариб кетамиз» деган эди. Мана шундан кейин у ҳам розилик билдира қолган эди. Ўртоқлари унинг бу ишидан хурсанд бўлишар, Мъенни кўндира олгани учун уни мақташарди.

Шу сабабдан ҳам ҳозир хотини «сабр қилайлик» деганда Дионгнинг кулгиси қистаб кетди. Мъен кулгидан эрининг елкаси төбранаётганини сезди.

— Нега куляпсан?

— Кулганим йўқ.

— Йўқ, кулдинг.— Мъен эрининг юзини силади.— Менинг устимдан кулганингни ҳам биламан.

Тун тинч ва қоронғи эди... Икковларининг ҳам уйқулари келмасди. Улар каравотда ёнма-ён ўтириб олишиб секин суҳбатлаша бошлишди.

Узоқлардан денгиз тўлқинининг шовиллашини эслатувчи товуш эшлитилди. У гоҳ жим бўлиб қолар, гоҳ яна келарди. Деразадан поёносиз осмон кўринарди...

Кимдир Дионгнинг исмини атаб чақирган пайтда улар ухлаб қолишган эди. Мъен шошиб-пишиб эшикни очди.

Остонада хат ташувчи бола туарди. У Дионгга хат узатди. Мъен эрини үйғотмоқчи бўлган эди, каравот ёнига бориб қараса, у аллағачон кўзини очган экан. Дионг тез хатга кўз югуртириб чиқди.

— Куанг юборибди,— деди у, француздар Си Ло ва Фу Байда бир талай машиналарни қаторлаштириб қўйишган эмиш.— Қишлоқни тит-пит қилишмоқчига ўхшайди.— Кейин у бола томонга ўғирилди: — Яхши, сен уйингла кетавер.

Дионг каравот устида керишиб, қаттиқ эснади-да, кейин худди ўз-ўзига гапиргандек оҳистатина деди:

— Балки улар Куанг Наини қуршаб олишмоқчидир, аммо бу ерга келишларига ақлим етмайди.

— Ишончинг комилми? Одатда улар узоқ ерларни тит-пит қилишдан илгари яқин атрофни тинтиб чиқишиади.

Дионг бир минутча жим турди-да, кейин ўрнидан туриб чироқ ёқди.

— Гапинг тўғри. Қишиларни постларга тақсимлаш учун мен бориб Куанга ёрдамлашай. Сен ҳаерга борасан?

— Тан Биуга бораман. У ердаги партизанлар жуда яхши жанг қилишади-ю, аммо ҳақиқий отряд кеча тузилди. Душман қаршисида довдираб қолишимасин, тағин. Ундан ташқари, қишиларни пана ерга беркитиш керак. Эски зовурлар ёмғирда яроқсиз бўлиб қолган.

Дионг хотинининг қўлидан ушлади.

— Хўп, мен кетдим.

Бироқ эшик олдига бормасданоқ, орқасига қайтди. Дионг Мъеннинг ёнига келиб, юзини унинг юзига қўйиди, кейин деди:

— Менга қара, Мъен, партизанларниң командирини огоҳлантириб қўй: эҳтиёт бўлоин. Душман кўпдан бери у ерларга оёқ босгани йўқ. Улар ҳушёрликни унудиб қўйишган бўлмасин.

Мъен эрининг қўлинни маҳкам қисди.

— Агар улар қишлоқни қуршаб олишса, илтимосим шуки, тўғри кўлга қоч, у ердан Тан Биуга ўт,— деб унга маслаҳат берди хотини.— У ернинг турган биткани чангальзор, яшириниш қулай бўлади. Ёдингда бўлсин, улар доим орқадан ўқ узишади. Қирғоқча яқин ерга яширинин.

— Хўп, мен кетдим.

Дионг шошилиб уйдан чигқди-да, шу заҳоти қоронгиллик қўйнида ғойиб бўлди.

Мъен эрини яна бир марта кўриб қолишга ҳаракат қиласади. Томогига нимадир тиқилиб келди. У эҳтиёт бўйдеб яна бир марта тайинласам бўлар экан, деб ўйлади. Охири сумкасини қўлига олиб, Тан Биу томонга кетди.

Ҳўл қум қадам босишини қийинлаштиради. Қишлоқда ҳўрзолар қичқира бошлади. «Тезроқ юриш керак, бўлмаса ҳали замон тонг отиб қолади,—деб ўзини ўзи шоширади Мъен, қийналиб қадам ташлар экан.—Дионг ҳақ гапни айтди: маҳаллий хизматчиларни огоҳлатириб қўйиш лозим».

Тонг отди. Тонг отиши биланоқ французлар ҳужум бошлади. Теварак-атрофдан гумбур-гумбур товуи эшилларди. Улар Хюе, Си Ло ва Фу Байдан уч группа бўйлиб келишмоқда эди. Уч томондан виллислар билан амфибия танклари келарди. Уларнинг планлари аниқ эди. Бутун қишлоқни тит-тиг қилиб, Фу Вандга бирлашмоқчи эдилар.

Мъен, Винь Лиу ва Тхан Ламбо томонларидан гранаталарнинг портлаши ва милтиқ овозларини эшигач, маҳаллий партизанлар отряди жангни бошлаб юборган бўлса керак деб ўйлади. Энди душманларнинг Там Биу томонга ҳам юриш бошлаганликлари маълум бўлди. «Жуда соз-да, демак янги партизан отряди жангга кирадиган бўлди». Яқин ердаги бамбуқзордан осмонга қуюқ тутун кўтарилиди. Ўт ёлқинланиб кўринди. Мъеннинг шундай ёнгинасига снаряд келиб тушди— демак босқинчилар ҳужумни бу томонга буриб, Там Биуни ўққа тутяпти. Мъен юргурганча кўл томонга борди-да, қирғоқча жойлашиб олиб, Винь Лиу томонга кўз ташлади. Қўйқисдан у яқинлашиб келаётган машиналарни кўриб қолди. Бу виллислар эди. Мъен шошиб-пишиб ўзини сувга ташлади. У ҳатто: «Яхшиям сумкамни қирғоқда қолдирганим, бўлмаса ҳўл бўлиб кетарди» деб ўйлаб севиниб ҳам қўйди. Мъен сув тубини пийпаслаб бир қанча йўсинларни илдизи билан юлиб олди-да, бошига ўради. Энди бурун билан кўзгина сув устида қолди, холос. Мъен оҳокли қирғоқдан бир неча кишининг жон ҳолатда қочиб бораётганини кўрди. Бир ёш жувон боласини кўкрагига босиб олган эди.

У хотин-қизлар Союзининг ходими Тхаога ўхшарди. Виллислар қирғоқ бўйлаб келар, машинада туриб ав-

томатдан ўқ очишарди. Мъенга снарядлар худди боши устидан ўтиб, қаердадир, шу яқин ўртада портлаётгандек туюларди. У ўзини-ўзи тинчлантиришга ҳаракат қилди. Барibir улар сувга тушишмайди-ку. Вақт жуда тез ўтарди. Мъен, эри, Куанг, қайнанаси ва Тъуени эслади. Энди қирғоқда ўнга яқин машина қатор турар, ўқлар унинг нақ боши устидан ўтиб, сув юзида фонтан ҳосил қиласади. Кейин машиналар секин қайрилиб Тхань Лам Бо томонга кетди, моторларнинг гувиллаши ҳам аста-секин пасая бориб, ниҳоят эшитилмай қолди.

Мъен сувдан бошини кўтарди. У икки чаккаси лўқиллаб оғриётганини сезди-ю, лекин хаёли яна ёри-дўстлари ва эри билан чулғанди. «У қаерда экан? Куанг қаерларда юрганикин?»

Совуқ сувда Мъен совқотган ва оқариб кетган эди. Аъзойи бадани қичишарди. Худди уни қамчи билан савалагандек бадани қичишар ва оғрир эди. «Э, зулуклар сўраётган экан-ку!»— деб фаҳмлаб қолди Мъен. У сувга қаради. Зулуклар ғужғон ўйнаб ётарди. «Бўлар иш бўлди!»— деб ўйлади аёл. Мъен Тхаони эсга олди.

Бир вақтлар Тхao Мъен билан бирга ишларди. У ҳам связной бўлиб, балиқ сотувчи қиёфасида маълумот ташиб юрар, ҳарбий базага озиқ-овқат етказиб берарди. Кўп марта улар пайкалларда бирга тунаб қолишган, кўп марта биргалиқда хавф-хатарга дучор бўлишган эди. Лекин кейинчалик Тхao ишдан совуб кетди. Қуиларнинг бирида у бозор йўлида Мъенни учратиб қолди. «Жуда чарчадим, бир оз дам олайлик!»— деган эди у, дугонасидан хижолат тортиб. Қирғоқдан ўтиб кетган бояги аёл худди Тхаога ўхшрди, наҳотки ўша бўлса. Ахир у Чан Лиу Кнада яшарди-ку, ундан ташқари, унинг боласи йўқ эди... Айтгандай, Тхаонинг иштамаганига ҳозир бир яrim йил бўлиб қолди, бу вақт орасида эр ҳам, бола ҳам ортдирган бўлиши мумкин-ку! Тхаонинг сўзларини эслар экан Мъен: «Ҳа, рост, мен ҳам чарчадим. Қанча-қанча машаққатли йиллар ўтиб кетди-я...» деб ўйлади.

Зулуклар бўлса ҳамон унинг қонини сўриб ётарди. Аёл ўзини худди бир қатра қони қолмагандек ҳис этди. Сувда кўп турганидан совуқ суягидан ўтиб кетган, у титрарди. Мъен энди чидай олмаслигини сезиб, душманлар қайтиб келса-да, сувда ҳушидан кетиб қолмаслик учун қирғоққа чиқишига қарор қилди. У титраб-қақшаб бута ёнига ўтириб танасидан зулукларни ажратади. Улар жувоннинг

қонини сўриб семирган ва калта тортиб қолган бўлса-да ҳали ҳам терига маҳкам ёпишиб ётар эди. Мъен уларни тортса, худди резинкадек чўзиларди: жувон уларни тортиб олиб ерга улоқтиради. Зулуклар ёпишиб ётган жойдан милтиллаб қон оқарди. Бир, икки, беш, етти... Уҳў! Улар нечта ўзи!. Яхиси санамаслик керак. Мана яна биттаси қорнида, мана буниси бўлса — оёғида. Рўпарасида эр кишининг гавдаси пайдо бўлган чоқда ҳам Мъен танасидан зулукларни ажратиш билан овора эди.

— Вой, сенмисан Дионг? Қаерга яширинган эдинг?

Ҳаяжонланганиданми ёки сўвда кўп туриб қолганиданми, Мъеннинг товуши бўлиниб-бўлиниб чиқарди. Дионг хотинининг қўлини қисди.

— Мен ўзимни кўлга ташлашга улгурулмай, буталар орасига яшириниб олган эдим, барибир кўр французлар кўришмади. Ўртоқларимнинг ҳоли нима қечди экан, хабарим бўлмади. Душманлар шу топда Винь Лиуда эди. Шунча зулукларни қаёқдаи илаштирдинг?

Дионг уларни ажратишда хотинига ёрдамлаша бошлиди. У хотинининг баданидан сув аралаш қон оқаётганини кўрди. Буни кўриб юраги ачишиб кетди. «Ҳар қандай азоб-уқубат бўлса ҳам мен чидайман, чунки эр кишиман, кучим бор, у бечора-чи...»

Кўзи жиққа ўшга тўлди. Аммо Дионг ўзини босиб, ҳазилнамо жилмайди.

— Мана энди, матонатли бўлиб қолибсан. Ойинг менга, ўшлигингда оёғингга зулук ёпишиб қолгани, шунда сен додлаб бутун уйни бошингга кўтарганингни айтиб бергаг эди. У киши зулукни ажратиб олмоқчи бўлганда қўрқанингдан кўзингни чирт юмиб олган экансан. Шундай бўлганмиди?

Мъен зулукларни бирма-бир ажратиб олар экан, худди шундай оҳистагина, хаёл сураётгандек жавоб қайтарди:

— Ахир уруш эртага тугаётгани йўқ-ку, қўрқувни енгиш керак-да!

Зулуклар ҳатто кўкрагига ҳам ёпишиб олган экан. Мъен кофтасини ечиб сувини сиқа бошлиди. Бундай қараса бадани ғўдда-ғўдда бўлиб қетибди, шунда ранги рўйи ҳатто лабларининг ҳам оқариб кетганини сезди. «Шу ахволда Дионгнинг кўзига ёмон кўринаётган бўлсам керак» деб ўйлади у. Кейин чўнтак ойнасини олиб, ўзини кўргач:

— Вой-буй, мунчаям хунук бўлиб қетибман!— деб қичқириб юборди.

Дионг унинг сўзларига аҳамият берганни ҳам йўқ.

— Французлар узоқлашиб кетишди, юр, қишлоққа борайлик, нима гап экан, сенга қуруқ кийим билан дори топайлик, бўлмаса анча қонинг кетиб қолди.

— Французлар қайтиб келишса-чи? — деб сўради Мъен.

— Яна яширинамиз. Атрофингда одамлар бўлса ҳеч нарсадан қўрқма.

Мъен ўрнидан тургач, оёқлари зирқираётганини сезди. Улар биргаликда қишлоқ томон йўл олишди. Йўлакай кўзларига ғамгин манзаралар ташланди. Кечагина кўм-кўк бўлиб турган далалар бугун душман машиналари юриб ўтгандан кейин ботқоққа айланиб қолган эди. Худди бутун ерни баҳайбат филлар таптаб ташлагандек кўринарди. Шолилар балчиққа қоришиб кетган эди.

— Йиртқич қотиллар! — деб душманга лаънатлар ўқиди Дионг.

Мъен Хоангнинг кечаги сўзларини эслади: «Бу йил худога шукур, ҳосил яхши бўлади, жуда мўл бўлади. Кўм-кўк далаларга қараб кўнглим яйрайди». Мана, кўз очиб юмгунча душман неча кунлаб тер тўкилган ҳалол меҳнатнинг меваларини барбод этди, кишиларни овқатларидан маҳрум қилди. Мъен энгашиб лойга қоришиб ётган шолипоясини тикка турғазиб қўймоқчи бўлди. Лекин лойга ботган, синдирилган бошоқ яна ётиб қолди.

— Уларнинг уруш машиналари ҳамма ёқни қуритиб кетди, — деди Дионг. — Энди сақлаб қолишининг иложи йўқ.

Ёшлигидаги ҳосил битмаган, очарчилик йиллар Мъенning хотирасидан ҳали ўчмаган эди. У жуда ёш бўлгани учун қўрқарди. Онаси доим айтиб йиғлагани-йиғлаган эди. Мъен бу очарчиликнинг камбағаллар учун оғат эканини тушунмаса-да, у ҳам йиғларди. Улар келгуси йил ҳосилигача ёввойи мевалар ва ўтлар билан бир амаллаб кун кечириб чиқишиди.

Бир кун Мъен пичан ўргани бориб, кечқурун уйига келган пайтда оғиз очиб тапиришга ҳам мажоли етмай қолди. Онаси қизим шамоллаб қолди, деб ўйлаб, Куат Тхат мойи — шамоллаш дорисидан олиб келиш учун юргурғанча қўшниларникига чиқди. Ҳолбуки Мъен оч эди, хайриятки, дорини ичмади, бўлмаса эртаси кафанга ўралиши тураган гап эди...

— Илгари юч қолсак, сабр қила олардик. Аммо энди

очарчилик бўлса, душманлар билан кураша олмаймиз,— деб ўлади жувон.— Бечора кампир Фунгнинг полизи нима бўлди экан? Қеча у, бу ҳосил ҳақида қандай қувониб гапирган эди, халқ ҳокимиятига, армияга қандай миннатдорчиликлар билдирган эди... Армия... Ҳа, армиямиз кўп қийинчиликларга дуч кетаяпти. лекин у балиқ сувда юргандек халқ орасида, агар сув қуриб қолгудек бўлса балиқ яшай олмайди. Душман бу нарсани жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам балиқни нафас олдирмастикка ҳаракат қилиб, бутун сувни қуритмоқчиз».

Отишув борган сари узоқлашаарди. Қалин чангальзор ва буталар орасига яшириниб олган қишилар, секин-аста чиқишиб, уйлари томон йўл ола бошлиши. Топтаб ташланган далани кўрган ҳар бир киши душманга ғазаб билан нафратлар ўқириди. Дионг дехқонларни юпата бошлиди:

— Улар еримизни яна бир марта вайрон қилишди, майли, ҳечқиси йўқ. Қайтадан тиклаб оламиз. Борди-ю, еримизни олиб қўйишганда, анча хавфлироқ бўларди, тўғрими? — деб сўради у ҳамқишлоқларидан.

Енма-ён кетаётган бир хотин бош ирғади.

— Тўғри!.. Биз учун энг қимматли нарса халқ. Шоли яксон бўлди, бу ачинарли ҳол албатта, бироқ ҳали бататларимиз бор. Бататларимиз яхши ҳосил беради. Барибир, улар бизни очдан ўлдириша олмайди.

Бирдан: «Мъен, Мъен» деб чақиришиб хотин-қиз партизанлар келиб қолиши. Улар ҳарбий форма кийган, кўзлари чақноқ, чиройли қиз-жувонлар эди. Мъенни ўраб олишиб, ҳаммалари баб-баравар гапга тушиб кетиши.

— Салом, эсон-омонмисиз! Отишув бошланиши билан ҳаммамиз сиздан хавотир олдик! Яширинишга улгурдингизми, йўқми, ҳеч қайсизмиз ҳам билолмадик! Кийимларингиз жиққа ҳўл-ку, меникини кийиб ола қолинг! Вой! Тао, дарров дори олиб кел! Қаранглар, Мъенни зулуклар роса сўрибди-я, ҳали ҳам қон оқаяпти.

— Гранаталарнинг портлаган товушини эшитган эдим, сизлар ташлаган экансизлар-да? — деб сўради Мъен.

Қизлар яна бир овоздан чувиллашиб кетиши:

— Ҳа, гранаталарни биз ташладик! Рост, ўзиям жуда қаттиқ портлади-да! Французлар қишлоқقا босдириб кирмоқчи бўлишган эди, уларга қарши гранаталар ташладик. Уларнинг қочишини, кўрмадигиз-да! Уларда

юрак деган нарса йўқ экан! Э, нимасини айтасиз. Кейин ётиб олиб, отишди. Оббо қаҳрамонлар-эй!

— Кечаке менга роса топшириқ берган экансиз-да,— дея ҳаяжонланниб сўз бошлади партизан отрядининг командири Ти.— Шундай ташвишландимки! Негадир, гранаталар эски, портламайди, деган нарса хаёлимга келибди. Ундан кейин қаёқдаги нарсаларни ўйлабман дениг. Лекин ҳаммаси ҳам жойида бўлди. Улар қочиб қутулишиди. Ҳозир ҳеч қўрқмайдиган бўлиб қолдик. Кучим камлигининг касри тегди, гранаталарни олисга улоқтиромадим, бўлмаса душманнинг кўпи қирилиб кетарди.

— Зарари йўқ,— деб уни юпатди Мъен,— қайтанга жанговар тажриба ортдирдингиз. Умуман, сен граната отмасанг ҳам бўларди, отрядга команда бериб туришииг керак эди.

— Команда бериб ҳам турдим,— деди Ти.

Дионг Мъенини ўраб олган қизларга бир-бири кўз юргутириб чиқди: «Ўртоқларим мени, хотин-қизларни камситасан деб, тўғри танқид қилишган экан-ку,—деб ўйлади у ўзича: — Бу масалага тушуниб етишим лозим экан. Мен хотин-қизларнинг қўлидан ҳеч иш келмайди, улар қолоқ деб юрган эдим, энди, ўзим қолоқ бўлиб чиқдим-ку. Ҳатто Мъенга муносабатим ҳам жиддий эмас, доим ҳазилмазақ қилиб юраман... Йўқ, бу масалани жиддий ўйлаб кўриш керак».

Шу пайт булар ёнига қўтас етаклаб келаётган бир мўйсафид келди.

— Гранаталарни сизлар ташладингларми, қизлар? Наҳотки сизлар бўлсангиз? Баракалла, қаҳрамонлар!— деб қувонди у.— Французларни зап ҳайдаб юбординглар-да! Бўлмаса улар албатта қўтасимни олиб қўйишарди. Улар уйимга ўт қўйиб кетишли. Майли, ҳечқиси йўқ; аммо лоақал битта бўлса ҳам французни тирик тутолмаганинглар чакки бўлибди. Мен унинг башарасига қараб: «Сен, менинг уйим ёниб кетди деб ўйлайсанми? Йўқ, оёқ-қўлим бутун экан, яна уйлик бўламан! Тушунасанми, аҳмоқ?»— дердим. Мўйсафиднинг кўзлари худди ўша французни кўриб тургандек, оппоқ қалин қошлиари остида ғазаб билан чақнаб турар эди.

— Отахон, қўтасни олиб кетсангиз бўларди.— деди унга Мъен.— Душманлар яна қайтиб келиши мумкин. Эҳтиёт бўлинг. Яна улар Ши Лодан қайтаётиб бу ерга келиб қолишмасин.

Мўйсафид бош ирғади:

— Тўгри айтасан қизим, жетиш керак.

Мўйсафид шу сўзларни деб, қўтасини етаклаганча каловлаб йўлга тушди. Қизлар дехқоннинг қўтасга қиласётган насиҳатларини эшитиб туришарди: «Юр энди кетимдац тезроқ,— дерди мўйсафид,—сенга мазали ўтлар бераман, ҳа гапим рост, қорнинг тўяди. Сиёсий ходим жувоннинг гапларини эшитмадингми? Сен ҳам, мен ҳам яширинишимиз керак». Қизлар хушчақчақлик билан қаҳ-қаҳ уриб кулишди-да, мўйсафид ва унинг қадрдан қўтасини кузатиб қолишиди.

Дионг Мъенning кулаётганини, ҳатто кўзларининг чақнаётганини кўриб турарди. У хотинини кўл бўйида совуқдан қалтираётган ҳолда учратганини эслади, бечоранинг юzlари титрарди. Шу топда унинг хаёлига: «Вилоят комитетидан унга дам олиш учун рухсат беришларини сўрасам қалай бўларкин?» деган фикр келиб қолди. Унга ҳамон хотини замф, қийинчиликларга бардош беролмайдигандек туюларди. Улар анча вақтдан бери бирга туришмас ва Дионг Мъенning ўзтариб кетганидан бутунлай бехабар эди. Камбағал оиланинг қизига революция кент ва катта йўл очиб берди, у бўлса революция ишига тез ва мустаҳкам боғланиб қолди. Озодлик курашининг биринчи кунларидан бошлаб Мъен муҳим топшириқларни бажара бошлади. Фақат унинг ўзигина эмас, кўпчилик хотин-қизлар ҳам жуда оғир вазиятларда топшириқни бажариб, связист бўлиб ишладилар, озиқ-овқат етказиб турдилар. Бу ишлар оддий бўлиб кўринса-да, лекин ниҳоятда муҳим эди. «Нега энди Мъен билан учрашган чоқларимда бу нарса хаёлимга келмади? — деб ўйлади Дионг.—Бугун эрта билан у катта хавф остида эди, у бундан аранг қутулди, қўрқиб кетди. Ҳозир бўлса ҳеч нарса кўрмагандек куляпти. Кўриниб турибдики, одамлар уни севишади. Кечапина ташкил этилган партизан отрядининг бу биринчи муваффақияти — Мъенning муваффақияти эмасми? Мен уни жуда қадрлашим керак, шунда у яна кўпроқ ишлар қиласди».

— Мъен қишлоққа бориб, жийимларинги алмаштиришинг керак, бўлмаса қаттиқ шамоллаб қоласан,— деди Дионг хотинига. Партизанлар Мъенга савол-назари билан боқиб, кулиб қўйдилар, бу билан улар йигит унинг эрими ёки эри эмаслигини билмоқчи бўлдилар.

Мъен ҳеч қандай жавоб қайтармай, секингина деди:

— Сен энди Куанг ёрдамлашасанми? Агар шундай қилишинг керак бўлса, боравер, мен ўзим бораман.

— Керак, албатта керак,— деди Дионг ўйчан.— Хўп, хайр қизлар, деди у партизанларга қараб,— Мъенни сизларга топшираман. Ундан хабар олиб туринглар. Французларга рўпара келиб қолгундек бўлсанглар, қўрқмай гранаталар отаверинглар.

Дионг Мъенга назар ташлади. Унинг кўзларида севги ва ғимадир яна бир нарса — унга нисбатан ҳурмат бор эди.

Дионг энгashiб хотинининг қулоғига шивирлади:

— Яхши қол, яқин кунларда ёнингда бўлишга ҳаракат қиласман, қизларга айт, французларга йўл беришмасин. Хайр, сенга муваффақиятлар тилайман.

Мъен табассум билан эрига қўл чўэди.

БАХТЛИ ТҮЙ

Тхе иомли йигит билан Хоа деган қизнинг түйини бутун қишлоқ олқишилади, буни кўрган бутун ҳамқишлоқлари қувонишиди. «Бир-бирига жуда муносиб!— дейишди дехқонлар.— Иккови ҳам камбағал, иккови ҳам меҳнаткаш. Бир-бири билан топишганини қаранглар-а, баҳтли бўлишсинг!».

Ҳатто, умр бўйи ўзининг эски қайифида одам ташиб, доим йўловчиларга пўнфиллаб юрадиган, кечув жойда хизмат қиладиган бефарзанд мўйсафида Ганинг ҳам қайфи чоғ эди. У ҳар сафар баъзан мажлисга, баъзан бошқа бир ишга шошадиган Хоа ёки Тхени дарёдан ўтказиш лозим бўлиб қолган чоғларда, албатта бу ёшлиларга тегажоғлиқ қиласди.

— Тўй бўлса, менга илгарироқ хабар бериб қўйинглар, тўйга атаб қўшиқ тўқишим керак, ёшларга ўз ҳунаримни кўрсатиб қолай.

Бутун қишлоқ Тхе билан Хоанинг баҳтли-саодатли умр кечиришлари учун жон куйдираётгандек, улар билан бирга қувонар эди. Бу нарса айниқса помешчикларнинг мол-мулкларини тақсимлашетган куни ғравша троқ кўринди. Ҳамқишлоқлари бир-бирларига гал бермай ҳадеб Тхе билан Хоага ҳали у, ҳали бу нарсани беришни таклиф қилишарди. Бутун мажлис давомида кулги ва қарсаклар тўхтамади. Кимdir, бу ёшларга қўтас берилин, деди, яна бирор помешчик Қханнинг уйидан уч хонасини, шунингдек қўтаслари учун молхонасини ажратиб беришни таклиф қилди.

Мўйсафиид Ган қўл кўтариб, сўз сўради:

— Менда бир таклиф бор. Мен қарип қолдим, ёлғизман. Мажлис аҳли менга пахталик чопон билан костюм ажратди. Бу мен учун катта баҳт. Мен Тхе билан Ҳааларга Тхи Нги уйидаги қора дараҳтдан қилинган каравотни беришни таклиф қиласман.

— Мен уларга яна икки дона бўйра беришни сўрайман,— деди мажлис қатнашчиларидан бири, унинг гапиги маъқуллаб.

Бу янги таклиф мўйсафиид Ганга ёқиб тушди. У ўрнидан турди-да, янгича куйини билматани сабабли шу ернинг ўзида тўқилган сўзларни одатда кемачилар чўзиб айтадиган қўшиқ куйига солиб, айта бошлади:

Яшасин мажлисими!

Тхе билан Ҳоани олқишлиймиз ҳаммами!

Ер бердик биз уларга — улар шоли эксин, деб,

Қўтас бердик жуда зўр, ерии соз ҳайдашсин деб,

Яна икки бўйра-ю устига бир каравот.

Яшанглар, эй шоввозлар,

Бўлингиз доним хушвақт!..

У ҳали қўшиқни тамом қилмасданоқ ҳаир томондан қарсак, гуруллаган кулги ва маъқуллаган олқишилар ёнилиб кетди.

Бугунги мажлисни олиб бораётган Тхе, худди анордек қизариб, нима дейишини билмай, фақат тишларини кўрсатиб кулди. Ҳоа юўлса уялганидан бошини олдида ўтирган аёлнинг орқасига олди.

Чол-кампирлар бир бурчакка йиғилиб олиб, ҳадеб елпуғич билан ўзларини елпишар, ҳеч нима лапиримай ва ҳеч қандай таклиф киритишмай жим ўтиришарди. Қишлоққа агитаторлар труппаси келган кундан бошлаб қариялар мажлисларга мунтазам қатнаб туришар, нотикларнинг гапларини диққат билан тинглашарди. Аммо ўзлари камдан-кам сўзга чиқишишарди. Улар қоронги бурчакка жойлашиб олиб, равоч чайнаб ўтиришар: бирини еб бўлиб, иккинчисига тутинишарди.

Бугунги мажлис жуда хушчақчақлик билан ўтмоқла эди. Ҳатто қариялар ҳам шивирлашиб қолишиди. Улар ёшларга ўхшаб оёқ дўпиллатиш ёки чапак чалишни ўзларига эп билишмасди. Бир мўйсафиид иккинчисига бундай деди:

— Рост, бундоқ ўйлаб қарасанг, Хо Ши Миндан жуда миннатдор бўлиб кетасан: ер тақсимоти ўтказилмаган-

да ҳеч қачон ҳозиргидек хурсандчилик бўлмасди — ҳамма хурсанд, муҳтож киши йўқ, ҳатто Тхенинг ҳам уйлашишга қурби етиб қолди.

Мўйсафидларнинг гали тўғри эди. Ер ислоҳати ўтказилмаганда, ким билсин, Тхе қачон уйланарди. Уни куздан бери «Яроқсиз куёв» деб атаб келишарди. Нега бундай дейишларини ҳеч ким билмасди, аммо ҳамма, энди Тхе бир умр уйланмай ўтади, деб ўйлар эди. Бу тўғрида ҳатто онт ичиб гапирадиган кишилар ҳам топиларди:

— Шу турган еримда чумолидек бўлиб қолай агар, шу Тхе ҳеч қачон уйлана олмайди!

Тхенинг қашшоқ оиласдан чиққанини ҳамма биларди, уни барибир, бир кун эмас бир кун кўчадами, бозордами ўлиб кетади — у кимга зарур? деб юришарди. Кишилар у тўғрида қанча кўп гапирсалар уни шунча масхара қилиб кулишар ва бу бечора камбағални хўрлашдан улар гўё лаззатлангандек бўлар эдилар. Тхе қаерга бормасин, унинг орқасидан гап отишгани-отишган эди:

— Эй, яроқсиз куёв, уйланишни хоҳлайсанми? Хоҳласанг сенга ўзим келин топиб бераман.

— Қачонгача қиз танлаб юрасан? Яна қариб қолиб, қизнинг ўрнига тобут рўпара бўлиб юрмасин!

Болалар кўчада Тхени кўрди дегунча, кетидан ютуришар ва чапак чалиб қичқиришарди:

— Эй, эсиз-эсиз ҳусн-а! Касадга учраган ҳусн-а!

Бу масхаралардан Тхенинг ранги кўкариб кетар, уялиб хўрлиги келарди. Кунларнинг бирида у ғазабига чидолмай қандайдир бир болани бир тарсаки уриб ерга ағнатди. Тутоқиб кетганидан қимнинг ўғли эканига ҳам аҳамият бермади.

Ярим йўлга етганда уни соchlари тўзиб жетган бир аёл қувиб етиб:

— Қут-қо-ринг-лар! — деб дод солди. — Ёрдам беринглар, барака топкурлар! Тхе боламни ўлдириб қўйди!

У қишлоқда ўзининг уришқоқлиги ва тилининг аччиқлиги билан танилган бир манжалоқи хотин эди, у билан ади-бади айтишиб ўтиришга ҳеч кимнинг тоқати йўқ эди. Бахтга қарши Тхе худди шу хотиннинг ўғлини урган экан.

Хотин уни қувиб етгач, унинг қаршисида типирчилаб, бармоғини унинг башарасига ниқтаб, додлай бошлади:

— Бетингга зиндалак чиқсин! Тасқара! Сўтак! Бахти қора, ўлимтик!

Бу ҳодисани әшитган қишлоқ оқсоқоли Кхан қоровулларга айтдириб Тхени боғлаб ҳовлисига олиб келтирған ва уни ўлардек савалаттирган әди. Үндан кейин йигитни бир сўй бепул ишлаб беришга мажбур қилди. Шушу Тхе тақдирига тан бериб, қисматига рози бўладиган, уни масхара қилаётганларини әшитса-да, бошини қўйи солиб индамай ўз йўлига кетаверадиган бўлиб қолган әди.

Тхе бу қишлоқлик эмас әди. Одамлар очарчилик йилларининг бирида Тхенинг онаси тўртта гўдак боласи билан Чиу Июн қишлоғига иш қидириб келганини эслашар әди. Иш топилмади. Тиланчиллик қилишга тўғри келди. Баъзи кунларда бир-икки товоқ хўрда ёки бир неча батат топиб бахам кўришар, баъзи кунларда эса на бир дона батат, на бир қошиқ ёвғон тотишмасди. Она ҳам, болалар ҳам шундай озиб-тўзиб кетишидик, уларнинг юзларида тери билан суюгу, кўз билан тиш қолди, холос. Дастлаб иккита опаси вафот этди. Она кун бўйи кўзларини жовдиратиб дарёдан кечиб ўтадиган ердаги дарахт тагида ўзи билан ўзи гаплашиб ўтиради. У ҳар бир ўткинчига ёлвориб:

— Мана шу иккита ёш боламни олиб кетинг, очликдан ўлиб қолишмасин,— дерди.

Кейин бирдан хахолаб кулиб, ўзига-ўзи жавоб қайтарарди:

— Йўқ, бермайман! Биттасини ҳам бермайман!

Орадан бир неча кун ўтгач, Тхенинг онаси ҳам, укаси ҳам дунёдан ўтишиди. Тхенинг ёлғиз ўзи қолгач, уймай саргардон бўлиб етимлик ҳаётини қечира бошлади.

Ер ислоҳати ўтказиш учун Чиу Июн қишлоғига келган агитгруппа аъзоси ўртоқ Ван батраклар орасида энг азоблангани, энг камбағали бўлган Тхега эътибор берган пайтда, у кампир Тининг ташландиқ бори бурчагидаги базан дарахтлари тагига қўриб олган хароб кулбасида яшаб туради. У ҳеч ким билан дўст тутинмай ёлғиз ўзи ғариона ҳаёт кечирарди, зотан, у билан дўст тутинишни ҳеч ким хоҳламас әди ҳам. Кулбаси каби ўзи ҳам назар эътибордан четда қолган Тхе секингина ишга борар ва секингина қайтиб келиб, кулбасининг эшигини ёпарди-да ётиб ухларди. У жуда кам гапирав, лекин атрофидаги хўрликларни кўриб юраги зардобга тўлар әди. Тхе келажак ҳақида ҳеч ташвишланмасди; топган пулинин ўша заҳоти харж қилиб, кейин уч-тўрт кунлаб ўз кулбасида оч ётган

кунлари ҳам бўларди. Йигирма беш ёшда у кир, исқири, соchlari қигиз бўлиб кетганидан худди чолларга ўхшаб кетган эди.

Ўртоқ Ван уникига келганига уч кун бўлса-да, у ўзининг хўрликлар кўргани тўғрисида чурқ этмай, ундан ўзини олиб қочиб юрди. Ван сезди: Тхе аламзада-ю, лекин оғир турмуш уни индамас ва ҳар нарсага шубҳа билан қарайдиган аҳволга солиб қўйган, шунинг учун ҳам у одамови бўлиб қолган эди. Ван у билан бирга овқатланиб, бирга ишлар, ҳамма вақт унга яқинлашишга ҳаракат қилиб, батракларнинг бошига тушган аянчли ҳоллар ҳақида ғапиради. Унга ўз кулбасидаги титилиб кетган бўйра ва ғадир-будир товоқларни кўрсатиб, бу нарсаларни помешчик хонадонидаги бўйра ва товоқлар билан таққосларди. Шу тариқа Тхе секин-аста тапга кириша бошлади. У, ота-боболаридан тортиб бошлари йўқчиликдан чиқмагани, отасининг қашшоқлиги, ўзининг шахсий кулфатлари ҳақида сўзлаб берди. Бироқ у асосий аламзадалигини, ҳамқишлоқларидан кўрган кўргилликларини яширади. «Помешчикларга қарши кураш олиб бориш — бу жуда ҳақ иш, лекин мени фақат помешчикларгина эмас, бутун қишлоқ хўрлади-ку, буни нима деб айтаман? Йўқ, яхшиси индамай қўя қолай» деб ўйларди Тхе.

Кунларнинг бирида Ван билан Тхе ўрмонга дарахт пўстлоғи шилишга бордилар. Шунда тўсатдан ёмғир ёғиб қолди. Эртадан кечгача ишлашиб, уйга чарчаган, худди сувдан чиқсан сичқондек жиққа ҳўл ҳолда қайтишди. Тхенинг алмаштириб киядиган кийими ўқлиги сабабли Ван унга ўзининг эҳтиёт-шарт деб чамадонга солиб олган костюмини берди. Йигит рад этган эди, Ван бундай деди:

— Менга қара, Тхе, бу ерга мени партия ва ҳукумат сизлар билан бирга ишлаш, бирга яшаш ва ҳар бир масала юзасидан маслаҳатлашиш учун юборган. Биз бир оила бўлиб яшамофимиз лозим, сенинг кўйлагинг ҳўл эканми, меникини олиб киявер, уялиб нима қиласан?

Тхе костюмни олар экан, беихтиёр кўзлари ёшланди.

— Ахир мен ёшлигимдан бери қашшоқман. Онам билан қишлоқма-қишлоқ кезиб тиланчлилек қиласардик. Бу ерда мени ҳаммаси хўрлайди. Энди партия ва ҳукумат сизни бу ерга юборишиби... Сиз худди туғишган кишигиздек мен билан бир уйда турибсиз... тўғри... мен...

Тхе юзини қўллари билан бекитиб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Менга жуда қийин, ўртоқ Ван,— дея давом этди у ўзини бир оз босиб олгач,—мана сиз, помешчиклардан нафратланиш керак дедингиз, мен бутун қишлоқ аҳолисини ёмон кўраман. Улар мени нуқул «яроқсиз кўсв» дейишади, майна қилишади, бир кун эмас-бир кун кўчадами, бозордами ўлиб кетасан деб авлиёлик қилишади.

Шу кеча у каравотда ётиб ўзининг бахтсиз ҳаёти ҳақида тонг отгунча Ванга сўзлаб берди. Кўп йиллардан бери қалбида йигилиб ётган аламларини бирма-бир тўкиб солди.

Тхени умр бўйи уйланишга ҳаракат қылмаган деб ўйлаш тўғри эмас. У ўи тўққиз ёшда эканлигида бир қиз билан севишиб қолиб, тўй қилишга ваъдалашган эдилар. У пайтда икковлари ҳам помешчик Қханницида туришарди. Қизнинг онаси, қизи саккиз ёшдалик пайтида уни помешчикка бир пиастрга сотган эди. Расмий қараганда помешчик уни ўзига «қиз қилиб олган» бўлса-да, лекин бошқа чўри қизлари сингари унга нисбатан ҳам қаттиқ-кўйл ва шафқатсиз эди.

Бундай оғир турмуш иккала ёшнинг жонига тегиб, улар тўйдан кейиноқibu ердан бош олиб кетиб, ўзларига яраша кичкина бир кулба қуриб олишга ва бошқа бирон иш топиб бир-бирларини боқишишга, нима бўлса ҳам иш-қилиб, шу помешчик Қханнинг уйида қолмасликка аҳд қилиб қўйган эдилар.

Қхан билан унинг хотини буни билиб қолиб, бирдан иккита хизматкордан айрилмаслик учун нима қилиб бўлса-да, уларнинг уйланишига халақит бериш пайига тушишди! Помешчикнинг хотини қизни ўз ёнига чақириб олиб, ўзини меҳрибон, мулойим қилиб кўрсатди-да, ширин сўзлар билан қизим-қизим деб эркалаб, уни ўз жиянига тегишишга унадади. Бироқ, бу насиҳатлар унга таъсир қилмади. Шунда помешчик хотини дўқ ва пўписага ўтди, аммо қиз, мен мишигини эплаёлмайдиган гўдакка, қолаверса бир тентакка эрга тегмайман, деб қатъий туриб олди.

Помешчик қутуриб кетди. У ўзининг малайларига роса ичириб, уларни қизга қарши гиж-гижлатди. Улар ярим кечада қиз ухлаб ётган уйга бостириб кириб, ҳимоячиси

бўлмаган бечора чўри қизни зўрлаб навбатма-навбат яз-
мусига тегишиди. Эртасига кечаси ҳам, индинига кечаси
ҳам шу аҳвол такрорланди. Бу номусга чидолмаган қиз
Тхенинг кўзига қарашдан уялиб, уйдан бир умрга қочиб
кетди.

Бу даҳшатли ишни бости-бости қилиб юборишини Кхан
ўз хотинига топширди. Шу вақтдан бошлаб помешчик-
нинг хотини қаерга бормасин, ҳамма жойда вайсаб: ме-
нинг бир қизим бор эди, анави Тхе деган дайди, қашшоқ
аҳмоққа тегмайман деб бошқа бир йигит билан қочиб
кетди, деб юрди. Шундан кейин бу фийбат бутун қишлоқ-
қа тарқалди. Ҳеч гапдан хабари йўқ Тхе ҳам бу гапларга
ишониб, илгаригидан бадтарроқ бўйинни ичига тортиб
юраверди.

Орадан уч йил ўтгач, Тхе уйланмоқчи бўлганда яна
бир баҳтсизлик рўй берди. Бу сафар у ҳеч ким билан
гаплашмаган эди. Қишлоқда бир чолу-кампир бўлиб,
уларнинг яккаю-ягона қизлари бор эди. Уларга Тхенинг
хушфеъллиги, бирор билан иши йўқлиги ва қаноатлилиги
ёқиб қолиб, уни ичкуёв қилиб олмоқчи бўлишди. Тхе, бу
сафар ишим ўнгидан келар, деган умидда қайнатанинг
уйига шу ҳолда борсам уят бўлар деб, кийимларини ҳам
бироз тузуклаб олди. Бирдан, ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, қиз
Тхега тегмайман деб қолди.

Бунга ҳам ўша помешчикнинг хотини сабаб бўлди, у
тўйга тўсқинлик қилишга уриниб, яна сувни лойқата
бошлади. Ўша кунларда қиз помешчик Кханикига бориб
ишлаб юарди, шунда унинг хотини қизга ачингандек бў-
либ ундан ўсмоқчилаб сўрай бошлади:

— Тхега эрга тегар эмишсан деб эшитдим, шу рост-
ми? — деб кулиб юборди у. — Аҳмоқ эрга тегиб олиш,
жуда осон иш. Тегаётган эринг бизнинг боқиб олган қи-
зимизга уйланмоқчи бўлганидан хабаринг йўқмиди? —
Мен сенга чин сўзни айтсам, у бундай тентак, дайди,
қашшоққа тегишини истамади: у мақолда айтгани-
дек: «Аҳмоқ билан бир йил яшагандан кўра, ақлли
киши билан бир кун умр кўрган афзал» деб шартта ун-
дан айниди-ю, бошқа бирор билан топишиб, қочиб кетди.

Ҳали она сути оғзидан кетмаган қиз бу гапларни
эшитганидан кейин: «Бошқалар ундан қочаётган бўлса
мен тегиб нима қиласман?!» деб ўйлаб қолди.

Шундай қилиб, худди помешчик хотинининг ўйлаганидек
бўлиб чиқди: келиннинг назарida Тхе аҳмоқ, ху-

нук, дайди, қашшоқ бўлиб кўринди. Ўринчи мартаба учрашганларидаёқ қиз бурнини жийириб:

— Аҳмоқ билан бир йил яшагандан кўра, ақлли киши билан бир кун умр кўрган афзал,—деди.

Бу нарса Тхега жуда қаттиқ таъсир қилди. У кулбасининг бир бурчагига суқулиб олиб, бир неча кун босим йиғлади. Үнга энди умри тугагандек, энди ҳеч қачон хотин, бола-чақа кўриш-насиб бўлмайдигандек туюлди; у ўзига, онасига, опаларига ачинди; нега ҳаммаларининг пешоналари бунчалик шўр эканига тушуниб етолмади.

Шу-шу «яроқсиз куёв» деган сўз үнга лақаб бўлиб қолди.

Бу қишлоқда помешчик Ҳан туфайли кўп жабру-жабро тортганларнинг иккинчиси Хоа исмли қиз эди. У дарёнинг нариги четида яшарди. Помешчик унинг отаси билан укасини, революциянинг дастлабки пайтларидаёқ ўлдирган эди.

Қишлоқ мажлисида Тхе бошқа камбағалларга ўрнак бўлиш учун биринчи бўлиб ўзининг қашшоқлиги ҳақида сўзлаган куни, Хоа қарияларнинг орқасига яшириниб, қўллари билан юзини бекитиб йиғлаб ўтирган эди. Тхенинг ҳар бир сўзи унинг қалбини тирнарди. Ахир, унинг ҳаёти ҳам ғоятда оғир эди! У ҳам бу ерлик эмис эди. Унинг бувиси билан бобоси даҳшатли қирқ бешинчи йилда очликдан ўлиб кетишди. Унинг ота-онаси болалари билан бу қишлоққа тиланчилик қилиб келишди. «Тхенинг ҳаёти нега худди меникига ўхшаб кетади?» — деган хаёлга борарди қиз.

Тхе гапирав экан, Хоа ҳам, унинг ён-верида ўтирган дэҳқонлар ҳам қаттиқроқ йиғлай бошладилар. Қўз ёшлари ҳар кимнинг ўз бошидан кечирган қора кунларини эслатиб, бу кишиларни бир-бири билан яқинлаштириди. Бу ерда ҳам, дарёнинг нариги четида ҳам, барча камбағаллар бойларнинг жабр-зулмини тортиб келган эдилар. Помешчикларга бўлган умумий ғазаб қаршисида майда-чуйда ўзаро келишмовчилликлар ҳам, бу ерда илгаридан яшаб келганлар билан кейин кўчиб келгаплар ўртасидаги фарқ ҳам ғойиб бўлди.

Тхенинг сўзларидан Хоанинг томоғига бир нарса тикилиб келар, гўё уни бирор бўғаётгандек бўларди. Тхе муштини баланд кўтариб:

— Менинг бобомни ҳам, отамни ҳам — ҳаммаларини помешчиклар ҳалок қилишди. Ёлғиз мен қолдим, улар

мени ҳам гўрга тиқишишмоқчи эди! Нима сабабдан мени уйлана олмадим? Нега мени «Яроқсиз куёв» дейишади? деб қичқирган чоғда Хоа ҳам ўзини тутолмай, юргурганча ўртага чиқди-да, йиғи аралаш бундай деди:

— Менинг отам, укам... Кхан уларни нима сабабдан ўлдириб, жасадларини дарёга ташлаб юборди? У отам бўлан укамни ўлдириди, онам билан мени ҳам ўлдирмоқчи эди. Шунинг учун ҳам онам билан мен кўп йиллар бошқа жойга қочиб кетдик.

Шундан кейин Хоа ҳам ота-онаси билан Чиу Июн қишлоғига келган кундан бошлаб кечирган бутун ҳаётини сўзлаб берди.

Хоанинг отаси ижарага бир қулоч ер олишининг ҳам иложини қилолмай бироз бўлса ҳам пул топиш учун шоли тозалайдиган тегирмон тоши қилтар, онаси бўлса чўри эди. У помешчик Қханинг уйида ҳам тегирмон тоши қила бошлади. Кунларнинг бирида Қханинг уйига ўғри тушди. Помешчик буни Хоанинг отасидан кўриб, уни ўлдиришга қасд қилди. Хоанинг отаси билан укаси помешчик эшиги ёнидан ўтиб кетаётган гайтда, у ота-болани тутиб боғлади-да, ўлдириб жасадларини дарёга ташлаб юборди. Хоа билан онаси уларни куни бўйи кутиб ўтиришди, кечга яқин ота-боланинг ўлдирилганлиги, помешчикнинг хизматкорлари кечаси дарёдан кечиб ўтиб, эна билан қизни ҳам ўлдиришмоқчи эканликларини эшишиб қолишди. Она билан Хоа қўрқиб кетганларидан уйларини ташлаб, бошқа жойларга қочиб кетишиди.

Ғам-аламлардан эсини йўқотган она йиғлайвериб кўр бўлиб қолади, кейин ишлай олмайди ва орадан кўп ўтмай, ёруғ дунёда Хоанинг якка ўзини қолдириб, вафот этади. Хоа Чиу Июн қишлоғида помешчикларни ағдариш ва ер ислоҳати ўтказиш ҳаракати бошланганини эшифтмагунча қишлоқма-қишлоқ кезиб чўрилик қилади. Бў хабарни эшифтган Хоа отаси билан укасининг қасдини олишга қарор қилиб, бу қишлоққа қайтиб келади. Бу ерга келгач, у бирдан Қханинг «ўртаҳол дехқон»лар қаторига қўшиб қўйишгани ва унга нисбатан ҳеч қандай чора қўрилмаслигини билиб қолади.

Хоанинг сўзларидан кейин орага чуқур жимлик чўқди. Мажлисга қатнашганларнинг қип-қизариб кетган юзларрида тер томчилари билан кўз ёшлари ялтираб кўринарди. Хоа энтикиб ўз сўзини охирлатди:

— Бугун Хо Ши Мин билан партия бизларининг маса-

лаларимизни ҳал қилгани бу ерга агитаторлар юборишибди. Қхан жиноят қилган — менинг отам билан акамиň үлдирган. Уни ўртаҳол деҳқонлар қаторига қўшишлари мумкин эмас! У — помешчик.

Хоадан сўнг яна бир деҳқон сўз олди:

— Ёу қиз тўғри гапирди! Ўртаҳол деҳқоннинг ери қанча бўлиши керак? Унинг ўрта деҳқонлар қаторига ўтиш учун ери жуда ҳам кўплик қилади-ку!

Вазият кескин тус олди — энди ҳар кимнинг ҳам сўзлагиси келарди. Деҳқонлар бир-бирларига гал бермай Қханнинг юқори табақага мансуб эканлиги ҳақида далиллар келтира бошладилар. Мўйсафид Ган ҳовлиқанча ўртага чиқиб, кўхна бир маҳаллий мақол тусига кириб қолган гапни эслатди, унда Чиу Июн қишлоғида учта отоқли фамилия бўлиб, уларнинг биринчиси Қхан дейилганини эслатиб ўтди.

— Бошқа икки фамилиядаги кишиларни,— деди мўйсафид Ган,— қилмишлари учун судга топширдик, ахир нега улар орасида энг кучлиси, қишлоқда энг обрўли ҳисобланган, илгари қонимизни ичган Қхан тўсатдан «ўртаҳол деҳқон» бўлиб қолди?

Мўйсафид Ганнинг сўзлари ҳаммага ота-боболаридан тортиб, Қханлар авлодининг қишлоқда ҳукм сурган пайтларини эслатди. Кўп кишилар, Қхан ва отасининг қай усуlda бойлик ортдирганликлари, бировларнинг боғлари ва ерларини тортиб олганликлари ва Қханнинг янги ҳалқ ҳукумати томонидан аграр сиёsatни ўтказишга қаршилик кўrsatganликлари ҳақида сўзлашди.

Гувоҳлардан бири, Қхан Хоанинг отаси билан укасини ўғирлиқда тумонсирагани учун эмас, балки унинг Там Дао тоғларидаги ҳалқ армиясининг жангчилари билан алоқаси борлигини сезиб қолгани учун үлдирганлигини исбот қилиб берди. Шу ерда, мажлисда унинг ўн йил илгари қилган ва тўё ҳамманинг ёдидан кўтарилиб кетгандек туюлган жиноятлари очиб ташланди. Кишиларнинг бу ерда сўзлаган сўзларидан помешчик Қханнинг ҳақиқий башараси — ҳалқ оммасини шафқатсиз эзиб келган киши эканлиги фош қилиб ташланди.

Бу мажлисдан сўнг Тхе жуда ўзгариб жетди. У тўлишиб, ранги-рўйи туппа-тузук бўлиб қолди, ҳамқишлоқларига нисбатан бўлган адовати йўқолди. Тхе деҳқонлар-

нигига мәҳмоп бўлиб бора бошлади, ушинг уйига ҳам кишилар кела бошлишди. Бонинг бир бурчагидаги узоқ йиллардан бери киши қадам босмагаи кулба эили хушчақчақ ҳангома, кулгиларга тўлди. Тхе энди ўзини қашшоқ деб ҳис қилмасди. Қишлоқ билан ер энди учта «юқори табақа» авлодларники эмас, балки ўзига ўхшаган кишиларнинг мулки бўлиб қолди. Тхе ҳаммадан ҳам шу нарсага севинар, деҳқонлар билан ҳам кўпроқ шу ҳақда суҳбатлашарди.

Хоа ҳам сезиларли даражада ўзғарди. У тез-тез Тхе ҳақида ўйлаи бошлид — уларнинг тақдирлари бир-барлариникига ўхшаб кетиши айниқса уни ажаблантиради. Худди у сингари Тхе ҳам бу қишлоққа тиланчилик қилиб келибди; худди у каби Тхе ҳам Кхандан кўп жабр-жафолар тортибди; худди унга ўхшаб Тхе ҳам ҳеч кимсасиз етим қолибди. Бу хаёллар ҳали унда муайян ўёналишдаги аниқ тасаввур ҳосил қилмаган эди. Баъзи пайтларда у Тхе тўғрисида қайғириб фикр юритар, баъзида эса, негадир бу нарса унга хурсандчилик бағишларди.

Қишлоқ мажлиси Кханинг ишини судга беришга қарор қилган куни Хоа, Ти кампирнинг уйига кўчиб келган эди, Тхенинг кичкина кулбаси ҳам унинг боғида эди. Қиз тунда, мажлисдан сўнг дарёдан кечиб ўтиш қийинлигини айтди.

Ўшандан бери Тхе билан Хоа жуда банд эдилар: қишлоқ мажлислари, камбағаллар мажлиси, Кханинг жиноятларига доир ҳужжатлар тўплаш уларнинг аича вақтини оларди. Қишлоқнинг ҳар ерида «Йўқолсин халқни эзувчи помешчик Кхан» деган шиорлар пайдо бўлди. Ниҳоят, деҳқонлар ўз бошларидан помешчиклар ҳукмронлигини улоқтириб ташлашга ҳаракат қилиб қолишиди. Бироқ ҳаммадан ҳам камбағал жамоатчилар кўпроқ банд эдилар: гоҳо бўлажак судга янги ҳужжатлар тўплаш учун тунда чироғ билан дарёнинг нариги четига ўтишар, гоҳгувоҳлар қидириб то Там Дао тогининг тагигача боришарди.

Помешчикнинг жиноятларини тергов қилиш ишларида Хоа актив қатнашганлардан бири бўлди. У отаси билан укасининг Кхан томонидан ўлдирилганлиги ҳақида дайллар тўплар, бу ишда унга Тхе катта ёрдам кўрсатарди.

Помешчик қотиллик қилган пайтларда Тхе унинг уйидаяшар, шунинг учун ҳам у бу ҳодисанинг ипидан нина-

сигача ўз кўзи билан кўрган ва эшитган эди. Ундан ташқари, Тхе айбнинг ҳақлигини исбот этиш учун яна бир неча гувоҳлар ҳам қидириб топди.

Суд бўладиган кун катта кўтаришилик билан кутиб олди. Уша куни эрта тонгда Дом Гей ибодатхонасида қўнироқ чалиниши биланоқ барча аҳоли ҳаракатга тушиб қолди. Ноғора, чилдирма ва сурнай овозлари янграй бошлади. Кишилар уйма-уй югуришиб бир-бирларини уйғотишар, дәҳқонларни суд мажлисига таклиф қилишарди. Орадан кўп вақт ўтмай кўчада байроқлар, поргретлар ва шиорлар пайдо бўлди. Қуёш эндирина бош кўтариб, ўз заррии нурларини тоғ чўққиларига сочган вақтда, кишилар суд бўладиган ерга, ўрмонга қараб йўл олган эдилар. Улар кўтарилиб келаётган қуёшининг равшан ёғдусида колонна-колонна бўлиб юриб боришарди.

Мана суд мажлиси ҳам, ундан кейин ўтказилган намошш ҳам тугаб, Хоа ўзини жуда ҳам енгил ҳис этди. Ҳукулар, қўшиқ айтар, кўп гапирав, хуллас хушчақчақ эди. Қўп йиллик даҳшатли ва оғир ҳаётдан сўнг у ҳам ёруғлиқча чиқди. Душман устидан қозонилган ғалаба қувончи устига яна бир севинч қўшилди — бу Тхега нисбатэн куртак отиб келаётган нозик туйғу эди. У Тхе билан кўпдан бери бир масала юзасидан маслаҳатлашмоқчи эди, лекин қулай пайт топа олмай юрарди. Бироқ, у шу бугун қандай қилиб бўлмасин сўзлашиб олишга қарор қилди.

Хоа дарёнинг нариги четига ўтиб, уйидан хабар олднида, тезда қайтиб, Ти кампирникига томон юрди.

У кайфи чоғ, хаёлларидан мамнун ҳолда эски бир шўх қўшиқни қўйлаб борар, шу важдан унинг юзлари қирмизи бўлиб кетган эди.

Тхе агитгруппанинг бир кунлик якунга бағишлиланган мажлисида бўлиб, ҳали уйга қайтмаган эди. Ти бир мунидидан батат қайнатиб, уни ҳовлига олиб чиқди-да, Хоа иккovi ҳар хил олди қочди гаплардан суҳбатлашиб овқатлана бошлашди. Кейин куни билан хизмат қилиб чарчаган кампир, Хоанинг ўзини қолдириб, ухлагани кириб кетди.

Хоа бататдан Тхега ҳам насиба олиб қўйишини унумади, лекин Тхедан ҳамон дарак йўқ эди. Нихоят, йигит жуда ҳам қорни оч, лекин мамнун ҳолда қайтиб келган чоғида Хоа сочини икки қайтадан тараф, иккинчи марта-ба ўриб бўлган эди. Йитит кулиб, хушчақчақ сўзлашар экан, кўзлари бататга тушиб қолди.

Хoa бир неча бататни унинг олдига қўйиб дехқонга тикилганча ўтирадар, йигит бўлса гапдан тўхтамас, завқланиб, дадил ва равон сўзларди. Ой нурида у Хоага ёш, чиройли, табассуми ёқимли, кўзлари фоятда ўйноқи бўлиб кўринарди. Энди у ҳамқишлоқлари хўрлаб келган қашшоқ йигит эмас эди.

Хоанинг қалбида ўша эски қўшиқнинг сўзлари жараглаб турар, у Тхенинг ёнига аллақачонлар келмоқчи бўлгани ҳақида ўйларди. Қиз қулай пайт топиб, йигитдан:

— Айтинг-чи, Тхе ҳозир неча ёшдасиз? — деб сўради.

Йигит юзларида ҳайрат аломати билан ялт этиб Хоага қаради:

— Билиб нима қиласиз?

— Уйланмоқчи бўлсанғиз, сизга қаллиқ топиб бермоқчиман.

Тхе кулди.

— Кўйсанғиз-чи, менга ким тегарди дейсиз! ..

— Сиз хўп десангиз бас, ҳозир қишлоқда қизлар кўп, улар ҳаммаси ҳам сизга жон-жон деб тегади. Агар хоҳласангиз, мен бир зумдаёқ қиз топаман.

Тхе ишонқирамай Хоага қаради.

— Рост айтаяпман,— деди Хоа табассум билан Тхега боқиб,— фақат мен топган қаллиқ кўримоиз, яна чиройлимикан деб ўйлаб ўтирманг.

— Менга унинг чиройи керак эмас, фақат ўз тенгим бўлса бас.

— У қиз жуда ҳам баҳтсиз... Отаси ҳам, онаси ҳам йўқ...

Тхе Хоага қаради. Хоа ерга боқиб, табассум билан гапини давом эттириди:

— У қиз помешчик Қхандан кўп жабру-жафолар тортган, помешчик унинг отаси билан укасини ўлдириб, дарёга ташлаб юборган...

Тхенинг бадани бирдан жимиirlаб кетди. Бахт, худди ёғду каби унинг кўнглини ёритиб юборди. У Хоага тикилиб қолди. Хоа бир новда билан ерга ҳималарнидир чизиб ўтиради. Тхе бир дақиқа хаёл сургач, ишончсизлик билан деди:

— Менга қаранг Хоа... Балки...

Хоа бошини кўтариб, ҳеч нарса демай ёш дехқонга кўз қирини ташлади. Тхе бадтар ўзини йўқотиб қўйди.

— Мен... мен истардимки... ҳали кураш тугаган эмас... биз ўз оилавий баҳтимиз билан овора бўлиб кетсанк... Қандай бўларкин?.. Ёки бироз сабр қилиб турамизми?..

Хоанинг юраги таскин толиб, ҳахолаб қулиб юборди.

— Мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Агар сиз рози бўлсангиз, ғалаба кунига қолдирамиш.

— Тўғри айтдингиз! Бу ҳақ гап! Ғалаба кунига қолдирамиш.

Шу кечга Тхе узоқ пайтгача ухлай олмади. Унинг миясида хилма-хил хаёллар кезиб юрарди. Тхе баҳт нима эканини бу бугунгина била олди. У келажак ҳақида фикр юритиб, режалар туза бошлади: «Ер ислоҳатидан кейин, Тхе ўз уйига, ўз ерига, хотин, бола-чақага эга бўлади, баҳтиёр ҳаёт кечиради...»

Тхе эрта ҳақида, ўртоқ Ван ҳақида фикр юритмоқчи бўларди-ю лекин унинг фикри Хоанинг оғзидан эшишган биттагина улкан баҳт теварагидан нари кетмас эди. Эртаси куни эрта билан ўртоқ Ван агитгруппа мажлисидач қайтиб келган пайтда, Тхе ғоят хурсанд кайфиятда уни қарши олди.

— Қелганингиз жуда ҳам соз бўлди-да! Омаднинг юришганини қаранг!

Ван, Тхенинг одатдагидан бошқачароқ кайфиятда эканини сезиб, ундан:

— Ҳа, ўзи нима гап? — деб сўради.

— Ўйга киринг, сиз билан бир нарса тўғрисида масла-ҳатлашмоқчи эдим, билмадим ўринли бўлармикан?

— Нега ўринли бўлмасин? Қандай иш эди?

Тхе Ванини уйга олиб кирди-да, каравотга ўтқазиб, чуқур хўрсингач, сўради:

— Ер ислоҳати тугагандан кейин уйланса бўладими?

— Бу нима деганинг? Албатта-да, ер ислоҳатидан кейин уйланса, айни муддао бўлади-ку!

— Үндай бўлса жуда соз. Ишнинг кўпайиб кетишидан чўчиб, урушнинг тугашини кутмоқчи эдик.

— Иш-ку кўпайишга кўпаяди-я, лекин уйланиш унга халақит бермайди. Ғалаба қилганимиздан кейин иш камаяди деб ўйлайсанми? Үндай эмас! Халқ хўжалигини тиклаймиз, худди Совет Иттифоқи ва Хитойдаги сингари трактор ва комбайнларда ишлаймиз. Уйланиш халақит берармиди? Барibir ишда жонбозлик кўрсатаверасан.

— Албатта, барibir жонбозлик кўрсатавераман,—

деб унинг гапини тасдиқлади Тхе ва бироз ўйлаб туриб қўшиб қўйди:— Мен, ўртоқ Ван, бундай фикрдаман, илгари бизнинг ҳаётимиз оғир эди. Энди Хо Ши Мин ва партия бизга тўғри йўлни кўрсатиб беришди, энди шу йўлдан дадил кетаверишимиз керак. Агар ер ислоҳати ўтказилмаганда, мен бир умр беватан батрак «яроқсиз кўёв» бўлиб қолаверар эканман.

Кейин Тхе Ванга кечаги Хоа билан қилган сухбатини гапириб берди.

— Хоага уйланишинг менга жуда ёқади,— деб хурсанд бўлди Ван ва деҳқоннинг қўлини маҳкам қисиб қўйди.— Тўйларингизга албатта келаман, сизларга баҳтсаодат тилаб хурсандчилик қиласмиш.

Тхе ўша кундан бошлаб ишга янада зўр гаїрат билан кириши. Хоа ҳақидаги ўй-фикрлари унга куч бағишилади. Ер ислоҳатининг иккинчи даври бошланганда у қишлоқ активи қилиб сайланди. Учинчи боскичнинг охирларида уни партия сафиға қабул қилишди. Кипиллар ундан маслаҳатлар сўрайдиган бўлиб қолдилар. Унимиг обрўси ошди.

Тхенинг Хоага уйланиши ҳақидаги хабар бутун қишлоққа ёйилди, буни эшитиб ҳамма қувонди. Йилгари бу йигит устидан кулиб юришган бўлса, энди унга баҳтсаодат тилашарди. Бу қувончли янгиликни эшигтан Гач, ҳатто қўшиқ ҳам тўқиб юборди:

Илгари Тхе ва Хоа
Кўп хароб яшар эди.
Энди замон ўзгарди,
Деҳқонлар аҳил бўлди.
Азамат Тхе ва Хоа
Бир ёстиққа бош қўйди,
Эл олдига оши қўйди.
Биз беҳад хурсанд бўлдик.
Хамқишлоқлар бирликда —
Шун қўшиқни тўқидик.
Тўйнингизга баҳт тилаб,
Шу қўшиқни ўқилик.

Ган тўқиган бу қўшиқни бутун қишлоқдаги ўшу қарпи биргалашиб кўйлашли.

Энди кимда-ким Тхе билан учрашиб қолса шу мисраларни қўшиқ қилиб айтишини ўз бурчи деб биларди. Бунга жавобан Тхе мулойимгина кулиб қўяр ва унинг ҳамқишлоқларига бўлган муҳаббати кун сайнин ортиб борарди.

НГҮЕН КОНГ ХОЛН

УФРИ

Янь Шаунг (баъзилар ҳатто унинг исми Наунгми ёки Лаунгми,— аниқ билолмасдилар) помешчик Лайнинг хизматини қиласди. У ўтакетган җашшоқ бўлиб, ҳатто қачондан бери муҳтоҷликда кун кечираётганини ҳам аниқ эслолмасди. Бир вақтлар унинг бобоси помешчик Лайга ўз ери билан уйини беришга мажбур бўлганини эсларди, холос; ўшиандан бери уларниңг уй-жоий Лайнинг шахсий мулки бўлиб ҳисобланади. Наунгга бир кўримсиз каталак кулба билан узунлиги ўн метрдан ошмайдиган кичкина ер қолган эди.

Баъзи пайтларда, айниқса йигим-терим даврида помешчикка ишчи кучи керак бўлиб, у қишлоқдаги жамбагаллардан ёллаб оларди. Наунг ҳам унинг қўлида хизмат қиласди. Бундан ташқари Наунг жўп пайт помешчикнинг уйнда унинг майдада-чуйда ишларини ҳам бажариб юради. Аввалига Наунг бу ишларни қарзи ҳисобига бажариб юрди, бу қарзининг қаердан келиб қолганига унинг ўзи ҳам ҳайрон эди. Наунг фақат қарзининг жуда ҳам жўп эканлигини биларди, холос. Помешчик, мен ўз қарздорларимнинг қарзларини меҳнат билан узиб юборишларига йўл қўйиб жуда ҳам олижаноблик қиласман, деб Наунгни инонтиради. Кейинчалик помешчик унга пул ваъда қилди-ю, лекин кундан-кунга пайсалга солиб, бир чақа ҳам бермади. Наунг помешчикнинг уйнда қанча хизмат қилмасин, ҳар сафар ҳам уйига икки қўлини чўнтағига тиқиб қайтарди; доим ўзининг сахийлиги ҳақида жар соладиган Лай, уни қуруқ ваъда билангина хурсанд қилгани-қилган эди.

Наунг эртаю-кеч хизмат қилгани билан уйида ҳеч қачон овқат қилиб егани бир ҳовуч гуручи бўлмас эди. Шу сабабли ўз ери бўлмаган Наунг бир дона гуручи ҳам йўқлигидан кепак ва бanan пўчоқларини ейишга мажбур бўларди. Шу арзимайдиган овқат ҳам бўлмай қолган кезларда у очликдан силласи қуриб, кишига ғам-алам бағишлайдиган бўм-бўш ва фақирона қулбасида эрталабдан кечгача чўзилиб ётар эди.

Бир кун, 1941 йилда Наунг ниҳоят даражада оғир аҳволга тушиб қолди. У уч кун туз ҳам тотнмади. Охири помешчик Лайнинг боғига — авваллари Наунг ва унинг оиласига тегишли бўлган боққа бориб, апельсин узиб олди. Наунг ўзича, мевалардан уч-тўртта олсам ҳеч нима қилмайди деб ўйлади, ахир помешчик унга қачонлардан бери хизмат ҳақи беришни ваъда қилиб келади-ку, ундан ташқари бу дараҳтни Наунгнинг бобоси экиб ўстирган эди. Бироқ, помешчик бошқача ўйлади. Наунгни ўғри деб ушлаб, гарчи у қочишни хаёлига келтиргмаган бўлса-да, қўлини боғлаб, роса дўппослаши.

Орадан бир йил ўтди, лекин Наунгнинг ҳаёти бояги-бояги оғир аҳволда эди. Унинг очликдан силласи қуриб, бетобланиб қолди. У ейиш учун бирон-ярим қолган-қутган овқат бўлса ҳам топармиканман деб, аранг оёқ босган ҳолда уйдан кўчага чиқди.

Наунг нима сабаб биландир, помешчикнинг уйи ёнидан ўтиб кетаётib, кўзи мо там тхе¹ бутасига тушиб қолди. У ўзига дори тайёрлаш учун унинг баргидан уч-тўртта узиб олишга рухсат сўради. Помешчик лом-мим демай кириб кетди. Наунг, Лай ўйқ демади-ку, деган хаёлда унинг шохини эгди. Шу пайт Лай, худди уйини ўғри урган кишидек аюханнос солиб кўчага чиқди. Помешчикнинг хизматкорлари бетоб Наунгни яна тутиб олиб савалашди.

Наунг бир ўлимдан соғ қолиб, тузалиб кетди. Бироқ ростини айтганда, у соғайиб кетгани учун қувонмади, чунки уни очлик ва мудҳиш ҳаёт кутиб турарди.

Келгуси йил ёзда ҳам Наунг ҳеч нарса ишлаб тополмай, бир неча кун оғзига лоақал нон увоқ ҳам солмади. Очликдан тинка-мадори қуриган Наунг мўйсафиД Дин уйи ёнидаги боққа борди. У боққа киришдан олдин анча

¹ М о т а м т х е — баргидан дори тайёрланадиган чирмо-виқнинг бир тури.

шаккиланиб турди. Бир неча маротаба орқасиға қайтиб кетмоқчи бўлди-ю, лекин боғда турли-туман мевалар гарқ пишиб турарди. Очликдан Наунгнинг боши айланиб, ўзини тутиб тура олмади ва боқقا кириб, бир неча дона мева олиб еди. Мўйсафид Дин буни сезмади. Аммо эртаси куни унинг хотини Наунгнинг жулбаси ёнидан ўтиб кетаётib, йўлда тўхтади-да, жулбанинг эшигига қараб, уларнинг бοғига тушган номаълум ўғрини роса қарғади.

Бутун қишлоқни шафқатсиз талаган помешчик Лай, ўғирлик қилишининг катта гуноҳ эканлиги ва ҳалол меҳнатнинг савоби ҳақида оғиз кўпиртириб гапиришини яхши кўрарди. У деҳқонларни «ҳимоя» қилишни яхши кўрар ва ўзининг гапи билан айтганда, «адолат қонуни»га қатъий асосланган ҳолда қишлоқда суд ишини олиб борарди. У «одил судья» сифатида Наунгни чақиртириб олди-да, бошқаларга ибрат бўлсин деб, унинг қилган ўғирлиги учун роса сўқди. Сўзининг охирида у, агар қишлоқда лоақал битта деҳқон хафа бўлса ҳам сира тоқат қила олмайман, деди.

— Сен ўғрисан, сен бировларнинг нарсаларини бир эмас, бир неча марта ўғирладинг. Агар бу нарса яна такрорлангудек бўлса, ҳадеб бировларнинг нарсаларига кўл чўзавермаслигинг учун пайингни қирқиб ташлашга буюраман,— деди у Наунгга, заҳрини сочиб.

Наунг зўрга уйига етиб олди-да, хира кўзлари билан кулбасининг деворларига назар ташлади. У бўйра устига ётиб, томнинг тешиклари орасидан кўм-кўк бўлиб турган осмонга қараб ётар экан, узоқ вақт хаёлга чўмди.

— Наҳотки мен ўғри бўлсан,— деб шивирлади у.— Ахир мен ўғирлик қилишини истармидим?

Мана 1945 йил ҳам келди. Август революцияси ғалаба қилди.— Хо Ши Мин томонидан айтилган «Озодлик ва мустақиллик» деган сўзлар ҳар бир вьетнамликнинг қалбидан жой олган эди. Наунг ҳам қишлоқ кўчаларида хушчақчақ қадам ташлаб борар экан: «Энди Ватанимиз озод бўлди, ҳукуматимизга ёрдам бериш ва президент Хонинг раҳматига сазовор бўлиш учун мумкин қадар яхши меҳнат қилишимиз керак» деб ўйларди.

Орадан кўп йиллар ўтди. Наунг тер тўкиб ишлар, кўпинча ўзи ейиши учун гуруч қолмаган тақдирда ҳам,

ҳалол мөҳнат билан топган донларини ҳамма қатори армия учун топширар эди.

Бир вақт қишлоқда товуқлар йўқола бошлади. Ўғирлик ҳар куни содир бўларди. Номаълум бир ўғри деярли ҳамманинг ҳовлисига бир-бир кириб чиқди. «Бўри-нинг еса ҳам оғзи қон, емаса ҳам» деган мақол бор. Кишилар бу содир бўлган ўғирликларнинг айбори қилиб Наунгни ҳисоблашди. Бир баҳтли ҳодиса уни бу хижолатдан қупқарди. Бир куни Наунг кулбасидан чиқаётib ўрмондан келаётган тулкини кўриб қолди. Наунг унинг кетидан тушиб тулкини ўлдирди. У жуда қувониб кетди, бу ҳақда бутун қишлоқ билишини истар — ҳақиқий ўғри ким эканлигини барча кишиларга кўрсатгиси келарди.

Бу воқиани эшитган помешчик Лай, тулкини ўлдирмагани учун ич-ичидан ачинди, чунки у тулки терисига эга бўлолмай қолганига минг пушаймон бўлди. Шундан кейин у бир қопқон тайёрлади; унинг оғзини оҳисталик билан очиб, ўртасига ёғоч тиқиб қўйди: Қопқон «пак» этди-ю темир жағлар, бир-бири билан жипслашиш уни маҳкам қисиб қолди. Лай ҳаддан зиёд қувониб кетди.

У қопқонни кўтариб, уни қўйиш учун қулай жой қидириб кетди. Помешчик охирги марта Дин чолнинг товуғи йўқолганини эслаб қолди.

Дин уйида қайнатилган гуруч еб ўтирас, ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Лай қопқонни четан тўсик тешигига қўйди. «Тулки шу томондан келади,— деб ўйлади у.— Хуллас қопқонга бир нарса илинади-ку, тулки бўлмаса бошқаси бўлар».

Кейин кулиб, уйига қайтиб кетди.

Кечқурун Дииннинг хотини додлаб кўчага чиқди, йўлда ким дуч келса ҳаммасига товуғи йўқолганини хабар қиласерди. Наунгнинг кулбаси ёнига қелиб, анча вақтгача шовқин кўтариб қаргади; у товуғини тулки эмас, одам олиб кетганлигига ишончи комил эди. Кампирнинг таъналари Наунгга наштардек ботган бўлса ҳам у аёл киши билан ади-бади айтишиб ўтиришни ўзига эп билмай, индамай қўя қолди.

1950 йилда француздар Тхай Нгуен раёнига десант туширгандан кейин, помешчик Лайнинг уйида тез-тез йиғилиш бўлиб турди. Уникига келиб кетадиган кишиларнинг кўпчилиги Наунгга таниш эди. Кўпинча улар яrim кечагача ўтириб қолишарди. Наунг ҳали ҳам помешчик-

никида хизмат қилар ва хизмат ҳақига помешчикдан қуруқ ваъда олиб юрарди, баъзи вақтларда эса бу хизмати бадалига қолган-қутган овқатларни сб кун кечирарди. Наунг Лайнинг уйида илгари французлар ҳукмронлик қилган пайтларда қўшини районнинг оқсоқоли бўлган Финни, униг собиқ ёрдамчиси Тинни учратарди; бу ерга колонизаторлар билан бирга ишлашган помешчиклардан Тъеп, Тын ва бошқалар — хуллас теварак-атрофдаги амалдорлар келиб туришарди.

Улар Лайнинг уйида тўпланишгаんだ, алланималар ҳақида бахслашишар, кекирдаклари йиртилгудек бақилиб-чақиришар, жанжал-тўпалон кўтаришарди.

Помешчикнинг меҳмонлари нега бу даражада жиғил-машишлари сабабини Наунг билмасди, чунки улар бу уйда хизмат қилиб юрган Наунгга кўзлари тушди дегунча, дарров жим бўлиб қолишарди.

Биргина апрель ойининг ичидаги меҳмонлар Лайнинг уйида тўрт маротаба тўпланишди. Наунг уларга таомлар олиб келарди, шунда у меҳмонларнинг товуқ гўшти егалярини, ҳатто итларига ҳам товуқ гўшти берганларини ўз кўзи билан қўрди. Бу ҳодиса ҳар сафар такрорланар, шу сабабли, Лай худди эртаклардаги мўйсафид сингари, ғажилган сўнгакларни яна қайтадан товуқ ҳолига келтириб қўяяпти, деб ўйлаш мумкин бўларди.

Бир куни май ойининг охирларида Лай Наунгни уйига чақириб олди-да, уни жуда ажойиб бир янгиликдан хабардор қилмоқчи бўлганини айтди. Наунг, гап ўша помешчик ваъда қилиб келаётган нуллар тўгрисида бўлса керак ёки у менга ейиш учун бирон нарса берар дегаш хаёлга борди. Бироқ, улар уйининг ичига кирган пайтда бутунлай бошқа ҳодиса юз берди. Помешчик деворга ўрнатилган жовоини очиб, ундан кичкинагина китобча олди.

— Қани айтчи, бу китобчанинг нима эканлигини билсанми? — деб сўради у Наунгдан.

Наунг унга ҳайратланиб тикилган ҳолда жавоб берди:
— Йўқ.

Шунда помешчик у томонга энгashiб, шивирлади:

— Бу китобча — жамият «устави». Кимда-ким шу жамиятга аъзо бўлиб кирса баҳтли бўлади.

— Ростми? — деб Наунг бошини салгина эгди.

— Аммо огоҳлантириб қўяй, ҳамма гап маҳфий бўл-

моғи керак, кимда-ким оғзидан илиниб қолса, боши кетади, бўтам...

Наунг ҳайрон бўлиб ҳеч нарсага тушунмас, помешчик бўлса гапда давом этарди.

— Мен сенинг бунга лойиқ ботир киши эканингни биламан, топшириқларни бажаришга қурбинг етади. Мен «Бао Хъем» деб аталадиган бу жамиятга аъзо бўлиб киришингни тавсия этмоқчиман.

Наунг жамиятнинг номини эшитолмай қолиб, қайта сўради.

— «Бао Хъем» жамияти,—деб такрорлади помешчик.— Бунинг нима эканига тушунасанми? Жамиятга аъзо бўлиб кирган киши провардида бой ва баҳтли бўлади.— Лай бироз жим турди-да кейин товушини пасайтирироқ давом этди: — Кўряпсанми, ҳукуматинг¹ ғалабага бўлган ишончи борган сари камайиб боряпти. Французларда самолётлар, танклар ва пулемётлар бор. Ҳукумат бунга нималарни қарши қўя олади? Яқинда уруш тугайди. Хо Ши Миннинг солдатлари нима қила олишарди? Энди келажак ҳақида ўйлаш керак. Ахир кишилар ҳаётнинг илгаригидан кўра яхшироқ бўлишини истамайдими? Бизнинг жамиятимизга кирган киши пушаймон бўлмайди, у қанча истаса шунча пул олади.

Наунг пул тўғрисида ўйлади-ю, ҳатто нафаси бўғни зига тиқилиб қолди.

— Хўжайин, агар шундай бўлса, бу жамиятга мен ҳам аъзо бўлиб кирсан бўладими?— деб ишонинқирамай сўради у.

— Нима бўпти, жуда соз бўлади-да!

— Мен қанча пул олишим мумкин?— қизиқиб сўради Наунг.— Ундан кейин, қачон оламан?

— Аввал топшириқларни бажариш лозим бўлади, кейин пул тўғрисида гаплашамиз.

— Балки бу жуда қийинтир-а, хўжайн?

— Э, йўқ, жуда ҳам осон. Бизнинг вилоятимизда жуда кўп ҳукумат омборлари бор, лекин уларнинг қаерга жойлашганини биладиганлар кам, шуни аниқлаш керак, вассалом.

— Нега, хўжайн?

— Учиб келадиган самолётларга билдириш учун, уларнинг бомба ташлашда янгилишмасликлари учун ишо-

¹ Вьетнам Демократик Республикаси кўзда тутилган.

ра билан билдириш керак бўлади. Омборлар ёниб кул бўлгандан кейин, янги ҳукумат ўйлашиб кун кўради.

— Ахир бу нарса янги ҳукуматга катта зарар келтиради-ку, — деб эътироz билдириди Наунг.

— Лекин бу вазифани бажармоқ зарур, — деди помешчик, қатъий равишда.

— Зарур? Наҳотки шундай ишни қилиш зарур бўлса?

— Э, каллаварам, бу вазифа қайси бир ишдан ёмон экан?

— Бу ишни қилган киши сотқин бўлади...

— Лекин бу хизматлари эвазига катта пул олади, — деди помешчик Наунгнинг гапини бўлиб.— Ундан кейин маъмурият тепасига французлар келгандан сўнг уни ким сотқин дерди? У ҳаммадан ҳам обрўли киши бўлади.

— Аммо бу иш учун мени қамаб қўйиншлари мумкин.

— Ана шунинг учун ҳам бу ишни маҳфий тутиш лозимда, — деди Лай чўнтагидаги тангаларни жиринглатар экан.

— Мен қўрқаман, хўжайин, — деди Наунг бир оз жим тургач.

— Яхши, обдон ўйлаш учун вақт бераман; аммо ёдингда бўлсин, агарда орамиздаги гаплардан бирор киши хабардор бўлиб қолгудек бўлса, ўлимга маҳкумсан. Эшигдингми?

Шу кундан бошлаб Наунг доимий ваҳимада кун кешира бошлади. У одамларга шубҳа туғдирмаслик учун зимдан «Бао Хъем» жамияти ҳақида суриштириди. Наунг, у жамият Бао Дай ва французларни қўллаб-қувватлаб, Халқ ҳукуматига қарши иш олиб боришилгини билиб олди. Наунгнинг юраги орқасига тортиб кетди. У, бу босқинчилар тўдасидан, помешчик Лайдан қўрқа бошлади.

Кейинги кунларда товуқлар тез-тез пўқолиб турди. Гоҳ мўйсафиДинники, гоҳ бошқаларники йўқоларди. Наунгнинг ҳамма вақт қорни оч, ейишга овқати бўлмагани сабабли барча ўғирликларда ҳам уни айблашарди.

Қўшнилари Наунгни учратиб қолишиди дегунча:

— Товуқларимизни ўғирлаб кетаётган аҳмоқни ушлаб, бир адабини бериб қўйиш керак, — дейишарди.

Бундай ҳақоратлардан аччиғланган Наунг эътироz билдириб: «Ахир ўғрининг ким эканлигини аниқ билиб, юзига гапирсанглар бўлмайдими» деган чоғда кишилар индашмасди-ю, кейин орқасидан яна унга тўнкайверишарди.

Бу гумонсирашлардан ҳақоратланган Наунг: «Уларнинг паррандалари йўқолгандан кейин бирордан кўриш-

лари турган гап. Одамлар мендан шубҳаланишяпти, шунинг учун ҳар бир ўғирлик мен учун кўнгилсиз бир ҳол бўлади. Ўроқ ўғирланган товуқларни еб, хурсанд бўлиб юрган ярамас киши бўлса керак!» деб ўйлади-да, шундан кейин ўғрини пойлашга киришди.

Бир куни у қолган-қутган овқатларни сўраб олганч помешчикнинг уйига келди, қараса уйда ҳеч ким йўқ. Чанқаганидан Наунгнинг томоғи қуриб кетган эди, ерда турган кўзани кўтариб оғзига олиб борди. Аммо кўзада бир қатра ҳам сув йўқ экан. Шунда Наунг, у ёқ бу ёқни кўздан кечириб, бамбуқ тўсинда илиғлик турган чойнакни кўриб қолди. Уни кўтариб кўрган эди, худди чойнак тўлага ўхшаб кўринди. Уни оғзига текказиб икки-уч қултум ютди...

Бу нима ўзи? Наунг ҳайрон бўлиб қолди. Чойнакнинг қопқоғини очиб ичига назар ташлади. Чойнакнинг ичи қуюқ нарса билан лиқ тўла бўлиб, усти йилтиллаб турган ёғ билан қопланган эди. Бунинг товуқ ёғи эканлигига шубҳа йўқ эди. Ундан ташқари Наунг бу ёғнинг таъмини ҳам татиб кўрди.

У ўйланиб қолди: «Нима қилиш керак?» У буни ҳаммага айтиши лозим! Наунг уйдан чиқиб, бурчакда янгигина сўйилган товуқнинг патларини кўрди. Наунг уларни банин пўстлоғига ўраб олдида, юргурганча кўчага чиқди. Йигит, юраги гупуллаб урган ҳолда уни ўғри қилганларнинг уйи томонига чопди, у яқинданга товуғи йўқолган Ве исмли кампирнинг уйига борди. Лекин Ве Наунгнинг сўзига ишонмади. Ҳеч кимнинг ҳам унинг гапларига ишонгиси келмасди.

Бу вақт орасида помешчик Лай уйига келиб ошхонасига кириб қараса, чойнак бошқа жойга олиб қўйилибди. Помешчик уйга Наунг кирганини пайқаб, бу ҳодисани бутун қишлоқ аҳолисига ёяди деб ўйлади. Шунда унинг ўзи ёқ дарров товуқ йўқотган кишилар олдига югарди. Узи ҳақида Наунг томонидан тарқатилган «бўхтон» гаплар ҳақида шикоят қилиб, ҳақиқий ўғри Наунгнинг ўзи эканлигини қасам ичиб тасдиқтай бошлади. Албатта, бир бурда нонга зор бўлган камбағалнинг сўзига инонишдан кўра, бой помешчикнинг қасамига ишониш осонроқ эди. Бутун қишлоқ Наунг дайди, ўғри деган қарорга келди.

Худди шу вақтда бир жосус аёл ушланган эди. Унинг ёнидан маҳфий хат ва материаллар топилди. Аёлнинг қўлида йўргакланган бола бор эди. Бу ёш гўдакнинг бал-

замланган жасади бўлиб, унинг ичига хонилар ўзларининг ҳужжатларини жойлаган эдилар.

Бу ҳодиса ҳақидаги хабар бутун қишлоққа тарашиб, помешчик Лайни таърифлаб бўлмайдиган даражада заҳимага солди.

Наунг худди шу пайтда ҳеч нарсадан тап тортмай уни ўғирликда айблаган эди-да! Лай, реакцион жамият боғлиги ва бунда унинг ҳам қатнашаётганини айтиб қўйиншидан хавфсиради. Шунинг учун ҳам судьялик ҳуқуқидан фойдаланиб, Наунгни товуқ ўғирлашда айблади-да, уни тутиб келтиришни буюрди. Ундан ташқари помешчик, Наунг обрўли кишилар устидан турли бўғтоналар тарқатиб юрибди, аҳоли орасига ғулгула солиб, ҳукуматга қаршилик кўриб юрибди, деб қўшиб қўйди.

Бироқ Наунг бу ердан қочиб, ғойиб бўлиб кетди.

Орадан кўп вақт ўтмай, ер ислоҳати ўтказиш учун қишлоққа тажрибали ходим келди.

— Ер дехқонларнинг шахсий мулки бўлиши керак,— деди у,— дехқонларни эксплуатация қилишга помешчикларнинг ҳақи йўқ.

Бир неча кундан кейин Наунг қишлоққа қайтиб келди. Унинг қайтиб келганини барча қишлоқ аҳолиси эшигди-ю, лекин бу хабар ҳеч кимни қувонтиргани йўқ. Кечқурун Наунг, помешчикнинг кирдикори фош этилиши лозим бўлган мажлисга келди. Наунг хонага кириб келиши билан ҳамқишлоқларининг ҳаммалари бир кишидек, ундан юз ўғирнинди. Ҳатто ҳеч ким у томонга қарамади ҳам, бирор оғиз очиб бир нарса дегани ҳам йўқ. Наунг ҳеч нарса демай, бошини қўйи согланча, уҳ тортиб гапирилаётган гапларни эшитиб ўтираверди. Кишилар Наунгнинг қилган ўғирликлари учун бериладиган жазо туфайли қочиб кетгани, уни ўғри бўлибгина қолмай, ҳийлакор, алдамчи деб ҳам билишарди.

Эртаси куни худди шу пайтда ҳалқ мажлисга тўпланадётган чоғда бирдан помешчик уйидан товуқ ва ўрдакларнинг қанот қоқиб патиллаган ва қа-қағлаган товушлари эшитилиб қолди. Кимдир «Ўғри! Ўғри!» деб қичқирди.

Дехқонлар Лайни ёмон кўришарди, шу сабабдан унга ёрдам бергани ҳеч ким қўзғалмади; бироқ, шу заҳотиёқ ҳаммаларининг хаёлларига Наунг келди, чунки тўплангандиганлар орасида у йўқ эди.

Орадан бир кун ўтгач, ер ислоҳати ўтказиш комитетига борадиган телефон симини бирор узиб қўйибди, яна

бу худди ўша Наунгнинг эшиги тагида содир бўлибди. Бу хол умумхалқ ғазабини яна авж олдирди. Қишлоқда жиноятчини фош қилиш иштиёқи билан тўлиб тошмаган бирорта ҳам киши қолмади.

Эртасига эрта билан қишлоқ яқинида жойлашган халқ армияси бўлими жангчисининг рюзаги билан бир бошоёқ форма кийими йўқолди. У постга кетаётib нарсаларни Наунгнинг кулбаси яқинидаги хонага қўйиб кетган эди.

Деҳқонлар ғазаби борган сари ошиб бораарди. Қишлилар жиноятчини топиб, унга нисбатан қаттиқ жазо қўллашни талаб қилишди. Ҳамма Наунгни айбларди.

Аммо ер ислоҳати ўтказиш учун Комитетдан келган ўртоқ бу ҳодисаларни хотиржамлик ва жуда ҳам ҳушёрлик билан таҳлил қилиб берди. У бу ишларнинг ҳаммаси помешчикларнинг қилмиши экани, помешчиклар қишлоқ аҳолиси ўртасида ўзаро низо чиқаришга ва деҳқонлар билан солдатлар орасида қарама-қаршилик туғдиришга уринишаётган бўлса керак деб гумон қилди. У йиғилиш қатнашчиларига, помешчикларнинг кирдикорларини фош этиш учун ҳозирги пайтда айниқса зийрак бўлиш лозимлигини айтди.

— Жангчилар ҳам,— деди у,— сизга ўхшаган деҳқон, уларнинг фарқи шундаки, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш учун қўлларига қурол олиб, ҳарбий форма кийиб олишган, холос. — У деҳқонларни солдатлар билан дўстликни мустаҳкамлашга чақирди. — Жангчининг нарсаларини олган киши,— деди у,— яна ўзига қайтариб бериши керак...

Йиғилганлар унинг сўзларини зўр диққат билан тингладилар.

Улар, шу сўзлар айтилаётган пайтда Наунгнинг қай аҳволга тушишини кўриш учун, унга тикилиб туришарди.

Мўйсафид Дињ сўз сўради.

— Кейинги кунларда содир бўлган ҳодисалар қишлоғимизнинг шаънига доғ бўлиб тушди,— деб гап бошлади у,— менимча, шу ишни қилган киши яхшиси ўз айбига иқорор бўлсин. Балки у одам арзимас нарсани олишни истагандиру, бирники мингга, мингники туманга, дегандек бизларнинг юзимизни ҳам шивит қиляпти! Душманларимизга майна бўлиб ўтираслик учун биз жангчига ўғирланган нарсаларини қайтариб беришимиз керак. Бу ҳаммамизга ҳам доғ туширадиган жуда хунук воқиа.

Наунг бўлса бошини қуи солиб, миқ этмай ўти-
парди.

Қоронғи тушиб кишилар энди тарқалишга ҳаракат
қилишаётган эди, Наунг ўрнидаң ирғиб турди-да, қўл кў-
тариб, йифилганларга мурожаат этди:

— Менга ҳам сўз беришингларни сўрайман, кўнглим-
даги гапни айтмоқчиман.

Кишилар бир-бирларига қараб олишди ва маъноли
илжайиб қўйишди. Наунгнинг айбдор эканига ҳеч ким
шубҳа қилмасди.

— Бир неча йилдан бери одамлар мени ўғри деб ҳи-
соблашяпти,— деди Наунг.— Бу сўзимни қишлоғимиздаги
ҳар бир киши тасдиқлаши мумкин. Шунинг учун ҳозир
мен ҳамма гапни очиб ташламоқчиман, шундан кейин
ўзинглар ҳукм чиқаринглар—мен чиндан гуноҳкорманми
ёки йўқми?

Хонада бир-бирларига узатишиб, галма-гал чекишаёт-
ган бамбук трубкаларидан хўриллаган овоз эшитиларди.
Баъзан бу товуш узоқдан учиб келаётган қушлар овозига
ўхшаб кетарди. Кишилар бир-бирлари билан пичирлаб
гапиришиб ўтиришарди. Бу эса Наунгнинг овозини бироз
бўлса ҳам пасайтиарди.

— Бир куни,— деб давом этди Наунг,— помешчикка
ишлаб ҳолдан тойдим, хизматим бадалига у бир чақа ҳам
пул бермади, ейиш учун бир ҳовуч гуручим ҳам бўлмага-
ни сабабли, очликдан қйналиб, Лайнинг боғига кирдим-
да, унинг апельсинидан узиб олдим. Иккинчи мартасида
тобим йўқ эди. Помешчик уйи ёнида мо там тхенинг янги
шоҳларига кўзим тушдию, унинг баргидан бир неча дона
беришини сўрадим. У жавоб бермади, шундан кейин энди
бир япроқ узган эдим, мени ўғирликда айблади. Бир кун
Диннинг боғидан бир неча дона ҳўл мева териб олдим.
Буни Динъ билмадию, аммо хотини сезиб қолиб, мени ҳар
қаерда ўғри деб юрди. Энди сизлардан бир нарсани сўра-
моқчиман: бордию мен қаддимни букиб, помешчикнинг
оғир меҳнатини қилмаганимда, бутун кучимни унга сарф-
ламаганимда, қилган меҳнатим бадалига оз бўлса ҳам ҳақ
олиб турганимда, ейиш учун бирон нарсам бўлганда, бош-
қа кишиларнинг мевасига қўл тегизармидим? Буларнинг
ҳаммаси помешчик Лайнинг мени хонавайрон қилгани са-
бабли бўлди, бўлмаса менинг ўлишдан бўлак чорам қол-
маган эди.

Диннинг хотини лабини чўччайтириб, ёнидагиларга:

— Тағиң бўйнига олишини қаранглар! — деди жеркиб.
Лекин Дақнинг хотини қовоғ солиб:

— Жим ўтири, эшитайлик, — деди.

— Энди, — деб давом этди Наунг, — қишлоғимиздаги товуқларнинг қаёққа ғойиб бўлгани ҳақида гапирмоқчи-ман. Бир вақт мени помешчик Лайнинг товуқларингизни қопқон билан тутаётганини исбот қилиб берган эдим. Лекин сизлар менинг сўзларимга эмас, унинг бўхтон гал-ларига иондингиз. Бу ишни сизлар мендан кўриб юрдингиз. Қани энди айтинглар-чи, мен қишлоқдан кетиб қол-ганимдан кейин ҳам товуқлар йўқолдими ёки йўқми? Агар йўқолмаган бўлса, мени кетгандан кейин хотиржам ҳаёт кечирган бўлсанглар, унда мени айбдор қиссаларинг бў-лади. Агар товуқлар мен кетгандан кейин ҳам йўқолавер-ган бўлса, унда эркакдир, аёлдир, ҳаммаларингиз ҳам мени айблашга ҳақини гиз йўқ. У ҳолда ким ўғри бўлади, меними ёки помешчик Лайми? Мен белимни букиб хизмат қиласидиган, оч ва тиланчи камбағалман, Лай бой бўлса-да камбағалларнинг охирги нарсаларини ҳам ўғирлайдиган қалби ўғри одам. Ҳақиқий ўғри деб уни айтиш керак! Сизлар бой помешчикнинг галига ишондингиз: кўп пайт бир эмас юзта айб бўлса ҳам камбағал шўрликнинг гар-данига юкланаверади.

Наунгга қараб ҳамма жим бўлиб қолди. Фақат хона-нинг гоҳ у, гоҳ бу бурчагидан хўрсишиш эшитиларди, хо-лос. Эркаклар гап эшитишга халақит бермасин деб труб-ка ҳам чекмай қўйишиди.

— Эркак ва аёллар! — деди Наунг. — Бу мусибатлар-нинг гуноҳкори ким эканига энди тушундингизларми? Бизлар айбдор эмасмиз, орамизда ўғрилар ҳам йўқ, ҳам-ма фалокат ва баҳтсизликларнинг айбдори помешчик...

Кимдир баланд овоз билан:

— Тўғри! деди.

Наунг эса гапида давом этди:

— Ўшанда мени қишлоқдан уялиб ёки ўзимни бирон нарсада гуноҳкор сезганимдан кетиб қолганим йўқ. Гап бошка ерда, помешчик мени ўлдираман деб қўрқитган эди, шунинг учун унинг кўзидан нари кетдим. Кишиларни алдаш учун мени товуқ ўғирлашда айблаб жазоламоқчи бўлди, ҳақиқатда эса, помешчик унинг хоинона ишларини фош қилиб ташлашимдан қўрқсан эди. У анави душман-ларга маълумот етказиб турган жосус хотиндек, ўзининг ҳам қўлга тушиб қолмаслигини кўзлаб, мени тутиб ке-

лишни буюрган эди. Унинг «Бао Ҳъем» деб аталадиган хоинлар жамиятида иштирок этиши фақат менга маълум эди, холос. Бу жамият Бао Дай билан француз каллакесарларига ёрдам бериб, бизнинг ҳукуматимизга зарар етказарди. «Бао Ҳъем» — бу қуруқ ҳарфлар ёки оддий бир ном эмас. Мен помешчик Лайнинг уйида бўлган мажлисларни ўз кўзим билан кўрганиман. У ерга Тъеп, Финь, Тыи, Куанг, Тинь ва бошقا теварак-атрофдаги бойлар келишарди. Улар мени ҳам шу жамиятга тортмоқчи бўлишди, менга Уставни кўрсатиб, агар топшириқларни бажарсанг кўп миқдорла пул берамиз, деб ваъда қилишди. Аммо мен президент Хо билан ҳукуматимизни яхши кўраман. Камбагаллигимча қолиб кетсам ҳам розиман, лекин хоинлик қилмайман.

Агар французлар бу ерларга қайтиб келишини уддасидан чиқа олишганда, бу қароқчилар колонизаторларга малайлик қилишарди! Улар бизларни худди илгаригидек талаб, қайтадан қийнашарди! — Наунг газаб билағ муштини қисиб, қўлни баланд кўтарди. — Мен помешчик устидан суд қилинишини эшитганимдан кейингина қишлоққа қайтиб келдим. Мен Лайнинг кирдикорларини фош қилишим керак. Менинг бир неча авлодим помешчиклар исканжасида эзилиб келди.

Орамизда помешчикдан жабр-зулм кўрмаган бирон киши борми? Йўқ! Улар бизларни хонавайрон қилибгина қўя қолмади, бизлар билан ваҳшийларча муносабатда бўлишди, бизларни камситишиди; биз бошимизни кўтара олмай ҳаёт кечирдик.

Наунгнинг сўзини эшитганлар оғир хўрсинишар, кўплар бошларини қуйин солиб маъюс ўтиришарди.

— Менинг қишлоққа қайтиб келганимни,— деб давом этди Наунг,— помешчик билиб қолди. У энди илгариги ҳокимлигидан тушган бўлса-да, лекин қандай чора топиб бўлмасин мендан ўч олишини ўйлаб юрди. У мени жазолатиш ёки қишлоқни ташлаб чиқиб кетишум учун мен тўгримда бўхтонлар тарқатди. У мени йўқ қилиш учун қўлидан келганча ҳаракат қилди.

Яқинда у бирдан уйига ўғри тушгандек шовқин-сурон кўтариб, ўрдак ва товуқларини ҳовлида у ёқдан бу ёққа ҳайдай бошлади. У буни нима сабабдан қилди? Менга қарши шубҳа туғдириш учун. Кишилар ўғри тушишидан ҳадиксираб уйларини қаровсиз қолдирмасликлари ва мажлисга қатнашмасликлари учун қилди.

Телефон симини ким узганлигини аниқ билмайман, лекин жангчининг рюкзагини помешчик Лай ўғирлаганлигини аниқ биламан. У бу ишни, бутун қишлоқ аҳолисининг менга ишонмаслиги, биз дехқонларнинг бир-бираимизга бўлган ишончимизни йўқотиш учун, жангчиларимизнинг бизларга бўлган ишончини йўқотиш учун қилди.

Мен Лайнинг айбини исбот қилиш учун унинг кетидан кузатиб юрдим ва помешчикнинг ҳовлисида рюкзакни кўрдим, бугун кундузи бўлса унинг боғида ҳарбий форма осиғлиқ турган эди.

Дехқонлар Наунгни худди биринчи марта кўриб тургандек унга тикилиб қолиши. Унинг сўзларини зўр диққат билан тинглашди. Бирорлар бошларини қўллари орасига олган ҳолда, бирорлар бир-бирларининг елкаларига ёнбошлаб ёки бамбуқдан қилинган тўсиққа таянганича қимир этмай ўтирадилар.

Наунг скамейкага ўтириб олиб, гапини давом эттириди:

— Биринчи марта мажлисга келганимда ҳеч кимнинг менга қарагиси ҳам келмади, менинг ўғри эканлигимга ҳамманинг ишончи комил эди. Ўу менга аён. Ўу хол шундай оғир эдик! Қишлоқни қайта ташлаб кетишга ҳам рози бўлдим. Унда помешчик Лайнинг ошиғи олчи бўларди! Шу пайт шаҳардан келган ўртоқ менга ҳеч қаерга кетмаслик ва мажлисга келиб ҳамма гапни ҳамқишлоқларим олдида сўзлаб беришни маслаҳат берди.

Энди, бор гапни айтиб берганимдан кейин, менинг соғвиждонли эканимга ишондингларми? Илгарилари бизларга, помешчиклар ҳалол бойлик ортдирган ҳурматга сазовор олижаноб кишилар деб ўргатишарди. Аммо уларнинг олижанобликлари ҳам худди уларнинг бойликлари сингари бизлардан ўғирланган, тортиб олинган нарса экан. Улар бизнинг бўйнимизга миниб олиб, ҳимоясиз биз бечораларни қонимиз ва пешона теримиз ҳисобига уларга бойлик ва ҳурмат ишлаб беришга мажбур қилдилар. Помешчиклар бизнинг гуручларимизни еб кун кўраётгандикларини, бизнинг боримизни шилиб олиб бой бўлгандикларини энди тушуниб етдик.

Кейинги йиллар мобайнида аскарликка кетган ёки заводларга бориб ишлаганлар ким? Дехқонлар. Армиямиз ғалаба қозонсин учун ёрдам бериб ўзаро мусобақа асосида ҳукуматга гуруч топширган ким? Дехқонлар. Помешчиклар хоинлик ўйлига кириб кетишди, улар душманга ёрдам бериб тартиб ўрнатмоқчи бўлишди.

Ер ислоҳати ўтказиш учун комиссия келгандан буён помешчиклар бизни турли хил йўллар билан сотиб олмоқчи бўлдиллар. Улар энди, сизларнинг камбағаллигинги газраҳимимиз келяпти, сизларнинг баҳтсизликларингга ачиняпмиз, дейишяпти. Бизларнинг бу ҳолга туширган ўшаларнинг ўзлари эмасми, ахир? Улар нега бирданига яхши ва раҳимдил қишиларга айланаб қолиши? Улар ҳамма вақт ҳам шундай бўлиб қолишадими? Лай ва унга ўҳшаганларнинг шайтон сингари алдамчи эканликларини мен яхши биламан. Илгари улар бизларни эзишарди, энди улар бизларни аввалгидек хонавайрон қилиша олмайди, шунинг учун ҳам улар бизларнинг бирлигимизни бузишмоқчи, бизларни қайтадан ўзларининг қулларига айлантиришмоқчи...

Бирдан эшик ғижирлаб очилиб, қоронғиликдан бир киши кириб келган пайтда, Наунг ҳамон тўхтамай гапирмоқда эди. Қишилар унинг помешчик Лайнинг хизматкори Ло эканлигини билиши; унинг ранги оқариб кетган, у ҳаяжонда эди. Ло уйга югуриб кириб, Наунгнинг ёнига бориб турди. У, кўринишдан ҳозиргина йиғлаган бўлса керак, кўзлари қип-қизил эди. Ло қўлинни кўтариб тез-тез гапира бошлади:

— Мен ҳамма гапни айтишим керак. Наунг ҳақ гапларни айтди. Мен эшик орқасида туриб, унинг гапларини эшитдим. Мен помешчик Лайнинг уйида хизмат қиласман. У мени ваъдалар билан алдаб тузоққа илинтириб олди. Наунг қайтиб келган пайтда, Лай мени у тўғрида бўхтонлар тарқатишга мажбур қилди. Мен бир неча кундан бери шу ерда, девор орқасида туриб бу ерда гапирилаётган гапларни помешчикка етказиб турибман. Лай айниқса Наунгнинг нима тўғрисида гапиришини билиш учун қизиқяпти. Мен энди тушундим, Наунг ўғри эмас, ҳақиқий ўғри помешчик Лай экан. Помешчик Лай разил одам, у ҳийлакор ўғри. У менинг бошимга ҳам Наунгнидан камроқ ташвиш согланий ўқ, шунинг учун ҳам Наунг сўзләётган пайтда, айниқса унга раҳим келди. Мен унинг сўзларини эшитар эканман, йиғладим. Неча марта бу ерга чопиб кириб қулоқлаб олгим келди. Мен помеччик Лай буюрган хизматларни шу чоққача бажариб келганим учун Наунг олдида, ҳукумат томонидан шаҳардан юборилган ўртоқ олдида, ҳаммаларнингиз олдида катта гуноҳкорман. Энди бор гапни айтишим керак — телефон симини ҳам ўша помешчик узиб қўйган эди. Наунг тўғри гапни айтди,

рюзакни ҳам ўғирлаган ўшанинг ўзи. У менга рюзакнинг брезентидан бир парча берди-да, бу ҳақда бирорга оғиз очакўрма деб дўқ урди.

Деҳқонлар орасидан кимдир:

— Помешчик Лай — хоин! — деб қичқирди.

Ло бош иргаб қўйди.

— Илгарилари мен Лайнинг уйида яшаб турганимда доим жоним ҳалакда эди, мен унинг душман эканлигини билмасдим. Помешчик фақат менга нисбатангина қаттиқ-қўл бўлса керак, деб ўйтардим. Лекин девор орқасида, бу ерда айтилган гапларни эшишиб, помешчикинг ҳамма вақт, ҳамма билан ҳам шундай муомалада эканини билиб олдим. Деҳқонлар ҳамма ерда ҳар качон ҳам помешчиклар томонида эзилиб келли. Мен бу ерда сўзга чиққан ўртоқларниг сўзларини эшишиб, уларнинг ҳаётларини ўзимни билан таққослаб кўрдим, қарасам ҳаммамизнинг ҳаётимиз ҳам бир-биrimizникига ўхшаб кетар экан. Мен ҳам бошқалар сингари помешчик учун тинмай меҳнат қилдим. Қанча-қанча гуручларимни тортиб олганини билмайман, лекин доим қўппа-қуруқ қолиб келаман.

Помешчиклар бизни алдаб келгани ва хонавайрон килгани ҳақида етарли гап эшилдиц. Менинча, бундан бўён ҳам бу гапларниг давом этишини ҳеч ким истамаса керак. Бу гаплар бизниг умумий қароримиз бўлмоғи керак. Биз бир ёқада бош чиқаришимиз ва бундан бўён Лайнинг сиртмоғига илинмаслигимиз лозим. Мен шу ерда иштирок этаётганлар каршисида, ҳамма вақт ҳам деҳқонлар билан бирга бўлиб, умумнинг иши учун курашишга ваъда бераман. Помешчикнинг уйига асло қайтиб бормайман, хозирдан бошлиб, ҳатто унциг бетига қарагим ҳам келмай қолди.

Ло Наунгнинг қўлини ушлаб махкам қисди. Икки кафт бирда мушт бўлган ҳолда баланд кўтарилиди.

— Йўқолсин помешчиклар! Шунча азоб-уқубатлар етар! — деб қичқиришиб улар бор товушлари билан вузуларнинг чақириқлари ҳамманинг овози билан кўшилиб кетди. Деярли юзга яқин киши мушт кўтариб хитоб қилди:

— Битсин помешчиклар!

Мажлисга келганлариниг ҳаммаси ҳам бир қарорга келишибди. Наунг, ўзига тикилиб турган юзлаб кўзлардан уялиб секин-аста эшик томонга юрар экан, кишилар ҳурмат билан ўзларини четга олишиб, унга йўл беришди.-

МУНОФИҚ

Французлар мамлакатга хўжайинлик қилиб турган кезларда Май уларнинг хизматларини ўташга ҳаракат қилиб кўрди. Бунинг учун уни ёқтирмасликларини билар ва бу ҳол уни ваҳимага соларди-ю, лекин шундай бўлса ҳам у французларга хизмат қилаверди. Французлар ҳам унинг хизматини эътиборсиз қолдиришмади.

У ҳозир етти марта мукофотланди, олган орденларини доим кўкрагига тақиб юради, бу шармандалик белгитари орасида биринчи даражали «Катта Айиқ юлдузи» ордени алоҳида ажралиб турарди. Бу мукофотларни у «Аннам армияси»да ўз бурчини содиқлик билан ўтагани ва Тхай Нгуен районида коммунистларни «боплаб мажақлаб ташлашда» қатнашгани учун «ҳукумат»дан олган эди. У армиядан мандарин бўлиб қайтди.

У ҳамкаслари билан суҳбатлашиб қолди дегунча турмушимнинг мазаси йўқ деб нолирди. Бу бемаъни гапни 40 ёшларга етган чёгида, ҳаммага танилган ватан хоини «қари Хоанг Као Кхай»дан ҳам кўпроқ номаъқулчилклар қилган пайтларидагина айтадиган бўлиб қолди.

1930 йилда, Нге Анда қўзғолон кўтарилгандан сўнг у, Ко Ан қишлоғини бомбардимон қилган француз учувчиларининг саргузаштариини эшиитган эди. У, учувчиларнинг ишини ҳақ деб билди. «Ахир у ер революционерларнинг уяси эди-да, уларнинг жазоси шу!» деди у.

У бомбадан ниҳоятда қўрқар, шунинг учун ҳам кўп пайт уйининг ертўласига тушиб ўтиради, шунда ҳам эгидаги олифта кийимларининг ғижимланиб қолишидан чўчиб, жонсарак бўларди. Самотётларга кўзи тушди де-

гунча гўё учувчи уни кўриб, қутқариб қоладигандек барча медалларини юқори кўтарарди.

Хуллас мандарин Маи ўзини жуда ақлли ва уддабуррон киши деб ҳисобларди.

Умумхалқ қўзғолони кўтарилган пайтда қўшнилари унга, кийимларини ечиб ташлаш ва француз медалларини улоқтириб юборишни маслаҳат бериши, лекин у индамай юраверди: одамлар билан аллақаерларга бориб юргандан кўра ўз уйида қолишни афзал кўрди. Ахир уйида мол-мулклари бор, уйида у хўжайин эди-да!

Қаршилик урушлари пайтларидаги халқ армиясинг вақтинча кучсизланниб қолганидан фойдаланиб, французлар қишлоққа бостириб кириб дехқонларни ташлаши, хотинларни зўрлашиди.

Уларнинг янги қоидалари халқ бошига битган бало бўлди: французлар йигирма, эллик ва юз донглик янги пуллар юргиза бошлаши. Фақат уларнинг пулларигагина харид қилиш мумкин бўлиб, аввалги юриб турган пулларни алмаштириш лозим бўлиб қолди. Эски пулларнинг қадри қолмади, эндиликда кишилар қанча пуллари борлигини ҳам билмасдилар, уларнинг қадри жуда пасайиб кетди. Болалар кўчаларда бу пулларни сотиб юришар, уларга бирор кимса эътибор ҳам бермасди. Аёллар ямәқ юбкалар кийиб юришга мажбур бўлишди, шу сабабли улар маблағ эгалари ва ҳукмронларнинг таъналарига ҳам қолиши, Шаҳарда ҳаёт сўниб, мамлакатда тартиб йўқолди. Кишилар ҳеч нарсага ишонмай пул топиш ёки қарздан қочиб қутулиш учун ўз уйларини ташлаб кетишиди. Кишилар ўзларини худди қирғоққа чиқариб ташланган балиқ сингари хис этишарди.

Партизанлар чакалакзорларда яшашарди. Ҳар бир хурмо, ҳар бир дарахтнинг тепаси улар учун бопта кузатувчи жой ва соқчи минораси хизматини ўтарди. Кечалари улар босқинчилар жойлашиб олгаэн қалтис ерларга зарба беришарди, чунки улар ўз ўрмонларидан ҳамма жойни аниқ кўриб туришарди.

Ўшалардан, кечалари гулхан ёнида ўтирганлари, французларнинг автомашиналари гранаталар отишар ёки районда аҳолини душман ҳужумини қайтаришга тайёрлашарди.

Қишлоқларда иш олиб бораётган ўнлаб кишиларнинг ҳаётлари хавф остида эди. Улар колонизаторлардан яшириниши учун ўз бошпаналарини тез-тез ўзгартириб туриш-

га мажбур әдилар. Кўп вақт кечалари иш олиб боришга тўғри келарди. Борди-ю тўсатдан французлар келиб қолишигудек бўлса, қочишини ўзи бўлмасди-да! Бу ишни кечалари бажариш қулайроқ эди.

Май атрофдаги рўй берадиган воқиаларнинг барчасидан ҳам ҳадисирарди.

Бир қуни эрталаб қулоққа аранг эшитиладиган пулемёт овози келди: қаердадир отишма бўлаётган эди. Французлар келишмоқда эди... Дехқонлар тезлик билан мол-мулкларини йифишириб, бу даҳшатли хатардан қочиб қутулиш ҳаракатига тушиб қолишиди. Барча қишлоқ аҳолиси шошиб-пишиб дарёning нариги қирғоғига ўта бошлади. Дехқонлар шошилинч олиб қолга ҳарсаларини орқалаб боришарди. Сампанга чиқишига улгуролмай қолганлар дарёдан сузиб ўтишиди. Улар французлар қўлига тушгандан кўра чакалакзорларда ҳолдан тоёнб ёки очдан ўлиб кетишини афзал кўришиди.

Май хотиржам эди. У ҳамма нарсани олдиндан ўйлаб, илгарироқ бир қарорга келиб қўйган эди. «Мен Ко Алий мандаринлардан ибрат оламан, мандаринлар авлодига қочиш уят эмасми? Йўқ, мен қочмайман, ҳатто бу фикрни хаёлимга ҳам келтирмайман»—деди у ўзига ўзи.

У зарбоп тўн кийиб, оёғига гулдор кавуш илди. Кейин кўкрагига медалларини тақди-да, хотинига: «Мандариннинг хотинига хос кийин» — деди.

Май уйдан чиқиб очиқ эшик олдида гердайиб турди. Бир группа французлар унга яқинлашиб келишарди. У бурни ерга теккудек букилиб таъзим қилгач, худди бу босқинчиларнинг келганилари учун боши осмонга етгандек қўлларини кўксига қўйиб, уларни олқишлиди, кейин уйига таклиф қилди.

Эгнига калта иштон ва енги калта кўйлак кийган, сочлари ўсиқ, сап-сариқ соқоли қирдирилмагани туфайли башараси худди чўтка сингари ҳурпайган француз командири Майнинг эгнидаги кийимларига ҳайрат билан тикилиб қолди: худди унинг қаршиисида бир бедаво тургандек эди. Кейин командир ханжари йўқмикан деган хаёlda унинг қўлига боқди.

Май офицер билан француз тилида гаплаша бошлади. У хотинига айтиб ўзининг узоқ ўтмишда, ҳали Тонкинда Франциянинг олий комиссари хизмат ўтаб турган пайт-

ларда, мансабдан-mansabga кўтарилганини акс этдирувчи фотосуратларни олиб келтирди. Кейин улар бир шиша спирт билан тамадди қилинадиган таомлар мунтазир бўлиб турган ичкари уйга киришди.

Май хушчақчақ илжайиб, бундай деди:

— Мен Мухофаза Ҳукуматига мунасабат важҳидан ҳамма вақт ҳам содиқ бўлиб келдим. Мен армияда хизмат ўтадим, ўтаганда ҳам ёмон хизмат қилганим йўқ. Бу мукофотлар, — у ўз кўкрагига кўз қирини ташлаб қўйди,— мана бу орден — ахир булар менинг мувваффакиятларимдан дарак бермайдими? Шунинг учун ҳам француз солдатларининг инсонпарвар эканига ишонаман, шу билан бир қаторда отрядингиз менга ҳам, қўни-қўшиларимга ҳам ҳеч қандай зарар етказмайди, деган умиддаман. Мен уларни ўрмонга қочмасликка ундалим, менинг кийимларимни кўряпсизми? Мен буларни сиз ва сизнинг отрядингизни қарши олиш учун кийдим, агар сиз қишлоғимизда туриб қолгудек бўлсангиз, менинг уйимда истиқомат қилишингизни ўтинаман. Сизга жуда қулай бўлади.

Икки стакан спиртни қўлтиллатиб олган офицер розилик билдириб бош силкиди.

— Агар қишлоқ ахолиси қаршилик кўрсатмаса, биз уларга тегмаймиз.

— Албатта, албатта! Мен сўзларингизга аъло даражада тушуниб етдим. Ҳамматинч бўлса — мен учун ҳам катта бахт. Бироқ, афсуски, бунга тўсқинлик қитадиган сабаб бор. Борди-ю, бошқа отряд, бошқа группа келиб қолгудек бўлса, тартиб бузилиши мумкин. Шу важдан илтифот қилиб, уйимни солдатларнинг бостириб киришидан сақлаш учун бир хат битиб берсангиз... илтимос қиласман, хатга бу уйининг эгаси ҳамма вақт ҳукуматнинг содиқ хизматчиси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, ҳамма вақт францияга нисбатан сидқидиллик ҳис этди, деган калималарни қайд қилиб қўйсангиз.

Офицер розилик билдириди. У автомат ручка олиб ёзишга ҳозирланди-ю, лекин ручкани бир чеккага қўйиб Маига тикилган ҳолда деди:

— Умид қиласманки, ҳозирдан эътиборан биронта ҳам солдат уйингизга кирмаса, сизни зериктирадиган бўлар-бўлмас саволлар бериб меъдаангизга тетмаса хурсанд бўлсангиз карак. Мана бу — буйруқ (у қоғозни кўрсатдя) француз армиясининг буйруқлари эса... ў-ў! У жуда ҳам муқаддас. Бироқ сиз ўзингиз танийдиган партизанларга

айтсангиз, улар қуролларини топширсалар яхин бўларди. Тушунарлими?

Ман қўлини кўксига қўйган ҳолда қайта-қайта таъзим қилиб, ташаккурлар билдири; уни муҳофаза қиладиган нақ кўнглидаги қоғоз стол устида унинг кўзига ташланаб турарди.

Офицер солдатлар билан қишлоқни «кўздан кечиргани» кетди.

Кўп ўтмай чўчқалар, товуқлар, катта-катта тўп маталар дехқонлардан «мусодара» қилинди, ёнаётган кулбальардан чиқаётган тутунлар мовий осмонга кўтарили. Ман хонавайрои қилингани кулбалиарни кўриб, донолиқ қилгани учун кўнглида ўзини-ўзи кўкларга кўтарди: ахир у ўзининг ҳеч ким қўл теккизмага уйида тинчгина ўгираверади-да. Йўқ, у шубҳасиз эҳтиёткорлик билан иш қилинган.

Бир куни қишлоққа янги француз отряди кириб келди. Дехқонлар қайтадан ўрмон ичига яширинишиди. Аммо Ман хотиржам эди. У худди ўтган сафарги сингари зарбоб тўнга ўралган ҳолда, медалларини ярақлатиб, ланг очиқ дарбозаси ёнида керилиб туради. Бу солдатлар унга хужжат қилиб берганларга сира ўхшашмасди. Улар қоғозни ўқиб кўришида-да «ўз қонуний ҳуқуқларининг чекланганидан» норозилик билдиришиди, бироқ Ман офицерни уйига таклиф қилиб, спирт билан меҳмон қилди. Қисқаси, ишқилиб бу офицернинг кўнглини топмоқчи бўлди.

Босқинчилар дехқонлар хонадонини бир бошдан талаб келишгандан кейин Ман хушчақчақ кулиб, хотинига бучдай деди:

— Талафотга учрашгани учун қўшиналаримизнинг ўзлари айбор. Мен уларга ҳеч қаерга қочмайман, дедимку. Ўз қақир-қуқурларингни шу ернинг ўзида сақлаш мумкин бўлгандан кейин уларни кўтариб, тентира боришининг нима ҳожати бор? Айт-чи, яширгани ўз уйингдан бўлак дурустроқ ер топилармиди? Мен қишлоқда қолган бўлсам ҳам, солдатлар қочиб кетганларга қараганда мен билан минг марта дурустроқ муносабатда бўлишяпти. Шу қочиб кетганларнинг касрига бизнинг қишлоғимиз партизанлар қишлоғи дейиляпти. Бахтсизликнинг ҳаммаси мана шунда.

Унинг французлар билан алоқаси борлигини қўшинари билсин учун, Ман уйининг даҳилсизлиги ҳақидаги қоғозни уларга бирма-бир кўрсатиб чиқди. У, партизанлар

билин алоқада бўлган деҳқонларга, ўрмондаги дўстлари билан учрашиб, уларга ўз қуролларини ҳокимиятга топширишин маслаҳат беринглар, деб тавсия қилди.

«Қишлоқни фақат шу йўл билангина қутқариб қолиш мумкин бўлади»— деб ўйлади мандарин гўллик қилиб.

Бир ой ўтгач, қишлоққа колонизаторларнинг янги отряди келди. Айрим деҳқонлар дарёнинг нариги қирғоғига, ўрмонга қочиб кетишди, бироқ Майнинг қўшнилари унинг уйидаги жон сақлаб қолишга қарор беришди. Mai кимхоб кийимлар кийиб ўтираверди. Уйнинг даҳилсизлиги ҳақидаги хужжат рўпарасидаги стол устида турарди. Mai, уйига кириб келаётган солдатларни кўриши биланоқ ўринидан туриб, уларни олқишлиади.

Офицер қоғозни ўқингач, нафрат билан лабини буриштириб елкасини қисди; у ғазаб билан ижирғанди. Офицер қўл силтаган эди, ҳамроҳларининг ҳаммаси теварак атрофга аланглаган ҳолда уй ичинга киришди...

Уйга қўшни хотинлар яширинишган, Майнинг барча қиммат баҳо нарсалари ҳам уйда эди.

Босқинчилар хўжайинни ҳовлига итариб чиқаришиб, уйга ўзлари хўжайинлик қила бошладилар. Баъзилари қўлларига тушган нарсаларни қопга солишар, баъзилари хотинларнинг эгниларидаги кийимларини йиртиб, шу ернинг ўзида, ҳамманинг кўз олдида, уларнинг номусига тегишишарди. Қолганлари содир бўлаётган ҳодисаларни томоша қилиб хоҳолаб кулишарди. Бир неча солдат Майнинг қизини кўриб қолиб, унинг кўйлагини ечиб ташлашди ва шу ернинг ўзидаёқ номусига тега бошлашди.

Қароқчилар чарчашди. Улар кўп йўл босиб келган эди, энди бўлса уйда битта ҳам яроқли нарса қолдирмай олиб кетишини исташарди. Улар фил суюги ва бронза билан бе затилган буфетни дабдала қилишди, ғалати безаклар қилиб ишланган кумуш қадаҳларни ўғирлашди, олтин ва қиммат баҳо тошлардан ишланган аёллар безак асбобларини чўнтаклариға солиб олишди... Mai, Тхай Бин, Хинг Йен, Ха Донг, Хай Зионг вилоятларида ишлаган чоғларида ортирган катта-кичик ҳажмдаги олмос, брилиантлар ҳам уларнинг қўлларига ўтди. Кейин босмачилар бу нарсаларнинг ҳаммасини катта юк машинасига ортишди.

Mai эсанкираб қолди: бўлиб ўтган ҳодисалар ҳақида ўйлаб, энди қишлоқда қололмаслигига ақли етди. Шунинг учун ҳам орадан бир оз вақт ўтгач, француздар қишлоқ-

дан чиқиб кетмоқчи бўлиб турган пайтларида, уларнинг бошлиқларини қидириб кетди.

Офицер фурсатни қўлдан бой бергиси келмасди: унга Mai арз билан келгандек кўринди:

Бироқ Mai бундай деди:

— Отрядингиз билан бирга Ханойга кетишумга ижозат беришингизни сўрайман. Қишлоқда қололмайман. Уйимда содир бўлган ҳодисалар учун деҳқонлар мендан ўч олишади, улар энди менга ишонишмайди... Мени ўз ҳимоянгизга олишингизни ўтинаман.

Офицер елкасини қисди-да, қайрилиб жўнаб қолди. Mai ҳам унинг кетидан бораверди... У машинага чиқиб олмоқчими? Ҳа, у анови юк машинасига чиқиб ола қосин.

Юк машинаси юксиз, ундан ташқари, машинада иккита солдат билан қандайдир хотин ҳам бор эди. Французлардан биттаси Maiнинг кенг кийимини кўрсатиб, уни алланима деб ғулдираб, ахлоқсизларча сўқди. Mai ҳам масини эшитди-ю, лекин ҳадеб машинанинг бортига қиславерди.

Уч километрга яқин йўл босишган ҳам эдики, солдатлардан бири қўйқисдан Maiни машинадан тушишга буюрди. У унамади... Шунда солдатлардан бири дўйқ қилиб бешотарни ўқталди-ю, иккинчиси чаққонлик билан Maiнинг қўлини қайириб, машинадан улоқтириб юборди.

Юк машинаси қушдек учиб борар, Mai бўлса қўллари ни икки томонга ташлаган ҳолда, ясланиб ерда ётарди. Шамол унинг ипак шарфи билан ўйнашар, йиртилган кийимлари орасидан унинг танаси кўриниб турарди.

Ҳалиги йиқилишда Maiнинг юзи дабдала бўлиб, оғизбурни қоп-қора қонга белангтан эди... Унинг соchlарига қуриб қолган ўтлар ёпишиб қолган, қайси бири сочу, қайси бири ўт эканини ажратиб бўлмасди, — иккаласи ҳам бир хил, кул ранг тусда эди.

ҚУВОНЧ

Пойтахтга қайтаётиб, яқинда ер ислоҳати ўтказишда хизмат ўтаган жойим К. Ж. қишлоғига томон бурилдим. Қувонч билан ўша пайтларда яшаган хонадоним — Тхемлар уйнга яқинлашдим. Юрагим гуп-гуп урадди. Албатта, Тхем ҳам мени кўргач, ҳайрон бўлади.

Бироқ ҳовлига кирсам тиқ ётган товуш ҳам эшитилади. Уй эгасини чақирдим. Ҳеч ким жавоб бермади. Уй ёнида ётган олапар ит кўзини очиб менга қаради-ю, думини ликиллатди.

Уйга кириб рюкзатимни курси устига қўйдим. Қийшайиб ётган бу уйда бамбуқдан ясалган рамка ичидаги Хо Ши Миннинг портретидан бўлак янгилик йўқ. Портрет деворнинг ўрта қисмида оснфлиқ турар, лекин жуда ҳам пастда, бир томонга қийшайган эди. Мен уни бироз тепароқ кўтардим-да, тўғрилаб қўйдим.

Кудуқдан сув олиб оёқ-қўлларимни ювганимдан кеянгина, эри партизанлар отрядида хизмат қилаётган Вит деган қўшниларининг товушини эшитиб қолдим. У билан суҳбатга киришиб кетдик. У, Тхемнинг келини «зан коун»¹га кетганини гапириб берди. Тхемнинг ўзи бўлса, ер ислоҳати ўтказган бригада бу ердан кетиб қолгандан кейин, ҳар куни қишлоқни айланиб юрадиган бўлиб қолибди. Ҳасса таяниб уйма-уй кириб юргани-юрганиш, баъзи пайтларда кечаси қайтаркан.

¹ «Зан коун» — уруш пайтларида армияга ёрдам берниб, тинчлик вақтларида халқ хўжалигини тиклашда ёрдам берган кўнгилли бригадалар.

Вақт соат бешлардан ҳам оғиб, қорним очди. Уйга кириб гуруч топдим-да, Тхемни пойлаб ўтиар эканман, уни қайната бошладим. Бу уйда тўрт йилга яқин яшаганим учун ҳам ўзимпи озиб-ёзиб келган тасодифий мәҳмонлар сингари ҳис қиласдим.

Тхемнинг ёши элликдан ошган. У ногирон аёл. Унинг ёлғиз ўғли бўлиб, уни ҳам Тхем деб аташарди. 1953 йилда ер солигини камайтириш кампаниясида у йигит бизнинг хизматчиларимиз билан дўстлашиб, уларга ёрдам берди. Камбағал дехқон қиз Ню ҳам у билан биргалашиб ишларди. Улар машаққат чекишда ҳам, курашда ҳам бир-бирларини обдан синашиб кейин турмуш қуришди. Шундай қилиб, бу хонадонга опасининг холидан хабардор бўлиб турадиган киши келгани сабабли Тхем ҳеч иккиланмай армияга кетди.

Эру-хотиц Тхемлар 30 йилдан ортиқ вақт шу қишлоқда яшовчи Ти деган округ бошлиғи қўлида тадъенлик¹ қилишди. Унинг қирқ май²дан ортиқ ери бўлиб, бу ерни кишиларга ижарага берарди. Бундан ташқари, унинг катта бир подани ташкил қиласдиган қўтос ва ҳўқизлари бўлиб, уларни ижаракиларига боқтиарди. Тадъенларга бу ҳайвонларни шахсий молхоналарида боқиб бериш камлик қиласдек улардан ҳар куни тезак ҳақи ҳам оларди. Бунинг устига округ бошлиғи ўз навбатида, хюен³ бошлиғидан боқиб бериш учун ўн еттита эчки ҳам олган эди. Бироқ, бу эчкилар худди Тига қарашли бўлмагани сингари хюен бошлиғига ҳам тегишли эмас эди, чунки буларни вилоят бошлиғи Ти хўжайнлик қилаётган ерлар кўм-кўк майсазор яйлов бўлгани учун, унга боқиб бериш шарти билан топширган эди.

Шундай қилиб. Хюен бошлиғи вилоят бошлиғи билан, округ бошлиғи Ти бўлса — Хюен бошлиғи билан ҳамкорликда эдилар. Ниҳоят, энг камбағал, ярим оч дехқонлар империалистларнинг лаганбардорлари бўлган бу феодалларнинг хизматларини адо этишлари лозим эди.

Тхем Тининг тўртта қўтаси билан иккита эчкисини боқиб бериши керак эди. Бир куни эчкилардан биттасини һимадир чақиб олиб, оёғи яраланиб қолди. Бундан хабар топиб қолган Ти дарров Тхемни чақиртириди-ю, бечорани

¹ Тадъен — ижараки.

² Май — 0,4 гектарга тўғри келадиган ер ўлчови.

³ Хюен — маъмурлий бўлшинш.

эчкига шикаст етказганликда айблаб, сўка бошлади. Деҳқон эътиroz билдириди. Шунда Ти қўлига таёқ олиб бечоранинг бошига шундай зарб билан урдики, шўринг қурғуринг бурни билан қулоғидан тирқираб қон оқиб кетди. Округ бошлиғи Тхемдан эчкининг оғенини ювиб, боғлаб қўйиш, дори топиб, уни тузатишга ваъда олгандан кейингина ховиридан тушди.

Тхем қаттиқ калтак еган эди, боши оғриди, булар етмагандек иситма ҳам чиқара бошлади. Лекин хотини эрига нисбатан ҳам эчкининг яраси билан кўпроқ машғул эди. Бироқ, у ҳар қанча урунмаси ҳам эчкининг ярасини нима билан даволаш лозимлигини билолмасди. Бунинг устига-устак етишмовчилик, очлик, ўзининг ғамини ҳам ейиши керак эди. Хуллас, орадан уч кун ўтишига қарамай на тадъевининг боши тузалди, на эчкининг яраси. Ти эчкидан хабар олгани келиб қараса, яраси битишнинг ўрнига газак олиб, қуртлаб ҳам кетибди. Бу ҳол уни тугоқтириб юборди. У Тхемга ярадор эчки боғланган ерга боришини буюорди, аммо деҳқон бетоблиги, ҳали дармонсизлиги туфайли ўриндан қўзгала олмади. Помешчик яна киши юборди. Шундан кейин Тхем бошини қўллари орасига олиб, иҳраганча; судрала-судрала бир амаллаб борди. Ти Тхемни кўргач илгаригидан ҳам бадтарроқ тутоқиб кетди.

У деҳқон шўрликни энгашишга мажбур қилиб, бурнини қуртларга ишқалади. Округ бошлиғи тишлирини гижирлатиб деди: «Биласами, бу эчкини мен хюэн бошлиғидан, у бўлса вилоят бошлиғидан боқиб бериш шарти билан олганман. Унга шундақанги бепарволик билан қарашга қандай жуърат этдинг? Сен бизларни хонавайрон қилмоқчимисан?» У, бечора Тхемни дарахтга боғлаб қўйиб, кетмон даста билан ура бошлади. Кейин ингичка-ингичка иккита таёқча олиб, учига эчкининг қуртларини илди-да, уларни Тхемнинг оғзига тиқа бошлади. Деҳқон оғзини очмас, лекин Ти ҳамон зўрларди. У Тхемни қамчи билан урди-да, кейин бадани, қўли, боши деб ўтирмаёт дуч келган ерига савалаб кетди. У, агар қуртларни емаса то ўлгунча савалаяжагини айтиб, бақиради.

Тхемнинг хотини титраб-қақшаган ҳолда йиғлаб шу ерда туарди. Кетмоннинг дастаси ҳар сафар эрининг устига келиб тушганда унга худди ўзи калтак еяётгандек туюлиб, сапчиб тушарди.

Аёл йиғлар, ялиниб-ёлборар, қаршилик кўрсатар,

аммо буларнинг ҳеч қайсиси тариқча ҳам фойда бермасди. Бирдан хомиладор экани хаёлига келиб қолди. Борди-ю шу топда эрини маҳкам қучоқлаб олса, помешчик уни ҳам уришга ботина олмас-ку, деган фикрни ҳаёлдан ўтказди. Ти азоб беришини қўймади. Аксинча, хотини эрини қутқариш учун қанчалик ҳаракат қиласа, Ти уни шунчалик қаттиқроқ ураверди. «Эрининг ўртасига тушишни кўрсатиб қўяй»— деб ўйлади у, кетмон дастаси билан бир урган эди аёлнинг бошига тегди. У худди оёғидан чалингандек ерга гуп этиб йиқилди. Иккинчи зарба— кўзга келиб тегди. Кўзи қонга беланди.

Бироқ, бу билан округ бошлигининг кўнгли ўрнига туша қолмади. У эри-хотин Тхемларнинг ярасига гаримдори билан туз аралаштириб сепди, кейин бармоги билан Тхемнинг оғзини йирди-да қўртларни бир амаллаб оғзига тиқиб қўйди.

Бу даҳшатли ҳодисадан кейин Тхемнинг хотини кўр бўлиб қолди, деҳқоннинг ўзи бўлса титрайдиган, бехосдан бақириб юборадиган, доим бир нарсадан ҳадисираб чўчийдиган бўлиб қолди. У дам кулиб, дам йигларди. Ухтин-ўхтин қўлига тушган нарсаларни синдиради, баъзида эса қаёққадир қочиб кетарди.

Кунларнинг бирида одамлар, Тхем кўчада санғиб юрган пайтда уни француз автомобили босиб кетганини айтишиди.

Бундай ҳаёт кишини ё ақлдан оздариши ёки ўлимга маҳкум қилиши турган гап. Бироқ, бева қолган Тхем ақлдан озгани ҳам, ўлгани ҳам ийӯқ. У кўзи ёриб, болалик бўлди. Унинг бирдан-бир суюнчиғи, умиди шу бола эди. У, худо хоҳлаб бола кўриши, бу бола унга эридан ёдгорлик бўлиб қолажагига астойдил ишонарди. Аёл худди шундай деб фараз қиласар, шунинг учун ҳам унинг кўнгли тўқ эди. У ўғил туғди. Ҳозир Тхем катта йигит бўлиб қолган.

Тхем, эри ўлгандан кейинги дастлабки кунларда бир амаллаб қорин тўйғазиш учун бамбуқдан сават тўқишига киришди. Туққанига бир неча ой бўлди деганда, боласи билан тиланчилик қилди. Қоп орқалаб ҳасса ушлаган ҳолда қоқилиб-сурилиб қишлоқма-қишлоқ санғиб юрди. Кейин қайтадан сават тўқишига киришди, орадан бир мунча вақт ўтгач, яна тиланчилик қила бошлади.

Бир куни боланинг у ёқ-бу ёғини қўли билан пайпаслаб, ўғлининг бўйи ярим белига этиб қолганини сездию, ўша куни қишлоққа қайтди.

* * *

Тхем менинг келганимни эшишиб, шошиб-пишиб уйига томон йўл олибди. Аввалига ҳассаси билан у ер-бу ерни пайпаслаб келди-ю, кейин ерга дўқ-дўқ уриб кела бошлади. Уни еткалаб уйга олиб кирдим. У мен билан қувониб кўришгач, терлаб кетмадимикан деб, камзулимнинг орқа томонини ушлаб кўрди-да, табассум билан деди:

— Бригадаларинг кетган кундан бошлаб, деярли уйда бўлмайман. Қишлоқни бошдан-оёқ айланиб юрганим-юрган.

— Йўл бошлаб юрувчи киши борми?

— Йўқ. Ўзим юравераман. Йўлнинг қаери қандақалигини ҳам, кимнинг уйи қаерда эканини ҳам биламан. Лекин уруш бошланган пайтларда ўғлим, самолётлар учиб қолгудек бўлса қочиб улгура олмай қолишимдан қўрқиб кўчага чиқармасди. Ӯша пайтларда етти-саккиз йил худди қамоқда ётгандек бўлдим. Мана энди тинчлик, менга ҳеч ким ҳалақит бермайди. Ҳозир мен бир томони янгиликлардан хабардор бўлаш деб ҳам юраман. Кетаётганингизда менга айтиб кетган иккита сўзингиз ёдингиздами: «Хушёрлик ва бирлик»?

Тхем шу гапларни дегач, мени кўрмоқчи бўлиб қовоғини кўтарди-ю, бироқ у бу мақсадига эриша олмади, шу чақ кўзининг оқи менга бу деҳқон аёлнинг оғир, баҳтисиз ҳаётини яна бир марта эслатди. Аёл гапида давом этди:

— Мана ўн беш кун бўладики, бизнинг ҳурматли келинимиз «зан коун»га кетди. Унга, ўқиган киши курашмайди, у албатта уйда ўтириши керак, дейишибди. Ахир дехқонлар союзи ижроия комитетида ёшлар билан иш олиб борганингдан кейин, шундай ҳам бандсан-ку, деб үқдиришибди. Лекин у кўнмади. Ахир Тхем партия аъзоси ва комитет¹-раисининг ўринбосари-да, у ҳам боришга қатъий қарор қилибди. Келиним ўртоқларига, унинг тўғрисида ташвишланиш эскилиқ қолдиги экани, фақат улар мен қари кампирни уйда ёлғиз қолдиришни истамаётганиларини айтиб, туриб олибди. Ахир илгари уруш эди, ҳозир тинчлик-ку, мана ярим ой бўладики ундан на хат бор, на хабар. У ёш, бизнинг жойларда ўрнатилган тинчликни энди унинг ўзи мустаҳкамлаши лозим.

¹ Қинилоқ қаршилик кўрсатиш комитети назарда тутилади.

— Сиз нима деб ўйлайсиз, ҳурматли Тхем, келинингизнинг гапи тўғрими ёки нотўғрими?

— Агар у бормагандан, йиғлагани-йиғлаган эди, нега десангиз қолоқ бўлиб қоламан деб чўчирди, энди у мамнун, чунки илфорлар қаторида-да! Ҳақиқатан ҳам фақат Хо Ши Мин туфайли, партия ва ҳукумат туфайли деҳқонлар қоринлари тўйиб овқат ейишпти, эркин гап юритишпти. Улар ўнгланиб олишди. Помешчик ва империалистларни ағдариб, ернинг хўжайини бўлиб қолишли.

— Хўш, ўзингизнинг аҳволингиз қалай?

— Менга қийинчиликларни сиғиб ўтиш писанд эмас, нега десангиз, мен ўзимни жуда баҳтиёр деб ҳисоблайман.

— Демак, хурсандмисиз?

Тхем урина-урина белбоғидан бир бўлак бетел¹ олдида, уни оғзиға солиб жавоб берди:

— Қишлоғимизда ер ислоҳати ўтказилиб бўлди, мен икки мауга яқин ер, омоч, борона, кетмон олдим, қўшнилар билан шерикликка ҳўқиз беришди. Буни мен бир неча ўн йиллардан бери орзу қилиб келардим. Мана энди бу орзумни амалга оширишда Хо Ши Мин, партия ва ҳукумат ёрдам берди. Эрим аллақачонлар вафот этган. Уни округ бошлиғи ўлдирди. Ўша пайтларда бизлар жуда камбагал эдик, бироқ бунинг учун тақдир ҳам, ота-боболаримизнинг мақбаралари ҳам, осмон ҳам эмас, помешчикларгина айбдор. Буни мен энди яхши тушунаман. Мен уларни жон-дилимдан ёмон кўраман, уларни ҳеч қачон ёдимдан чиқармайман. Эримни қандай қилиб боғлаб қўйганлари, бошлиқнинг қаерда туриб ургани, унинг хунук башараси — ҳаммаси ёдимда, Тхемнинг азоб чекиб йиғлагани ҳам эсимда. Булар менинг энг сўнгги кўрганларим. Эримнинг чеҳрасини ўлими олдида кўролмаган бўлсан ҳам, Ти қуртларни оғзиға тиққан пайтдаги упинг оҳ уриб талпинганлари ҳали ёдимда. — Аёл ҳаяжонланганидан бир неча марта кўз қисиб олгач, гапида давом этди:— Хюен бошлиғи вилоят бошлиғига лаганбардор, округ бошлиғи бўлса хюен бошлиғининг олдида хушомадгўйлик қиласарди. Ўшаларнинг ҳаммалари бир бўлиб, мени кўр қилишди. Ўшалар туфайли мана 30 йилдан бери азоб чекаман. Ахир бошлиқнинг: «Биласанми бу эчкини мен хюен бошлиғидан, у бўлса вилоят бошлиғидан боқиб бериш шарти билан олганман, унга шундай бепарволик билан

¹ Бетел — бир турли иносвой тамаки.

қарашга қандай журъат этдинг?» деб бақиргани қулоғимдан нари кетмайди. Бир муттаҳам ўзидан устун турган кишига хушомадгүйлик қилса, у яна юқори лавозимдаги га қуллуқ қиласди. Мухими шуки, ҳар ким ўзидан паст турганни эзар, таёқ келиб-келиб дәхқон бечоранинг бошида синарди. Мен сизнинг гапларинигизни анча маҳалгача кечалари ўйлаб чиқдим, ҳақиқатан ҳам император, мандаринларни¹ ағдариб ташламагунча империалистларни ёппасига йўқотиб бўлмас экан, қишлоқда бойлар ҳукмдорлигини таг-томири билан қуритиш учун аввал уларни мажақлаб ташлаш керак экан. Ҳар балонинг боши шу бойлар. Судхўрлик билан камбағални хонавайрон қиласидиган ҳам шулар. Камбағал дәхқонларга тегишли бўлган банандан тортиб, ёнғоқ дараҳтларигача, беш сулик майдада чақадан тортиб, то ҳўқиз тезагигача ўзлариники қилиб олишган. Чириган дараҳтни йўқотиш учун унинг илдизи билан сугуриб олиш керак.

Тхем шу сўзларни деб, оғзидағи бетелни олди.

— Энди тинч ҳаёт бошланди, — дея гапини давом эттирди у, — энди бизнинг мамлакатмизда империализм деган гап йўқ. Империализм йўлбарс, помешчиклар бўлсабуга. Биз йўлбарсни урсак, у қочиб бориб бута орасига яширинади. Демак, шу буталарни қирқиб ташласак, йўлбарс яширинадиган жой топа олмай қоладио, биз уни осонгина ўлдириб қўя қоламиз. Улар билан бир қаторда помешчиклар ҳам ҳалок бўлишади-да, биз янги ер оламиз. Ҳозирча буталар бор экан, йўлбарс ўзига оромгоҳ топишга ҳаракат қиласди. Ахир шоли эккани еримиз камчил-ку.

— Гапиришган гапларимизни бехато эсга солдингиз, — деб кулдим мен.

— Ахир бу гаплар менга ҳам тегишли-да.

— Ҳозир у ташвишли кунлар ўтиб кетди, энди кўнглингиз ўрнига тушдими?

— Ҳа, лекин помешчикларга нисбатан бўлган ғазабим дилимда бир умр сақланиб қолади. «Ҳушёрлик» ва «бирлик» деган сўзлар доим юракда бўлиши керак. Помешчиклар билан империалистлар дәхқонларни эзиб, бор-йўғини шилиб олгани учунгина бечора дәхқонлар неча ўн ийлаб азоб чекиб келишди. Дәхқонларниг бўйинларида доим иккита тош осиғлиқдек турарди. Бироқ, аввало август қўзғолони, кейин ўтган йил сентябрь кунларида, ерга

¹ Мандарин — олий даражали амалдор.

Олинадиган ижара ҳақи камайтирилгандан сўнг, ҳаммадан ҳам. ҳозир ер ислоҳати ўтказилаётган пайтларда дехқонлар ўз қишлоқларига хўжайин бўлиб яхши ҳаёт кечира бошладилар. Бунинг учун биз севикли оғамиз Хо Ши Миндан, партия ва ҳукуматдан миннатдормиз. Яиги ҳаёт ҳақида қанчалик кўп ўйласак, бизнинг сўзларимизда самимилик ва ўткирлик шунчалик кўп бўлади. Борди-ю Хо Ши Мин бўлмагандан, партия ва ҳукумат бўлмагандан биз ҳозиргиdek қувноқ ҳаёт кечира олмасдик. Илгарилари оиласиз йил бўйи фақат гуруч қайнатиб ичарди, холос. Бу йил ўзаро ёрдам бригадаси менга Чъен Даудаги уч шао¹ ердан ҳосил йигиб олишда ёрдамлашди.

Келиним «зан коун»га кетиб қолгани сабали шолининг унга теккан қисми ортиқчалик қилиб, уни сотдим. Хо Ши Миннинг суратини сотиб олиш учун қарз олган эдим, шолининг пулини унга бериб қутулдим. Яқинда Му Летдаги шолим ҳам пишиб қолади. Ортиқчасини яна сотмоқчиман. Ўғлим билан келиним учун катта пашшахона оламан.

У деворни пийпаслаган ҳолда ўрнидан турди.

— Ие, у қаёққа кетди? — деди кампир чўчиб.

— Нимани ахтаряпсиз? — деб сўрадим мен.

— Хо Ши Миннинг сурати қани?

Тхем қўлини юқорироқ кўтарди-да, портретни пийпаслаб, деди:

— Ҳа, бу ерда экан. Уни ким тепага кўтариб қўйибди?

— Буни мен қилдим. Жуда пастда экан.

— Сиз менинг мақсадимга тушунмабсиз, — деди у табассум билан, — мен қўлим етсин учун атايлаб шундай қилган эдим. Ахир бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом дейдилар; бирорга миннатдорчилик билдиromoқчи бўлган киши, ўша одамни доим дилида сақлаши керак. Ҳукуматни-ку билиб олдим. Олтин юлдузли қизил байроқ ҳукумат. Бу байроқни кўрмаган бўлсан ҳам, уни пийпаслаб кўрдим, энди унинг қандақа эканини биламан. Партияни ҳам биламан. Тханъ, Зун, Хоанъ, келиним ва уларга ўхшаган соғ ҳаёт кечираётган, бор кучини аямай халқ учун курашаётган кишилар — бу партия. Аммо менияна бир нарса ташвишга solaётган эди...

— Тўхтанг-чи, — деб унинг гапини бўлдим мен, — ҳамма нарсадан миннатдорман дедингиз-ку? Ундај бўлса,

¹ Шао — 0,3 гектарга тўғри келадиган ер ўлчови.

сизнинг бу ташвишиңгизни ҳам осонгина ҳал этиш мумкин экан-да. Шундай эмасми?

— Ҳа. Фақат гапимни тугатишга рухсат этсангиз. Илгарилари мен ҳукуматнинг нима эканини тасаввур қиломай ташвишланардим. Ҳозир уни биламан. Лекин ҳурматли Хо қандақа одам эканлигини кўз олдимга келтира олмасдим. Чунки қўлимда ҳеч нарса йўқ эди-да. Мен, унинг пешонаси кеңг, кўзлари ўткир, соқоли чўққи деб эшитар эдим, лекин кўриш учун нима қилиш лозим эканлигини билмасдим. Унинг марҳамати денгиздек, тоғдек, барча эл ундан миннатдор, бутун мамлакат унинг суратига қараб чеҳрасини танийди. Мен — кўрман. Шундай бўлса ҳам унинг суратини сотиб олдим. Мен бу суратни, кимки Хо Ши Мин ҳақида бирон нарса сўраб қолгудек бўлса, шу заҳотиёқ жавоб олсин учун пастга осиб қўйган эдим.

— Уни сиз аниқ тасаввур қиласизми?

Тхем оёқ учида туриб суратга қўлини чўзди. У рамкани қўли билан сийпаб табассум қилди.

— Мен ногиронман. Сурати ҳар сафарги жойида эмаслиги сабабли нотўғри кўрсатиб қўяманми, деб қўрқаман. Унда сизга кулги бўлиб қолишга тўғри келади... Мана бу... — у кўрсаткич бармоғи билан президентнинг юзларини кўрсатди,— унинг юзи,— дея давом этди у:— бу сочи... мана бу пешонаси, кўзи, бу соқоли. Тўғрими?

Аёл кўрсатиб бўлгач, қувониб кулди. У худди кўзлари очиқ киши сингари аниқ кўрсатган эди. Мен ҳам кулиб юбордим. Қалби қувончга тўлган Тхем ўтирас экан, деди:

— Келиним жуда ҳам яхши, ақлли, серҳаракат аёл, у менга доим ўргатгани-ўргатган эди, шунинг учун ҳам мен Хо Ши Миннинг чеҳрасини биламан. Энди мен ниҳоятда баҳтиёрман.

ДЕННИНГ ҲАЁТИ

Помешчик Чионг бундан уч кун илгари Денни ўзига қарашли ерга экилган шолини ўтоқ қилишга юборди.

Ден ана шу кундан бошлаб ажойиб воқиалар шоҳиди бўлди: қишлоққа қандайдир ёшлар келишибди, айтишларича, улар шаҳардан вакил бўлиб келишган эмиш. Бу йигит ва қизлар қишлоқдаги энг камбагал Ти ва Тхем тоғаларникига қўнишибди. Улар эрталаб ҳамма билан бирга елкаларида ҳаскашларини кўтаришиб далага ўтоқ қилгани жўнашарди.

Кейинги вақтларда кўпгина деҳқонлар, шу жумладан, Ти ва Нголар ҳам кечқурунлари халқ мактабида ўқий бошладилар. Улар уйга ярим кечада қайтар эдилар. Дең далада ишлар экан, Бао Дай армиясига одам олиш, деҳқонларнинг эзилиши, ижара ҳақи ва судхўрлар оладиган процентларнинг камайганлиги ҳақидаги гапларни бир қанча бор эшилди, Ден Ти билан Нголарнинг: «Ҳамма ерларни Чионг эгаллаб олгани сабабли бизларнинг уйимиз хароба, оч ва совуқ...» деб гапиришганиларини ҳам эшигтан эди.

Бундан бир ойча илгари Ден қўшни қишлоққа бўриб ишлаган эди. У ердаги деҳқонларнинг ҳам кечқурунлари ўқиётганлари, айниқса партиянинг қишлоқдаги сиёсатини қизиқиб ўрганаётганлари ҳозир унинг эсига тушди.

Чионг кутилмагандан Денга Халқ мактабига қатнашга рухсат бериб қолди. Бола бундан жуда ҳайрон бўлди. У авваллари хўжайиндан бу тўғрида кўп марта илтимос қилганда, у: «Ўқиб нима қиласан? Бу нарса ишга зиён бера-ди, сен барибир, ўқитанинг билан мулла бўлолмайсан»,

дер эди. Энди бўлса, Чионг дафтар китоб бермаса-да, ўқишга рухсат берди. Ўқитувчи Деннинг қўлида ҳеч нарсаси йўқлигини кўриб, унга битта китобча берди. Шундан кейин бола мактабга қатнай бошлади. Тўғри, иш кўп пайлари у дарсга боролмасди. Деннинг чироғи ҳам йўқ эди, шунинг учун кечқурунлари ошхонага бориб, ўчоқдаги оловнинг ёргутида типмай ўқиб ўрганар эди. Ҳатто май ойининг иссиқ кунлари ҳам у оловнинг олдида ўтириб олиб, ҳижжалагани-ҳижжалаган эди.

Бола зўр иштиёқ билан ўқий бошлади. У ўтган кунлари қанчалик оғир бўлган бўлса-да саводсиз қоладиган бўлса ундан ҳам бадтар қийналишини яхши билар эди. Тўғриси, қишлоқ дехқонларининг ҳаммаси партиянинг қишлоқдаги сиёсати ҳақидаги гапларни зўр қизиқиш билан эшиштар эдилар.

Бир куни Чионгнинг хотини Кань, Денни даладан уйга чақиришиб қолди. Йўлда у Кат амакини учратди, у халқ помешчик Чионгни қамоққа олиб суд қилаётганини айтди, кейин:

— У сени доим ураг эди, энди бориб унинг айбларини бўйнига қўйиб бер, жазосини торгсин!—деб қўшиб қўйди дехқон.

Ден ҳали «айбини бўйнига қўйиши» нима эканини унни қандай амалга оширишни билмас эди. Лекин у халққа помешчикнинг калтаклаганларини айтиб бергиси келар эди.

У уйга келганда Кань эркалаб чақира бошлади.

— Қел, ўғлим, овқатланиб олгин. Хўжайин отангни халқ суд қилаётганини эшиддингми. Сен аҳмоқ бўлиб, уларга қўшилиб ўтирганин, тузукми, бунинг учун сени қуруқ қўймаймиз.

Ден авваллари бунағанги ширин гапларни бирон марта ҳам эшишган эмасди ва у, қишлоқдаги одамларнинг онги ўсаётганини, бу янги ҳаётни шаҳарлик ўртоқлар олиб келганликларини билар эди. У эртасига Кат амакининг олдига бориб, помешчикни қандай қилиб айблаш ҳақида маслаҳат олмоқчи бўлди. Лекин у ҳамон: хўжайин ҳамма нарсадан хабардор бўлиб қолиб, мендан роса қасдини олса-я, деб қўрқар эди.

Ден ўша куни кечқурун ётганида қандайдир шивиршивирни эшишиб қолди. Шивирлаётганлар Чионгнинг хотинлари эди. Улар жуда кўп нарсалар ҳақида эзмаланишиди, лекин бола ҳеч нарса тушуна олмади. Ден ухлаб

қолди деб ўйлаб бойнинг катта хотини сандиқни очиб, ундан бир тугунни олди. Кейин улар өшхәнага чиқишиди. Ден аста ўрнидан туриб, бамбуқдан қилинган түсиқнинг олдига борди ва түсиқнинг тирқишидан қараган эди, хотинларнинг пакетни томга бекитаётгалинни кўрди. Ден: «Бу, албатта, пул бўлиши керак, бўлмаса шунчалик бекитишнинг нима ҳожати бор», деб ўйлади.

Бола эртасига Кат амакини учратиб қолди. У Денга: —Ўртоқларингдан бири сен билан гаплашмоқчи эди,— деди.

— Яхши, мен кечқурун келаман,— деб жавоб берди бола ва секин:— Кечаси мен Чионгнинг хотинлари ошхонанинг томига катта тугунни бекитаётгалинни кўрдим, менимча унда пул бўлса керак,— деб қўшиб қўйди.

Кат амаки бошини қимирлатиб қўйди ва бу тўғрида ким билан маслаҳатлашиш кераклигини айтди.

Кечқурун ер ислоҳати ўтказиш группасининг вакили ўртоқ Куанг, Денни жуда яхши кутиб олди. Бола унинг меҳрибон чеҳрасини кўриб жуда қувонди. Деи сўкиш эшлишидан, калтак ейишдан бошқа нарсани тўрмаганилигидан Куанг жудди туғиштан акадек эркалаб гапирганида, унинг кўзларидан ёш чиқиб кетди.

Ўртоқ Куанг, Денни камбағал Ти амакимнига олиб келиб, унинг оиласида яшашни таклиф қилди.

Шу куни кечқурун Ден, Куангнинг ёнида хурсанд бўлиб ўтириди.

Деннинг онаси бундан ўн йил илгари ўлиб кетган эди. Шундан бери унинг бошини силайдиган биронта меҳрибон одам топилмади. Ҳозир эса Ден дунёда мени ҳам ҳимоя қилувчи инсон топилар экан-ку, деб ўйлар эди.

Куанг Дендан оғир ҳаёти тўғрисида гапирниб бериши ни сўради. Лекин бола дарров гап бошлай олмади— у, Чионгнинг ўйидаги калтак ва азобларни эслаб, йиғидац ўзини тутиб ололмади. Унинг қалби қайғу ва алам билан лиммо-лим эди.

— Помешчикнинг калтаклаганлари, хўрлаганлари ҳақида қўрқмасдаи гапира бер. Дежқонлар уни қамоққа олдилар, тегишли ҳукм чиқарадилар, сен энди азоб тортмайсан,— деди шунда ўртоқ Куанг.

Куангнинг эркалаган, ширин товуши болани тинчлантириди. У Куангга ишонч билан боқиб, кўз ёшларини артди-да, ҳикоясини бошлади.

— Мен ўша пайтлари қайси қишлоқда яшаганимни — Нам Диндами ёки Тхай Виндами — ҳозир яхши эслай олмайман. Бир минг түқкиз юз қирқ бешинчи йили қишлоғимизда кўп одамлар очликдан ўлиб кетди, бизнинг оиласиз ҳам қашшоқлашиб қолди. Отам бизларни олиб, тоғлиқ қишлоқ Кхега жўнади. У ерда холам яшар эди, у ҳам қийин аҳволда экан, бизларга ҳеч нарса билан ёрдам бера олмади. Ўша ерлик помешчик Чионг қуий қишлоқдан оч қолганлар келганини эшитиб, холамниги келди-да, отамга: «Менинига бора қол, ер бераман, дехончилик қиласан» деди.

Отам унинг сўёзига ишониб, бутун оиласи унинг уйига кўчириб оборди. Лекин помешчик ер бермади, балки текинга ишлаб беришга мажбур қилди. Онам бузни бироз бўлсада қорнимизни тўйдириш учун ҳар куни ўрмонга бориб, ейиш мумкин бўлган ҳар хил илдизларни йиғиб келар эди.

Тез кун ичида отам касал бўлиб ётиб қолди. У касал ҳолига ҳам қарамасдан ўрнидан туриб, помешчикдан ҳеч бўлмаса бир товоққина гуруч сўраш учун амаллаб Кхега борди. У ҳеч нарса бермай отамни олдига солиб қувлади. Отам бир амаллаб Тюа тепалигидаги бир эски кулбага етиб олган экан. Кейин ўша тепаликда қаровсиз, дори-дармонсиз қолиб ўлиби.

Онам билан катта акам Лани очлик шундаям оздирган, дармонсизлатган эдики, ҳатто ўрим пайти келганида помешчик Чионг уларни ишга ҳам ёлламади. Бир амаллаб қорин тўйдириш учун улар ҳар куни ўрмонга илдиз тергани боришар эди.

Бир қанча вақтдан сўнг Ла касал бўлиб қолди. У қўлига ҳасса олиб, тиламчилик қила бошлиди. Йикки кундан кейин онам унинг ўлганлигини эшиитди. Кейин кўмдик...

Уч киши қолдик: онам, мен ва кичик укам. Онам Лани жуда яхши кўрганидан, анча кунгача қон-қон йиғираб юрди. Лекин бизга томоқ топиб бериши кераклигидан у яна ўрмонга жўнади.

Помешчик Чионгнинг бир қанча ойлардан бери тозаланмаган молхонаси бор эди. У онамга: «молхонани чинний-моҳдай қилиб тозаласанг, уч товоқ гуруч оласан» деб ишга ёллади.

Онам бир қаича кун молхонадаги шилтий-шалаббоҳ гўнгларни қўли билан сидириб тозалагандан кейин қуруқ-тупроқ сепиб шиббалаб чиқди. Аммо ишни тамомлаган-

дан кейин помешчик гуруч у ёғда турсин, гуручининг урвоғини ҳам бермади.

Бир куни онам чўмилишга кетаётib, йўлда ёввойи дарахтни учратиб қолди. У, дарахтнинг мевасидан бир оз еган экан заҳарланиб, уйга қайтганидан сўнг жинни бўлиб қолди. У, уйнинг ичида у ёқдан-бу ёққа судралиб қаттиқ-қаттиқ кулар эди. Қўшиларимиз Қау ва Йголар нима бўлғанлигидан хаабар олғани чиққанларида ҳали онам тирик эди, лекин ваҳшийлардек ўкириб-ўкириб кулар эди. Холам Ҳоҳ қишлоғидан бир оз гуруч олиб келди. Онам гапиролмасди, ҳатто, овқат ҳам ея олмасди. Шундан кейин у ўтирган жойида йиқилиб ўлиб қолди.

Помешчик Чионг уни кўммади; холам қўшиларимизнинг ёрдами билан онамни битта бўйрага ўрашди-да, бамбуқдан қилинган арқон билан боғлаб, кўмиб қўя қолишди.

Онам ўлганидан кейин бир сандиқ ва дадамнинг биринкита кийимлари қолган эди. Лекин буларнинг ҳаммасини Чионг олиб кетиб қолди.

Холам укам иккаламизни ўз тарбиясига олди. У ҳар куни бозорга гуручдан қилинган пирожное сотгани борар эди, мен бўлсам болага қараб ўтирас эдим. Бир куни холам бозорга кетди-да, мен укамни ухлатиб маниока илдизини тозалашга жиришдим. Холам келганида бола ухляяпти деб ўйлади шекилли, ўз ишини қилаверди. Уйғонавермаганини кўриб бир оздан сўнг қўлини ушласам музлаб кетибди, у аллақачонлари ўлиб қолган экан...

Помешчик Чионг уйига чақириб: «Товуқларга қараб юрсанг, овқатнингни бераман» деди.

У сон-саноқсиз товуқ боқар эди. Уларни қаёққа ҳайдамасинлар, гуруч турган жойни топиб олардилар. Агар товуқлар уйга кириб кетгундай бўлса, хўжайин мени роса савалар эди. Бир куни ғалла туюдиган тўқмоқ билан оёғимга туширди.

Бир қанча кундан сўнг у мени далага қўтос боққани юборди. Ўша йили мен олти ёшларда эдим.

Мен эрталаблари кўпинча чої ўтоқ қилар эдим, кундуз кунлари бўлса қўтос боққани борар эдим. Ўт кам бўлғанлигидан қўтослар кечгача ўтласалар ҳам қоринлари тўймас эди. Шунинг учун уларни кечқурун молхонага ҳайдаб келаётганимда шолипояга тушиб кетар эди-

лар. Хозяйка: «Хой, уларни қаёққа тушиб кетаётганини кўрмаяпсанми!» деб қарғар, обкаш билан бир уриб йиқитиб, дуч келган жойимга тушира берар эди. У қўлимни шундаям қайирап эдики, ҳатто бир неча кунгача ҳамма ёғим оғриб юрар эди. У жуда бераҳм эди.

Сочим жуда қалин эди. Бир куни хозяйка сочимни олиб қўймоқчи бўлди. Сочимни олишга кириншидан олдин қўлига қайчи олиб: «Кирингни қара!» деб бошимга муштлади. Кейин киримни пичоқ билан қириб тозалай бошлаган эди, қон тирқираб оқа бошлади. Бесим шилиниб кетди. Шундан кейин у мени шолипояга олиб бориб: «ювиниб олчи» деб сувга итқитди. Мен бор кучимини йигиб орқамга сузиб келсам у тутиб олиб яна сувга улоқтириб юборди. Бир неча марта шундай қилгандан сўнг қимирлашга ҳам мадорим қолмади. Шунда қўшнимиз Хионг хола мени сувдан олиб чиқиб, йўл устидағи ўтга ётқизиб қўйди. Буни кўргаң хозяйка уни қарғишга кўмиб ташлади.

Ҳеч қачон қорним тўярли овқат беришмас эди. Ҳўжайнилар олдиларидан қолган гуруч овқатни буфетга бекитиб қўйишар эди. Уч-тўрт кундан кейин моголлаб колганида уни менга ейишга мажбур этишар эди. Мен бўлсам ҳаммасини ея олмас эдим. Шундан кейин хўжайин итга ташлашта буюрар эди. Ҳатто итлар ҳам бу гуручини еёлмай, ҳидлаб кўриб қайтиб кетар эдилар. Чионгнинг хотинлари кўпинча овқатларига товуқ ва ўрдак гўшти солар эдилар. Ўзлари каравотга ўтириб олардилар, мен бўлсам мушук ва кучукларни ҳайдаб туришим керак эди. Менга улар товуқ ва балиқнинг сувякларини ташлаб: «Бошқалар шуларга ҳам зор. Бананинг пўстлоғидан бошқани кўрмайдилар», дер эдилар. Мен қўлимда товоғимни ушлаб турардим. Лекин жуда ҳам уялар эдим. Улар менга уй итига қиласидиган муомала қиласидиган эдилар.

Мен бир оз катта бўлганимдан сўнг хўжайин далада ишлашга юборди, ҳар куни гуруч қайнатиб қўйиб, бўш вақтимда чой теришим керак эди. Кундуз кунлари терилган чойни қуритсам, кечқурун ярим кечагача хўжайинларга чой қайнатиб берар эдим. Мен иссиқда ҳам, ёмғирда ҳам бош яланг ишлайверардим; ёмғир пайтлари шилтий шалаббоҳ бўлиб ивиб кетар эдим. Мен кун бўйи ишласам ҳам ҳеч вақт қорним тўймас эди, бунинг устига яна калтакларга чидашим керак эди. Шундан кейин мен

бошқа жойда яхши одамга учраб қоларман, ўша одамнинг уйида қорним тўяр ва калтак емасман деган умидда қочмоқчи бўлдим; лекин хўжайин қаердалигимни биллиб қоладиган бўлса топиб келиб, ўласи қилиб уради, деб қўрқар эдим.

Кўп қийинчиликлардан сўнг Дай Донг қишлоғига етиб бордим ва бошқа бир помешчик қўлига тушдим.

У ерда ҳам кун бўйи қўтос ва сигирларни боқишим керак эди, бунинг устига яна ҳар куни уч-тўрт бойлам ўтин ҳам теришм керак эди. Агар сигир уйга қорни яхши тўймай қайтса мени роса урап эдилар; агар хўжайиннинг хотини ўтинни оз терибди, деб ҳисобласа, унда ҳам урап эдилар. Бир куни қўлимда ўтин бор эди, бир қўтос шолипояга тушиб кетди. Хўжайин буни кўриб қолиб мени чақириб олди-да, ялангоч ҳолда устунга боғлаб роса савалади. Оғриқча чидай олмай арқонни узиб қочдим. У қувлаб етиб, юзимга бир тарсаки туширган эди, ҳушимдан кегиб ерга йиқилдим.

Бир деҳқон мени ёнимни олмоқчи бўлган эди, хўжайин уни сўкди.

Мен хўжайиннинг иккита ўғлини жуда ёмон кўрар эдим. Қиши пайтлари мен уларнинг оёғини ювиб қўярдим. Бир марта улардан биттасига сув жуда қайноқ туюлиб кетиб, юзимга бир тепди. Бир куни соққа ўйнаётгандарида бигта соққаларини йўқотиб қўйиб, мени қидириб топишга буордилар, лекин мен топа олмадим. Шундан кейин улар мени ўғри деб чақира бошладилар. Хўжайин сочимдан ушлаб олиб роса дўппослади. У иккаласининг ёши мен билан teng, уларда ҳамма нарса бор — менда эса ҳеч нарса йўқ. Улар ўқийдилар, уларнинг оёғида чиройли туфли, сандал; уларнинг доим қорни тўқ, яхши кийиниб юрадилар. Мен етимчаман, мени на отам, на онам, ҳатто ей десам гуручим ҳам йўқ. Ҳаётимда калтак ейишдан бошқани кўрмадим. Мен шуларни ўйлаб туриб йиғлаб юбордим. Хўжайиннинг ўғли кўз ёшимни кўриб, масхара қилди: «Вой чақалоғ-е! Нега йиғлайсан? Сенга бирор ёмонлик қиласяптими? Ҳозир бир тепаман!»

Мен ошхонага жўнадим.

Икки йилдан сўнг бундай оғир ҳаётга чидай олмай, яна қочиб кетдим.

Мен Тян Моунгдаги велосипед дўкони хўжайинига ишга ёлландим. Икки ой ўтгандан сўнг амаким ўтиб кетаётиб мени кўриб қолди-да, ўзи билан олиб кетди. Мен

туғишгандарим билан яшай бошладим. Амакимнинг оиласи ҳам жуда камбағал эди, лекин энди мен ҳар ҳолда баҳтли эдим. Мени энди икки холам, бир қанча акаларим, опаларим бор эди. Биз ҳамма нарсада — ишда ҳам, ўйин-кулгига ҳам бирга эдик.

Чионг келганини эшитиб, менга хотинини юборди. Хотини: «Ўйнингга қайтгин, энди хўжайнин отанг ҳам, мен ҳам урмаймиз» — деб аллади. Мен уни ёлғон тапираётганини сезиб қайтиб боргим келмади. Лекин мен шуни ҳам яхши билар эдимки, агар Луан холам мени юбормайдиган бўлса, помешчик товуқ ёки фалон кийимни ўғирлади деб туҳмат қилиб, полицияга айтиши мумкин эди. Ундан кейин холами қамайдилар, биз у ерга қадам ҳам босолмаймиз.

Авваллари мен хўжайнинкига мутлақо қайтмасликни ўйлаб юрар эдим, аммо холам жуда ҳам қўрқар эди. Мен уни бирор яхши қўрар эдимки! Мен холамни турмада қийналишини кўз олдимга келтирганимдан кейин, помешчикникига қайтишга қарор қилдим.

Помешчик менин дарвоза олдида кўриши ҳамон: «Мен сени бирор жойда ўлиб қолдинг деб ўйлаган эдим!» деб сўка бошлади — менинг машақатли кунларим яна бошланди. Йиғим-терим бошланган пайтда хўжайнин батракларни ёллади. Мен ҳам куни бўйи ишлар эдим. Ҳар куни икки кострюлкада гуруч қайнатар эдим. Ҳар бир кострюл ўттиз кишига етарли эди. Мен ёш бўлганим учун ва овқат пиширишни билмаганлигимдан кўпинча гуручим яхши пишмай қолар эди ва бунинг учун хўжайнин калтаклар эди. Бундан ташқари мен хўжайниннинг чўчқаларига шоли кепак қайнатиб беришим керак эди. Улар кечқурун шолини туйиб бўлишганида мен уни қолган-қутган қипқаларидан тозалаб олишим керак эди. Бир хил пайтлари ҳам бўлардики, мен бутун тун бўйи бор-йўғи бирлаҳзагина мудраб олардим.

Йиғим-терим тамом бўлгандан кейин хўжайнин қарзларини ўтиб олиб бўлиб, қишлоқдаги уйга кўчарди. Мени эса даладаги майдо-чуйданни қўриқлашга қолдирадар эдилар. Ўйнинг эшигини қулфлаб кетардилар; мен тўрт мушук ва тўрт кучук билан ошхонада туришим керак эди. Менга бор-йўғи бир қанча косада гуруч ташлаб кетишар эди. Шунинг учун ҳар кунига ўзимга ва жоноворларга ярим коса гуруч қайнатишмуга тўғри келар эди. Хўжайнин келганида эса: «Иштаҳангга балли-е! Қара,

қанча овқат еб қўйибсан! Овқат ейиш билан бўлиб, мушук ва кучукларга қарамабсан ҳам», деб сўкар эди.

Омбор билан товуқхона ўртасидаги девор бузилиб, тоvuқлар гуручни сочишга ўрганиб қолдилар. Буни кўрган хўжайин менга ўғрисан, гуручни холангга олиб бориб беряпсан, деб туҳмат қилди. У бошимга, оёғимга, қўлимга таёқ билан уриб: «Мен сени холанг билан бирга турмага тикиб қўяман», деб бақирди.

Ўтган йилнинг охирида хўжайин даладан қишлоқдағи уйга қайтишни буюрди. У мени энди жуда кўп ишлашга мажбур этар ва тез-тез ва қаттиқроқ калтаклайдиган бўлди. Хўжайин қалтаклаб чарчаганда хотини ишга киришар эди. Ҳар куни калтак ея бериб қуриқ суратим қолди.

Борган сари кўпроқ урадиган бўлдилар. Борсам қорнимни бир тўйғазиб келардим деган мақсадда помешчикдан уйдагиларни кўриб желиш учун рухсат сўрадим. Аммо Чионг жавоб бериш ўрнига ишдан кейин уйга қараб туришни буюрди. Мени ўқишига юборинг десам, сўкиб берди.

Ўн бешинчи августда¹ мен ўрмонда ўтин териб юрганимда қишлоқда байрам ўтказишаётганини эшишиб қолдим. Кечқурун қишлоққа бориш учун кўпроқ ўтин теришига ҳаракат қилдим, ҳовлини супурдим, чўчқаларга овқат бердим, хўжайинга сув иситиб қўйиб, ошхонани тозаладим.

Аммо хўжайин қишлоққа юбормади. У эрта барвақт туриб, далани сугорасан, эртароқ ёт, деб буюрди.

Пионер отрядидаги барабан садоси остида Хо Ши Миннинг портретини баланд кўтариб олган ҳолда қувонч билан келаётган дўстларимни кўриб қолганимдан кейин ҳеч бўлмади; томоша қилгани югурдим. Жамоат уйи² саҳнидаги сон-саноқсиз чироқлар кўзимни қамаштириди. Мен ўзимни бахтили ҳис этиб, ҳар тарафга югуран эдим. Трибуналдаги катта-катта байроқларни, худди менга қараб илжаяётгандек тулувларни Хо амакининг катта портретини кўрдим. Портретнинг тагида ҳўл мевалар, мева-чевалар ва пирожнийлар билан ясатилган стол бор эди.

¹ Ун бешинчи август—Вьетнамда ҳар йили бўладиган болалар байрами.

² Қишлоқлардаги деҳқонлар мажлис ва турли намойишларга йиғиладиган уй.

Мен қўлларига бола кўтартган баъзи оналарнинг: «Бу йил байрамимизда мўл-кўлчилик, болаларимиз хоҳлаганларича ейишлари мумкин» деб ўзаро гапиришаётганларини эшитиб қолдим. Мен барабан овози келаётган томонга югурдим. Менга барабаннинг таёқчасини беришган эди, уч марта қаттиқ-қаттиқ «дзингъ-дзингъ, дзингъ...» қилиб чалдим. Шунда мен: «Эҳ, барабан чалиб юриш қандай яхши-я...» деб ўйладим. Сўроқсиз келганим ва вақт алламаҳал бўлиб қолгани эсимга тушиб, кўрққанимдан уйга жўнадим.

Чионг кутиб турган әкан. У таёқни олиб менга ташланди. У мени урар экан: «Падар лаънати! Сенга у ерда пишириб қўйибдими?! Жонинг омон қолишини истасанг, ҳозир бориб ухла, эртага эрталаб далани суворгани борасан» деб бақирди. Ошхонага кириб ётдим, қулоғимга ҳали ҳам қўшиқ ва барабаннинг овози эшитилиб туар эди. Йиғлаб ётиб онам тўғрисида ва уни ёмон кўмганлари ҳақида ўйладим. Кейин эсимга Ван қишлоғида очликдан ўлган акам Ла тушди. Менинг ҳеч кимим йўқ — етимчаман. Агар онам бўлганида мен ҳам бошқалар сингари отрядда Хо Ши Миннинг портретини кўтариб юрар эдим. Онамнинг мени кечаси билан бағрига босиб: «Жоним, болам! Биз қачонгача шу аҳволда қийналиб юрар эканмиз!» деб шивирлашлари ҳали ҳам эсимда. Мен ўша кунларимнинг шунчалик җайгули бўлганига ўкинаман.

Эшитишимча, помешчик кўп болаларни ўлдирибди. Мен ҳам унинг ўлимини хоҳлар эдим; бориб айбларини очиб ташлаш учун менга рухсат беринг.

Ден ҳикоя қиласар экан, кўз ёши тинмай оқар эди. Охири у ҳўнграаб йиғлаб юборди ва шундан кейин гапира олмади. Куангнинг юзидан ҳам ёш томчилари секин-аста думалаб туша бошлади.

Сиёсий ходим ва кичик батрак бир-бирлари билан юракдан гаплашдилар. Шундан кейин иккови ҳам жим бўлиб қолди. Кейин Куанг:

— Ҳа, помешчик Чионг болаларни қаттиқ азоблади, кўпларини ўлдириди ҳам. Сен ва сенинг оиласанг ундан озгина зулм кўрганларинг йўқ. Уни фош этиш — сенинг бурчинг. Деконлар билан бирга бортин. Унинг қишлоқдан қораси ўчадиган бўлса камбағаллар эркин нафас оладилар.

Бугун қишлоқнинг бутун халқи помешчик Чионгнинг биринчи навбатда қишлоқнинг ўзида қилган жиноятларини очиб ташлаш учун йиғилган. Бу йиғилишга болалар ҳам қатнашмоқда. Жуда кўп одам йиғилган. Йиғилишининг ғраси Чионгни олиб чиқиши буюорди.

Биринчи бўлиб дехқон Нго сўзга чиқди. У помешчикнинг унинг оиласига қилган ёвузлиги ҳақида гапирди; помешчик унинг отасини ва онасини ўлдирган эди, ерини олиб, уйига ўт қўйган эди, Нгонинг ўзини эса текинга ишлашта мажбур этган эди.

Чионг тиз чўкиб, ерга тикилганча ўтирар эди. Ундан сўнг Ти сўзга чиқди. У помешчик унинг катта опасини қаттиқ эксплуатация қилгани, беш шао ерини тортиб олгани сабабли бутун оиласи оч қолгани ҳақида гапирди. Ундан сўнг Кханъ, Кинъ Луан ва бошқа ўнлаб одамлар помешчикнинг айбини очиб ташладилар.

Ден Чионгни фош этганлар билан ёнма-ён ўтирар эди. Бола аввал помешчикни юзига қаттиқ тикилди. Ҳамқишлоқларининг сўзларини эшитгандан кейин у, ўзини тутиб турга олмади. У аламидан чиқиш учун Чионгнинг семиз юзига қараб бир тушурмоқчи бўлган эди, дехқоннинг маслаҳати эсига тушиб жимгина ўтираверди.

Охири Деннинг навбати ҳам келди. У Чионгнинг олдига бориб қўлинни кўтарди-да:

— Раис, Чионгнинг жиноятлари ҳақида гапиришга рухсат беринг,— деди-да, яна давом этди, —Чионг!

— Ҳа... эшитяпман...

— Ҳаммаси эсингдами?— деб сўради бола.— Сен отамни ўлдирдинг. Меҳнатига ҳақ тўламай онами ўлдирдинг. Уни ёввойи ўтларни ейишга мавжбур этдинг, шундан кейин у ўлди. Акамни тиланчилик қилишга мажбур қилдинг, у очликдан бозор дарвозаси олдида ўлди. Мен сенга текинга ишлаб бердим, мени сен беш марта ўласи қилиб калтакладинг...

Ден, Чионгнинг жиноятларини бирма-бир сўзлаб берди. Чионг бўлса бошини қуии солганича жим эшитарди.

— Ёш бўлишимга қарамай сен мени қаттиқ эздинг. Бугун Хо амаки туфайли, партия ва қишлоқ мажлиси туфайли келажакда яна бош кўтартмагин деб сенинг жиноятларингни фош қиляпман!

Ден жойига ўтирар экан, йиғилганлар унга терму-

лишиди, кўпгина оналар кофталарининг бари билан кўз ёшларини артдилар.

Кейин Луан сўзга чиқди.

— Чионг! Сен Денни эзибгина қолмай, еттига бегуноҳ гўдакларни ҳам ўлдирганингни мен яхши биламан. Мен ҳозир ҳаммасини гапириб бераман. Биринчи ўлдирганинг бундан ўн уч йил илгари қўлингда ишлаган қиз эди. Унга сен Хай деб исом қўйиб олган эдинг. У сенга қарам бўлишига қарамай, унга овқат бермас эдинг. Шу сабабли у батат ўғирлаб, уни хомлигин ейишга мажбур бўлган эди. Бунинг учун сен уни ўроқ билан урдинг, у қўтос устидан йиқилиб, тил тортмай ўлди. Сен уни қоровул минораси ичига ташлаб юбординг. Ҳатто кўмадинг ҳам! Булар эсингдами?

Сен бундан ўн йил илгари, Янги йил байрамида мени ароқ ичгани таклиф этдинг-да, ичиб бўлгандан сўнг иккинчи Хайни кўмиб беришни илтимос қилдинг.

Учинчисини сен калтаклаб ўлдирдинг: сим чивиқни қиздириб туриб, унинг танасини куйдирдинг, ундан кейин уни Ван бозорига олиб бориб ташладинг. Ҳозир унинг ўллик ёки тириклиги маълум эмас. Тўртинчиси Бу исомли бола эди. Сен уни ловия бўтқани еб қўйибди деб оғзини ип билан тикиб ташладинг. Эй худойим! Сен бу билан ҳам қаноатланмай, қотиллигингда давом этиб, унинг қўлини бигиз билан тешдинг ва чизимча ўтказиб стол оёғига боғлаб қўйганингда, Лионг хола уйингга туруч қарз сўраб бориб, бу ишни кўриб қолган эди.

Бешинчи бола ҳам эсингдами, унинг оти ҳам Бу эди. Сен уни ўғри деб эгилган бамбуқ шохига боғлаб қўйган эдинг. Ўша куни кечқурун мен ўтиб кетяпсан учига қора бир нарса осилган дараҳт шохи тикланниб бораётган эди. Мен қўрққанимдан орқамга тисландим, лекин инграган товушни эшлиб, у ерга яқин бордим. У сен қийнаган бола Бу экан. Мен бамбуқни пичоқ билан кесиб, йиқилиб тушаётган болани ушлаб қолганим учун мени сўқкан эдинг. Шулар ҳам эсингдами, Чионг?

Луан ғазабига чидай олмай тишини ғижирлатиб помешчикка муштини ўқталиб қўйди. Чионг унга нимадир деб тўнғирлаб қўйди. Кейин бошқа одамлар сўзга чиқиб, қолган икки Бунинг ҳандай қилиб ўлдирилганини гапириб бердилар.

Мажлис залида бирдан қийчув бўлиб кетди. Бир хил одамлар: «Йўқолсин Чионг!» деб бақирап, бошқа-

лар уни шу ёрниг ўзида ўлдириш керак, дер эдилар. Уларни аранг ушлаб қолишиди. Бир хил юраги ачишиб кетганлар йиғлаб, қарғар эди. Ден ҳам Чионгнинг уйида бир Бу ва бир Хай ишлаганини, лекин нимагадир кейинги вақтларда уларни учратмайдиган бўлиб қолганини эслади. Уларни ҳам помешчик ўлдириганилигига энди тушуниб етди. Агар Ден ҳам помешчик қўлида ишлашни давом этдирган бўлганда, у ҳам ўлдирилган бўлар эди. Ўзига ачинганидан ва помешчикка бўлган нафратидан Ден йиғлаб юборди.

Бир-икки кун ўтгандан кейин қишлоқнинг энг катта помешчиги Чионг ҳақида расмий айбнома эълон қилинди. Ҳукмни эшитиш учун Ба Чьеу, Хонг Фаунг ва Тян Хинг каби уч қишлоқдан ўн мингга яқин дехқонлар, ҳунармандлар, савдогарлар, ўқувчилар ва партия ходимлари йиғилишиди. Юзлаб гувоҳлар помешчикнинг жиноятларини гапириб ўтдилар. Кин Луан уни малъун, бола ўлдирувчи қотил деб атади. Ден ҳам бошқалар сингари хўжайнинга қўрқмай қарши сўзлади.

Помешчик Чионгнинг жиноятлари фош этилди. Дехқонлар уни оғир жиноятлари борлиги учун ҳукм чиқаришни алоҳида халқ судига топширдилар.

Мулклар ҳисобга олинганда Ден энг жамбағаллар қаторига, А. группага киритилди. У икки центнер гуруч, тўрт метр газлама ва бир жоди олди. Ўртоқ Куанг, Денин И исмли камбағал уйига жойлаштириди. И исмли дехқоннинг Ден билан тенгдош уч ўғли бор эди. Энди улар тўртови ўйнаб-кулиб ишлаб юрадиган бўлдилар.

Куанг ва бошқа вакиллар қишлоқдан кетаётганларида Ден хафа бўлиб қолди. У кеча кечқурундан бери туз тотгани йўқ эди. Куанг И билан хайрлашгани келганида Ден йиғлаб юборди.

— Мен кетяпман, сен И амаки билан қолгин,— деди Куанг болага.—У сени ўз фарзандидай яхши кўради, чунки у ҳам сенга ўхаш ҳаёт кечирган. И амаки мен йўқ бўлсан ҳам сенга яхши қарайверади, хафа бўлма. Агар мени ёдингда тутмоқчи бўлсанг кунт билан ўқи ва ишла, пионерлар отрядида ўрнак кўрсатгин. Хо амакига арзийдиган ғевара бўлишга ҳаракат қилгин. Катта бўлганингда армияга борасан. Мен қаерда ишламайин,

агар сендан: айтганларингизни қиляпман, деган ҳабар оладиган бўлсам, мени унумтмаганингни биламан.

Ден Куангнинг сўзларичи тинглаб ўтирас экан, кўз ёши тирқираб оқар эди. У бир оғиз ҳам гапира олмади, фақат шаҳардан келган вакил билан хайрлашаркан, унга мўлтиллаб қараб қолди, холос.

Денни пионерлар отрядига қабул қилишди. У бутун топшириқларни катта қизиқиш билан бажарар эди. Аввалига у жуда камгап эди, кейинроқ эса аралашиб-қуралашиб кетадиган бўлиб қолди... Ҳар куни қўтосларни даладан олиб келгандан сўнг ўқишига, кечқурунлари эса мажлисга йораар эди. Денни пионерлар группасига бошлиқ қилиб сайлашди, у яхши ўқиб, яхши ишлагани учун ҳаммага ўрнак бўлди.

У ўртоқларига:

— Мен ҳозир баҳтлиман. Ишонаманки, яқинда катта бўлиб, босқинчиларни ўлдириш учун армияга бораман, мен Куангнинг сўзларини доим ёдда тутаман,— деяр эди.

Пионерларнинг умумий мажлисида вожатий Денни муваффақиятлари учун мақтаб, унинг шарафига қўшиқ айтишни буюрди.

Бир пионер қўшиқ бошлади:

Куйлаймиз
Партияга минг раҳмат...

Унга бутун отряд жўр бўлди.

то холи

ЭР-ХОТИН А ФУЛАР

Кимки қишлоқ оқсоқоли Тъон Лаунинг уйи олдидан ўтса ёки уникига бирон бир сабаб билан кирадиган бўлса, эшик олдида доим бир хотиннинг ўтирганини кўрарди. Хотин отхона ёнита уйиб қўйилган тошлар ёнида ўтириб олиб, бошини кўтармай ип йигирап эди. У хоҳ ип йигирсин, хоҳ отларга ўт ўрсин, хоҳ ўтин ёрсин, хоҳ сувга борсин — хуллас нима иш қилмасин, фамгин чеҳраси доим ерга боққан бўларди. «Оқсоқол Тъон Лау халқни талаб, озмунча бойлик ортдирмади. У қишлоқда гиларнинг ҳаммасидан ҳам бой; унинг ери, олтини, афъюни кўп,—деб гапиришарди кишилар ҳайрон бўлиб.— Унинг қизи камбағалчиликни ва қийинчиликни ҳеч қачон кўрган бўлмаса, у нега доим хафа бўлиб юрар экан-а?» Улар кейинчалик билишса, бу аёл Тъон Лаунинг қизи эмас, балки ўғли А Сининг хотини экан.

Ми бундан бир қанча йил илгари Тъон Лауга келин бўлиб тушган эди; қачонлитини ҳатто унинг ўзи ҳам аниқ билмасди. Бу воқианинг қай тарзда рўй берганни ҳақида Хон Гай қишлоғидагилар мана бундай ҳикоя қилишарди.

Бир вақтлар, бундан анча вақт илгари, Митнинг отаси уйланмоқчи бўлади-ю, аммо тўйга пул тополмайди. Шундан сўнг у оқсоқолникига, яъни Тъон Лаунинг отасиникига қарз сўраб боради. Оқсоқол унга катта процент тўлаш шарти билан қарзга озроқ пул беради. Ана шундан бошлаб деҳқон оқсоқолнинг уйига ҳар йили ўз дасидан маккажўхори олиб келиб беришга мажбур бўлади.

Ушандан бери кўп вақт ўтиб кетди, эр хотин қариши, аммо қарзларидан узилиша олмади. Кейин хотини ўлди, лекин ҳамон бўйинда қарз қолаверди.

Ана шундан кейин Тъон Лау Мининг отаси олдига келиб:

— Қарзларингдан қутулиш учун қизингни ўғлимга хотинликка бера қол,— деди.

Чол қизини кўзи қиймас эди, лекин жўхори топиб беришнинг ҳам ўзи бўлмасди. У иккиланиб қолди.

— Мен жўхори экишни биламан. Қарзни узиш учун жўхори экаман. Отажон, мени бойга сотманг,— деб ялинди Ми, жон ҳолатда.

Шундан кейин оқсоқол қуппа-қуруқ қайтиб кетди. Янги йил байрами ҳам етиб келди. Йигит ва қизлар соққа¹ ўйнашар, ўйин тушишар, кейин кечаси билан тўда-тўда бўлиб айланиб юришар эди. Бўйи етган қизлар бор уйларда ота-оналар кучукларнинг вовиллашидан кечалари ухлай олмас эдилар; кун ботгандан тонг отгунча йигитлар уй атрофида ашула айтиб, ўйин тушиб, қамиш сурнайча чалиб айланиб юришарди. Ми уйининг деразаси тагида ҳам йигитлар уймалашгани-уймалашган эди.

Бир куни кечаси Ми тақиллаган товуш эшигади. Ойнани очаётуб, қўли севтилисининг узулига ўхшаш узук таққан икки бармоққа тегади. Шундан кейин Ми ойнани очади. Қўл унга қараб узатилади-да, чиқиш учун унга ёрдам беради. Қиз ташқарига чиқмасданоқ оғзига латта тиқиб, юзини ўрашиб қаёққадир олиб қочишади.

Фақат эртасига у, Тъон Лау уйида эканлигини билади. уни уйга қамаб қўйишиади. Девор орқасидан арвоҳларга² бағишлиланган ибодат ва унга жўр бўлаётган музика овози эшитилади. Уша куннинг ўзидаёқ А Си Мининг отаси олдига келиб, дейди:

— Салом, ота! Мен қизингни ўғирлаб, уйимиэнинг арвоҳига³ топширдим. Буни энди сенга айтяпман.

¹ Миллий ўйин. Узун ёғочга қоғоздан ясалган доирачани бойлаб, унга соққа ташланади. Шу доирачага соққани туширган одам мукофот олади.

² Мео халқларида вафот этган қариндош-уругларни уйининг ҳимоячиси деб ҳисоблаш урф-одати бор. Ҳар бир тантанали маросимда уларнинг хотирасига музика жўрлигига ибодат қилинади.

³ Мео халқининг одатига кўра, қизни ўғирлаган йигит уни уй арвоҳларига топширади; шундан кейин у ўғирлаган йигитнинг хотини бўлади. Сўнг буни қизнинг отасига билдирилади. Бундай тўй арzonга тушади.

Отам тўй учун кумушни сенга аллақачонлароқ бериб қўйган.

Шундай деб у кетади. Чол Тъон Лаунинг, агар Ми ўғлимга тегса бутун қарздан узиласан, деган сўзларини аниқ эслар эди. Қизнинг ота-онаси бойдан пул қарз олган бўлсалар, энди бой қарз бадалига уларнинг қизини олиб кетди. Чолнинг қўлидан нима ҳам келади.

Ми бир қанча ойгача туну кун тинмай йиғлади. Бир куни у йиғлайверганидан кўзлари қип-қизариб уйига қочиб келди. Отасини кўриши билан бошини қуи солиб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Отаси ҳам ўзини тута олмай йиғлаб юборди. Чунки қизининг нима учун келганини тушунди.

— Сен мен билан хайрлашгани келибсан,— деди у,— сўнг ҳаётдан кечмоқчисан. Аммо, қизим, сен ўладиган бўлсанг, улар мени қарзни тўлашга мажбур этадилар. Ўзинг биласанки, менда жўхори йўқ.

Ми ўзини қўли билан бекитиб ҳўнг-ҳўнг йиғлади. У енги ичидағи ўрмондан терган заҳарли ўтларни ерга ташлаб юборди. Унинг ўлишга ҳам ҳаққи йўқ экан: агар ўзини-ўзи ўлдирадиган бўлса, отасига яна ҳам қийин бўлади. Шунинг учун Ми оқсоқол уйига қайтиб келди.

Бир неча йилдан сўнг отаси ўлди. Энди аёл, ўзини-ўзи ўлдириш тўғрисида ўйламай қўйди. У азоб-уқубатларга кўнишиб қолган эди. Ми ҳозир ўзини бир оғилхонадан иккинчи оғилхонага олиб келингган уй ҳайвони деб ҳисоблар эди; у овқат ейишу ишлашдан бўлак нарсани билмасди, шунинг учун бошини қуи солиб, ҳеч нарсани ўйламай юраверарди. Фақат ҳар куни, ҳар ойда, ҳар мавсумда бўлиб турадиган ишнигина ўйларди, холос. Янги йилдан сўнг далага кўкнори тергани борар, йилнинг ўртасида эса зиғир поя ўрар ва ип йигирав, кузда бўлса жўхори йиғишишарди. У доим иш билан банд эди: гоҳ жўхори гўжа пиширар, гоҳ ўтин ёрат, гоҳ зиғир поя ти-тиб, эзғилар эди. Ҳар йили ана шундай ишлар такрорла-наверар эди.

От ҳам, қўтос ҳам дам олади, кечалари уларга дам берилади. Аммо Тъон Лау уйидаги хотин-қизлар кечаю-кундуз ишлашарди.

Ми кундан-кунга камгап бўла борди, у одамлардан ўзини четга торта бошлиди; худди тошбақа косасига беркиниб яшагандай, у ҳам одам ови бўлиб қолди. У ёта-

диган уйда жатвалиги кафтдек келадиган тўртбурчак туйнукча бор эди. У туйнукдан доим ینимадир хира оқариб кўринар эди. Ми ўла-ўлгунимча мана шу қоронги катакда яшасам керак, деб ўйлар эди. Лекин мана, тоғ ён бағридаги жўхори ва шолипоялардан ҳосилни йифиштира бошладилар. Болалар ўйнаб-кулиб қовоқлар теришар, исиниш учун гулханлар ёқишиар эди. Хон Гай халқи эрта кўкламда, ҳосилни йифиб-териб олиши билан, Янги йил байрамини ўтказади. Одамлар шаррос ёмғирлар ёғмасдан ва баҳорги шудгорлаш бошланмасдан туриб шу байрамни ўтказиб олишга ҳаракат қилишарди.

Қизил мео¹ қишлоқларида ола-була кўйлакларни қуритиш учун одатда тошларга ёниб қўядилар, ана шунда қоялар қуёш нурида худди капалак гуллар очилгандек яшнаб кетарди. Кўжнори нақадар чиройли бўлиб очилади, аввал оқ ранг, сўнг қизил-пушти ранг, сўнг қирмизи ранг, охири тўқ бинафша ранг бўлиб гуллайди. Қишлоқ бошланадиган жойда янги йил байрами кунларида ўйинкулги ўтказиладиган майдон бор. Ёш-яланглар ва болалар у жойга соқقا ўйнагани, биз-бизак айлантиргани, қамиш сурнайча, кхен² чалгани ва танца тушгани йилишарди. Ми шуларнинг ҳаммасини эслайди. У юраги тошиб, ташқаридан эшитиладиган қий-чув товушларга қулоқ солар эди, мана болалар кулишяпти. Узоқ-узоқларда, тоғ чўққисининг ортида кимдир қамиш сурнайча чалиб, айланиб келиш учун дўстини чақирмоқда. Ми йигит айтаётган бу қўшиқни билар эди.

Мана, сенинг ўғил-қиэзинг бор,
Далада ишлайсан, сенга хўп осон.
Менинг на ўғлим бор, на қиэм,
Ер ахтариб юрибман сарсон.

Узоқдан ит ҳуригани эшитилади. Оҳ, бу ютинч баҳор кечалари на қадар дилрабо!..

Ниҳоят оқсоқол уйидаги арвоҳларга атаб пиширилган байрам овқатларини еб бўлинди. Барабаннинг овози эшитилиши билан арвоҳни чақирувчи одам бутун гавдасини титратиб сакрай бошлади. Қейин ҳаммалари гу-

¹ Қизил меолар — Шимолий Вьетнам тоғларида яшовчи ҳалқларнинг номи.

² Кхеи — бамбуқдан ясалган музика асбоби.

ручдан қилинган ароқдан ичиш учун ошхонага йўл олдилар.

Байрам кунлари Мига ҳам ароқ ичишга рухсат берар эдилар. Лекин у атрофдаги ўйнаб-кулаётган одамларга бефарқ қараб, ўтган кунлари ҳақида ўйлар эди. Мана, унинг қулогига таниш қуйнинг овози чалинди. Илгари Ми қамиш сурнай чалишни яхши билар эди. У найча қилиб ўралган ҳар қандай баргни ҳам қамиш най чалтандек ўхшатиб чала олар эди. Ми кўп одамларга ёқар эди.

Ароқ ичиш маросими ҳам тугади, бирорвлар келар, бирорвлар кетар, Ми бўлса ҳамон ўйлаб ўтирас эди. У ўз хонасига кирганда вақт алламахал бўлган эди.

А Си, Мига байрамларда ўйнагани ҳеч бир рухсат бермас эди. Унинг ўзини ҳам ҳеч қаёққа боргиси йўқ эди. У доим каравотида туйнукчадан ташқарига тикилиб ўтиргани-ўтирган эди. Лекин бир лаҳзагина илгари вужудини бирдан қандайдир қувонч қамраб олди, худди аввалги кунлари қайтиб келгандек бўлиб кетди. У байрам кунларидагидек хурсанд бўлиб, бир айланиб келгиси келди. Ахир эрга чиққан ҳамма аёллар ҳам байрам кунлари ўйнаб-куладилар-ку! Ми бўлса ҳали ҳам ёш... Нима учун А Си билан Ми бир-бирларини севмасалар-да бирга туришлари керак? Агар унда заҳарли ўтлар бўлганданда ҳозир ўзини ўлдирарди. Нимага у ўтган кунларини эслади: ўтмишни қанчаки кўп эсласанг, шунча кўп кўз ёши тўкасан,— деб ўйларди бечора жувон. Йўл томондан севги қўшиқларининг дилрабо оҳанглари ҳамон эшитилиб турар эди.

Олма отсам ушлай олмадинг,
Сен севмайсан, шунинг учун у тушди ерга...

А Си айланиб келмоқчи бўлди. У янги калта камзулени кийди, бўйнига иккита маржонини тақди, бошини оқ рўмол блан боғлаб олди. А Си баъзан бир неча кунлаб йўқ бўлиб кетар — у, яна бир қанча қизларни ўзига хотинликка олиш учун ўғирлаб келиш пайида юрар эди.

Ми у билан гаплашмас эди, ҳозир ҳам ҳеч нима демади. У озгина оқ ёғдан олди-да, тарелкага солиб, ёқиб қўйди. Уй бир оз ёришди. Унинг хаёлида қўшиқнинг оҳангига ҳамон жараангламоқда эди, унинг бирам ўйнагиси келаётган эдик! У соchlарини тузатди-да, ола-була юбкасини олди. А Си хотинига ўғирилиб қаради. Ми кофтасини олди.

Шунда у:

— Ўйнаб келгани бормоқчимисан? — деб сўради.

Ми индамади. А Си ҳам бошқа ҳеч нарса демади-да, унинг олдига келиб, қўлидан ушлаб олиб, камар билан боғлаб қўйди. Кейин бир сават арқон олиб келиб, хотинини уйнинг ўртасидаги устунга чандиб ташлади. Мининг тўзиб кетган соchlарини устунга тортиб боғлади, шундан кейин у бошини сира қимирлата олмади, А Си хотинини боғлаб бўлгандан сўнг калта камзули устидан ҳаво ранг белбогини боғлали-да, чироғни ўчириб, эшикни тарақлатиб ёпганича чиқиб кетди.

Ми қоронғида ўзини худди боғлаимагандай ҳис этиб индамай туарди. У ҳали ҳам юракни қитиқловчи оҳангларни эшитар эди...

Сен севмайсан, шунинг учун у тушди ерга,
Севгилинг ким, қўлингдаги ким отган олма...

Ми бир силтанган эди, арқон баданига ботиб кетди. У энди қўшиқни эшитмас, фақат қулогига отхонадати отларнинг оёқ тапиллатишигина эшитилар эди. Улар ўтни курсиллатиб чайнашар эди. Ми ҳаётим ўша отларнидан ҳам бадтар деб ўйлади.

Узоқ-узоқлардан итларнинг ҳуригани эшитилар эди. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолганга ўхшайди. Бундай пайтларда одатда йигитлар ўз севгилиларининг деразалари тагида туриб олиб, уларни айланиб келиш учун ўрмонга чорлаётган бўладилар. Мининг юраги ховлиқиб кетди.

Ми кечаси билан боғлоғлиқ турди. Арқоннинг сикишидан, бутун танаси зирқираб оғрирди. У ўтмишини қайғу билан эсларди. Ўйдан ҳали ҳам ароқ ҳиди келар, орасира узоқдан қўшиқ оҳангига эшитилиб қолар эди. Ми гоҳ ўзидан кетар, гоҳ яна ўзига келар эди. Охири тонг ҳам отди, лекин у тонг отганини ҳам сезмай қолди.

Ми хушига келганда катта ёғоч уйда тинчлик ҳукм сурар эди. Ошхонадан ўтиннинг чирсиллаб ёнаётгани эшитилмасди.

Қўшни хоналарда бирор борми, йўқми номаълум эди. Балки ҳамма жувонлар ўйнаб юргандир ёки у сингари боғлаб қўйилганмикин? Ми буни била олмади. Хонг Гайда бой оиласа эрга берилган аёллар бутун умри эрининг оти орқасидан судралиб юриши лозим. Шунда у Тъон Лау хонадонида бўлган бир ҳодисани эслади. Эри хотинини Ми сингари боғлаб қўйиб, уч кундан кейин кирса ўлиб ётган эмиш.

Ми қўрқиб кетиб, ўлик-тириклигини билиш учун қимнингдир. Устунга чаидиб боғлаб ташланган қўллари, боши ва оёқлари зирқираб оғрир, худди бирор танасини бурдалаётгандек эди.

Девор орқасидан қимнингдир гаплашгани эши-тилди, сўнг улар уйга кириб келди. Оқсоқол Тъон Лау отдан сакраб тушиб хизматкорига отни отхонага олиб боришни буюрди. Улар чўчқами ёки қўл-оёғи боғлоғлиқ одамними олиб келганга ўҳшардилар, уни ерга ташлаши, у оғир нафас оларди. А Си уйга кирди, камзулининг елкаси йиртилиб кетган, пешонасига боғланган оқ рўмол қонга беланганди. А Си устунга боғлоғлиқ турган Мига қарамасдан каравотга ётиб олди. Бир оздан сўнг уйга Тъон Лау ҳам кириб келди. Ундан сўнг унинг ёрдамчилари ва қишлоқнинг бошқа амалдорлари кириб келишди. Улар оқсоқолникидаги зиёфат ва наша чекиш пайтларида келишар эди. Улар шу заҳоти Мини қўриб қолиши. Лекин ҳеч ким унинг олдига келмади, ҳамма А Сининг атрофида уймаланиб қолди. Тъон Лаунинг қўлида қамчин бор эди, уни кўрган Ми қарашга қўрқиб, кўзини юмиб олди. У, қайнатаси ташқаридан кимнидир чақирганини эшилди.

Шундан сўнг у кўзини очиб қараган эди—уйга кириб келаётган ёш, аммо оғир ишдан қадди-қомати эгилиб қолган келинни кўрди. У келиб Мини ечиб қўйди. Оёғига боғланган арқон бўшатилиши билан Ми ерга йиқилиб тушди. Шунда хотин унинг қулоғига шивирлаб:

— Бориб эрингга дори барглардан териб келгин,— деди.

Ми оғриғига ҳам қарамай ўрнидан турди. У, аёлниг елкасидан ушлаб аранг чиқиб кетди. Улар иккови бирга ўрмонга дори барглар тергани жўнашди. У аёл Мига А Сининг бошини ёришганини айтиб берди.

Кеча ярим кечада А Си одамлар музика чалиб, ўйин-кулги қилаётган уй томонга борибди. У ерда Хонг Гайдан ва атроф қишлоқлардан йигитлар йиғилиб, кун бўйи биз-бизак ўйнаб қамиш сурнайча чалишаётган экан. Кечқурун озгина ичиб олиб яна ўйин-кулгиларини давом этдиришибди. А Си келган пайтда қариялар уйқуга кетгани учун ўйин-кулги бир оз босилган, аммо уйнинг олдигда ҳали одамлар жуда кўп экан. А Си ғазаби келиб, йўл устида тўхтаб қолибди. У шерикларига уйга кирадиган йўл ёқасида туриб, унинг уйга киришига халақит бераёт-

ган ёшларни оломон қилишни буюрибди. А Сининг шериклари уйга тош ота бошлабди, уй эгаси уларни койиб берибди. Тош яна ёғилаверибди. Шундан кейин чол эшикка чиқишга юраги ботинмай, икки марта осмонга қараб ўқ узибди. Ошиқ-маъшуқларнинг кайфи бузилибди. Аммо қишлоқ йигитлари тарқашни хоҳламабдилар. Йигит-қизлар эртасига соққа ўйинини давом этдириш учун таниш-билишлариникида ётиб қолгани жўнабдилар. Лекин А Сининг шериклари уларни тинч қўймабди. Йигитлар эргалаб йўлга чиқишганда А Сининг йигитлари жанжал чиқариш учун у жойга тўпланиб тураверибди. А Си олдинда бораф, унинг бўйнида катта амалдорларнинг болалари тақиб юрадиган кумуш маржон бор экан. Қишлоқ ёшлари ғазаби тошиб, тўхтаб қолишибди.

— Қечаси байрамимизни бузганлар мана шу́лар,— деб бақирибди кимдир.

— А Фу, уни бир боплаб қўйгин!

Баланд бўйли, бағувват бир йигит олдинга югуриб чиқибди. У биз-бизакни кўтариб туриб, бор кучи билан улоқтирибди. Ёғоч биз-бизак тўппа-тўғри келиб А Сининг бошига тегибди. У қўллари билан юзини бекитиши ҳамоно А Фу унинг олдига югуриб келиб, маржонидан ушлаб олганча дўпослашга тушибди. Муштлашиш бошланиб кетибди. Қий-чувни эшитиб Хонг Гай аҳолиси йиғилибди. Буни кўрган бошқа қишлоқ йигитлари ўрмонга қараб қочишибди, бир қанча одам А Фунинг йўлини тўсиб қолибди. Уни тутиб олиб қўл-оёқларини боғлашибди. Шу пайт Тъон Лау етиб келибди. Қўл-оёғи боғланган А Фуни оқсоқолнинг уйига олиб келиб, ерга ташлашибди.

Ми дори барглари билан қайтиб желганда уйда одамлар яна ҳам жўпайган эди. Ҳовлидаги дафна дарахтига бир қанча бегона отлар боғлаб қўйилган эди. Ми уйга орқа томондаги эшикдан кирди ва уйнинг бир бурчагига тиз чўқтириб қўйилган одамга кўз қирини ташлаб, унинг А Фу эканлигини таниди.

Оқсоқол дарвозаси тагида айиқ терисидан қопланган¹ дўмбира овози эшитилди. Хонг Гай аҳолиси бу товушдан оқсоқол уйида суд бўлаётганини билди. Оқсоқолнинг

¹ Одатда оқсоқол ёки йирик амалдорларнинг дўмбира расига айиқ териси қопланар эди.

югурдаклари, амалдорлар ва от минган бошқа хизматчи-лари қалпоқларини қўлларига олиб, оқсоқолнинг уйидаги бўладиган судда ва нашабангликда қатнашиш учун шошилар эдилар.

А Фу турадиган қишлоқдан ҳам амалдорлар келишиди. А Фу қишлоғидан келган ёшлар унинг ёнида қўл қовуштириб ўтиришар эди.

Унларча амалдорлар ёнбошлаб олиб наша чекишар эди. Улар шу чекишда пешиндан то эртасига эрталабга қадар нашабанглик қилишди. Наша чекишни оқсоқол бошлаб берди; у бир тортишда беш марта тортди, сўнг бошқаларга узатди. Нашани мансабларига қараб, энг йирик амалдордан бошлаб, энг кичигига қадар навбат билан чекишарди. Чекишда фақат хотинлар ва ҳалигача тиз чўкиб турган А Фугина қатнашмас эди.

Чекиш тугагандан сўнг Тъон Лау ўрнидан турди-да, сочини силаб туриб бақирди:

— А Фу, бу ёққа кел!

А Фу тиззалаб уйнинг ўртасига келди. Хонг Гай ёшлари Тъон Лауга таъзим қилиб, сўнг ҳаммалари А Фуга ташландилар. У бўлса тиззасида туриб қимир этмас ва тушаётган муштларга лом-мим демасдан чидаш берар эди.

Ҳар гал чекиш тамом бўлиши билан Тъон Лау ўрнидан туриб, сочини силарди-да, А Фуни чақирар эди. Чиновниклар йигитни ҳар гал уй ўртасига чиқариб дўппослар эдилар. Бирорлар урар, бирорлар унинг тепасига энгашиб олиб сўкар эди. Яна чекиб олиб, яна калтаклашарди. Суд бир сутка давом этди, қанча кўп чекилса шунча қаттиқ калтаклашар ва сўкишар эди.

Ми ҳам туни билан мижжак қоқмади. У аъзойи бадани мўматалоқ бўлиб кетган эрининг яра-чақаларига дори баргларни қўяр эди. У чарчаганидан бошини қўйи солиб мудрай бошлаган эди, А Си унинг юзига қараб бир тепди. Ми ўша заҳоти уйғониб дори баргларни олди-да, унинг орқасини артиб қўйди. Девор орқасидан ҳали ҳам нашани қулдурлатиб тортишлар, шовқинсурон, йифи ва калтаклаш товушлари эшитилиб турар эди.

Эртасига эрталаб суд тамом бўлди. Хизматкорлар эртасига чекиш учун наша тайёрлрагани катта идишда сув олиб киришди. Оқсоқол Тъон Лау қутиласини очиб,

ундан юзтача тангани олди-да, қутичанинг устига тўп-тўп қилиб қўйди.

— А Фу, сен бир одамни калтаклаганинг учун жабрийдага йигирма танга, оқсоқолнинг ёрдамчисига беш танга, ҳар бир амалдорга икки тангадан, судга одамларни тўплаган ҳар бир хабарчига эллик су беришинг керак. Шу билан бирга кечадан бери чекилган нашага, суддан сўнгги зиёфатга сўйиладиган чўчқага ҳақ тўлашинг керак,— оқсоқол бир оз жим бўлиб қолди.— А Фу, сен амалдорнинг ўғлини қалтакладинг! Бунинг учун сени ўлдириш керак эди. Лекин сени тирик қолдиришяпти, шунинг учун булар эвазига ҳақ тўлашинг лозим. Бу жарима, наша, чўчқа харажатларини сенга мен қарз бераман, бунинг эвазига сен менга ишлаб берасан. Қарзни узганингдан сўнг сенга жавоб бераман. Пулинг йўқ бўлганидан кейин, сени ишлашга мажбур этаман,— деб бақирди Тъон Лау ва давом этиб:— Узинг, болаларинг, невараларинг токи қарзни узмагунларингга қадар менга ишлаб беришга мажбурсанлар. А Фу, җани келиб берадиган пулларимни ол-чи!

А Фу шишиб кетган тиззаси билан қутича олдига сургалиб келди-да пулларни санай бошлади. Шу пайт Тъон Лау хушбўй ҳид таратувчи калтакчани ёқиб, арвоҳларга сифина бошлади. Оқсоқол сингинишни тамом қилганда А Фу ҳам пулни санаб бўлиб, қутичанинг устига қайтиб қўйди. Тъон Лау пулларни йиғиб яна қутичага ташлаб қўйди. Зиёфат учун А Фу томонидан сотиб олинган чўчқа эшикда чийиллай бошлади.

А Фу пулни санаб бўлганидан сўнг уни тиззалаб туришга мажбур этишмади ва калтаклашмади; у пичоқ олиб оқсоқланганича хизматкорлар билан бирга чўчқани сўйиш учун ташқарига чиқди. Уйдагилар яна наша чекишга бошладилар.

Шу бугундан бошлаб А Фу Тъон Лау уйида қарзи ҳисобига ишлай бошлади. У ўрмонларни қуидирав, ер ҳайдар, чопиқ қиласар, ёввойи ҳўқизлар, йўлбарслар овлар, сигир, отларни боқар; шунга қарамай йил бўйи очиқ далада яшар эди. А Фунинг айни кучга тўлган пайти эди. У ҳар қандай ишни ҳам бажара оларди. Аммо йигит бечоранинг қишлоғига бориб келишга ҳам вақти бўлмасди. Очигини айтганда, қишлоққа боришининг зарурати ҳам йўқ эди. У, бу қишлоқда туғилган эмас эди. Унинг ота-оналари Хан Владан келишган эди. Қачонлардир

Ҳан Блада чечак касали билан жуда кўп болалар ва катталар ўлиб кетган эдилар. А Фунинг ҳам акалари ва ота-онаси ўлиб кетиб, битта ўзи қолган эди.

Ана шундан кейин бир ҳамқишлоғи уни бу ерга олиб келиб тхай халқига сотиб юборган эди.

Уша пайтда А Фу ўн ёшда эди, лекин жуда ботир ва қайсар эди. У водийда яшагиси келмай тоққа қочиб кетди ва Хонг Гайга бориб батраклик қила бошлади. Тез орада у катта бўлиб, омоч, сўқа ясашни ўрганиб олди, яхши шудгор қиласидиган, ҳўкизни тўғри ҳайдайдиган бўлди. А Фу жуда ботир, чаққон йигит бўлиб етишди. Югиргандада от ҳам уни қувиб ета олмас эди; қишлоқ җизлари уни жуда яхши кўришарди. Одамлар: «Қизингни берсанг арзийдиган йигит-да, уйингда бундай куёвинг бўлиши ҳўкизинг бўлиши билан баравар — дарров бойиб кетасан», дер эдилар. Бу гаплар фақат оғиздагина гапирилар эди. Қишлоқда ҳукм сурувчи урф-одат туфайли А Фу ҳеч қачон уйланга олмас эди: унда ота-она, ержой, пул йўқ эди. Лекин унда ўйнаб-куладиган қалб бор эди. Унинг бошқа йигитлар сингари янги кийими бўлмаса-да, у қамиш сурнайчасини, биз-бизагини, соққасини олиб ошна-оғайнилари билан бирга ёр истаб бошқа қишлоқларга жўнар эди.

Ана шундай қилиб, у Хонг Гайдаги муштлашишга йўлиқиб қолди.

Уша пайлари ўрмонда очлик ҳукм сурар эди. Йўлбарслар ва айиқлар от, ҳўкизларга ҳужум қилиб, ўлдириб кетар эди. Тъон Лаунинг отхона ва молхоналари от, қўтос, буқалар билан тўла эди. Қўрғонида ҳам бир қанча эчки, чўчқалар бор эди. Буларнинг ҳаммаси далада боқиларди. Аммо ўрмонда очлик ҳукм сурғанлиги сабабли уларни сақлаш жуда хавфли эди. Шунинг учун ҳам А Фу доим даладаги чайлада яшашга мажбур эди, кечасилари бўлса молларни уйга олиб келиш керак эди.

А Фу бир қанча кунгача типратикон тутиш билан овора бўлиб кетиб, буқа ва отларни санаб кўрмади. Ана шу кунларнинг бирида у ўрмонда йўлбарснинг изини кўриб қолди. Шунда А Фу отга миниб, бутун молларни санаш учун бир ерга тўплади. Санаб кўрса, битта буқа кам келди. Шундан кейин у ўрмонга йўлбарснинг изидан отда

қидириб кетди ва арчанинг тагида ётган буқани кўриб қолди. Унинг боши ва олдинги икки оёғи йўқ эди. А Фу сочилиб ётган гўштларни йиғиб олиб, қолган нимтани елкасига қўтариб олди-да: «Бу йўлбарс, чамаси, каттага ўхшайди, милтиқ олиб келиб, отаман» деб ўйлади.

Хўқизининг қолган нимтасини уйнинг эшиги тагига ташлади. А Фуни кўрган Тъон Лау ҳовлига чиқди.

— Нечтасини йўқотдинг? — деб сўради у.

А Фу хотиржам жавоб берди:

— Биттасини. Мен милтиққа келдим, бир катта йўлбарсни отиб келаман.

Тъон Лау дўқ билан қўлини пахса қилди:

— Ҳа, ўғри, буқамни йўқотибсан-да! Қани, уйга кир! А Си, сен бориб йўлбарсни отиб кел.

Кейин А Фуга ўғирилиб:

— Бор, қозиқ билан бир ўрам арқон келтир. Мен сени бойлаб қўяман, овчилар йўлбарсни отиб келмагунларича қўйиб юбормайман. Отиша олмаса то ўлгунингча шу ерда тура берасан,— деди.

— Рухсат беринг, йўлбарсни мен ўлдириб келай, шу билан гуноҳимни оқлайман. Йўлбарс буқадан қиммат туради,— деди А Фу.

— Қозиқ билан арқонни олиб кел деяпман, сенга! — деб бақирди жони ҳиқилдоғига келган оқсоқол.

А Фу бошқа ҳеч нарса демай ошхонага арқонга кетди. Унинг олдидағи устун ёнига ўз қўли билан қозиқ қоқди. Шундан кейин оқсоқол А Фуни қозиқ ёнига турғизиб, устунни қучоқлашга мажбур қилди. Оқсоқолнинг ўғиллари йигитни устунга чандиб ташладилар. Хотинлар унинг олдидан ерга қараб ўтиб кетардилар. Ҳеч ким унинг гуноҳини кечиришни сўрай олмас, ҳатто унга қарай ҳам олмас эди. Йигит кечаси тиши билан арқоннинг учини кемириб бир қўлини бўшатди. Аммо эртасига Тъон Лау бўйнига сиртмоғ солиб қўйди. Шундан сўнг А Фу бошини ёнига қайира олмайдиган, пастга эга олмайдиган бўлиб қолди.

Ов бир қанча кун давом этди, аммо йўлбарсни ҳеч ким ота олмади. А Фу ҳам бир қанча кун овқатсиз, сувсиз бойлоглиқча тураверди. Унинг шундайгина ёнида, ошхонада олов ёнар, жўхори пишар эди. Одамлар кунига у ерга икки марта эрталаб ва пешинда овқатлангани киришар эди. А Фу бўлса қўзини юмганича қимир этмай турар эди.

Баланд ва ғамгии тоғ орасига жойлашган бу қишилоқдаги қиши туцларида ошхонадаги олов бўлмаганида Ми қайгу билан ўлиб кетган бўлар эди. У кечалари бир қанча марта туриб ўчоқдаги оловда бели ва қўлларини иситиб олиш учун олов титкилар эди. Кўпинча, хўрозлар қичқиргандан сўнг, аёллар ўчоқдаги оловни ёндириб юбориш учун уйқудан турганларида Ми ошхонадаги ёнаётган ўчоқ ёнида исиниб ўтирган бўларди.

Ҳар куни кечаси ошхонада тиқирлаган овоз эшитилганда А Фу кўзини очиб қарап, алнга кўтарилганда эса Мининг кўзлари А Фунинг кўзлари билан учрашар эди. Шунда Ми унинг тирик эканлигини билар эди. Ана шу тарзда бир қанча кечалар ўтиб кетди, йигит ҳамон тирик эди. Ми бўлса бемалол олов пулфлаб, қўлини иситиб ўтираверар эди. Агар А Фу ўлганда ҳам, унинг учун барабири эди. У фақат олов билан тирик эди. Бир хил пайлари А Си Мини урар ва Ми ўчоқдаги ўт устига йиқилиб тушарди, лекин барибири у эртасига яна исингани бораверар эди.

Ярим кеча. Уйдагилар тинчгина ухлашарди. Ми уйқудан туриб олов ёққани борди, олов алнгалиниб ёна бошлиди, шуъласи А Фунинг юзини ёритди ва юзидан оқиб тушаётган кўз ёши ялтиллаб кетди. Ми А Фунинг кўз ёшига қараб туриб бундан бир йил илгари А Си уни ҳам устунга боғлаб қўйганини эслади. Ўшанда у жуда кўп йиғлаган эди. Кўз ёшлари лабидан, бўйинидан дув-дув оқар, лекин арта олмасди. Эҳ, худо! Мана А Фуни ҳам у каби ўладиган ҳолатда боғлаб қўйибдилар! Бу уйда аввал ҳам бир хотин устунга боғлаб ўлдирилган эди! «Уларнинг қаҳри қанчалик қаттиғ-а,— деб ўлади Ми.— Эртага кечаси бу одам ҳам очликдан, оғриқдан, совуқдан ўлиб қолади. У албатта ўлади. Майли, мени ўғирлаб келиб, эрга беришди ва мен ўлимимга ўзим рози эдим. Ахир бу одам нима учун ўлиши керак?» деб ўйлаб у ҳаяжонлар, хаёлига турли чалкаш фикрлар келиб кетар эди.

Ўчоқдаги кўмир сасиб ётарди, Ми эса хаёлга ботиб ўтирас, уни олдириб юбориш эсига келмасди; у ўзи ҳақида ўйлар эди. Агар А Фу қочадиган бўлса, ота-бала Тъон Лаулар арқон ечиб юборилганлигини ундан кўрадилар. Шундан кейин ўзини боғлаб ташлайдилар. Лекин у нима учундир қўрқмас эди.

Ўй қоп-қоронги бўлганда Ми секин-аста ташқарига чиқди. А Фу кимдир олдига келганини сезди. Хотин

шоли ўрадиган кичкина ўроқча билан арқонни қирқа бошлади. Йигит оғир-оғир нафас олар, бу нарса туши эканини ҳам, ўнги эканини ҳам билмас эди. Ўраб ташланган арқоннинг ҳаммаси бирин-кетин ерга тушди. Ми қўрқиб, юраги ўйнаб кетганидан: «Тез қочиб кет...» деб шивирлар эди. Йигит бўлса худди ўқ теккандай бирдан турган жойидан ағдарилиб тушди, лекин ўлим хавфидан қўрқанидан ўридан туриб, югуриб кетди.

Ми қоронгида бир оз жим туриб қолди.

Сўнгра у ҳам югуриб кетди. Ҳамма ёқ қоп-қоронги зулмат эди. Ми югура-югура тоғ ёнбағрида А Фуга етиб олди. Совуқ шамол аралаш унинг:

— А Фу, мени ҳам олиб кет! — деган овози эшитилди.

А Фу жавоб бермасдоноқ у яна сўзида давом этди:

— Мени бу ерда ўлдириб қўйишади.

А Фу эридан кечиб унинг ҳаётини сақлаб қолган аёлнинг қўрқиши ва изтиробини ҳис этиб:

— Юр мен билан, — деди.

Улар индашмай тоғдан ошиб тушишди.

Бир ой тоғ оралиқларида дайдиб юришди. Чўққилардан чўққиларга ўтишди. Пастликда, тоғ ёнбағриларида тартибсиз қурилган уйларни, ҳайдалган шудгорларни, кумушдек чашмаларни кўришди. Аммо у жойлар олис, этиб бориш учун кўп жунлар юриш керак эди.

Улар тхай халқига қарашли Мионг Куай ерларини кесиб ўтишди. Нам Кат, Тъон Тъиадан Лун, Тъун Фун довонини ошиб, Да дарёсига этиб бордилар. Бу дарё Фу Иен ва Май Сон уездлари чегарасидан оқиб ўтар эди. Бу ерда вьетнам Халқ армияси томонидан озод этилган районлар тхай, ман ва мео халқларининг партизанлари жойлашган районлар билан қўшилиб кетган эди. Улар бир ойдан кўпроқ вақт ўрмон мевалари, турли ўсимликлар илдизи, қўзиқоринлар билан кун кўрдилар. А Фу билан Ми юра-юра охири ёмғиргарчилик даври тамом бўлиш олдида қизил мео халқининг Фиен Са қишлоқчасига этиб бордилар. Улар жуда узоқлашиб кетдилар, оқсоқол энди уларни қидириб топа олмас эди.

Фиен Са қишлоғида бу ёшларни ҳеч ким танимас эди. Қишлоқ одамлари А Фунинг оқсоқол Тъон Лауга қарз бадалига ишлашини, Мининг эса оқсоқол уйига қарз ба-

далига узатилганини билишмасди. Ҳамма уларни эрхотин бўлса керак, улар Лун Тъун Фун довони орқасида яшовчи бир катта оиласдан бўлсалар керак, у оиласга кўп одам қарам бўлиб, ерлари камлигидан бу эрхотин бошқа жойларга иш қидириб кетишга қарор қилишган бўлсалар керак, деб ўйларди. А Фу билан Ми ҳам бирбирларини эрхотин деб ҳисоблашарди. Ҳақиқатан ҳам улар тоғлар ошибб, ўрмонлардан ўтиб келгунларича бирбирларига жуда яқин бўлиб қолишиган эди. Ми ҳам эрдеган сўзнинг маъносини энди тушунган эди. Лекин ҳар замонда, Тъон Лау уйининг арвоҳлари менинг А Сига хиёнат қилаётганимни билиб қолиб, жазоласа-я, деб бирдан қўрқиб кетар эди. Тез кун ичидаги Ми арвоҳлардан бутунлай қўрқмай қўйди. Шу тариқа, Фиен Са қишлоғида уларни ҳамма эрхотин А Фулар деб атайдиган бўлди.

А Фу бошқа ўйлардан узоқроқ жойга, ўт билан қопланган тепаликка чайла қуриб олди. Ҳаво очиқ кунлари у ердан атрофдаги ёнма-ён уланиб кетган Бан Пе ерлари худди елпигичга ўхшаб қўринар эди. Бир жуни эрхотин А Фулар Бан Педа қандайдир бир қизил доғни қўриб қолдилар. А Фу унинг нима эканлигини билмади. У қишлоққа бориб келгандан сўнг хотинига деди:

— Французлар Бан Педа пост қуришяпти, улар ҳу ўша қизил бўлиб қўринаётган ерда уй қуришибди.

А Фу французларни фил, матолар, иплар ва ниналар сотиш учун Вандан келган хитойлиларга ўхшаш бўлсалар керак деб ўйлар (буни ҳам бирорлардан эшитган, ўзи эса бирон марта ҳам Ванда бўлмаган эди) ва ҳеч нарса тўғрисида ташвишланмас эди.

А Фу кўп ишларни бошлаб юборган эди. Улар қишлоққа келишганда деҳқонлар А Фуга қарашишиб, ерни ишлаш учун кетмон, омочларини бериб турдилар. Икки ёш ўйлари атрофидаги ерларни ўтдан тозалаб, ҳайдашди. Уларда ҳўқиз бўлмаганлиги учун бутун ишларни ўзлари қилдилар. Лекин кейинги йили ҳосилни йигиштириб олингандан кейин уларнинг уйида анча-мунча жўхори ва молхоналарида бўлса иккита кичикроқ чўчқа пайдо бўлди. Эрхотин кийим-кечак қилиб олиш учун зифир ҳам экдилар. Ми уйда мато тўқир эди. У аввалгидек бошини қўйи солиб ўтирасди. Мокининг ҳаракатини кузатар экан, ипни чаққон-чаққон йигирар эди.

А Фу ва Милар ёғочдан уй қуришмоқчи бўлишди. Тоғ

тепасида бамбуқдан қилинган уйлар август ойи бўронла-
рига бардош беролмас эди, ёғочдан қилинган уйларгина
бузилмай туар эди. Шунинг учун ҳам А Фу ҳар гал ўр-
монга ўтинга борганида дараҳт кесиб тахта, тўсун, ус-
туналар ясад келарди. Ҳозир уларнинг бир қанча тахтаси
бор эди. Улар уч йил ичида яхши уй қуриб олишлари
мумкин! Эр-хотин яхши уй, унда бола-чақа, невара-чева-
ралар билан яшаш ҳақида ўйлашарди. Уй ёнида от бой-
лаш учун отхона бўлиши керак эди ва икки қатор кетган
дафна дараҳти экилиши керак эди. Кўча эшигининг ол-
дидаги тош-пошларни тозалаб, боғ қилмоқчи, шоҳшаб-
балар билан унинг атрофини айлантириб ўрашмоқчи
бўлишди. Шундай бўлганда ҳар йили пишиқчилик вақ-
тида уларнинг ўзларидан мевалар, сабзавотлар чиқар
эди. Уй атрофидаги тошларда жуда кўплаб кирлар қу-
рийди. Ҳосилни йигиф-териб олгандан кейин Янги йил
келади ва улар ҳам, бошқа кўплаб оиласлар сингари кат-
та чўчқа сўйиб оладилар ва гўшт еб, вино ичиб гашт су-
радилар. Ёғи бўлса чироққа ёқиш учун бир йилга етади.
Эр-хотин кўпинча ана шулар ҳақида ўйлашар эди.

Бир куни А Фу пешинда даладан қайтиб келса, уйда
бир неча тхай ва француз солдатлари ўтирибди. Иккала
чўчқаси эшик олдида бойлаб қўйилибди.

А Фу ҳеч нарсага тушуна олмай югуриб келиб:

— Чўчқамни олиб кетмоқчи бўляпсизларми? — деб
сўради.

Баодаевчи солдатлардан бир қанчаси жавоб ўрнига
унга хўмрайиб қараб қўйдилар.

А Фу яна қайта сўради:

— Менинг чўчқаларимни олишга оқсоқол рухсат бер-
дими?

Солдат французларга ишора қилди, А Фу шундагина
уларни кўрди. У кўрқиб кетиб далага қараб Ҷоча бошла-
ди, лекин чўчқалари эсига тушиб, тўхтаб қолди. А Фу
улар Вандан келган хитой савдогарлари бўлсалар керак,
деб ўйлаб:

— Сизлар чўчқамни сотиб олмоқчисизларми? — деб
сўради.

— Ҳа, жаноби олийлари чўчқангни сотиб олдилар. Қа-
ни, чўчқани бизнинг орқамиздан етаклаб юр-чи,— деб
қўйди бир солдат.

Улар А Фуни чўчқаларни етаклаб орқадан боришга
мажбур қилдилар. Ў кўрқиб кетганидан на овқат сийш,

на хотинини чақириш эсига тушмади. Учта солдат билан чўқаларни постга олиб кетди.

Шу кетганича орадан беш кун ўтди, ўн кўн, ўн икки кун, икки ҳафта ўғди, аммо ундан доми-дарак бўлмади. Ми далага бориб Бан Пе томонга қараса французлар қўлидаги ер арининг инига ўхшаб қизариб кўринди, кейин кўзи хиралашиб, ёшланниб кетди.

Бир қанча кундан сўнг А Фу юрак ўйноғи билан қайтиб келди. У ҳали ҳам ўша эски камзулида эди. Лекин унинг елкаларига тушиб турувчи узун сочи нима сабаблидир қирқиб ташланган эди.

А Фу қаҳру ғазаб билан ҳикоя қила бошлади:

— Э ўша французларнинг падарига лаънат! Мен чўқани олиб борсан, улар менинг қўёл оёғимни боғлаб, икки кун қамаб қўйишиди. Улар: сенинг уйингга сиёсий ходимлар келиб турармиш, дейишиди. Мен уларга, ҳеч қандай сиёсий ходим-подимни билмайман ва ҳеч ким уйимда бўлган эмас, дедим. Мен французларни бу ерга келгач, биринчи кўришим, улар менинг чўқаларимни олиб кетишиди. Кейин мени роса дўппослашди. Сочими қирқиб ташлашди. Тош ташишга, ҳожатхона тозалашга мажбур этишиди. Улар мени қанча урмасин, мен барибир улардан қўрқмайман, буюрган ишларини қилмайман. Жин урсин ўша французларни! Мен уйим, хотиним ҳақида ўйладим. Қочиб қутулдим. Лекин икки чўқамдан ажрадим!

Ўшандан бери ҳаво очиқ бўлиб, водийдаги арининг инига ўхшаш французлар истеҳкоми равшан кўринган пайтларда А Фу қайта-қайта бу нарсанни гапириб берар, французларни тинмай сўкар, камзулини очиб, яранинг ўринларини кўрсатарди. Энди А Фу истеҳкомга қараб, ғазаби қайнаб кетар эди. Лекин тер тўкиб, меҳнат сарфлаган экинларини ташлаб кетишга кўзи қиймасди, шу билан бирга бу ерда қолиш ҳам жуда хавфли эди.

Бир куни эр-хотин ер чопишаётган эди, бирдан уй томондан кимнингдир қамиш сурнайда:

...Ер бору, экинни йўқ,
Уй бору, одами иўқ...

деб қўшиқ айтаётганини эшитиб қолишиди.

Уларнинг уйига бир бегона одам кириб келди.

Сочлари ўсиқ, қора кийим кийгани нотаниш киши меотилини билар эди. Уйда ҳеч ким йўқлигини кўриб, белбогидан қамиш сурнайчасини олиб чала бошлади.

А Фу келган одамнинг мео аҳолисидан эканини билди.
«Тоғ ортидан тузга нарса алишгани келган одам бўлса
керак» деб ўйлади А Фу. Аммо одатга биноан у келган
нотаниш одамга аввал:

— Хойнахой овқатланмагандирсан? Юр, биз билан
овқатлан, — деди.

Улар уйга кириб, Ми ҳозиргина даладан олиб келган
янги карам билан жўхори уни ва гўштдан тайёрлаган
овқатдан еб ўтириб, суҳбатлашиши.

— Сен қаёқдан бўласан? — деб сўради А Фу.

— У томондан.

— Қайси томондан?

— Озод бўлган райондан.

А Фу қошиқдаги гўштини оғзига ҳам солмай қўлида
ушлаганича ўрнидан туриб хотинини чақирди. Кейин но-
таниш одамдан:

— Сен сиёсий ходиммисан? — деб сўради.

— Ҳа, мен Ҳалқ ҳукумати ходимиман. Мен сени фран-
цузлар турмасида бўлган деб эшиздим ва сен билан бир
суҳбатлашгани келдим.

А Фунинг ранги оқариб кетди. Ми ҳовлида овқатлан-
ётган эди, шу пайт у эшик олдида пайдо бўлди. Эри унга
шоша-пиша:

— Бу сиёсий ходим экан, — деди ва бирдан бақи-
риб: — Э шайтон! — деб юборди.

Нотаниш одам қўлидаги товоқни ушлаганча унга ин-
дамай тикилиб турарди.

— Мен сени ёмон кўраман, — деди А Фу жаҳл би-
лан.

У одам кулиб қўйди.

— Нима учун А Фу сиёсий ходимни ёмон кўради?

— Нима учунми? Мен умримда сиёсий ходимни кўр-
маган бўлсам ҳам, французлар: сен уйингда үлардан бит-
тасини бекитиб юрибсан, деб роса дўппослашди, сочимни
қирқиб ташлашди.

Меҳмон А Фуга қараб деди:

— Французларга сенинг чўқсанг керак бўлган, шу-
нинг учун сени ана шундай деб алдашган. Мен ҳам сенга
ўхшаш оддий ҳалқданман, Вьетнамда яшовчи бутун ҳалқ
қандай бўлса, мен ҳам шундайман, А Фу, улар нимани
ўйласа, мен ҳам шуни ўйлайман, қайси дарёдан сув ичса,
мен ҳам ўшандан ичаман. — Шундан кейин у қўлини
йигитнинг елкасига қўйиб гапира бошлади.

— Сен билан менинг қўл-оёғимиз ҳам, тилемиз ҳам бир. Биз, А Фу, ака-укамиз. Французлар чўчқангни тортиб олиш учун сени алдашган.

А Фу нотаниш одамнинг тўғри гапираётганлигини тушунди.

У секин-аста ҳамма нарсага тушуна бошлади. «Ҳақиқатан ҳам у А Фунинг она тилида гапирди, унинг сочи ҳам мео халқиники сингари ўсиқ, у ҳам унинг халқи каби овқатланади, қўллари ҳам уларникига ўхшаш узун; у, уйга қамиш сурнай чалиб кирди, чўчқасини тортиб олмади, уришмади. Албатта у душман эмас-да, французлар мени алдашган». А Фу шундай хаёлларга бориб хотинига қаради ва унга ниманидир шивирлади. Сиёсий ходим унинг нима деганини эшифтади, лекин юзидаги ўзгариш ва ҳаракатлардан эр-хотин унга ишонишганини пайқади.

А Фу овқатини ейишда давом этди. Ми нотаниш одамга диққат билан қараб қўйди. А Фу хотини билан гаплашиб бўлгандан сўнг меҳмон ундан дўстларча сўради:

— Сени турмада неча кун қамаб қўйиши? Қандай қилиб қочдинг?

А Фу кўйлагини ечиб орқасидаги калтакнинг ўринларини кўрсатди. У французларнинг қандай калтаклагани, соchlарини қирққани, турмага ташлагани, ҳожатхона тозалатгани ҳақида гапириб берди... Аммо А Фу хотинини ва уйини унутгани йўқ... У девордан ошиб қочди. А Фу ҳикоясини тамомлар экан, илжайиб қўйди.

— Улар мени, сен уйингда сиёсий ходимни яширгансан, деган баҳона билан калтакладилар. Мана энди сиёсий ходимлар менга ўхшаш одам эканликларини кўриб турибман, нима учун улар сизлардан бунчалик қўрқишидаи.

Меҳмон ҳам илжайиб қўйди.

— Улар биздан жуда ҳам қўрқадилар. Сиёсий ходимни уйида яширганлардан ҳам қўрқадилар.

Учовлари кулиб юбориши. Шу кундан бошлаб, келган ўртоқ уйдагиларга яқин бўлиб қолди.

— Мео халқи ёлғончи ва ўғриларни ёмон кўради, — леб гап бошлади деққон.— У ҳалол одамни яхши кўради. Тўғрими?

Кечга якин хўжайин билан меҳмон чўчқахонани бузиб, тахтасини бир ерга тахлаб қўйиши.

— Нега молхонани бузәтибсан,— деб сўради меҳмон А Фудан.

— Французлар чўчқаларимни олиб кетишиди, энди менда бошқа чўчқа йўқ. Французлар учун чўчқа боқишнинг ҳожати йўқ.

— Уларни бекитиб боқиш мумкин.

— Хўш, қандай қилиб?

— Фу Нъун қишлоғида яшовчиларнинг ҳаммасида иккитадан уйлари бор. Улар чўчқа, жўхори, қовоқ — ҳамма нарсаларини ўрмондаги уйларида сақлайдилар, қишлоқдаги уйлари қоқ ер, қаро шип бўлиб тураверади. Французлар қидирган билан ҳеч нарса топа олмайдилар. Одамлар жўхори, батат, сабзавот экинларини чопиқ қиласидар, аммо французлар уларни қидириб топа олмайдилар.

— Биз ҳам худди шундай қилсак, бу ерда бемалол яшаб қоламиз, — деб аҳд қилди А Фу.

Эртасига А Фу билан меҳмон ўрмонга тахталарни, жўхори ва бататлар солинган саватларни, сув солиб қўйиш учун бочкаларни ташидилар.

Улар уч кун ичида уй ва чўчқахона, овқат пишириш учун уйга печка қурдилар. Дехқон жуда курсанд эди. Шудгорда турганича Бан Пе қишлоғини қўли билан кўрсатиб:

— Агар французлар бу ерга келадиган бўлса, биз ўрмонга кетиб қоламиз, у ерда уйимиз бор. Энди биз ёввойи ҳайвонларга ўхшаб очиқ жойларда ухламаймиз. Қўшниларга ҳам айтиш керак, улар ҳам ўрмонга уй қуриб олсинилар.

— Буни кўп кишилар билишади, — деди секин сиёсий ходим.

— Уларга ҳам сен айтдингми?

Шундан кейин иккалови ўрмондаги уйларига жўналилар.

Сиёсий ходим А Фуга ўзи ҳақида гапириб берди.

— Мен Қизил дарёning қўйилишидан бўламан, у ерларда ҳам аҳвол шундай. Биз томонда ҳам французлар бор эди, улар худди шундай ҳамманинг бор-йўғини шилиб олишди. Лекин бизлар душман билан жанг қилиш учун, одамларни ва моли-мулкларни ҳимоя қилиш учун партизанлар отрядлари туздик. Ҳукуматимиз моли-мулкларни қандай сақлаш ва партизанлар урушини қандай олиб бориш ҳақида ҳаммага ўргатиш учун мени бу ерга юборди.

А Фу ўрнидан туриб, унинг қўлинини маҳкам қисиб қўйди.

— Бизларнинг ҳаётимиз бир-бирига ўхшар экан, энди биз ака-ука бўламиз.

Шундан кейин у, ўзи ҳақида: қандай оиладан туғилгани, оқсоқол Тъон Лаунинг уйига қандай сабаблар билан келиб қолгани ҳақида галириб берди. Хотинининг ҳаёти, тортган азобларини сўзлаб берди. Уни сиёсий ходим жуда қизиқиб тинглади. Улар иккалови ўрмондаги уйда ярим кечагача гаплашиб ётишди.

— А Фу, мен сен билан оға-ини тутинмоқчиман, — деди Қизил дарё қўйилишидан бўлган ўртоқ.

— Сенинг отинг нима, — деб сўради А Фу.

— А Тяу.

— Дарё қўйилишида ҳам бунақа исмлар борми?

— У ерда мени Тяу деб атайдилар.

— Энди биз ака-ука бўлдик, аммо сен тезда кетиб қоласан-да. Менга хат ёзиб қолдир. Ғалаба қилганимиздан кейин мен у ерга бориб, шу қофозни кўрсатиб, сенинг топиб оламан.

А Фу қишлоқдаги уйига бориши билан мео халқининг одатига биноан оға-ини тутиниш кунини байрам қилиши учун бир хўрозни тутиб, уйнинг ўртасига боғлаб қўйди.

Тяу эса яқинда Фиен Садан олиб келган қизил байроқчани деворга осиб қўйди. Байроқчанинг ўртасига газетадан қирқиб олинган Хо Ши Миннинг сурати ёпиштириб қўйилган эди. А Фу ёқимли ҳид тарқатувчи таёқчалар ёқди. Тарқалаётган ёқимли ҳид А Тяуга она қишлоғидаги маросимларни эслатди. Лекин ҳозир унга — коммунистга бу каби феодал урф-одатларга қатнашиш бир озят ва кулгили эди.

А Фу ихлос билан бошини қўйи солиб, деди:

— Мен, А Фу, арвоҳларга оғам А Тяуни кўрсатаман. Мен унга бир умрлик ука бўлишга, ҳозир ҳам, ғалабадан кейин ҳам у ҳақда душманга ҳеч нарса айтмасликка қасам ичаман. Агар қасамимга хиёнат қиласам, ўзим ҳам, хотиним ҳам, оиласам ҳам худонинг қаҳрига йўлиқайлик.

А Тяу қўйини олдинга чўзиб, деди:

— Мен, А Тяу, миллий байроғим олдида ва доҳиймиз портрети қаршисида А Фуга бир умрлик ака бўлишга қасам ичаман. Агар бирорта одам А Фуга ҳужум қиласиган бўлса, унга ёрдам беришга, душманни бирга калтаклашга, ҳеч вақт уни ёмон аҳволда қолдирмасликка қасам ичаман. Агар бу қасамимга хиёнат қиласиган бўлсан, майли у ҳолда мени халқ суди жазоласин.

Қасам ичиб бўлингандан сўнг А Фу хўрозни сўйди. Хўрознинг қони ярим товоқ бўлганидан кейин А Фу тиззалаб ўтириб қоннинг қолганини икки хўплаб ичиб юборди, ҳатто мазасини ҳам била олмай қолди. А Тяу қасам ичар экан, икки қишининг бир-бирига содиқлигини ҳис этди, ана шу нарса хўрознинг қонини ичиб юборишга ёрдам берди.

Ошхонадан Ми югуриб келди. Аёллар қасам ичмас эдилар. Лекин эркакларнинг сифинаётганларини эшигандан кейин у тура олмади: ёқимли ҳид тарқатиб милтиллаб турган олов олдидағи байроқ ёнига — Хо Ши Мин портрети ёнига тиззалаб ўтириб, қўли билан юзини беркитиб олиб йиғлар эди. А Фунинг эсига оқсоқол уйидаги ҳаёти тушиб йиғлаб юборди.

Уларнинг ҳаммалари ўз дардлари билан йиғлар эдилар. А Фу бўлса французлар ҳужуми, калтаклашлар, таҳқирланишлар, олдирилган чўчқалар ҳақида ўйлар эди. Ў, тутинган севимли акасининг ҳаёти ҳақида ўйлар эди. А Тяу эса А Фу ва Миларга ўхшаб йиғламаса-да, уларнинг йиғлашини кўриб, кўнгли бузилар эди.

А Тяу ҳам мео ҳалқи билан бирга жуда кўп кулфатли кунларни бошидан кечирди. Мана энди душманларнинг ёвузликларини эслаш уни курашга отлантирди. А Тяу мео ҳалқи кимни севишини ва кимга ишонишини, кимни ўз туғишгани деб ҳисоблашини яхши биларди.

Ҳалқнинг сиёсий ходимларга бўлган муҳаббатида, уларга оғаларча муносабатида энг олижаноб ватанпарварлик ўз ифодасини топган эди.

А Тяу А Фунинг хотинига:

— Биз ғалаба қилганимиздан сўнг эрингиз билан бизнига меҳмон бўлиб борасизлар. Ана ўшанда ҳаммамиз хоҳлаган жойимизга бора оламиз, тинч яшаймиз, ерларимизни бемалол ҳайдай оламиз, савдо-сотиқ қила оламиз. Биз ҳар ерда бахтли бўламиз,— деди.

А Тяунинг гапларини эшитар экан, эр-хотин А Фулар ҳам ўша келадиган бахтли кунлар ҳақида хаёл сурини кетишиди. Улар тонгнинг кўм-кўк ёнбағрига солинган ёғоч уйларни, уйларнииг олдидағи қўтос ва отларни, эшик олдидағи дафна дараҳтларни кўз олдига келтирас эдилар... Улар Фиен Сага келганларида нималар ҳақида ўйлаган бўлсалар шу нарсалар кўз ўнгларида гавдаланар эди.

А Фу қўни-қўшнилари билан маслаҳатлашиб қишлоқда партизанлар группасини ташкил этди. Партизанлар ватанга содиқ бўлиш ва уни озод этиш учун курашишга қасамёд этишди.

Қишлоқ комитети бу воқиа туфайли Фиен Сада тананали йиғилиш ўтказди. Байрамда халқ армиясининг солдатлари ва уезд комитетининг аъзолари қатнашди. Митингдан сўнг ўйин-кулгилар бўлди.

Бир йилдан сўнг Фиен Са ҳам Ту Ле, Фу Нъин ёки Дъен Бъен районлари каби партизанлар районига айланди. Ҳар сафар душман Бан Педаги мустаҳкам истеҳкомидан чўчқаларни, сигирларни олиб кетишга, жўхориларни ўғирлаб кетишга келганда аҳоли ўрмонга қочар эди, қишлоқда фақат партизанлар пистирмасигина қолар эди. Ўрмонда ҳар бир оиланинг яширин ери ва уйи бор эди.

Бу пайтларда партизан отрядларида отлар ва пилта милтиқлар бор эди. Ҳаво очиқ бўлган кунлари очиқ жойларда машқ ўтказишарди, тоғда ўсуви дараҳтларнинг барглари нишон хизматини ўтар эди. Фиен Са партизанлари райони ана шу тартибда яшар эди. Район одамлари ҳар қандай хавфга қарши туришга тайёр эдилар.

Тоғ чўққиларига, мео халқи қишлоқларига яна баҳор келди. Лекин байрам кунлари у ерларда аввалги пайтлардаги каби гонг ва дўмбиранинг овози эшитилмас эди, чунки душманлар эшитиб қолиб, ҳужум қилишлари мумкин эди.

Шундай бўлса-да, Янги йил қувончли келди. Ўт билан қопланган тепаликларга ҳам, ҳосилни олгандан кейин қора тусга кирган ва осмон анча-мунча паст бўлиб кўринган экин майдонларига, тоғ ёнбағриларидағи турли томонларга қараб чўзилиб кетган сон-саноқсиз йўлларга ҳам янги йил келди. Ҳеч ким далага чиқмади. Ҳамма дам олмоқда эди.

Ошхонадан арча ўтинининг ҳиди келади. Қамиш сурнайчанинг овози тоғ бўйлаб янграгмоқда. Ҳамма уйларда байрам шарафига гуруч таомлар қилинган, ҳамма бирбириникига байрам учун чўчқа сўйгани боради. Бу йил ёшлар Янги йил байрамини қишлоқ майдонларида ўтказмадилар — музика ва шовқин-сурон овозларини душманлар эшитиб қолишидан қўрқар эдилар.

Партизанлар районда яшовчи кишилар бир неча йилдан бери янги нарса, ҳеч қандай янги кийим сотиб олганлари йўқ, шундай бўлса ҳам ишқилиб бир амаллаб

ясанаб олдилар, қизил мео қизлари гул солинган юбка-
лар, нимчалар кийган, турли-туман гулдор рўмолнчалар
ўраб олган эдилар. Оқ мео қизлари эса катта-катта сал-
лалар ўраган, чакка соchlарини қирқтирган эдилар. Йи-
гитлар бўлса калта нимча кийиб, кўм-кўк белбоғлар боғ-
лаб, бошларини оқ рўмол билан ўраб олган ҳолда ҳам-
малари тоғларда ҳушчақчақлик билан ўйнаб-кулиб
юардилар. Уйда фақат болалар ва чоллар қолишган
эди.

А Фунинг ўйида ҳам байрам таомлари пиширилди.
Иккала ёш бир-бирига қўшилганидан бери бу уларниңг
биринчи ҳақиқий байрамлари бўлган эди. Ҳаммадан қў-
вончлиси шуки, Мининг ой-куни яқин эди. Эр-хотин баҳт-
ли эдилар.

Эрталаб бир тўп ёшлар уларниңкига меҳмон бўлиб
келдилар. Ҳаммалари ёқимли ҳид чиқаётган ўчоқнинг
атрофига тизилиб ўтиришиб, ароқ ичишди. Ҳар бир ки-
ши бир ҳўпламдан ичиб, идишни ёнидагига узатиш керак
эди. Бир товоқни ичиб бўлиб, идишни яна тўлатиб ке-
лишди, ашула билан унисини ҳам бўшатишди.

...Сен менин севмайсан,
Олма отсам ушлай олмадинг...

Туман тарқалгандан кейин меҳмонлар тоққа жўнашди.
Уйдан ҳамон ашула, музика, кулги садолари эшитилар,
ароқнинг ҳиди димоққа уриб турад эди.

Ми билан А Фу бир оз маст эдилар. А Фу сумкасига
беш-олтита булка нон солиб олди. Чунки улар сайир қи-
либ келишмоқчи эди. Ми қип-қизарган ҳолда ўчоқ олди-
да, бурқсиб ёнаётган кўмир иссиғида қатирмани шошмас-
дан айлантириб пишириб ўтирас эди. У шунда қизлик
даврини ўйлаб кетди. Ўша пайтларда озгина ароқ ичиб
олиб, исиниш учун олов титкилар, тенгдошлари билан
камиш сурнай чалар, ашула айтар, ўйин тушар эди.
Жуда камбағал яшардилар, Мининг эгнида ойисининг
эски кўйлаги бўлса ҳам у ўзини жуда баҳтиёр сезар эди;
аммо бу баҳтиёр қунлар кўпга чўзилмади — бор-йўғи ик-
ки йил давом этди. Ундан сўнг Тъон Лауникига олиб
қочиб кетишди. Ми ўзининг бошидан кечирган қийинчи-
ликларини эсламас ва эслашни хоҳламас эди. Лекин у
кичкина тўртбурчакли туйнукни ва ундан нимадир
оқариб кўриниб туришини ҳеч вақт унута олмасди.

А Фу булка солинган сумкасининг оғзини боғлаб бў-
либ, хотинининг олдига кирди.

- Қани, кетди?
- А Тяуни кутмайсанми?
- У келолмайди.

Шу пайт Ми бир кун кечаси А Си уни устунга боғла бүйганини эслади. Ўша уйда бир хотин бойланганича қолиб кетиб, охир үлиб қолган эди. Шунда у: ўша ўлган илгариги Ми, ҳозирги Ми дунёга янгитдан келган деб хаёлидан ўтказди.

Ми эрининг гапига ҳайрон бўлиб бошини кўтарди, кейин илжайиб қўйди.

— Хар ҳолда, яна А Тяуни пойласакмижин, дейман?

— Йўқ, кетаверамиз.

— Биз қўп йилдан бери соққа ўйнамаймиз, сурнайча чалмаймиз, балки чалиш эсимиздан ҳам чиқиб кетгандир.

— Бунинг учун ҳозир ҳеч ким бирор-бировдан кулмайди.

— Сенинг кумуш маржонинг йўқ, менинг эса ҳатто янги тикилган юбкам ҳам йўқ — ҳаммаси эски, қандай қилиб ўйнагани борамиз?

А Фу хоҳолаб кулиб юборди.

— Биз партизанлар районида яшаяпмиз, шу сабабли Янги йил байрамимиз жуда хушчақчақ бўлади! Қани, кимда янги кийим бор экан? Бу ер Хонг Гай эмас, ҳеч ким хотин ўғирлагани бормайди.

Мининг кўнгли эрталабки тонг каби соф ва қувончли эди. У кўз ёшини артди-да, А Фунинг белидаги сурнайчани олиб, севги куйини чала бошлади. Бу куйни у ўн йилдан бери эсидан чиқармаган эди.

Мен сенга кўигил берсам,
Менга қиё бокмайсан.
Уйимга кетай десам,
Енингдан кетолмайман.
Не қилар ёрим бўлсанг?
Тун-кун дилдорим бўлсанг?

А Фу завқланиб кетиб кхенни қўлига олди-да, ўрнидан туриб, ашула айтиб ўйин туша бошлади.

Бир тўп ёшлар нарироқдан ўтиб кетишаётib:

— А Фу, юр тоққа, бир айланиб келамиз, — деб уни чақиришди.—Ёки хурсандликни ўйингда қилмоқчимисан?

А Фу билан Ми ашула айтиб, ўйин тушиш билан бўлиб, уларни эшитмадилар. Ёшлар кутиб ўтирмай, йўлда давом этишди. Музика секин-аста узоқлаша борди.

А Фу бир қанча вақтдан сўнг кўчага назар ташлаб хотинига:

— Ҳамма кетиб бўлибди-ку. Қани, биз ҳам кетдик,— деди.

Ми сумкасини елкасига ташлаб олди-да, иккаласи тоқ-қа қараб жўнашди: улар жуда ҳам хурсанд эдилар. Ми олдинда сурнайчасини чалиб, А Фу бўлса унинг кетидан ашула айтиб борарди. Унинг ашуласи тоғнинг узоқ-узоқларига тарқалар эди. Ҳаво очиқ, пастда, тоғ этакларида тип-тиниқ шишадай анҳорлар шалдираб оқарди.

Улар тоғ чўққисига чиққандан сўнг ўрмон четидаги бир тошга ўтириб дам олишди. А Фу бирдан ўрнидан туриб қўлини кўзига соявоҳ қилди-да, пастга диққат билан тикилди ва:

— Лаънати французлар! Шундай байрам кунида биз томонга ўғирлиққа келишяпти! Уларнинг кўплигини қара!— деди.

А Фу кхенни тош устига қўйиб, уйига қараб чопди. Отхонадан отини ечиб, Мининг олдига югуриб келди.

— Бориб партизанларга айт, душман ўрмонга киряпти,— деди. Ўзи эса бошқа чўққига томон югарди. У ердан бекитиб қўйган пилта милгиини олди-да, тўғри йўл билан Фиен Са қишлоғига жўнади. Ми бўлса тоққа қараб от чоптириб кетди.

Завқ-шавқ билан ўйнаб-кулаётган ёшлар душманнинг яқинлашиб қолганини билиб, бирпасда тарқалиб кетишиди. Партизанлар ҳам ҳар тарафга югирдилар. Қизлар бўлса ўрмондаги уйларга қараб кетдилар. У ердан янги йил байрами учун тайёрланган таомларни олиб партизанлар йигилган жойга, қишлоққа қараб жўнадилар.

Бу гал босқинчилар ротаси ва баодаевчилар ўз истеҳкомлари жойлашган қишлоқ аҳолисини бошлаб келгай эдилар. Тхай ҳалқининг одамлари Фиен Садан олинган ўлжаларни олиб кетиш учун сават билан арқонлар олиб келишган эди. Партизанлар қишлоққа етиб боришганда французлар ўша ерда эди. Ичкарига кириб тўсатдан хужум қилиш учун қулай жой йўқ, бунинг устига пилта митиқлар узоққа отолмас эди. Шу сабабли қоронғи тушушини кутишга тўғри келди.

Отишув бошланди, босмачиларнинг бошига тошлар ёғилиб кетди. Ярадор бўлганлар, ўлганлар юмалаб ётарди. Ўрмонда бўлган жанглардан бирида душман бир қанча хотинларни асир олди. Улар ичida Ми ҳам бор эди.

Партизанлар районини душмандан тозалаш уч кунга чўзилди.

Партизанлар ўқи душманга тинчлик бермади, лекин душман биринчи куннинг ўзидаёқ бутун уйларни шипшийдан қилиб кетди. Деҳқонларнинг бутун нарсасини, ҳатто бочкадан тортиб хотинларнинг юбкасигача бир жойга олиб бориб тўпладилар, чоллар билан болаларни бўлса бир уйга қамаб қўйдилар.

Иккинчи куни французлар билан баодаевчилар қишлоқдаги уйларга ўт қўйдилар, экинларни отлар билан пайхон қилиб ташладилар, кечки жўхорини қайириб олдилар, молларни ҳайдаб кетдилар. Кейин ўрмонга кириб, бир қанча уйларга ўт қўйдилар.

Учинчи куни босқинчилар даладан йифиб олинган жўхори ва гуручни олиб кетдилар. Ўлжа сифатида ўз истеҳкомларига бир қанча чолларни, хотин ва болаларни ҳайдаб бордилар. Ҳатто ярадор бўлган ва ўлган солдатларни ҳам олиб кетдилар.

Авваллари одамлар билан гавжум бўлган Фиен Са райони энди кули кўкка совурилди. Онда-сонда қолган одамлар ҳам дайдиб, идиш-товоқ, кетмон қидириб юришар эди. Қарғалар гала-гала бўлиб сигир, чўчқаларнинг ҳар ёқда сочилиб ётган ичак-чавоқлари, каллалари устида учиб юришар эди.

Икки ҳафта ўтса ҳам, тоғ тепасида қарғалар ўлжа қидириб ҳамон айланиб юрарди.

Бир куни душманлар босиб олган қишлоқ деҳқонларининг ёрдами билан бир қанча хотинлар асирикдан қочишига муваффақ бўлдилар, булар орасида Ми ҳам бор эди. У ўрмондаги уйига келди. Аммо уй ёниб, ер билан яксон бўлган эди, шундан кейин партизанлар алоқачиси уни бошқа ўрмонга олиб ўтди.

А Фу партизанлар отряди уйида эди. Ми у ерга кириб эрини кўриши билан атрофда турган одамларга эътибор ҳам қилмай унга ўзини ташлаб, йиғлаб юборди.

Кечқурун партизанлар душман лагеридан қочиб келганлар билан сухбатлашиш учун йиғилишди ва уларга бир қиз ҳикоя қилиб берди.

— А Тенинг хотини ва болалари биринчи куни ёқ, истеҳкомга етмасдан қаттиқ азобланиб ўлди. Аёл ҳомиладор бўлиб, орқасига боласини ҳам опичиб олган эди. Қорни оғриб, қияликнинг ярмига боргандга йиқилиб, ўлди. Унинг уч ёшли боласи қолди. Гўдак орқада қолиб кета-

верганидан бир солдат уни етаклаб олди. Солдат йўл-йўлакай болани уриб келар эди, бир тепаликка чиққанда у қўндоқ билан бир туширувди, шу билан бола қайтиб ўридан турмади.

А Те кўзларини катта очганича, рангида қон қочиб ўтирас эди. У на гапиралар, на нафас ола билар, на йифлай олар эди. Атрофдагиларнинг ҳаммаси йиғлашар, душманга лаънатлар ўқишар эди. Мининг қўрқувдан кўзлари чақчайиб кетган эди.

— Сен кечаси билан яёв юриб келиб чарчагансан, бу гапларни эшитмай қўя қол, азизим,—деди унга А Фу.

У хотинини кўтариб, ўрмоннинг энг қуюқ жойига қурилган янги уйга олиб кирди.

Ми қониқиб ухлаб тургандан кейин ўзига келди. Лекин ҳамон чарчагани тарқалган эмасди. Эрталаб ўйғониб ташқарига қараса, А Фу уйнинг деворини тузатаётган эди. Ми уни чақирди.

— Азизим, мен қаердаман?

— Уз уйимиздасан.

Қўлида арқони билан А Фу хотинининг ёнига ўтири. Ми ҳамма ёққа разм солиб, секингина:

— У ерларда мен бирам қўрқдимки, азизим. Бан Педа оқсоқол Тъон Лау бор экан, бекиниб ўтирдим.

А Фу уни жимгина тинглар эди.

— Оқсоқол, Фиен Садан асир олиб келинган мео халқини концлагерга қамайман, деб дўқ қилди. Кейин уларнинг қариндошларини ҳам чақиртираман, деди. Мен ундан жуда қўрқаман.

А Фунинг жаҳли чиқиб кетди.

— У аглаҳ мео халқига иснод келтиради. Ундан қўрқишининг хожати йўқ. Биз оқсоқол Тъон Лаудаң нафратланамиз! Башараси қурсин! Унинг уйида чеккан азобларинг эсингдан чиқдими?

— Мен жуда қўрқиб кетяпман. Улар бизни яна тутиб олишса-я!..

— Сен алаҳлаяпсан. Бу ер Хонг Гай эмас, балки партизанлар райони Фиен Са. Мен партизанлар бўлинмасининг командириман. А Фунинг хотинига ким қўл тегиза олади?

А Фу хотинининг гапини эшитмай тўнғиллаб оқсоқолни сўка бошлади. Охири сўкишдан чарчаб, деди:

— Бизни боғлаб қўйиб, қийнаб, биздаң кулган кунларини эслагин. У босқинчилар қиласидиган ишларни қилди. У мео халқидан эмас — у душман.

А Фунинг тунд чеҳрасида оқсоқол ва унинг одамларига иисбатаси нафрат акс этди, энди Ми бироз тинчланга бошлиди. У тез кунда ўзига келиб, далага ишга чиқиб кетди.

Партизанлар душман ўраб олган қишлоққа кириб, болаларни, чолларни қутқаришга тайёргарлик кўриб, озиқ-овқат йиғаётган эдилар. А Фунинг бўлинимаси беш кундан бери ёввойи хўқиз овлаётган эди.

Ми яна юрак ўйноғим тутиб қолади деб ўрмондаги ўйига бир ўзи қайтишдан қўрқар эди. Шунинг учун ҳам ўзаро ёрдам группаси аъзолари билан бирга далада ишлаб юраверди. Бир куни тўсатдан унинг қорни оғриб қолди. Чўзилиб ётгандан кейин боланинг қимиirlаётганини сезди. Мини болалик бўлиш албатта қувонтиради, аммо боланинг тақдиди қандай бўларкин деган хаёл уни ташвишга соларди. Тирикчилик қандай бўларкин? Бу жойларга биринчи марта экин экиляпти, шу сабабли ерни яхшироқ ишлаш зарур эди, бунинг устига ҳосил қандай бўлиши ҳам маълум эмас. Еки бу ердан кетиш керакмий? Кетиш ҳақидаги хаёл уни қийнар, бу хаёлни унтишга ҳаракат қиласар, лекин яна бу хаёллар айланиб келаверар эди... Тъон Лаунинг ўйида тортган азоблари, А Тенинг хотинининг азоблаб ўлдирилгани Мининг эсига тушиб кетди. У нима қилишини билмас эди.

А Фу бир нимта хўқиз гўшти олиб келиб, ўрин устига қўйди.

— Ҳамма иш кўнгилдагидек, озиқ-овқат тайёр. Энди одамларимизни қутқаришга жўнашимиз мумкин.

Ми эрига ўзининг шубҳа-ташвишлари ҳақида гапирмоқчи эди, уни кўриши билан бу фикридан қайтди: А Фунинг келиши унга ором бағишилади. У қилган овлари, ўзининг режалари ҳақида гапириб берди. Суҳбатнинг охирида Ми ўзининг кетмоқчи бўлганлигини айтди.

А Фунинг қиёфасида ўзгариш пайдо бўлди.

— Биз умримизда биринчи марта ўзимизга ҳақиқий дўст кишиларни топдик. Уларни қандай қилиб ташлаб кетамиз? А Тяу бу йўлни армиямиз жангчилари учун сақлаш керак дегандан кейин биз уни бажаришимиз зарур. Биз уйлар қурамиз, ўрмоннинг узоқ-узоқ жойларига экинлар экамиз, ҳеч қаёққа кетмаймиз.

Эрининг А Тяу ҳақидаги гаплари Мида ишонч ҳосил қилди. У: «Менинг яхши ота-онам бор эди, улар ўлдилар. Энди фақат душманларим: ота-бала Тъон Лаулар, босқинчилар ва баодаевчиларгина қолди. Мен ахир А Тяу

билин танишганимиздан сўнг, дунёда яхши одамлар ҳам борлигига ишондим. У келганидан кейин партизанлар райони вужудга келди, янги йил байрами ташкил этдик, ғалабадан кейин, тинч пайтларда бўлса тоғ ёнбағрилари га уйлар қурамиз; ҳамма нарса Фиен Сада биринчи кун бўлганимизда А Фу билан орзу қилганимиздек бўлади». Унинг юрагида ҳали ҳам қўрқинч бор эди, аммо келажакдаги баҳтли ҳаёт ҳақидаги ўйлар унга ишонч бағишлар эди.

У энди кетиши ҳақида сира гапирмайдиган бўлди; у кўмирда ҳўкиз гўштини кабоб қилиб, жимтина эрининг гапига қулоқ солиб ўғирди.

А Фу бундай дер эди:

— Сен бир ой душманлар қўлида бўлганинг учун юрак олдириб қўйгансан. Лекин ишончинг комил бўлсинки, агар мен уларнинг қўлида бир ой бўлганимда, уларни янада ёмон кўрган бўлар эдим. А Тяу мени душманга нафрат билан қарашга ўргатди. Ми, сен партизанлар мажлислирига боришинг керак, унда сен қўрқмасликка ўрганиб қоласан, душманга нафрат билан қарайдиган бўласан. Эртага албатта партизанлар отрядининг мажлисига борамиз. Мажлисга бутун хотин-қизлар келадилар. Мажлисда душманга қандай ҳужум қилиш ҳамда қариялар ва болаларни қандай қилиб қутқариш кераклигини муҳокама қиласмиш.

Ми табассум билан:

— Энди мен қўрқмайман, эртага мажлисга албатта бораман,— деди.

ЧИОНГ ВАН ТХАНЬ

Б И Р П А К Е Т К О Н Ф Е Т

Л. М. райони бундан бир неча кун илгари вақтинча душман қўлига ўтган эди. Қишлоқ яна нотинч, қўрқинчли бўлиб қолди. Ҳаммасидан ҳам эртанинг ташвишини ўйлаш оғир эди. Одамлар доим хафа бўлиб юришар, ҳатто қўшнига ҳам айтиш мумкин бўлмаган нарсалар ҳақида хаёл суришар эди.

Уруш ҳаракатларини тўхтатиш ҳақидаги битим бир неча марта мактабларда, мажлисларда ўрганиб чиқилди ва назарий жиҳатдан ҳеч қандай тушунмовчиликлар қолмади. Халқ ҳукумати даврида одамлар ўз фикрини очиқ айтишга, мажлисларга йиғилишга ўрганиб қолди, ҳамма эркин, ҳеч ким бир-бирини бирор ишга мажбур қилмасди. Мана ҳозир французлар, баодаевчилар, хоахао отрядлари¹ келадилар... Улар энди нима қиласидилар? Уларга қаршилик кўрсатишнинг иложи борми?

Ҳаяжон ва ташвишга тушган деҳқонлар узоқдан мотор овозини эшишиб қолишиди, французлар десанти тушган қайиқ борган сари яқинлашар эди. У тезда каттакатта бир қанча кемаларни судраган ҳолда етиб келиб, бозорнинг тўғрисида тўхтади. Тортуб келаётган арқон ечиб юборилгандан сўнг қайиқ орқасига айланиб жўнаб кетди. Кутилмаганда қулоқни кар қилувчи шовқин кўтарилиди. Одамлар бу нарса радио карнай эканини билишди. Лекин нима деб вайсаётганини ҳеч ким тушунмас эди.

¹ Х о а-хао — Жанубий Вьетнамдаги қуролли диний-сиёсий секта.

Бир қанча довюраклар қирғоқ томон югурдилар. Уларга бошқалар ҳам эргашди. Уч хил рангга бўялган француз байрофи қадалган қайиқ тантанали равишда бир томонга сузди-да, сўнг орқасига қайтиб келди ва аста-секин сузиди одамлар кўп тўпланган жойдаги қирғоққа яқинлашди. Баодаевчи кичик бир кемадан сакраб тушиб, юзига меҳрибонлик ифодасини берган ҳолда:

— Салом, азиз, ватандошлар! Ҳамманлар соғ-саломатмисиз? Вьетминлар¹ қўрқиб кетдиларми дейман-а, биз келишимиз билан қочиб қолишибди! Одамлар ичида фитна қўзғаш учун бирорта вьетмин қололмас эди ҳам! Мана биз халқقا тинч ҳаёт яратиб бериш учун келдик. Ватандошлар, энди сиз қўрқумасангиз ҳам бўлади! — деди.

Офицер худди бирор уни гапдан тўхтатадигандек нафас олмасдан гапирав эди. Ким ҳам уни тўхтатарди! Ҳеч ким индамади. Деҳқонлар бундан кейин у нима қи-ларкин деб кутиб туришар эди. Офицер яна қайиққа сакраб тушди-да, бирдан қаттиқ товуш билан:

— Хой, итдан тарқаганлар! Нима учун радио карнайни ўчирдиларинг. Ўчирмаларинг, чалаверсин! — деди.

Кимдир қайиқдан туриб жавоб берди:

— Кечирасиз, жаноб офицер, сизга халақит бермайлик, тушунтириш сухбатингизни бемалол ўтказинг деб ўчирган эдик!

— Жуда яхши! Энди ватандошларга кетмасимиздан аввал музика қўйиб беринглар.

Радио карнай яна қулоқни битира бошлади. Офицер қўлида конфет солинган пакет билан қирғоққа ўтди. Деҳқонлар унга индамай тикилиб туришар эди. Баодаевчи пакетдан конфет олди-да, уни яқинда турган болаларнинг энг кичкинасига берди.

— Ма, конфет е! — Кейин бошқа болаларга ҳам бера бошлади. Кичкинтойлар олсакми — олмасакми деган маънода бир-бирларига, сўнг катталарга қараб олишиди. Катталар ҳеч нарса демаганларидан кейин болалар офицерга иккиланиб қараб қўйишли. У бўлса болаларнинг қўлига, чўнгатига, конфет соларди; унинг бу ҳаракати болаларни эсанкиратиб қўйди.

¹ Вьетминлар — реакционерлар Вьет-Мин миллий фронт тарафдорларини шундай деб атардилар.

Бир қанча конфет ерга тушиб кетди, лекин болалар уни олмадилар. Офицер тиржайиб қўйди-да, бирдан ғимма сабаблидир дараҳтнинг устига чиқиб кетди. У шоҳига ўтириб олиб йиғилганларни кўздан кечириб чиқди. Шу пайт катталар бирин-кетин тарқай бошладилар. Офицер деҳқонларга яна бир жарса тўғрисида галирмоқчи эди-ку, аммо одамлар кам бўлғанлиги сабабли бекорга ноғтиқлик қилгиси келмади. Шунинг учун ҳеч кимни тўхтатмади. Майли, одамлар уни, унинг қўл остидаги қайиқни ва пулемётни кўрди-ку, демак унга топиширилган иш муваффақият билан тугади, деса бўлади. Одамлар уй-йиларига тарқаб кетдилар — ҳа майли, тарқашса тарқаша қолсин. Бундан кейин бугунгидан ҳам каттароқ, кўп одам йиғилган «митинг» ўтказиш мумкин.

Офицер дараҳтдан тушди-да, уч-тўртта қолган болалар олдига борди. Улардан бири бошқа болалардан бекитиб конфетни оғзига согланини кўрди-да, ундан сўради:

— Конфет ширин эканми?

Бола хоҳлар-хоҳламас жавоб берди:

— Ширин...

Болаларнинг ҳаммаси баравар унга қарашди. Офицер сўзида давом этди.

— Нима учун бошқалар ейишмаяпти?

Ҳаваси келиб кетган бир-икки бола ҳам конфетни оғзига солиб шима бошлади. Офицер болаларнинг ийманниши аста-секин йўқолиб бораётганини сезиб, болаларга қайиқни кўрсатди:

— Ким мен билан қайиқقا тушиб айланади?

Болалар иккиланиб туришган эди, битта ботири:

— Ростданми? — деб сўради.

— Сени ким алдэр эди? Мен миллий армия офицериман, кўрмаяпсанми?

Охири у икки болани алдаб, қайиқقا тушириб олди.

Қолганлари эса бири унга ишонмаганлигидан, бири ота-опаларидан калтак ейишдан қўрқиб, рози бўлишмади. Офицерга шу икки боланинг ўзи ҳам етарли эди. Қайиқ сузиб кетиши билан у катта боладан:

— Въетминчилар қайси уйда туришини биласанми? — деб сўради.

— Йўқ, билмайман!

Офицер кичкина боладан сўради:

— Қим-қимлар партизан эканлигини биласанми?
— Биламан,—деб жавоб берди кичик бола.—Хай Гун амаки.

Офицер жуда хурсанд бўлиб кетди.

— Хай Гун амакининг милтифи борми, биласанми?
— Бор!

— Унинг уйи қаерда? Қани, кўрсат-чи! Биз у билан анчадан бери ўртоқмиз. Мен товуқ ва француз виносидан оламан-да, уникуга меҳмонга бораман. Озгина-озгина ичишамиз. Конфетинг тамом бўлгани йўқми?

— Унинг уйи хов ана, қуриган дарахтнинг тагида...
Лекин ҳозир у уйида йўқ.

— Қаёққа кетган.

— Шимолга кетган.

Офицернинг жаҳли чиқиб кетганидан болаларни сувга улоқтириб юборай деди-ку, аммо «сиёсатга» хилоф бўлади деб ўйлаб, бу шахсидан қайтди. Қирғоққа қараб ҳайдашга буйруқ берди-да, қирғоққа келиб, уларни тушириб юборди.

Бай Хоай амакининг жаҳли чиқди. У тўнғиллаб: «Ўқидингиз! Ўқидингиз! Мажлисларга қатнадигиз, нима бўлди! Одамга алам қилар экан. Юрагинг ачийди киши». Амаки бу масалага «идеология» нуқтаи назаридан ёндошмоқчи бўлди.

Ҳамма сершоҳ хурмо татига йиғилгандан кейин у:

— Ҳаммамиз ҳам ярашиш нима эканини уч-тўрт мартадан қайтариб ўқидик. Ҳаммамиз ҳам уларнинг бу ерга келиши биринчидан, бизни бўғиш учун бўлса, иккинчидан, алдаб одамларни ўзига оғдириб олиш учунлигини яхши биламиз. Ахир қаранг, бугун эрталаб бўлса болаларимиз француз конфетини ейишди, уларнинг қайғига тушиб сузишди, биз индамадик.

Хай Хон хола шоша-пиша унинг гапини бўлди:

— Менинг болам ҳеч қаёққа боргани йўқ. Улар Хай Танинг ўғли Лион билан Бай холанинг ўғли Тхулар эди. Ушалар боришли!

— Қимнинг боласи эканлигидан қатъий назар, биз уларни юбормаслигимиз керак эди. Уларнинг отоналари у ерда бўлмаганлари билан биз бор эдик! Агар болалар сўзга кирмайдиган бўлса, уларга буни тушунтириш зарур эди.

Ҳамма чолнинг гапларини маъқуллади, Хай Хон хола ҳам жим бўлиб қолди.

Шундан кейин Бай Хоай амаки душманнинг мақсади ҳақида яна бир қанча фикрлар айтди. Халққа тўғридан тўғри зиён келтирмаса-да, душман нимани хоҳласа, шуни қилаверишига йўл қўйиш керак эмас, бундай пайтларда яна ҳам мустаҳкам бирлашиш ва бир-бирилизни тарбиялашимиз керак, деди. Деҳқонлар нотиқни худди бошқа ёқдан келган сиёсий ходимдек диққат билан тинглашди. Кейин Бай амаки бундай деди:

— Лион ва Тхуларнинг душман офицерига айтган гапларини энди қайтариб бўлмайди. Менимча, Хай Тан билан Бай хола уйларига бориб, болаларидан сўрасинлар: улар яна бошқа нарсаларни ҳам айтиб берган бўлмасинлар? Иккинчидан, боласи бор кишилар уларни пишиқлаб қўйисинлар, яна улар ҳам Лион ва Тхуларга ўхшаб бирон бир ёмон иш қилиб қўймасинлар. Учинчидан, ҳаммамиз шуни яхши эсда тутишимиз керакки, душманга ўзимизни кўрсатмайлик!

— Тўғри!— деб ҳамма бараварига қичқирди. Хоай амаки чўчиб тушиб атрофга қаради-да:

— Хой, секинроқ қичқира олмайсизларми? — деди.— Ҳарбий сирни сақламоқ керак! Борди-ю, улар анови дараҳтларнинг орқасида бекиниб олиб, бутун гапларимизни эшитаётган бўлсалар-чи?— У яна давом этди.— Агар биз болаларимизга уларнинг конфетини сийшга ва қайиқларига тушишга руҳсат бермайдиган бўлсак, демак биз катталар ҳам уларга ўннак бўлишимиз керак. Дарё қирғонига бориб, уларни томоша қилишнинг ҳам ҳожати йўқ. Уларга қарамасдан ўз ишимизни қилаверайлик.

— Тўғри! Аммо уларга ғўпара желиб қолсак нима қиласиз?— деб сўради ўтирганлардан бири.

— Бу бошқа масала. Улар бизга гапирса, биз ҳам жавоб қайтаришимиз зарур. Агар биз улардан очиқ-ойдин юз ўгирадиган бўлсак, бу ташвиқтадай бўлиб қолади ва бу тўғри эмас. Лекин биз ёлғондака улар билан дўст бўлиб олиш йўлларини қидиришимиз керак. Мана бу жуда тўғри йўл бўлади.

Бирдан амакига, айтган гаплари у қадар ўринли бўлмагандек туюлди. «Авваллари агитаторлар бошқача гапиришар эди»— деб ўйлади у. Шунинг учун ҳам Бай Хоай яна ўрнидан турди.

— Яна бир нарсани эсдан чиқармаслик зарур,— деди у,— президент Хо Ши Мин аввал французларга хизмат қилған кишиларни ўзимизнинг томонга ўтишга чақирилти, уларни кечирмоқчи. Шунинг учун ҳам биз уларни ҳурмат қилишимиз ва уларга ёрдам беришимиз зарур. Лекин баодаевчи каттаконлар билан бошқача... Кичиклари билан, улар бизларга ўхшаш деҳқонлар бўлгани учун, бошқача муносабатда бўлиш керак... Уларга нима ёмон, нима яхшилигини тушунтириш керак, улар ҳам оқ-қорани ажратиб олсинлар.

— Жуда ҳам тўғри!— деб юборишиди йиғилганлар маъқуллашиб.

Деҳқонлар бошқа-бошқа йўллардан уй-уйларига тарқаб кетишиди. Кўзни чалғитиш учун бирорвлар похол, бирорвлар ўтин-чўп кўтариб олишиб.

Иккита бола дарёда чўмилмоқда эди. Француз қайиги тириллаб келиб бирдан қайрилди-да, болаларнинг эгни осилтган томонга сузиб кетди. Доим шу қайиқда юрувчи ҳарбий комендант нима сабабдандир кейинги кунларда жуда пашахўрда бўлиб қолган эди. Бир гап борлигини сезган болалар қирғоққа сузиб чиқишиди-да, тез-тез кийина бошлашиб. Кўйлак тумаларини таққанлари ҳам йўқ эдики, офицер бирдан иккита пакетда конфет узатиб қолди. Болалар жуда ҳам қўрқиб кетишиди. Тўғрисини айтганда, улар офицердан бунчалик қўрқишишгани йўқ, балки ота-оналарининг юзини шувут қилишдан қўрқишиарди, чунки уларни бутун қишлоқ аҳолиси таңқид қилиши мумкин эди, бундан ташқари, ўртоқлари улардан юз ўгириши мумкин эди. Комендант буларни қўрқитиб юбордим шекилли, деб ўйлаб, ширин гапира бошлади.

— Болалар, сизларни анчадан бери қўрмайман-да!
Мен берганимдан кейин, олаверинглар-да!

Шу сўзларни айтиб туриб, пакетдаги конфетни болаларнинг қўлига қистириб қўйди. Шундан кейин болаларнинг биттаси:

— Биз гуручни тузланган балиқ билан еймиз, французларнинг бунаقا конфетларини ейишга ўрганган эмасмиз. Улар ичимиизда гижжа бўлиб кетади,— деди.

Комендант хохолаб кулиб юборди. У атрофидаги болаларни аввалги пайтлардаги каби қўрқитиб юбормаганлитига жуда хурсанд эди. Бундан ташқари у, бу ёввойиларнинг «маданиятсизлигидан» куларди: Болалар

ўзларини одобсиз қилиб кўрсатмаслик учун конфетни олишга мажбур бўлдилар. Мотор тириллади-да, қайиқ тез сузиб кетди.

Бай Хоай амаки бу воқиани эшигандага роса кулди: «Сийқаси чиқиб кетган эски одатларини ҳеч ташлагилари келмайди!» деб қўйди амаки ва пакетдаги конфетни олиб болаларга улашиб берди.

— Чироғларим, жуда тўғри иш қилгансизлар, душман олдида худди ана шундай қилиш керак эди. Ҳозир душманлар йўқ пайтида конфетни еб олаверинглар. Ош бўлсин. Аммо сиёsatни буза кўрманглар.

«Кино! Кино! кўринглар! Ҳамма! Ҳамма! Америка ботири! От пойгаси, ханжарбозлик! Император Бао Даининг Францияга бориши! Жуда қизиқ! Бепул!» Реперадукторнинг овози бутун қишлоққа эшитилар эди. Лекин шуниси қизиқки, бозорга келганлардан ва баодаевчилар томонидан ушланиб қолганлардан бошқа ҳеч ким «сеансга» келмади. Бу ахволни кўрган офицер қуролли солдатларга уй-уйларига кириб, одамларни куч билан бўлсада йифиб келишини буюрди. «Томошибинлар» конвой билан кинога ҳайдаб келингандари учун жуда хафа эдилар. Лекин ҳамма аста-секин руҳлана бошлади. Кинода Французыча ва америкача нималар деяётганини ҳеч ким тушунмаса-да, ҳар ҳолда кўрса бўлар эди. Экранда америкаликлар, француздар ароқ ичишар, отда пойга қўйишар, бир-бирлари билан астойдил олишар эдилар. Бу ахволни кўрган баъзилар бўлса: «Бу жуда яхши экан, қўяверинг, олишаверсинлар. Демак, улар аҳил эканлар!» дейишарди. Бошқалар бўлса: «Агар у ярашишга қадар бу ерга тўппончаси ва оти билан келгандаги эди, нима қилишни ўзимиз билардик: отнинг оёғи тагига бамбуқ ходани ташлардик, от чавандози билан йиқилиб, бўйинни синдиради, тўппончаси бизга қоларди!»—дейишарди.

Кинонинг бир неча қисми тамом бўлди. Экранда яна худди шунаقا америкача кийим кийган, лекин американликка мутлақо ўхшамайдигаи: танқай бурун, бағбашаси осилган, башараси чўчқанинг тумшуғига ўхшаб кетган одам пайдо бўлди. Бу одамнинг кимлиги ҳаммага маълумлигидан тушунириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Шундай бўлса-да, радиокарнай бақира бошлади: «Жаноби олий давлат бошлигимиз Францияга бориб келганлари шарафига! Ура!» Деҳқонлар ўтиргани жой-

дан миқ этган товуш чиқмади. Фақат баодаевчилар ўтирган қатордан бир-икки кишининг чапак чалгани эши-тилди. Бир қанча одам чиқиб кетди. Улардан сўнг бошқалар ҳам чиқа бошлади. Офицер одамларнинг нима сабабли кетиб қолаётганини тушунди-да, қуролли солдатларга одамларни чиқармаслик ҳақида буйруқ берди.

— Ҳарбий коменданнтнинг кино тамом бўлмагунча ҳеч кимни чиқармаслик ҳақида буйруғи бор.

Шунда бир қанча қариялар:

— Кино яхши экан-у, лекин биз қарияларнинг бошимиз айланиб кетяпти-да. Ёшлар қолишаверсин,— дейишди.

Қариялар чиқиб кетишиди.

Бир қанча аёллар ухлаб қолган болаларини уйғотишиди, болалар уйғониб, финшиб, йиғлай бошлади. Шундан сўнг оналар ҳам, болаларимиз йиғлаб бошқаларга халақит беряпти, деган баҳона билан кетишга рухсат сўрай бошладилар. Солдатлар уларни ҳам қўйиб юборишиди. Баъзи ёшлар ҳам шу пайтдан фойдаланиб, жўнаб қолдилар. Баҳона топа олмаганлар яна кинони кўришга мажбур бўлдилар. Лекин уларнинг қулоқлари репродуктор нималар деяётганини эшитмас, кўзлари экранда нималар бўлаётганини кўрмас эди. Экранда ҳали ҳам хўппа семиз одам қизариб турар эди. Бир қанча одам ортиқ чидай олмай, экранга орқасини ўгириб ўтириб олди. Бошқалар ҳам бир-бировларидан кўриб ўгирилиб олишди. Солдатлар бу ҳаракатларнинг ҳаммасини кўриб турсалар-да, янги буйруқ олишдан бошқа нарса бўлмаслигини билиб, коменданнтга айтмадилар. Коменданнт бир қанча минут кинони маза қилиб тамоша қилгандан сўнг, атрофга ўгирилиб қараган эди, ҳамма дехқонларнинг экранга орқаларини ўгириб ўтирганларини кўриб қолди. У сакраб ўрнидан турди, қоронғида унинг оқ тишлари кўриниб турар эди.

— Ҳурматли ватандошларни экранга қараб ўтиришга таклиф этамиш,. Кинони орқа билан кўрадиларми?

Солдатлардан бири ўзини оқламоқчи бўлиб:

— Кечирасиз, жаноби олийлари, улар бошимиз айланиб кетяпти дейишяпти,— деди.

Коменданнт лабини тишлаб қолди.

— Ярамас, ваҳшийлар!—деди у ва ҳамма экранга қараб ўгириб олсин, деб буйруқ берди.

Шундан кейин экранга таклиф этилганлар бошқа йўл

ўйлаб топдилар: ерга қараб ўтиравердилар, экранга муглақо қарамадилар. Бирорлар ердаги ўтларни санаб ўтиради, бирорлар қаламтарош билан оёғининг тирноғини олар, бир қанча кампирлар бўлса бетел шилиш билан машғул эди. Улар бизни қачон уйга кетишимизга рухсат беришар экан, деб тоқатсизланишарди.

Бир қанча кундан кейин, ҳалқ ҳукумати органи ўз фаолиятини тўхтатганидан сўнг, қишлоқда бандитлар пайдо бўла бошлади. Улар кечасилари пулдор одамларнига ўғирликка тушиб юрдилар. Ўндан сўнг қиммат баҳо буюми бор кишиларнинг уйини босадиган бўлишди, кейин эса дуч келган уйни талайвердилар, улар: агар уй эгаси камбағалроқ бўлса, унда кўп уйни ўғирлаш керак, шунда кўп ўлжа тўпланади, деб ҳисоблардилар.

Баъзи уйларда одамлар бир тийин пуллари қолмаса-да, гуруч ҳам, чўчқа ҳам сотмасдилар, чунки кечқурун сотиб келадиган бўлсанг, кечаси албатта ўғри кела-ди, дердилар.

Ўғрилар кўпинча ярим кечада бирор хонадоннинг эшигини худди зарур иш билан келган кишидек ёки ўзларини таниш одам қилиб кўрсатиб, чақиран әдиларда, эшик очилиши билан ўзларини ичкарига урадилар. Шундан сўнг улар турли хил михни чўнтакларидан олиб, хўжайнини ўзлари белгилаган баҳода кичкинаси-ни минг пиастрдан, узунини—икки минг пиастрдан сотиб олишга мажбур этардилар. Бунда улар хўжайнинда ҳам-маси бўлиб қанча пул борлигига ҳам қарадилар. Хўжайин бор пулини чиқариб беришга мажбур эди. Йўқ дей-диган бўлса, бандитлар уни уйнинг ўртасидаги устунга михлаб ташлар әдилар. Хўжайнин ҳамма пулини бериш-га рози бўлмагунча уни бўшатмас әдилар.

Қуролланган баодаевчи солдатлар ҳар кун эрталаб ўғриларни тутишга жўнарди. Лекин ўғриларнинг ўғирликка кундузи эмас, балки кечаси тушишини ким билмайди, дейсиз. Қишлоқ аҳолиси баодаевчиларнинг эрталаб қоровул ролини ўйнаб, кечасилари ўзлари ўғирликка тушишларини жуда яхши билар эди. Кундуз кунлари улар кимнинг қандай нарсаси борлигини билиш, йўл-ларни ўрганиб қўйиш, уйнинг эшиклари қандай ёпилиб очилишини билиб олиш учун юрар әдилар.

Қишлоқ аҳолисининг қалби ғазабга тўлиб-тошмоқда эди.

Бу вақтларда Ба Кан бутун қишлоқни айланиб юрар,

ҳамма ундан хурсанд эди. Ўтган йили Ба Қан партизанлар взводининг командири эди ва унинг зийраклиги оғайниларини бир қанча марта ўлимдан сақлаб қолган эди. Мана энди яна у бандитларнинг пайини қирқиши ўйлини топишга аҳд қилди. Ба Қан ҳамқишлоқларининг уйини ўғрилардан сақлаб қолиш ўйлини ўйлаб уч кечадан бери ухламасди. Бу гал мана бундай ўйни ўйлаб топди.

Ўша куни бугун қишлоқ аҳолиси кечаси бандитлар албатта Бай Яоникига ёки Миои Тхионникига ёки бўлмаса иккаласиникига келишини билар эди. Бошқача бўлиши мумкин эмас эди. Чунки Бай Яо Раджиядан яқиндагина чўчқасини сотиб қайтиб келган эди. Миои Тхион бўлса яқиндагина гуручининг пулини олган эди! Ҳақиқатан ҳам кечаси соат иккиларда Миои Тхионнинг уйини тақирилатиб:

— Хой, Миои амаки! Хой, Миои амаки! Эшигингизни очинг! — деган овоз эшитилди.

— Ким у?

— Мен! Мен, Бай Нидан келдим. Ўғлингиз Тай оғир касал бўлиб ёгибди. У мендан отамга бориб хабар бергина деб илтимос қилди. У ўлиб қолмасидан сизни бир кўриб қолмоқчи эмиш.

Миои амаки келган одамнинг кимлигини дарров билди. Чунки бир-икки соат илгари ўғлини кўрган ва у соппа-соғ эди. Шунинг учун ҳам у бамайлихотир жавоб берди:

— Тўхтаб тур-чи, мен ҳозир зажигалкамни топиб олай. Эҳ, аттанг, чирокни ўчириб қўйишибди, аксига ўчоқдаги олов ҳам ўчиб қолибди. Ярамас зажигалка-а, қаёқда қолди, ё ер ютдими? Барака топкур, кўп меҳрибон одам экансан, шундай совуқ, қоронғи тунда хабар бергани келибсан-а, раҳмат. Сен бўлмасант мен эрталабгача бехабар ётаверар эдим. Барака топ, яхши одам боласи экансан!

Шу гапларни айтиб Миои амаки атайлаб бекитиб қўйилган сўйил ва каравот тагидаги катта пичноқни топди. Бу пичноқ билан деҳқонлар чўчқаларига бериш учун палма пўстлоғини тўғрар эдилар. Қейин у секингина хотини билан кичкина қизини уйғотди.

— Худди ўликдек қотиб ухлайсанлар-а! Ҳеч нарсадан хабарларинг ўйқ! Тай касал бўлиб қолибди, ана унинг дўстлари келишди.

Миои хола уйқу аралаш ўғлиниңг касаллигига ишо-
най деган ҳам эдики, Миои амаки унинг қўлига пичоқ-
ниң сопини тутқазди. Шундан кейин у гап нимада экан-
нини дарров тушунди ва қизига ҳам шивирлаб
тушунтира бошлади. Миои амаки бўлса нарсаларни бир-
бирига уриб:

— Хой, онаси тушкур, зажигалкани қаерга қўйган
эдинг?— деди.

— Ҳа, ҳалиги, ўчоқ бошида эди шекилли!

— Қайси ўчоқнинг? Ҳеч тополмаяпман-ку— деб ту-
риб, бирдан қўшни эшитсин учун овозининг борича ба-
қирди:— Эй, Ҳау! Ҳау! Зажигалкангни бериб тур! Бизни-
ниңга меҳмон келиб қолди.

Ҳай Ҳау уйдан туриб:

— Зажигалкам бор-у, аммо пилиги тамом бўлиб қо-
лувди-да! — деб жавоб берди.

Ана шу йўсинда бошқа қўшнига ҳам хабар қилинди.

Шундан кейин Миои амаки чап томондаги қўшнидан
сўради:

— Хой, Шау Ҳањь, зажигалкангни бериб тур! Биз-
ниңга меҳмон келиб қолди!

Хабар шу йўсинда қўшнима-қўшни кета берди. Бир
қанча минут ичидан бутун қишлоқ одамлари тайёр бўл-
дилар! Ҳамма ёқда чироқлар ёқилди. Миои амакининг
уйи атрофини бир қўлида сўйил, бир қўлида машъала уш-
лаган ўнларча одам ўраб олдилар. Шу вақт ичидан Миои
амаки чўнтагидан зажигалкасини олиб, чироқни ёқди-да,
эшикни очди. Эшикни очиши билан икки бандитни қўлга
тушириди. Улар ўзларини йўқотиб қўйдилар.

Боксёр Ҳай Ҳун унга яқин келиб сўради:

— Амаки, қаранг-чи, бу келганлар ҳақиқатан Тай-
ниңг ўртоқларимикин?

— Ўғлимниңг ўртоқларининг ҳаммасини жуда яхши
танийман, ҳайроиман, бу иккисини ҳеч бир кўрган эмас
эдим.

Ўтакаси ёрилиб кетган бандитларнинг ёнини тинтув
қилишди. Уларниңг чўнтакларидан иккита болғача ва
бир-икки ҳовуч мих топишди. Улар пайт пойлаб қочиши-
моқчи бўлган эди, Ҳай Ҳун уларни эшик олдига етган-
ларида маҳкам ушлаб олди.

— Кечаси бу мих ва болғачалар билан нима қила-
сизлар?— деб дўқ қилиб сўради у.— Ҳалол, меҳнаткаш

одамларнинг эшиги тагида нима қиласиз! Ўғирлик қилиш яхши бўлар эканми?

Бандитлар қўлдан чиқиб қочмоқчи бўлишди, лекин Хай Хун биттасини оёғидан чалиб, бошига болға билан туширди. Ярамас ўғри осонгина ўлди-қўйди! Бошқаси энди тўрт-беш метр жойга қочиб борган эди, оғир сўйил келиб орқасига тегди. У йиқилди-да, ерда бир қанча марта тупроққа ағнаб, кейин жим бўлиб қолди. Бу иш бир лаҳзада бўлиб ўтди, ўғрилар ҳатто бақиришга ҳам улгуролмадилар.

Эртасига эрталаб Миои Тхион амаки, унинг хотини, Хай Хун, Хай Хау, Шау Ханъ ва бир қанча қўшнилар французлар постига қараб йўл олдилар. Улар бошлиқقا кеча кечаси икки ўғрининг ўлдирилганини хабар қилмоқчи эдилар.

Бошлиқ уларни кутилмаганда очиқ чеҳра билан кутиб олди.

— Балли-е, боплабсизлар, мен сизлардан бундай ишни кутган әмасдим. Қани, ичкарига қиринглар, шампан виносидан ичайлик!

Аммо дәҳқонлар вино ва закускадан бош тортдилар.

Бошлиқ постга бориб, овга кетган икки солдатдан қолган майда-чуйдаларни олиб ўз сандигига солди. Кейин телефон трубкасини олиб, бош штабга хабар қилди:

— Кеча кечаси соат иккida оддий солдатлардан Хион ва Лайлар дезертирлик қилишди. Уларнинг ўрнига иккита бошқа солдатни юборишга рухсат беринг, жаноб капитан.

Шундан сўнг бошлиқ стулга ўтириб хаёл суриб кетди. «Бу икки ўғри бизнинг солдатлар эканлигини балки ҳеч ким билмаса керак. Билганда нима қилар эди. У иккала аҳмоқни танимаймиз десак бўлди-да. Ким ҳам уларни бизнинг одамлар эканини бўйнимизга қўйиб берар эди?» Шундан сўнг у кулиб қўйди.

Аммо халқдан ҳеч бир нарсани яшириб бўлмайди. Халқа ҳамма нарса аён... У бўйсунмайди, курашади, ўйлади, излайди. Бундай халқ енгилмасдир.

НГОК ЗЯО

КУЗНИНГ ОЧИЛИШИ

Нам Динь, 24-7-1954 йил.

Мен Нго Динь Дъем¹га кучини сотиб бўйнига бўйинтуруқ осган, милтифими генерал Нгуен Ван Хин²га топшириб, Нам бо³та боришга мажбур этилган ва тинчлик ўрнатилгандан сўнг туғилиб ўсан ерларига қайтиб келган одамлардан бўламан.

Мен турмушим тинч ва роҳатда ўтса-да, Нам бодан кетишга қаттиқ аҳд қилдим. Мен ниҳоят тинч яшашни ва доим халқ билан бирга бўлган катта-кичик санъат ходимлари ҳамда дўстларимнинг қўлларини самимий сиқиб кўришишни умид қиласр эдим. Мен доим уларни ёдимда тутар ва улар ҳақида ўйлар эдим.

Ханой шаҳрига қора кунлар кўланкаси тушганида мен тоҳ ертўлага, тоҳ болхонага, тоҳ боқقا, тоҳ ошхонанинг томига, тоҳ қариндошларимизниги бекиниб юрдим.

Сезиб қолмасинлар деб доим турар жойимни ўзгартираср эдим. Иккала томонидан тутун юборилган қувур ичида қолган сичқондек, Ханой бўйлаб изғиганим изғиган эди.

Бир ойгача пойтахт дўзахида азобландим. Бу темир қафасдан чиқиб кетишнинг бирон иложини топмасам, озод бўлишшимга сира кўзим етмасди.

1954 йил 20 июль куни мен юзимни бекитиб турадиган катта эски шляпа, йиртиқ шим-камзул, сандалет кий-

¹ Нго Динь Дъем — Жанубий Вьетнам ҳукуматининг бошлиғи.

² Нгуен Ван Хинь — Жанубий Вьетнам қўғирчоқ армиясининг қўмондони.

³ Нам бо — Жанубий Вьетнам.

дим. Тўрт ҳафтадан бери қирилмаган соқол-мўйловим мени худди эллик ёшдаги одамдек қилиб кўрсатар эди.

Йўллардаги фонарлар ўчирилган эди. Қўрққанимдан чор атрофга назар ташлаб борар эдим. Чунки бирор билан учрашиб қолиш жуда хавфли эди. Бўм-бўш кўчани кесиб ўтиб Фа Лен пристанига қараб йўл олдим. У ердан жанубга пароход кетар эди. Мен пароходга тушиб, юзлаб одамлар қатори пароходнинг боришини бир соатдан кўпроқ кутиб ўтирдим. Бошқалар ҳам душман еридан тезроқ кетиш учун машинанинг тириллаган овози қачон чиқар экан, деб тоқатсизланиб кутар эдилар.

Пороход йўлга тушганидан сўнг орадан бир соат ўтгач, Бат Санг орқада қолиб кетганда мен шляпами олиб, ўзимни бир оз енгил ҳис этдим ва бемалол нафас ола бошладим. Катта дарё устидан кучли, илиқ шамол эсиб турар эди. Шунча кундан бери пойтахтнинг темир панжараси ичига қирқ даражадан ортиқроқ хароратда азоб чеккандан сўнг мен яна қайтадан эркин ҳаёт нафасини ҳис қила бошладим.

Мен билан баравар бошқа йўловчилар ҳам эркин нафас олишарди. Улар қўрқиб ва ўйга толиб ўтиришарди, энди эса бошларини кўтариб, равshan тортган кўзлари билан баланд осмонга ва дарёнинг икки томони бўйлаб чўзилиб кетган кўм-кўк шоли далаларига, миллий байроқни баланд кўтариб бораётган матросларга тикилиб қарашар эди.

Люкдан ҳамма ёғи мойга ботган ишчи чиқиб:

— Ана шу жойдан озод қилинган зона бошланади. Душман еридан узоқлашдик, энди қўрқмасангизлар ҳам бўлади,— деди.

Пастдан, машина бўлимидан ашула овози эшитилиб, дарё ва далалар узра тарқала бошлади. Мен бу ашула ни анчадан бери биламан, унда қуллик занжирини узиб ташлаш учун курашга отланган халқнинг душманга ғазаб-нафрati куйланади, лекин ҳозир бу ашула менга жуда ҳам қаттиқ таъсир қилиб кетди. Бутун баданим титраб кетгандай бўлди ва мен бошимни қуий солиб одлим. Въет Бак¹ни ташлаб курашдан яшириниб, таслим бўлганим менга жуда алам қилди. Душман зонасида ҳеч нарсага зориқмай ўтган беш йил умримга ачиндим. Ме-

¹ Въет Бак — Шимолий Вьетнамдаги революцион район. У ўз ичига ўнга яқин провинцияни олади.

нинг бу йиллардаги ҳаётим қоронғи кечада учиб юрувчи йилтироқ қўнғизнинг ҳаётига ўхшар эди.

Июль ойида дарё тошади; кенгайиб, суви кўпайиб, оқиши гезлашади. Ҳозир ҳам шундай эди. Лекин шунча қўрқинч бўлишига қарамай оқимга қараб ҳам, оқимга қарши йўналишда ҳам бир қанча катта-кичик қайиқлар тинмай сузиб юрар эди. Ҳамма қайиқларда ва сув қирғоғига қурилган тахта супачаларда миллий байроқлар ҳилпирав, уларнинг ҳамма ёқни гўзаллаштириб юборганилиги сув тўлқинига қарши курашаётганларга куч бағишлар эди. Байроқлар дарё қирғоғидаги сап-сариқ қум, ёш бамбуқ новдалари, энди барра бўлган кўм-кўк шоли орасида қип-қизариб, алангаланиб турарди.

Дарёнинг икки қирғоғида қишлоқлар чўзилиб кетган. Ана шу қишлоқдаги ўйлар устида ҳам байроқлар ҳилпирав, у қизариб ҳамма ёқни алангага кўмгандек қилиб турарди. Улар ҳамма қарсани: қўшни, кетмонни, ерни, шоли экинларини, тиканлар ўсиб ётган ўраликларни, буталар орасида ўтлаб юрган буқаларни ва ниҳоят, одамларни зўр курашга чорлаб чақираётгандек бўлар эди.

Мен колонизаторларга қарши кураш ҳаракатининг қудрати ҳақида, саккиз йилдан бери душманнинг доимий бомбардимони остида далада ишлаётганларнинг бошларидан кечираётган қийинчиликлари ҳақида ўйлар эдим. Қўллари дам қурол, дам омоч ушлаган партизанлар, ханжарини дам ўроқ қилиб ишлатган хотинлар ҳақида ўйлардим. Менинг кўз олдимдан бошларида эски буддизм қалпоқлари бўлмаган, саккиз йилдан бери траншея қазиган ва армия билан биргаликда қишлоқни душмандан мудофаа қилган чоллар, уйида бит боқиб ўтирумай, балки ҳамма сингари ишлаб, ўқиб, траншея қазиб, ўз экипажини сақлаган аёллар ўтар эди. Мен фақат варрак учирив, чиллак ўйнаб қолмасдан, балки душман орқасига разведкага борадиган, кундуз кунлари ўқиб, кечасилари чарчамай юқ ташувчи болаларни кўрдим. Мен саккиз йилдан бери ерни чанг-тўзонда, оловда ҳайдаган, бороналаган ҳўқизлар ҳақида, армия ва халқни боқкан кўтослар ҳақида ўйлар эдим.

Менинг кўз олдимдан қайта ҳайдаб экилган кўм-кўк шоли далалари сузиб ўтарди, бунда дастлабки тинчлик күпларида деҳқонлар душман харобага айлантирган барча нарсаларни зўр чидам билан тиклашмоқда, тер

тўкиб, ерга тирмасиб ишламоқда эди. Шу дақиқаларда мен жуда кўп нарсалар ҳақида ўйладим. Лекин қанча кўп ўйлаб, қанча кўп нарсаларни кўрсам, уят-номус юрагимни шунча кўп эзар эди. Уз тинчлигим, ўз оромимни ўйлаб, саккиз йилдан бери пойтахтда ялтироқ қўнғиздек умр кечирибман. Мен ҳамشاҳарларимни ўлдиргани кетаётган, қайтишда — пойтахт устидан голибона шовқич солиб учиб ўтган душман самолётларига бепарво қараб, бехавотир, беташвиш ҳаёт кечирибман. Шунда мен ўзимнинг ҳеч нарсага арзимас одамлигимни, омочнинг тишидан ҳам, кетмоннинг тифидан ҳам хароб эканлигимни, шолининг шохларича, тиканча, қаҳрамон халқнинг қаҳрамон қўтосича фойдам тегмаганини аниқ билдим. Мен ўз халқидан ажралиб қолган нотовон одамга айланганман. Ҳа, энди мен дадил айта оламанки, менга ўхшаган адабиёт ва санъат ходимлари ватанлари учун, тарих учун ҳеч бир нарса қилганлари йўқ.

Пароход Қизил дарёдан ҳамон елдек югурап, қайнқ ва соллардаги қизил байроқлар эса Нам Динга қараб сузиб бормоқда эди.

Кечқурун соат тўққиз, қош қорайган пайтда, Тан Дега яқин қолганимизда гулханларни ва тирна қатор машъала ёқиб келаётганларни кўрдим. Булар мустақиллик ва тинчликни қўлга киритганларидан хурсанд бўлиб келаётган одамлар эди. Узоққа чўзилиб кетган йўлга фонар ва қуруқ бамбуқдан машъала ёқиб қўйилган эди. Узоқ-узоқлардан пароходга барабан ва ашула овози келар эди. Мен кўпдан бери йиғи деган нарсани билмас эдим, аммо ҳозир юзим кўз ёшларидан нам бўлди. Мен халқдан хурсандлигимдан йиғлар эдим, шу билан бирга ўзимнинг ҳеч нарсага арзимаслигимдан уялар эдим.

Нам Динь, 27-7-1954 йил.

Мен вақтинча отамнинг уйига кўндим. Озод бўлган Нам Динь ерига борган куни мен тўқ-жигар ранг кийим кийган велосипедчилар тўдаси ичига кириб қолдим. Ҳамма ёқдан Қаршилик курашининг ҳиди баралла келиб турар эди. Одамлар иссиққа ҳам, ёмғирга ҳам қарамай ишлашар эди. Бутун кўчалар юк ортилган велосипедларга тўлиб кетган. Уларни ҳақиқий гвардиячи жангчилар миниб олишган эди. Улар Шимолий-Ғарбнинг юриш қийин бўлган йўлларидан Дъен Бъен Фуга юз килограммлаб турли юклар ва гуручлар ташимоқда эдилар.

Мен уялиб одамлар орасидан ўтиб борар эканман, ҳали уларнинг «ўз одами» бўлмаганим учун улардан қўзимни яширад әдим.

Лекин шунда ҳам кўп одамларнинг юзига тикилиб ўзимга-ўзим: «Ҳа, мен бу одамни танийман. Унда ҳам тушкинлик даври бўлган әди. Биз илгари у билан тез-тез учрашиб туар әдик. Ҳозир у темирдек мустаҳкам ва кучли бўлиб кетибди» дер әдим. Революция, душманга қарши кураш ва қийинчиликлар ичida бўлиш ва бундан кейин феодаллар ҳамда империалистларнинг зулми остига тушмаслик учун курашга отланиш одамларни ўзгартириб юборибди.

Нам Диннинг қизғин ҳаёти менга руҳ бағишлади. Лекин қалбимнинг чуқур жойида ҳали ҳам ўзимни ёлғиз ҳис этар әдим, айниқса янги тўқ жигар ранг кийимимга разм солиб туриб уялиб кетар әдим. Мен қайноқ ҳаёт билан яшаётган бу тўқ жигар ранг кийимдаги одамларга қўшилиб кетгим келиб, зора мени ҳеч ким сезмай қўяқолса, деб ўйлар әдим.

Мен, агар тўқ жигар ранг камзул ва шим кийиб олсам, ҳамма иш жойида бўлади, деб ўзимни алдамоқчи бўлган әдим. Аммо бир парча тўқ жигар ранг мата танамни бекитгани билан дунёқарашимни ўзгартиришим, халқ орасидан чиққан, кучли одам бўлиб қолишим мумкиними ахир?

Ўзим тўғримдаги бу бегона фикрлар чириган дарахтни қурт егандек бутун вужудимни кемирар әди. Менигоҳ ўтга отарди, гоҳ совуққа ташларди. Жуда жонимдан тўйиб кетдим. Мен худди пилла капалаги сингари ўзтанамдан учиб чиқиб, қайноқ ҳаёт оқимига қўшилиб кетишини, тавдам эса қора тупроқ сингари фойдали бўлишини, қўлларим эса кесак ўлдирувчи борона каби хизмат қилишини орзу қилас әдим. Ярим кунимни қироатхонада ўтказдим. Мен у ерда қадимий дўстларимни, душманга қарши курашишдан аввал ортдирган ошиалаrimни кўришим билан юзимни кўрсатмаслик учун шляпами бостириброқ кийиб олардим. Шахсиятпастлик ва худбинлик ҳали қалбимда ҳукмрон әди. Мен қорайиб кетган қўлларимни биринчи бўлиб узатишни истамасдим, чунки офтобдан қорайган қўлим ҳали совуқ әди.

Мен жуда кўп сиёсий адабиётлар, шеърлар ва ҳикоялар ўқидим. Шунда эски дўстларимнинг қалами янада

ўткирлашиб, яшариб, революцияга, қаршилик кўрсатиш урушига ва халқа хизмат қила бошлаганини ҳис этдим. Бир ойдан ошиқроқ вақт қироатхонада ўтказган кунларим менинг касалимга катта даво бўлди. Эски дўстларимдан бирининг душман томонида эканимда ёзган асаримни синчилаб ўқиб чиқиб айтган аччиқ-аччиқ гаплари ҳали ҳам эсимда. Унинг гапларини эшитар эканман, пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди. Кўзойнагимни артиб, «Ван-нгэни¹ ёпдим-у, қироатхонадан чиқиб кетдим.

Мен тўппа-тўғри йўлдан ҳам каловланиб борар эдим.

Шу куни кечқурун кафега кириб ароқ ичдим. Озгин на кайф қилганимдан сўнг камқатнов кўчалардан биринда Хонг деган кишининг нашабанг хонаси борлиги эсимга тушиб, ўша томонга йўл олдим. Мен у ерда анча вақтгача ўзимни билмай ётдим. Ўқиган сатрларим кўз олдимда гавдалана, эски дўстимнинг дашномлари хаёлимдан бирин-кетин ўтар эди.

Душман зонасида яшаган пайтларимда мен учун муқаддас ҳисобланган ҳеч нарса йўқ эди, деб айта олмайман, албатта. Мен мудҳиши хаёлларни эсдан чиқариш учунгина ёзар эдим; ялтироқ қўнғиз ҳолатига тушган мендек дайдидан қаҳрамон чиқмаслигини, қўлимдаги перони янглишиб, давотга эмас, қуруқ сувга ботираётганимни яхши билардим. Эҳ, бу фикрлар мени нақадар азоблар эди! Ҳатто маст пайтларимда ҳам кўнглимни бир нарса ғаш қилиб турар эди.

Кўчада болалар қўл ушлашиб олган ҳолда ашула айтишар, тинчлик рақсларини ижро этишар эди. Улар ҳаётдан завқланишарди. Улар ўсиб келаётган бақувват ёш дараҳтларга ўхшасалар, мен энди қуриб, синишга келиб қолган қари дараҳтга ўхшар эдим.

Ташқаридан эшитилаётган дўмбира, ўйин овозлари мени ўрнимдан қўзғалишга мажбур этди. Мен шошиб-пишиб кўчага чиқдим ва тўп-тўп бўлиб кетаётган одамларга қўшилишиб майдонга бордим. У ерда Вьетнам ёшлари ансамбли концерт бераётган экан.

Кўзларим катта-катта очилиб, миям аста-секин хаёл сурғдан тўхтади. Мен «Артиллериячилар ҳақида қўшиқ» ни эшитдим, тҳо халқлари ўйинларини томоша қил-

¹ Ван-нгэ — «Санъат ва адабиёт» журнали. Вьетнам санъати ходимлари Ассоциацияси органи.

дим; энди ўзимни бир қадар кучли ҳис эта бошладим. Бошқалар сингари мен ҳам ўйновчиларни олқишилаб ча-нақ чалдим, бутун ҳалққа қўшилиб хурсанд бўлдим. Фақат яхши китобларгина эмас, балки Вьетнам ёшлигининг ана шу ансамбли ҳам бой миллий маданият каби ҳалққа хизмат қилиши, қаттиқ кураш албатта тинчлик, бирлик, озодлик, мустақиллик ва демократия олиб келиши менга аён бўлди ва бунга ишонишга мени мажбур қилди.

Хинг Иен, 5-8-1954 йил

Қизил дарё кун сайин кўпроқ тоша бошлади. Кун бўйи ёмғир қуийиб, қаттиқ шамол эсиб турди. Мен велосипедга миниб, шамолга ҳам бўш келмай, Хинг Иен шаҳрига қараб жўнадим.

Чорроҳага борганимда елкасида оғир юк кўтариб кетаётган бир кампирдан йўлни сўрадим. Кампир дарёни кўрсатиб, деди:

— Дарёни ёқалаб кетавер. Қизил дарё француузларнинг қони билан лиммо-лим. У итлар деҳқонлар бошига оғир ташвишлар келтириб, ўзлари жўнаб қолдилар. Аммо деҳқонлар уларни ҳали ҳам қарғамоқдалар.

Кампирнинг овозидан нафрат, қаҳр-ғазаб сезилиб турар эди. Мен бошим айланиб кетиб, ерга қарадим. Шунда бирдан америка самолётида Қизил дарё устидан учеб ўтганим эсимга тушиб қолди. Самолётнинг ўртача тезликда ва тўп билан уриб бўлмайдиган баландликда учишига қараганда унинг разведкачи эканини тушуниш мумкин эди. Ҳаво йўли Қизил дарёдан тошли тоққа, кейин денгиз устидан Чунг Бода ўтиб борар эди.

Туман орасидан аранг кўриниб турган тошлик тоғдан ва даралик тоғдан учеб ўтдик. Пастда на одамларнинг, на қўгосларнинг қораси кўринмас эди. Самолётнинг баланд кўтарилаётганини билдирувчи электр звоноги қулоқни кар қиласар даражада жиринглар эди.

Ҳаммамиз парашютни боғлаб олдик. Самолёт чайқала-чайқала юқорига кўтарилиб борар эди. Булутга ҳам этиб чиқдик. Пропеллернинг овози тобора пасайиб борарди, думалоқ ойнада сув томчилари пайдо бўла бошлади.

Мен уларнинг «Виндан ўтдик, энди эҳтиёт бўлиш керак, чунки йўлнинг энг хавфли қисмига келдик!» деб шивирлашаётганинни эшидим.

Улар парашютларини яхшилаб кўздан кечириб, оғзиларига шимадиган резинкаларини солдилар-да, папироc олдириб, дурбин билан ойнадан ташқарига қарай бошладилар.

Шунда мен бу учиб ўтаётган жойимиз қадимги дўстларим яшайдиган тўртинчи ва бешинчи зона эканлигини эслаб қолдим. Балки ҳозир улар ҳаводан бўладиган ҳужумлардан сақланиш учун, халқа хизмат қилиш учун ва бутун қийинчилкларни халқ билан бирга totish учун ўзларининг касбларини ҳам ташлаб Қаршилик урушига кетгандирлар.

Шунда мен: «Балки ҳозир дўстларим ўраларда, чуқурларда кўкракларини заҳга берганча, ғазаб билан осмонга тикилиб, менга лаънатлар ўқиётгандирлар, зенит пушкалари эса бизни пойлаб тургандир» деб ўйладим.

Шунда танам ёниб, сўнг машъял сингари осмонда айланниб, булутлар билан қопланган ўткир тоғ қояларига урилишини кўз олдимдан ўтказдим.

Қизил дарё босқинчилар қони билан лиммо-лим! Мен бошимни яна ҳам қуайроқ эгиб олдим. Болаларини французлар ҳайдаб олиб кетган дехқон онанинг нафратли товуши менинг башарамга худди темир чивиқлар билан ургандек бўлди.

Ханой, 9-10-1954 йил.

Халқ армияси Ханойга кирди. Ўша дақиқаларнинг ўзинда пойтакт аҳолисидаги қўрқув бир умрга йўқолди. Одамлар миллий байроқларни осишга, ўзларига озодлик келтирган революцион армияни кутиб олишга шошилдилар.

Ҳаммаёқ сариқ юлдузли қизил байроқлар, жангчиларни табриклаб, баланд кўтарилган қўллар билан тўла.

Симёғочга суюниб олганимча на оғзимни оча олардим, на қўлимни кўтара олар эдим. Кўзларим каттакатта очилиб юрагим уришдан тўхтади. Ўзим хурсанд бўлсам-да, танам худди палаж бўлгандек қимир этмас эди.

Мен машина устидаги қаҳрамон жангчиларнинг хушчақчақ чеҳраларига қарап ва улар орасида биронта танишимни топмоқчи бўлар эдим!

Мен эски дўстларимни, маданият ходимларини гарчи узоқдан бўлса ҳам бир кўрармикинман, деган орзуда эдим. О, бордию ҳозир уларни кўрадиган бўлсам, дўстларим кўпайиб кетар эди. Агар мен улар билан учрашсам:

«Жангчилар, маданият ходимлари, дўстларим мана шундай кунга эришиш учун ўз қонларини, меҳнатларини аямадилар. Мен — ёзувчи бўла туриб қийинчиликлардан қўрқиб, уни енга олмай, жавобгарликни унутиб, душманга таслим бўлдим. Ўшанда мен революциядан қочишни, халқдан яширинишини, олға дадил кетаётган ҳаётдан орқада қолишини истаган эдим. Мен ҳали бу озодликка ўз ҳиссамни қўшганим йўқ, аммо ҳозир мен халқ билан, ўртоқларим билан биргаман» демоқчи эдим.

Ханой, 15-12-1954 йил

Бу — менинг иккиланиб юрган кунларимдаги хотира ларим. Мен бу юрак сўзларимни дўстларимга юбордим.

Сўнгги уч ой ичидаги бизлар тез-тез учрашиб, қуюқ сўрашиб-кўришиб турдик. Бир-биримизнинг кўзларимизга дадил қараб, бизни ҳаяжонлантирган барча масалалар тўғрисида bemalol гаплашадиган бўлиб қолдик.

Биз тинчлик, бирлик учун бўладиган кураш кўп қийинчиликлар билан қўлга киришини яхши биламиз, бу кураш маданият ходимларидан ҳали катта жасорат қўрсатишни ва кўп қурбонлар беришни талаб қиласди.

Мен бўлсам ҳозир ўқияпман. Бир мунча вақт ўтгач, қаламимни ўтқирлаб, билимимни бойитиб, янги ҳаёт қураётганлар қаторига кираман.

ТИКЛАНИШ

Дала ўртасида олтин юлдузли байроқ қип-қизил бўлиб кўрниб турар эди. Ғувиллаб эсаётган қир шамоли матони йиртиб юборгундек бўларди. Иссик ҳавога ҳазил гаплар, кўтарилаётган кулгилар қўшилишиб, гўё сингиб кетаётгандай эди. Мен тўхтаб атрофга назар солдим. Олти қиз аҳиллик билан ўт босиб кетган кичик шудгорни кетмон билан ўтдан тозалашмоқда эди. Улар мени кўришлари билан ишни тўхтатиб, мен томонга қарадилар. Улар балки: «Бу қандай солдат экан? Агар у бизнинг қишлоқдан бўлганда, ёрдамга келган бўларди!..» деб ўйлашаётган бўлса керак, деган хаёлга ҳам бордим.

Юрагим қувончдан ховлиқиб ура бошлади. Балки мен Гой ва Шо ўртасига жойлашган ўз қишлоғимга келиб қолгандирман. Шуниси чатоқки, бу жойлар энди таниб бўлмайдиган бўлиб кегибди. Олдин бу ерларда дараҳтлар гуллаб ётар эди, энди бўлса бузилган уйлар, одам кириб бўлмас чакалакзор, тўқайзорлар кўзга ташланарди. Кўчанинг икки четига тартибсиз равишда янгидан кулбалар қурилган.

Қишлоғим кўп йиллар давомида душман билан жанг қилиб, душманнинг икки минг солдат ва офицерини, ҳар хил системадаги юз эллик машинасини ишдан чиқарганини мен яхши биламан.

Бу районнинг партизанлари ва халқи душман ҳужумини қайтариш учун кўп қон тўқдилар. Аммо 1954 йили январь ойида Дъен Бъен Фуга юриш кампанияси олдидан душманнинг моторлаштирилган қисми йигирма кун

ичида Лионг Қиет ва Хао Қиет каби иккита катта қишлоқни ер билан яксон қилиб юборди.

Қаршилик кўрсатиш урушининг оғир йилларида кишилар пана жойларга бекинишга мажбур бўлишларига қарамай, одамлар далаларига ишлагани чиқар эдилар. Қичик-кичик қизчалар бир-бирларига далда бериш учун иккита-учтадан бўлиб мозор тепага чиқиб, ўзларининг қишлоқларини томоша қилишар эди... «Бизнинг уйимиз қани? Ибодатхонанинг олдидаги иккита мангров дарахти мина билан қўпариб ташланибди. Фақат қизғишиб шит билан ўралган ҳовлисигина кўриниб турибди. Вой, товба! Ахир яқиндагина ўқиб юрган мактабимиз бутунилай кўрин-маяпти-я!» Қизчалар оёқларининг учига туриб, бўйинларини чўзиб ўша томонга тикилишар экан кўзларида ёш йилтирас эди.

— Хой, Ли, Нгунг, Нян, менга қаранглар! Бирам ўзимизнинг уйимизга бориб тургим келяптики, ҳатто бир лаҳза бўлса ҳам майлига эди!

Бу қизлар ҳозир ўн етти, ўн саккиз ёшга кирдилар. Революция бошланган йиллари эса улар етти-саккиз ёшда эдилар.

Улар ҳозир қанчага киришган бўлса, мен ўша йиллари шунча ёшда эдим. Мен халқ мактабида ўқитувчи эдим. Мактабга мен тўқ сариқ матадан тикилган кийимимда борар эдим (уйда бундан бошқа мата йўқ эди, шунинг учун уйда боридан тикиб беришгап эди), мени кўрган қўтослар ҳар қаёққа шаталоқ отиб қочишар эди. Бу вакиаларнинг бўлиб ўтганига ўн йил бўлган бўлса ҳам худди кечагина бўлгандек туюларди...

Битим тузилганидан кейин мен армиядан қайтдим, шундан бери халқ ҳукумати органларида ишлаб келмоқдаман. Ана шундай қилиб, ҳозир бўз ерларни ишлаётган қизларни кўрдим-да, шудгор четига бордим. Шунда қизлар:

— Ака! Амаки! Уйингизга келдингизми? — деб қичқиришди. Улардан биттаси дугонасидан:

— Бу ким, — деб сўради.

— Йилгариги ўқитувчимиз-да!

— Солдат-ку, қанақасига ўқитувчи бўлар экан! — леб жавоб берди бошқаси. Ҳаммаси кулиб юборишиди.

Қаровсиз қолган ерларни қандай қилиб ишлашаётгани ҳақида менга собиқ партизанлар ҳикоя қилиб беришган эди.

ган эди. Ҳукумат помешчиклар ташлаб кетган ерларга экин экишга рухсат берган эди. Деҳқонлар аҳилчилик билан кечаю-кундузи ишлашарди. Бирорларнинг уйида елкаси яғир бўлган батрак оиласари энди ўз ерларига эга эдилар. Халқ ҳукумати уларга уруғ ва чорва моллари қарз берарди.

Деҳқонлар ўртаги экинга ерни тайёрлашар экан, эртаги ёки кечки экинлар ҳақида ҳам ўйлашар эди. Ташвиш кетидан ташвиш келиб чиқар эди. Қурғоқчиликка қарши курашиб, ундан энди қутисалар, гала-гала кемирувчиларга тутилишарди. Шоли пишмасиданоқ чакалакзордан, эски ҳовузлардан, бамбуқ ўсиб ётган тўқайзордан, фишт уюмлари тагидан дала сичқонлари, юмрон-қозиқлар физиллашиб қолишар эди. Бир лаҳзанинг ичидаги улар анча жойларни қуп-қуруқ шудгорга айлантириб кетарди. Бу касофот ҳайвонларни йўқотиш биринчи навбатдаги вазифа бўлиб қолди. Мина қўйишга ва бўри тутадиган ўраларни ясашга уста бўлган партизанлар энди бутун талантларини сичқонларга қарши курашга қаратдилар.

Банг Зя хуторининг деҳқонлари авваллари ҳам сичқон тутиш санъатлари билан машҳур эдилар. Энди улар уч-тўрт кунлар ичидәёқ бир қанча ўн минглаб кемирувчиларни ўлдиридилар.

Болалар мактабга кетаётганда ва мактабдан қайтада ўқитувчилари ўргатган қуйидаги қўшиқни айтишар эди:

Сичқон, сен мудом ейсан элу халқнинг молини
Далага ҳам чиқасан яксонлаш-чун шолини.
Сендан халқ зиён кўрар,
Шунинг-чун ёмон кўрар.
Биз мушукка айтамиз,
Ҳолинг хароб этамиз.
Оlamда жуда ҳам кўп ёвуз ва ёмонлар бор,
Уларнинг ҳаммасини яхши билар болалар:
Ёмонлар — помешчиклар, қуртлар ва қандалалар,
Ҳамда сендай сичқонлар...

Деҳқонлар кўп сичқонларни қириб юборган бўлсаларда, уларнинг ҳаммасини йўқ қила олмадилар. Ўғли ҳали армиядан қайтмаган Қхиен буви сичқонларни ўлдириш йўлини ўйлаб даласида айланиб юргани-юрган эди. Кампип яралангани туфайли (яраси тузалиб қолган бўлса-

да) худди орқасида юк кўтариб олгандек доим икки бу-
килган ҳолда имиллаб юар эди. Лекин у ҳали жуда маз-
мундор, мантиқий гаплар гапирав, ҳар тўғрида тўғри ва
аниқ фикр юрита олар эди. Бир оз ўйлаб тургандан сўнг:
«Сичқонлар илондан қўрқади» деган фикр хаёлига кел-
ди. Бу тўғрида ҳеч кимга гапириб ўтирмасдан, тўппа-
тўғри ўрмонга жўнади. Пичоқ билан лиана новдасидан
кесиб, уч қаричдан баб-баравар қилиб қирқиб, уйга
олиб келди. Лианаларни сичқонлар кўрганда қўрқадиган
қилиб — илонга ўхшатиб оқ ва қорага бўяди. Ҳамқиши-
лоқлардан хавотирланиб, бу ишларнинг ҳаммасини яши-
рин равишда қилди ва қоронги тушганда «ilonlariini»
обкашда даласига олиб борди. Қхиен ёғочларни ўз ери-
нинг атрофига ташлаб-ташлаб чиқди-да, хурсанд бўлиб
уйига қайтди. Шу куни кечаси Қхиен буви жуда қаттиқ
ухлаб қолди. Эртасига азонда даласига жўнади. Ерига
яқинлашиб борар экан, сёқлари титраб, юраги увишиб
қолди: сичқонлар бутун бошли икки қатор шолини бутун-
лай қийратиб еб кетибди. «Бу сичқонлар ҳам худди ёвга
ўхшар экан, қариларни сира ҳурмат қилмас экан», деб
ўйлади Қхиен хафа бўлиб. Шу заҳотиёқ у яна бошқа
ҳийла ўйлаб топди. Бутун шоли тупларини юқорисидан
пастга эгилмайдиган қилиб бир-бирларига боғлаб қўйди.
«Ана шундай қилса сичқонлар тагидан ўтиб, кетавера-
ди,— деб ўйлади кампир.— бошоқларни кўрмайди ва
билмайди». Кампир кундуз кунлари бошқалар сингари
қўриқ очар, қоронги тушиши билан шолининг бир донаси-
ни ҳам қўймай боғлаб чиқарди. Аммо бу ярамас сичқон-
лар шолини барибириб еб қўяверди, шундай қилиб кампир
Қхиен шоли ўримида озгинагина ҳосилга эга бўлди. Шо-
липоя бўлса олачипор «ilonlar» билан тўлиб кетган эди.
Энди кампир уларни купла-кундузнинг ўзидаёқ уйига та-
шиб кетди. У йўл-йўлакай сичқонларни ва империалист-
ларни қарғар ва яна:

— Мен далада тайёр ўтинни қолдириб аҳмоқ бўлиб-
манми, ким хоҳласа, кулаверсин,— деб қўшиб қўярди.

Қишлоқ ҳаёти, ундаги қийинчиликлар менинг фикр
доирамни бойитди, кўп нарсаларни ўргатди. Шуниси
аниқ эдики, бутун ишни янгидан бошлаш зарур эди. Йўл-
ларни қайтадан қуриш, уйлар қуриш, далаларни тоза-
лаш, боғларни тиклаш, қудуқлар, ҳовузлар қазиш керак
эди. Лекин буларни қилаётган пайтда нимадир ейиш
керак эди, ана шундагина ишлаш мумкин эди. Қемирув-

чилар дастидан гуруч ҳам етишмас эди. Амаким, холам, онам ва мен суткасига фақат икки марта овқатланар эдик: бир марта гуруч бўтқа ердик, бир марта суюқ ош ичардик. Ҳар биримиз баҳорги экиласидиган уруғни кеткизиб қўймаслик учун тежаб ейишимиш зарурлигини яхши тушунар эдик.

Қишлоқдагиларнинг ҳаммаси ҳам қийналиб яшар эдилар. Агар, бордию, бирортаси тақдиридан шикоят қиладиган бўлса, унга шу заҳотиёқ: «Бир вақтлари: тезроқ тинчлик бўлиб, суюқ ошга етишсак ҳам майли эди, деб юрар эдик. Ҳукуматимиз ҳалқни оч қўймоқчи эмас. Аммо биз каби ҳукуматимиз ҳам қийин аҳволда. Душман тўққиз-үн йиллик уруш ичидан шунча вайронликлар келтирдики, бундан кейин энди қийналмасдан илож йўқ. Бир йилда икки марта ҳосил олишга ҳаракат қилиш керак, ана шундагина иш яхшиланиб кетади» деб танbih берилар эди.

Ҳақиқатан ҳам ҳозир бемалол яшаб, ўйнаб-куладиган, бир ўзингнинг аҳволинг тўғрисида қайғурадиган вақт эмас, тинч шароитда ҳам оғир ва чексиз кураш давом этади. Тинч яшаш деган сўз фақат ўйнаб-кулиш эмас, балки революция ғалабасига ишонган ҳолда уруш яраларини тузатиш демакдир.

Баъзида мана бундай гапларни ҳам эшишиб қолиш мумкин эди.

— Бугун қандай овқат қиляпсан? — деб сўрарди далада ишлаётган пайтда қизлардан бири.

— Гуруч макаронидан суюқ оши! — деб жавоб берар эди унга дугонаси.

— Макаронга яна нима қўшасан?

— Қисқичбақа.

— Мен ҳам қисқичбақа билан макарон пишираман, иккаламизнинг овқатимиз бир хил бўлганини қарачи.

Далада эрта саҳардан то кечгача ишлаб, фақат суюқ ош ичишга тўғри келар эди. Лекин шундай бўлишига қарамай ғайрат сусаймасди; қўнғироқ овқат вақти бўлганини билдирганда ҳам кўп одамлар ишлари кўплиги сабабли даладан кетмай кечгача ишлайверардилар. Ана шундай қилиб улар гуручни тежардилар, иш суръатини оширадилар.

Бир куни мен ўртоқ Фан билан бир суҳбатлашиб келай деб Гхе хуторига бордим. Фан йигирма икки ёшда бўлиб, меҳнаткашлар партияси аъзоси эди, у қишлоқ партизанлар группасининг бошлиғи ҳам бўлган. Унинг хотини Кео

Йигирма ёшда бўлиб, у партизанлар бўлинмаси командиринг ёрдамчиси эди. Қаршилик кўрсатиш уруши йилларида Фан мина қўйишда усталардан бири бўлиб танилган эди. У биргина Фо Шо йўлининг ўзида йигирма тўрт автомобилни ёндириб юборган эди. Шунда Ҳам провинцияси партизанлари билан ўйналган мусобақада ютиб чиқкан эди. Ойдинсиз кечаларда ҳам, душманнинг То Сау постидаги катта проекторлари ёниб турганида ҳам Фан қизларни йўлга олиб чиқиб, мина қўйиш санъатини ўргатар эди. Қизларнинг ичидаги Ҳам бор эди; улар йилтироқ қўнгиз тутиб, у билан Фан ўргатаётганида ёритиб туришар эди. Фан мина қўйишнинг жуда кўп йўлларини билар эди.

— Авваллари,— деб ҳикоя қиласади Фан,— Ҳам боран ҳеч қандай яқинлигимиз йўқ эди.

Аммо қизни бир группага юборганларидан кейин катта-катта жангларда Фан билан бирга қатнашишга тўғри келади. Жангчилар бу икки ёшни севиб қолишади ва иккаловларининг турмуш қуришларига маслаҳат беришади. Ҳазил тарзида иккаловларига бир сочиқ ва бир авторучка берадилар. Уларга мукофот бериш керак бўлганда эса икки ён дафтари битта қилиб чатиб беришади.

Душман ҳайдалганининг эртасига ёк Фан билан Ҳеонинг никоҳ тўйлари бўлади. Ибодатхона ҳовлиси одамга лиқ тўлади. Келин-куёвга кетмоқ, пичоқ, бир пардан сават ва бошқа совғалар беришади. Совғаларнинг ҳаммаси эр-хотин қўриқ ер очишлири кераклигини, ҳосилни оширишлари лозимлигини кўрсатиб турар эди. Одамлар Фан Ҳеоларнинг баҳтили бўлганликларини кўриб қувонишар эди. Тўй бўлаётган пайтда раис столига ва пионерлар ўтирган жойга тош отувчилар ҳам бўлди. Лекин улар икки севишган юракнинг байрамини, бутун қишлоқ аҳолисининг қувончли байрамини азага айлантира олмадилар.

Битим тузилиши билан душман унсурларининг овози ўчиб қолди. Улар энди ишлаётгандек бўлиб қўриниш тактикасини қўллай бошладилар. Аммо қишлоқда қўрқинчли, ваҳима гаплар борган сари кенгроқ ёйилаверди. Бунда уларнинг қўли борлиги ўз-ўзидан аниқ эди. Активистлар бундай ваҳимали шов-шувларнинг ёлғонлигини очиб ташлашлари, ёш йигит-қизлар қийинчиликларни енгиб кетишлари учун уларнинг руҳини кўтаришлари лозим эди.

Фан ва Ҳам иккалови душманларни кидириш учун бойларнинг уйларини текширасидилар. Қолган вақтлари

далада ишлашар, балиқ, қисқичбақа тутишар эди. Балиқ ва қисқичбақалар ҳам шолининг поясини қирқиб кетиб кўп зиён келтирасар эдилар.

Шабадали қоронғи кечалари қуш галалари учб келиб шолини қийратиб кетадилар. Шу сабабли одамлар шолипоянинг ўзгинасига кулбача солиб олиб, очкўз паррандаларни тогора ва барабан чалиб кўриқлаш учун кўчиб келишга мажбур эдилар.

Фан ва Қеоларда биттагина эски қуроқ кўрпа бор эди. Улар кўрпаларини гулдор деб аташар эди. Бир хил пайтлари Фан азонга яқин ҳамма ёқни айланиб чиқиб, уйга қайтиб келарди-да, совуқдан қалтираб кўрпани бутунлай ўзининг устига тортиб олар эди. Хотинининг елкасига уриб, ҳазиллашиб:

— Ўртоқ бўлинма бошлиғи! Сиз ҳозир бизнинг ва душманнинг аҳволини тасаввур эта оласизми? Душманнинг ҳаво кучлари ҳужум қила бошлади, аммо бизнинг мудофаамиз ҳам жим қолгани йўқ. Сит ва кеу¹ галалари дув қочиб қолиши...— дер эди.

Кео унга ўгирилиб олиб:

— Жинни! Ҳозир кўрпани йиртиб юборасан,— дерди. Шундай кейин расмий оҳангда дер эди: —Балли, яхши хизмат қилганингиз учун менинг группам сизга ташаккур билдиради.

Мен ҳамқишлоқларимнинг ғалабага бўлган интилишини, ишончини қаҳрамонликларини ўз кўзим билан кўрганман. Мен қишлоқни иккинчи даражали Солдат Шуҳрати ордени билан мукофотлаш шарафига ўтказилган байрамда ва «Ватанни севиш!» митингида иштирок этганман. Мен шу сабабли ҳам бахтлиман.

Эй, қадрдан қишлоғим, сен учун қанча-қанча терлар, кўз ёшлари тўкилмади! Кўп йиллик урушларда, меҳнатда баъзилар жон берди, баъзилар ишга яроқсиз бўлиб қолди. Ҳа, мана ҳозир ҳам халқим - олдида жуда кўп қийинчиликлар турибди; уни машаққат, азоб-уқубат, душман найранглари билан тўла бўлган ҳаёт кутмоқда. Душман бизнинг кўзимизга чўп солишга, тинч меҳнатимизга халақит беришга қанча уринмасин, барибир у бунинг уддасидан чиқа олмайди. Биз уларга «Эй, текинхўрлар, шуни билиб қўйингки, биз ўз озодлигимиз учун қоғ тўкишдан қўрқмаймиз!» деймиз.

¹ Сит ва кеу — қуш турлари.

ЧИОНГ УЙЕН

ЕРУФЛИҚНИ САҚЛАБ ҚОЛАМИЗ

Ҳаво жам. Нафас олиш қийин. Одамлар ташвишда. Бир қанча ишчилар пойтахт четидаги типография зинасидан тап-тап қилиб юқори қаватга күтарилимоқдалар. Улардан бири: «Улар Лионг Уйен районини бутунлай эгаллаб бўлдилар Тхань Нян ҳам қуршовда қолди. Африкаликларнинг бешта ҳарбий машиналари келди»— деб ҳикоя қилиб бермоқда.

Уй ицидан телефоннинг жингиллаган товуши эшитили-ди-ю, яна дарров жим бўлиб қолди. Редакция столи атрофига ҳаяжонланган ишчилар ва мухбирлар йифилишиди.

Кўйлагининг енги шимарилган, қўли типография бўёғита беланган старший наборщик столга суюниб, гап бошлиди.

— Сиз нима деб ўйлайсиз,— деди у,— ишчиларга катта зарба берилди!

— Қанча одам қолдинглар?

— Олтита! Эртага газета чиқариш учун нима қилиш керак?

— Чиқиши шарт! Материалларни олиб цехга туша беринг.

«Старший» стол устидаги бир қанча мақолаларни индамасдан фидирлак қилиб ўраб олди. Кейин ишчиларга қараб:

— Пастга тушаверинглар. Бугун шу ерда ухлаймиз, маъқулми? Кечқурунги овқатни ўзим тўғрилайман!

Ишчилар бир қарорга келмаганини кўриб, уларга яқин бориб аста гапира бошлиди:

— Улар ҳамма нарсани олиб қўйган бўлсалар-да, биз улардан қўрқмаймиз!

Ҳаммалари чиқиб кетишиди. Печатникларнинг сояси қуёш нури билан ёриб турган юқори қават айвонининг полига тушади.

Ҳарбий ҳолатнинг қонунларига асосан француздар кеч соат тўқиздан сўнг кўчадаги барча ҳаракат тўхтатилсин, деб буйруқ берган эдилар. Франция миллий байроғининг четидаги уч хил бўёқни кўрсатувчи қоғоз варанийнинг кўча томондаги деворига апил-тапил ёпишиб қўйилган. Унда буйруқ ҳақидаги эълон бор эди.

Кундузлари шаҳарни тинтуб қилувчи машиналар группаси оҳиста ўтиб бораради. Чети қизил шапка кийган солдатлар отряди пайдо бўлиб қолдилар; ҳар бирида дуч келган жойни искатиб кўриш учун искович ит бор эди. Кейинги вақтларда ҳар икки томоннинг ғазаби авжига минди. Кимдир телефон симини узиб кетган эди, душман телефонистлари уч марта симни улаб, тузатишиди. Лекин ишчилар уларга яна халақит бердилар.

Редакция хавотирликда ишларди: ҳар дақиқада қамоқقا олиш хавфи бор эди. Босқинчилар ҳар дақиқада мина қўйиб, типографияни вайрон қилишлари, ишчиларни ўлдиришлари, граната ташлашлари мумкин эди.

Шунга қарамасдан ҳар ярим соат ичидаги бу ерга янгидан-янги хабарлар келиб турарди. Масалан келган хатлардан бирига бир қанча ишчи қўл қўйган бўлиб, унда:

— Шу хатни эртага эълон қилишга ёрдам беринг! — дейилган эди.

Шундан кейин Уен Ниња районидаги йўл қурувчилар ташкилотидан бир ишчи келди. Редакция ходимларидан бири уни отделга олиб кирди. Уен Нињдан келган ўртоқ ташвишли кўринар эди. У беретини, орқага сурган эди, тўзғиган соchlари кўринди ва деди:

— Ўртоқлар! Улар яна машиналарни олиб кетиши учун келдилар. Бу иккинчи марта келишлари, лекин ишчилар уларнинг бу ишларига йўл қўймадилар. Мана машиналар рўйхати.

Варақада шошиб-пишиб асбоб-ускуналарни: эски болтлардан тортиб катта машиналаргача номма-ном ёзилган эди.

— Сиз бу рўйхатни халқаро комиссияга бердингизми?

— Ҳа.

— Халқаро комиссиядан бирор одам Бак Бо билан алоқада бўлган эдими?

— Ҳа!

Ҳар икковининг фикри бир жойдан чиққани учун улар қўйл беришдилар. «Ишчиларнинг жасорати ҳақида дарҳол шу бугунги сонида ахборат эълон қилиш керак» деган қарор қабул қилинади.

Уен Ниндаги материал базаларни ҳимоя қилиш учун кураш олиб бораётган ишчи қайтиб кетади. Бир қанча одам Уен Ниндаги воқиалар ҳақида тўлароқ билиб олиш учун у билан бирга жўнайди.

Асбоб-ускуналарни сақлаш учун ҳаракат кучаяди. Ишчиларнинг ўнга яқин хатларини кетма-кет олиб келиб турадилар. Меҳнаткашлар кайфияти дуруст. Бир хабарда бундай дейилган эди: «Агар ҳаммамиз асбоб-ускуналарни бирлашиб ҳимоя қиласидиган бўлсак, французлар ҳеч нарса ололмайдилар. Улар бизга қолдирмаслик учун машиналарни олиб кетадилар. Кеча эрталаб уларнинг бир машинаси электростанцияга асбоб-ускуналарни олиб кетиш учун келган эди. Лекин ўртоқлар сўзларида қатъий турдилар. Кеч кирган бўлишига қарамай, машина жойидан қўзғала олмади!»

Шаҳар ишчиларининг қарши туришлари ҳақидаги хабарлар французларга газетани жуда ҳам яхши танитди. Лекин газета қанча тез сотилса, редакция ишчиларита шунча кучлироқ хавф туғилар эди. Газета учун қофоз магазинлари қофоз сотмай қўйдилар. Бугун кечқурун бўлса тўсатдан электр ўчиб қолди.

— Лаънатилар, ҳамма ёқнинг электрини ўчириб қўйдилар-ку! — дерди кимдир.

— Қўшниларда ҳам ўчганимикин, билиш керак эди.

Бир ишчи ташқарига югуриб чиқди.

— Ёнимиздагиларникида электр бор. Улар фақат бизнинг биноникини узиб қўйибдилар,— деб бақиради у.

Одамлар бирпас ҳайрон бўлиб туришади. Старший наборшчик лабини қимтиб туриб:

— Мен ҳозироқ электростанцияга бораман! Ҳозир ҳамма нарса шунга боғлиқ бўлиб қолди, — дейди-да, велосипедига ўтириб жўнайди.

Редакция хонаси одам билан лиқ тўла бўлганидан ҳавоси ҳам бузилган. Кимдир ишонмаган ҳолда гапиради:

— Газета чиқмайди. Лаънатилар!

— Келинглар, машинани қўл билан айлантирамиз!— деб таклиф қиласди кимдир.

Агар қўл билан айлантирадиган бўлсак йигирма-үттизатина газета чиқарамиз, холос!

Аммо текстни набор қилиш давом эта беради.

— Ўртоқ, бориб беш-олтита шам сотиб олиб келгин. Фақат тезроқ,— деб илтимос қиласди бир ишли.

— Сотиб олиб келишган-ку.

— Бор бўлса ёқинглар! Вақт кетиб қолди. Ҳали овқатланишимиз ҳам лозим.

Газета рамкалари ёнида бир лаҳзанинг ўзида саккизта шам пайдо бўлади. Бензин ҳиди анқийди, устмавуст тушаётган қофоз вараги шалдирар, машина тинмай гулдирар эди.

Бироннинг секин гапирган товуши эшитилади.

— Кечаки мен ҳалқаро комиссияга келган полковник Ха Ван Ляуни¹ кўрдим. У қизил байроқлар билан безатилган янги машинада келди. Машинани бизнинг солдатимиз ҳайдаяпти.

— Дўстим, сен ҳали Чан Хионг Дао² кўчасидаги қизил байроқлар билан безатилган Хо Ши Миннинг портретини кўрганинг йўқ. Портрет ҳозирча уйнинг ичига осиб қўйилибди. Душманнинг орқамиздан келаётган учта солдати бизни у ердан ҳайдаб юборди. Чамаси у ерга кириш мумкин экан.

— Полковник Ха Ван Ляу билан солдатлар ҳам бор эди. Уларни кўрганда одам жуда хурсанд бўлади-да!

Ҳикояни ҳамма катта қизиқиш билан эшилади. Шу пайт эшик орқасидан старший наборщикнинг товуши эшитилади. Ҳамма яна: нима бўлди экан, деган ташвишга тушади. Велосипедни тез ҳайдаганидан ҳарсиллаб кетган «старший» гап бошлайди:

— Ҳамма одамлар машиналарга қараб тургани қолишиди. Ҳеч ким электр симини улагани боргиси келмади. Бу эса типография учун катта аҳамиятга эга. Биттамиз бориб элекър симларини тўғрилаб келишимиз зарур. Чунки эртага газета чиқиши лозим! Ўлишимга сал қолди-я!

¹ Полковник Ха Ван Ляу — Вьетнам ҳалқ армиясининг Вьетнамда тинчлик ўрнатиш бўйича Ҳалқаро комиссия қошидаги алоқа делегациясиининг бошлиғи.

² Чан Хионг Дао — Вьетнам ҳалқининг миллий қаҳрамони (XIV асрда яшаган).

— У бир оз жим тургандан сўнг давом этди: — Машинага навбат билан қараб турамиз. Типографиянинг ўзида ухлаймиз!

Кўчада соат олтидан бошлаб юриш мумкин эмаслигига қарамай газета тарқатувчи болалар соат тўрглардан бошлаб эшик тақиллата бошладилар.

Типография машиналари тинимсиз ишларди. Чунки болаларнинг янги бир группаси газета пойлаб туришар эди. Уларнинг кўпчилиги газета берувчидан хафа бўлиб, сўкинишар эди. Эрталаб соат тўрт яримда типография эшиги очилиши билан типографияга одам ёпирилиб киради. Йигирмадан ортиқ одам типографияга кириб, янги газета талаб қила бошлайди. Улар машинани ўраб олганларича навбат кутиб турадилар.

— Менга икки юзта.

— Ҳозирча юзтасини оласан, қолганига кейин кел, бола!

— Менга бу етмайди! Икки юзта керак.

Сўкиниш, шовқин-суронлардан машинанинг ҳам овози эшитилмай қолади. Бир қанча печатниклар чарчоқ, уйқусираган кўзлари билан қофозни эътиборсиз тахлайдилар.

— Нечта бўлди?

— Етти минг!

— Оббо, яна уч ярим минг керак-ку! Агар тезроқ босмасантлар мен роса гап эшигаман-да.

Машиналар олдида ҳамон сўкиниш овозлари эшитилиб туради. Газета тарқатувчиларнинг баъзилари газетани четга олиб чиқиб, шошилмай ўқишади: «Ханой ишчиларининг машиналарни сақлаб қолиш учун курашлари». Унга газетачи болалар қўшилишадилар. Улардан бири овозини чиқариб ўқий бошлайди: «Шаҳарни қабул қилувчи активистларнинг биринчи группаси бугун соат саккизда Ханойга киради».

— Болалар! Келинглар, газеталарни тез сотиб бўлиб, шаҳарга биринчи кирувчи активистларни томоша қилгани борамиз.

Типографиядаги печать машиналар ҳали ҳам тақирилар эди. Машиналар олдида газ бўйи қофоз уюмлари турар эди. Олинадиган газетанинг сони ҳақидаги жанжал ҳам давом этмоқда. Кўчада газета сотувчилар ҳам секин-

аста камая бошлайди. Совуқ шамол типографиянинг эшик ва ойналарида гувиллайди.

Газета сотувчи чоллардан бири:

— Бизнинг солдатлар пойтахтга кириб борар экан, босқинчиларнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди!

— Лекин ёш активистларимиз ҳали шаҳарни қўлга киритганлари йўқ-да!— деб кимдир эътиroz қилади.— Жуда тўйиб кетдик-да! Бу францувлар ҳали бизни қала-ка қилиши ҳам мумкин! Одамга алам қилади!

Эрталаб яна ҳаёт қайнайди. Ҳар бир одам машина ва асбоб-ускуналарни олиб қолиш учун бўлаётган кураш ҳақидаги янгиликларни эълон қилувчи газетадан олиш учун шошилади. Агар электростанциядан асбоб-ускуналарни олиб кетиб қолсалар Ханой зулмат ичидаги қолади. Бутун муассасалардаги ишлар, газета чиқаришлар тўхтаб қолиши турган гап... Бу редакция ва типографияда ишловчи ўртоқларнинг кундалик гап темалари эди. Улар машиналарни сақлаб қолиш учун бўлаётган курашни кенгайтириш ва мустаҳкамлашни пропаганда қиладилар ва бу ҳаракатга оммавий тус беришга муваффақ бўладилар.

Йўл устида қўғирчоқ ҳукумат армиясининг улкан юк машиналари туради. Полициячилар бир-бирига ёрдам берib, шошилмасдан кузовга чиқмоқдалар. Уларга ҳеч ким эътибор ҳам бермайди.

Муассасаларда ғовур-ғувур зўр. Ханойнинг бутун катта-кичик аҳолиси пойтахт чирофини сақлаб қолиш учун кўтарилган. Электростанцияда ишловчи ўртоқлар шаҳар халқига сув етказиб беришга ҳаракат қилишмоқда. Шаҳарга сув ва материал буюмлар етказиб берувчи муассасаларнинг асбоб-ускуналари босқинчилар гомонидан қонунсиз равишда олиб кетилишига йўл қўйилиши мумкин эмас!

Лекин пойтахтни бизнинг солдатлар томонидан қўлга киритиш арафасидаги манзараси жуда гўзал эди. Шундай бўлишига қарамай очиқ чеҳрали кишилар машиналарни бермаслик учун, Ханой буюмларини тўла-тўқис сақлаб қолиш учун охирги минутларгача курашга тайёр эканликларини намоён қилдилар. Аммо армиямизни пойтахтга қачон киришини ҳеч ким аниқ билмас эди. Ана шу кун яқинлашиб келган сарн Ханой ишчилари яна-да жипслашаверар, асбоб-ускуналарни тўла сақлаб қолиш учун курашга бирлашар эдилар. Ҳар бир соат, ҳар

бир минут сайин вазият кескинлашиб борар эди. Бизни-
киларнинг пойтактга келиш куни яқинлашган сари ша-
ҳарда ҳаёт қайнар эди.

Активистлар тушган икки машина гизиллаганича шаҳарга кириб келади. Редакция ходимлари кўчага югу-
радилар. Кутуб олиш учун айтилаётган қувончили қий-
қиурвлар янграйди: «Яшасин, бизнинг активистлар! Нима
учун улар кўл ёнида тўхтаб қолишли?» — деган сўроқ-
лар гуриллайди.

Бир зум ичида кўл ёнидаги кўчада яшовчилар акти-
вистлар тушган машинани ўраб оладилар. Улар Чионг
Тхи кўчасини ҳам тўлдириб юборадилар. Бутун Ханой
эркин нафас олади. Ҳамма қувониб: «Энди бу ерга ўзи-
мизникилар келишиди» деб қичқиради.

* * *

Ҳамма ёқ ўзгариб кетади. Еттинчи октябрь кечқурун тўртта ишчи бир дараҳтга байроқ тикади. Қизил бай-
роқда зардан қилинган юлдуз порлаб туради. Бу ҳамма-
ни қувонтиради, яйратади.

Байроқда акс этган электр лампасининг ёруги, ишчи-
ларнинг ҳорғин кўриниши, уйқусизликдан ич-ичига
тушиб кетган кўзлари — буларнинг ҳаммасида қаттиқ
ишонч сезилиб туради. Старший наборшчик байроқни
аста ўраб туриб дўстларига:

— Индинга эрталаб бу байроқни бино тепасига тика-
миз! — дейди.

Душман милтиқларининг оғзи қаратилгани учун на-
фас олиш ҳам оғир. Бутун Ханой кенг ёйилиб кетган
кураш ҳавосидан нафас олади.

Типографияда ҳамон машинанинг ўша бир хил гул-
дираши эшитилади. Газетанинг янги сонлари охирги
ахборотлар эълон қилмоқда. Мана энг муҳим бўлган
бугунги сони ҳам босилиб бўлинди. Бир ишчи газетани
қўлга олиб:

— Хо Ши Миннинг портрети жуда яхши чиқибди! —
деб газетани гуруч унидан қилинган ширач суреб де-
ворга ёпиштириб қўяди.

Ярим қоронғи уйдаги печать станоклари шовқини
ичида баҳодир ишчилар Хо Ши Миннинг портретига қу-
вонч билан тикилишади.

МУНДАРИЖА

<i>Сўз боши.</i>	<i>В. Карпов</i>	3
<i>Муҳсин Алиев таржималари:</i>		
<i>Нгуен Хонг — Ўқитаман</i>		15
<i>Нам Као — Фронт йўлида</i>		19
<i>Нгуен Динь Тхи — Тунги штурм</i>		24
<i>Буи Хиен — Чандик</i>		38
— Учрашув		54
<i>Ким Лан — Бахти тўй</i>		75
<i>Нгуен Конг Хоан — Ўгри</i>		89
— Мунофик		105
— Қувонч		112
<i>Усмон Шамсимиҳамедов таржималари:</i>		
<i>До Као Данг — Деннинг ҳаёти</i>		121
<i>То Хоай — Эр-хотин А Фулар</i>		135
<i>Чонг Ван Тхань — Бир пакет конфет</i>		165
<i>Нгок Зяо — Кўзнинг очилиши</i>		177
<i>Ту Нам — Тикланиш</i>		186
<i>Чонг Уйен — Ёруғликни сақлаб қоламиз</i>		195

БИБЛИОТЕКА КГПИ

Инв. № 37736

На узбекском языке

•РАССКАЗЫ ВЬЕТНАМСКИХ ПИСАТЕЛЕЙ•

Гослитиздат УзССР — Ташкент 1960

Редактор *Комил Пұлатов*

Рассом *Г. Остапенко*

Рассом редактор *Г. Бедарев*

Техн. редактор *Т. Скиба*

Корректор *Н. Соидиков*

* * *

Босмахонага берилди 5/XI-1959. Босишига рухсат этилди 25/XII-1959. Формати 84×108^{1/3}.
Босма листи 6. 375. Шартли босма листи 10.45. Нашр л 11,1. Индекс н/а. тиражи 15000.

УзССР Давлат бадний адабиёт нашриёти. Тошкент Навоий кўчаси, 30

Шартнома № 333-58

* * *

УзССР Маданият министрилиги Ўзглавиздатининг З-босмахонаси. Тошкент.
Ленинград кўчаси, 15. Заказ № 313. Баъсси 7 с.

ЎзССР ДАВЛАТ БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
Босилиб чиқди ва китоб магазинларида сотилмоқда

Минг бир кечада. Араб эртаклари. Биринчи том.
376 бет. Баҳоси 11 сўм 75 т.
Эрон халқ эртаклари. Форсчадан таржима. 326 бет.
Баҳоси 6 сўм 75 т.
Лу Синь. Танланган асарлар. 368 бет. Баҳоси
7 сўм 80 т.
Чжсоу Ли-бо. Довул. Роман. 522 бет. Баҳоси
9 сўм 80 т.
A. Карник. Кашмир маликасининг сири. 80 бет.
Баҳоси 1 сўм 45 т.
P. Тагор. Асарлар. I том. Ҳалокат. Роман. 330 бет.
Баҳоси 6 сўм 25 т.
Мўғул шоирлари. 188 бет. Баҳоси 4 сўм 75 т.

Яқинда босилиб чиқади

Сабоҳиддин Али. Ҳикоялар. 10 босма лист. Баҳоси
7 сўм.
Решад Гунтекин. Чоли қуши. Роман. 20 босма
лист. Баҳоси 13 сўм.
Б. Бҳаттачария. Очарчилик. Роман. 15 босма
лист. Баҳоси 9 сўм 50 т.

Бу китоблар Ўзбекниготорг ва матлубот ко-
операцияси магазинларида топилмаса, заказлар
қўйидаги адресга юборилсин:

**Тошкент. Ўзбекистон кўчаси, 11. Ўзбекниго-
торнинг „Книга-почтой“ бўлими.**

